ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

Гулчеҳра Наврўзова

# ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент – 2021

**УЎК: 903.2.:17.022.1(575.1)**
**КБК 79.1(5Ў)**
**Ў 20**

**Масъул муҳаррир:**
*Болтаев Муҳаммад Назарович,*
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**
*Абира Хусейнова, фалсафа фанлари доктори, профессор*
*Эркин Зоиров, Бухоро муҳандислик-технология институти*
*«Ижтимоий фанлар» кафедраси мудири, доцент*

**Г.Н.Наврўзова**
**Ў 20** **Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси** [Матн] / Г.Н.Наврўзова – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси, 2021. – 244 б.

Монография 2020 йилда Бухоро шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги Ф-4988-сонли «Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойишининг ижроси мақсадида тайёрланди. Мазкур монографияда Бухорои Шарифнинг еттинчи пири Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари ва маънавий мерослари ҳақидаги манбалар асосида маълумот берилган. Монография ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф таълимотининг тадқиқотчилари ҳамда мазкур масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Бухоро муҳандислик-технология институти илмий кенгаши томонидан 2021 йил 29 ноябрдаги 3-сонли баённомага асосан нашрга тавсия этилган.

**УЎК: 903.2.:17.022.1(575.1)**
**КБК 79.1(5Ў)**

**ISBN 978-9943-19-544-8**

© Г.Н.Наврўзова
© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси, 2021.

# КИРИШ

## МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

*Инсоният маънавий камолотининг энг мақбул, энг яқин, қисқа ҳамда мўътадил, меъёрдаги йўли бўлган жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган табаррук инсон Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон, Хожаи Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдир.*

Мустақиллик йилларида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меросига оид манбалар таржима қилинди, рисола ва мақолалар нашр этилди. Лекин, шунга қарамай, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва маънавий мероси илмий далиллар асосида тарихийлик ва мантиқийликка уйғун равишда етарли даражада ёритилмаган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва таълимоти ҳақидаги асосий манбалар Салоҳиддин ибн Муборакнинг «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин», Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асарларидир. Бу манбалар асосида кейинчалик Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахриддин Али Сафий ва бошқалар ўз тазкира, рисола, мақомот ва маноқибларида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумот берганлар[1]. Биз мазкур тадқиқотимизда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари ва маънавий меросларини янгича илмий ёндашув билан ёритишни ният қилдик.

Баҳоуддин Нақшбанднинг асл исми Муҳаммад бўлиб, мақтовга муносиб бўлган зот маъносини англатади. Бу ҳақда манбада қуйидагича ёзилган: «Аларнинг оти Муҳаммад б. Муҳаммад Бухорийдур»[2]. Бу табаррук сиймо ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойида таваллуд топган. «Билгилки, Ҳазрати Хожайи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари етти юз ўн саккизинчи йилнинг муҳаррам ойида юз берган. Бу Азизон яшаган асрдир»[3]. Олимларнинг аниқлашича, бу сана милодий 1318 йилнинг 5 марти-

[1] Қаранг: Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Н. Наврўзова. Тошкент: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256-б.

[2] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 261-б.

[3] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ.й – Б. 3. (Бундан кейин Мақомот).

дан то 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келади. У киши дунёга келган муборак макон Бухоро шаҳрига яқин Қасри Ҳиндувон бўлган. Ҳозирги кунда бу муборак манзил Баҳоуддин Нақшбанд шарофати билан Қасри Орифон деб аталади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг оталари кимхоб тўқувчи ҳунарманд Сайид Муҳаммад Бухорий ибн Сайид Жалолиддин бўлганлар. Волидаи муҳтарамалари Биби Орифа Хожа Хизр авлодидандир. Баҳоуддин Нақшбанднинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдир.

Муҳаммаднинг жуда гўзал ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги учун халқ эъзозлаб Баҳоуддин, яъни диннинг қиймати, ҳусни, жамоли, равшанлиги деган улуғ номни берган. Дастлаб Баҳоуддинни оталари билан биргаликда кимхобга нақш боғлаганликлари учун касб-ҳунарларига уйғун Нақшбанд деган бўлсалар, кейинчалик у киши қалбида Тангри зикри нақш боғланганлиги ва яратган таълимотлари туфайли издошларининг ҳам қалбида Аллоҳ нақшланганлиги учун аввал Нақшбанд, кейинчалик Шоҳ Нақшбанд номи билан бутун оламга машҳур бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд икки бор Ҳаж зиёратига борганлар ва иккинчи марта борганларида Зайниддин Тойибодий билан учрашганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 791 йил, душанба кечаси раббиул аввал ойининг учинчисида, милодий 1389 йил 2 март куни вафот этдилар[4]. У кишининг муборак қабрлари Қасри Орифонда жойлашган бўлиб, жуда обод зиёратгоҳдир.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон тариқати шайхларидан Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Ҳазрат Азизон руҳидан, Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Ориф Деггаронийнинг ўзларидан илм олдилар. Шу билан бирга Яссавия тариқати шайхлари Халил ота, Қусам шайхлар орқали бу таълимот билан ҳам танишдилар ва бу икки тариқатдаги энг илғор, халқ камолоти учун керакли ғояларни олиб, улар асосида янги камолот йўлини ярата бошладилар. 1370 йил Амир Кулол вафотларидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд мустақил ўз тариқатларига асос солдилар. Бу тариқат номи Нақшбандия бўлиб, у Бухорои Шарифда ташкил топди ва кейинчалик жаҳоний тариқатга айланди[5].

Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолотга оид қуйидаги фикрлари барча Нақшбандияга оид манбаларда келтирилган: «Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим». Демак, бу йўлда ҳимматнинг ўрни катта экан. «Ҳиммат» араб тилидан олинган сўз бўлиб, ирода, кучли

[4] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 265-б.

[5] Қаранг: Наврўзова Г. Н. Нақшбандия камолот йўли. Т.: «ФАН», 2007. 189-б.

ирода, азм, аҳд, қасд, жидду жаҳд ва тиришмоқ маъноларини англатади. Демак, бу йўлга кирган инсон жидду жаҳд ва кучли ирода билан ҳаракатда бўлиши лозим экан. Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдларига шундай ўгит берган эдиларким, «Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса мен сизни кечирмайман». Манбада Баҳоуддин етти йил риёзатда мушоҳадада бўлганлиги ёзилган.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўлларини янгича илмий услублар асосидаги мантиқий таҳлил қилиб, қуйидаги камолот даврларига бўлишни лозим топдик:

1. Илк зоҳирий ва ботиний илмлардан олган сабоқлар ва маънавий устознинг муборак нафаслари таъсири натижасида улғайиш даври. Уч кунлик чақалоқликдан то ўн саккиз ёшгача Муҳаммад Бобойи Самосийдан таълим-тарбия олиш даври.

2. Илк увайсийлик ва ниёзмандлик даври. Хожа Хизр а.с. ўгитлари асосида нафсни бошқариш, инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва тўрт унсурга меҳру мурувват билан муносабатнинг шаклланиш даври. Бу давр ўн беш йилдан кўпроқ чўзилган.

3. Яссавия таълимоти асосларидан илк сабоқлар олиш – Халил Ота – Халил Султонга хизмат қилиш даври. Бу давр 1336–47 йилгача ўн икки йил давом этган.

4. Увайсийлик даври. Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳиятидан Хожагон таълимоти одобига оид сабоқлар. Бу давр Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий таълимоти Ревартун қишлоғида яшаш davридан бошланган. Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрати Азизон кулоҳини ҳам шу даврда кийган ва ҳолати ўзгарган.

5. Хожагон тариқати одобига оид сабоқлар олиш даври. Амир Кулол ва Ориф Деггароний даргоҳларида олинган ўн тўрт йиллик сабоқлар.

6. Яссавия тариқатидан олинган янги сабоқлар даври. Қусам Шайхдан уч ой олинган таълим.

7. Таважжуҳ даври. Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиғи билан юзланиб Увайс Қараний, Хаким Термизий, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Шайх Шиблий, Мансури Халлож, Абдулқодир Гийлоний, Имом Қушайрий, Фаридуддин Атторлар руҳига тавжжуҳ килиб, уларнинг таълимотидан баҳраманд бўлган давр.

Ўз даврининг қутби, Шоҳ Нақшбанд, Баҳоуддин, Хожаи Бузург, Намаки Машойихҳо, яъни шайхларнинг тузи каби номлар билан машҳур бу табаррук зотдан бизларга инсоният камолоти учун зарур бўлган маънавий мерос қолган. Баҳоуддин Нақшбанднинг араб, форс, турк ва тожик тилларини билганликлари, Қуръон ва ҳадислардан таълим олганликлари ва улуғ инсонлардан сабоқ олганликларининг барчаси у киши яратган маънавий

меросда ўз аксини топган. Бу зиёли, нурли ва табаррук зотдан бизларга қуйидагилар мерос қолди:

1. Жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқати.

2. «Авроди» рисоласи.

3. Манбаларда Қудсий – муқаддас деб қайд этилган ҳикматли сўзлари.

Ҳар бир жараён ва тараққиётнинг барқарор бўлиши унинг мустаҳкам асоси борлигига боғлиқдир. Комил инсонни тарбиялаш жараёни жуда нозик ва мураккабдир. Шунинг учун бу вазифани амалга оширишда унинг хусусиятларини инобатга олиб, комил инсонни тарбиялаш асослари ҳақида илмий изланишлар ва мантиқий таҳлилларни амалга ошириш керак. Шундагина бу соҳадаги ишларимиз яхши самара бериши мумкин. Комил инсонни тарбиялашнинг мустаҳкам асосларидан бири тасаввуфий таълимотлардир. Хусусан, тасаввуфий таълимотларнинг асли, хулоса ва қаймоғи саналадиган, бошқа тариқатларнинг интиҳосини ибтидодаёқ эриштира оладиган Баҳоуддин Нақшбанд яратган жаҳоншумул Нақшбандия таълимотининг ғоялари комил инсоннинг тарбияси учун мустаҳкам асосдир. Чунки бу таълимот инсонни ғафлат уйқусидан уйғотиб, Ҳақ ва ҳақиқат йўлини топишга ва тўлақонли ҳаёт кечиришга ёрдам берадиган камолот йўлидир[6].

Инсониятга нажот йўлини топиши учун раҳбар бўлган муқаддас илоҳий китобларнинг мукаммали – Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси 256-оятида шундай ёзилган: «Динда мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, Ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи Зотдир». Юқоридаги оятнинг тафсиридан аён бўладики, иймон Ҳақ йўлидир. Ҳақ йўлидан чиқиб, туғёнга кетганлар тоғут йўлига киради. Тоғутни куфр йўл деб билган ва Аллоҳга иймон келтирганлар «Урвату-л-вусқо», яъни узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаганлардир.

«Мақомоти ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида Хожаи Бузургнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Бизнинг тариқатимиз «Урвату-л-вусқо»нинг нодир кўринишларидандир»[7]. Бу ҳикматли сўздан аён бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари яратган камолот йўли бўлган Нақшбандияни «Урвату-л-вусқо», яъни узилмайдиган, мустаҳкам тутқичнинг нодир кўринишларидан бири эканлигини таъкидлаганлар. Бу билан Баҳоуддин бу йўлнинг нодир, яъни камёб, топилмас, озгина амал билан жуда кўп файзу футуҳ берадиган, барча тариқатлардаги энг яхши ғояларни ўзида мужассам этган гўзал равиш эканлигини уқтирганлар.

[6] Қаранг: Наврўзова Г. Н. Нақшбандия камолот йўли. Т.: «ФАН», 2007. 189-б., Наврўзова Г. Н. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти / Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2017. 34-62-б.

[7] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 120-б.

Қуръони Каримда Ҳақ йўл бўлган иймон йўлини «Урвату-л-вусқо»деб марҳамат қилинган бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф, шариат ва суннатга асосланган тасаввуфдаги ҳушёрлик ва меъёрдаги камолот йўли бўлган Нақшбандия таълимоти ва тариқатини ҳам узилмайдиган мустаҳкам тутқич деб атамоқдалар. Бу билан бу йўлни танлаган ва шу йўлнинг талабларига амал қилган инсоннинг тараққиёти, камолот сари парвозлари узлуксиз, барқарор ва абадий бўлади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Мустақиллик йилларида Нақшбандия таълимотини манбалар асосида илмий ўрганиш бошланди. 1991 йил академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида чиққан «Из истории суфизма: источники и социальная практика» илмий мақолалар тўплами бу соҳадаги илк қадамлар бўлиб ҳисобланади. Р.А.Тиллабоевнинг «Нақшбандия тариқати масаласига доир» мақоласи шу тўпламга киритилган. Бу муаллифнинг шу мавзуда нашр этилган жуда кўп мақолалари ҳам диққатга сазовордир.

1992 йил 4 ноябрда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини ўтказиш бўйича муборак Фармонини эълон қилди. Фармон ижросини амалга ошириш учун олимларимиз саъй-ҳаракат қилдилар ва натижада кўп манбалар таржима этилиб, илмий жамоатчилик диққатига ҳавола этилди.

Мустақиллик йилларида Нақшбандия таълимотига оид қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилди:

а) манбалар таржима қилинди ва нашр этилди;

б) илмий тадқиқотлар олиб борилди, натижалар эълон қилинди ва илмий даражалар берилди;

в) рисола, монография, асар ва мақолалар чоп этилди.

1993 йилда «Мовароуннаҳр» нашриёти томонидан Ш.Бобохонов ва Абдулазиз Мансурлар томонидан тайёрланган «Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи» нашр этилди. Унда Ўз.ФА Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган Нақшбандия таълимотига оид қўлёзмалар тавсифи берилган.

Мустақиллик йилларида, аввало, асосий эътибор Баҳоуддин Нақшбандга оид манбаларнинг таржима ва таҳлилига қаратилди. Манбашунос олим Маҳмуд Ҳасаний 1401 йилда Нақшбанднинг шогирди Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али томондан ёзилган жуда қимматли манба бўлган «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарини форсий тилдан таржима қилиб, 1993 йили Тошкентдаги «Ёзувчи» нашриётидан «Баҳоуддин Балогардон» номи билан чоп этди. Ушбу манба 2019 йили «O‘zbekiston» нашриёти томонидан «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» номи билан қайта нашр этилди. «Мақомот»да Баҳоуддин Нақшбанд-

нинг ибратли ҳаёти, инсонпарварлиги, халқнинг тинч ва хотиржам яшаши учун зарур бўлган ҳикматли сўзлари келтирилган.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Мақомоти Ходжа Баҳоуддин Нақшбанд» асарини 2013 йилда Р.Х.Чепкунов (Равиль ибн Ханафи) форс тилидан рус тилига тўла таржима этди. «Мақомот»нинг рус тилидаги таржимаси 2013 йилда Уфа шаҳридаги «Каусяр» нашриёти томонидан чоп этилди. Бу асар 272-бетдан иборат бўлиб, «Мақомот»нинг рус тилидаги биринчи тўла таржимасидир.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» тазкираларидаги Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлар ҳаёти ёритилган лавҳалар таржима ва таҳлил этилди.

1993 йили Тошкентдаги «Ўзбекистон» нашриётидан Идрис Шоҳнинг «Нақшбандий тариқати» асари ўзбек, инглиз, рус тилларида нашрдан чиқди. Бу рисола Идрис Шоҳнинг 1968 йили Лондонда босилган «Сўфийлик тариқати» китобидан олинган. Рисолани ўзбек тилига Ваҳҳоб Рўзиматов таржима қилган.

Нақшбандшунослик соҳасида навоийшунос олимлар А.Ҳайитметов, Иззат Султон, Ҳамидхон Исломий, Султонмурод Олим, Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Сайфиддин Сайфуллоҳ ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари эълон қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Алишер Навоийнинг асарларини таҳлил этиб, Иззат Султон 1994 йилда «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» номли рисола тайёрлаб, «Фан» нашриётидан чоп этди. Унда Нақшбандия тариқатининг ҳозирги давр учун аҳамиятли жиҳатларига махсус эътибор берилган. 1995 йилда «Мовароуннаҳр» нашриёти Ҳамидхон Исломийнинг «Ипор ҳид билан туғилган ориф» (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) деган рисоласи чоп этилди. Султонмурод Олим 1996 йилда «Нақшбанд ва Навоий» асарини нашр этдилар ва унда Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандияга оид меросини илмий таҳлил этдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд ва умуман тасаввуф илми ҳақида энг мукаммал тадқиқот олиб борган ва асар ёзган олим Нажмиддин Комиловдир. У киши томонидан ёзилган «Тасаввуф» асари 2009 йилда «Movarounnahr» – «O'zbekiston» нашриётидан чоп этилди. Бу асар тасаввуф ҳақида яхлит, тизимли маълумот бериш билан биргаликда Нақшбандия таълимотининг тасаввуфдаги ўрнини ҳам очиб беради.

1993 йилда шарқшунос олим Ориф Усмон «Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида» номли рисолани чоп этдилар. Унда биринчи марта Нақшбандияга хос бўлган 11 тамойил батафсил таҳлил этилган.

Садриддин Салим Бухорий Баҳоуддин Нақшбанд ва Етти пир ҳақида энг кўп жонкуярлик билан мақолалар, рисола ва асарлар чоп этиб, радио ва

телекўрсатувлар тайёрлаб, халқ ўртасида маърузалар билан чиққан таржимон, нақшбандшунос олимдир. «Мақомоти Амир Кулол» ва «Шоҳи Нақшбанд мақомотлари»дан асосий қисмларини Садридин Салим Бухорий ва Исроил Субҳонийлар таржима этиб, «Дурдона» номи билан Тошкентдаги «Шарқ» нашриётидан 1993 йилда чоп этганлар. Садриддин Салим Бухорийнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир» номли рисолалари халқнинг энг севимли ва жуда қўлма-қўл бўлиб ўқийдиган китобларидан биридир. Садриддин Салим Бухорий шу манбалар таҳлили асосида 2007 йилда Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриётидан «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр)» тарихий-маърифий китобни тайёрлаб чоп этдилар. Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимов тайёрлаган ва 2004 йил «Бухоро» нашриёти томонидан чоп этилган «Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний» илмий-маърифий рисолалари Бахоуддин Нақшбанд ҳаётини мукаммалроқ ўрганишга ёрдам беради. Садриддин Салим Бухорийнинг «Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари» тарихий-маърифий рисоласининг тўлдирилган иккинчи нашри Тошкентдаги «Navro'z» нашриётидан 2015 йилда чиқди. 2016 йилда «Шариф шаҳар шоири» (Таниқли шоир ва таржимон, тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорий ҳаёти ҳамда илмий-ижодий фаолиятига чизгилар) номли асар «Дурдона» нашриётидан чиқди. Асарда шоирнинг шу соҳадаги хизматлари қайд этилган.

Бухоролик олим Нарзулло Йўлдошев 2003 йилда «Бухоро» нашриётидан «Баҳоуддин Нақшбанд» номли рисолани нашр этдилар ва унда бу валийнинг ҳаёт фаолиятини ёритиб берганлар. Нарзулло Йўлдошевнинг Бухоро авлиёларига бағишланган бошқа асарларида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия шайхларига оид маълумотлар бор. Нарзулло Йўлдошев ва Шавкат Бобожоновнинг «Баҳоуддин Нақшбанд тарихий-меъморий мажмуаси» асари 2019 йил «Наврўз» нашриётида чоп этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб, Бухоро давлат университетида «Жаҳон мулкининг нигоҳбони (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва мақолалар тўплами)» нашр этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд санасига бағишлаб 1993 йили шарқшунос олим Баҳодир Қазоқов Носириддин Тўранинг «Туҳфат уз-зоирин» асаридаги Нақшбандияга тааллуқли қисмларини таржима этиб, «Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари» номли илмий – оммабоп тўпламни нашр этдилар. Бу тўплам ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилганлиги билан диққатга сазовордир. Шу билан биргаликда манбалар асосида рисолада «Нақшбандия–Хожагон шайхларининг силсиласи» икки тилда тартибга келтириб ўқувчилар диққатига ҳавола этилган.

1995 ва 2004 йилда «Авлиёлар султони. Туронлик валийлар» номидаги Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг асари Икромиддин Остонақул ўғли Оққўрғоний томонидан таржима қилиниб, чоп этилган. Бу тазкирада ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги 1993 йил 16 сентябрда нишонланди. Шу санадан бошлаб Бухорода ҳар йили сентябр ойининг учинчи жумасида анъанавий нақшбандхонлик анжуманлари мунтазам бўлиб турмоқда. 2008 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишлаб «Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди, унинг материаллари тўплам шаклида чоп этилди. Тўпламда Н.Комилов, О.Усмон, А.Жузжоний, Р.Воҳидов, М.Хасаний, С.Олим, С.Рафиддинов, Ҳ.Тўраев, Э.Ўктан, Ҳ.Йўлдошхўжаев, Н.Ҳасан, О.Жўрабоев ва бошқаларнинг Нақшбандия таълимотига оид мақолалари киритилган.

Ўзбекистонда Нақшбандия таълимотини ўрганишга аҳамият кучайгандан кейин Бухоро давлат университети ҳузурида 1993 йилда Нақшбандия илмий маркази иш бошлади. Марказда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Кейинчалик бу марказ Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги «Нақшбандия» музейи ҳузурига кўчирилди. Марказ ташаббуси билан Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб 1993 йил сентябр ойида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Унда Германиядан Юрген Пауль, Аннамарие Шиммел Хонум, Нажмиддин Комилов каби йирик нақшбандшунос олимлар қатнашдилар. Бу марказ ташаббуси билан «Нақшбандия» газетаси чоп этилди. Нақшбандияни тарғиб этишда «Нақшбандия» газетасининг ўрни катта. 1996 йилдан 2000 йилгача «Нақшбандия» номли илмий-маърифий газета Исроил Субҳоний ва Шуҳрат Фармоновлар ташаббуси билан нашр этилди ва Нақшбандияга оид жуда кўп қизиқарли маълумотлар ёритилган. Баҳоуддин Нақшбанд илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида «Нақшбандия» музейи ташкил этилди. Мазкур музей ҳозирда ҳам фаолият кўрсатмоқда. 2008 йилдан бошлаб «Нақшбандия» журнали нашр қилина бошланди. Нақшбандия таълимотини ёритишда журналнинг ўрни катта. Бу журнал мунтазам Нақшбандияга оид мақолаларни ёритиб бормоқда. «Нақшбандия» журнали Султонмурод Олим редакторлиги Комилжон Рахимов илмий котиблиги ва жонкуярликлари натижасида мунтазам нашр этилмоқда.

«Нақшбандия» илмий маркази «Етти Пир ва Баҳоуддин Нақшбанд юрган йўллар» бўйича туристик зиёрат ва Баҳоуддин Нақшбанднинг Ҳаж зиёратига борган йўллари схемаси бўйича халқаро илмий экспедиция ташкил этиш ташаббускори бўлиб чиққан эдилар. Бу ғоялар бугунги кунда амалга ошмоқда.

2010 йилда «Насаф» нашриётидан Йўлдош Эшбек томонидан нашрга тайёрлаган «Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий» китоби муаллиф изоҳлари билан чоп этилди. Бу асарда Баҳоуддин Нақшбандга оид туркий манбалар таржимаси берилган. Асар етти бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда муаллиф манбаларга таянган ҳолда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, иккинчи бўлимда ҳоллари ва ахлоқий шахсиятлари, учинчи бўлимда Шоҳи Нақшбанднинг айтган сўзлари, тўртинчи бўлимда ҳикматлари, бешинчи бўлимда маънавий мероси, олтинчи бўлимда устозлари, еттинчи бўлимда шогирдлари то Хожа Убайдуллоҳ Аҳроргача келтирилган. Бу тадқиқотнинг қийматли томони шундан иборатки, унда Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида келтирилган Баҳоуддин Нақшбанднинг ўн иккита ҳикматли сўзлари Наждат Тўсун томонидан турк тилига ўгирилган таржималар таҳлили асосида берилган.

Мансуржон Азим ўғли 2015 йилда Тошкентнинг «Сано-стандарт» нашриётидан «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд» номли тарихий-маърифий рисолаларини тўлдириб қайта нашр этдилар. Бу рисола ҳам манбалар таҳлили асосида ёзилган.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия таълимотини асослаган бўлса, унинг шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний ва Яъқуби Чархийлар унинг ишларини давом эттирганлар. Хожа Аҳрор Валий бу таълимотни жаҳоний тариқатга айлантирган. Маҳдуми Аъзам ва Жўйбор шайхлари уни ривожлантирганлар. Булар ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борилди ва манбалар нашр этилди.

Маҳмуд Ҳасаний Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид айтган сўзлари ҳақидаги Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарини форсий тилдан таржима этиб, «Миллий тикланиш» газетасининг 1997 йил 29-43 сонларида чоп этди. Бу жуда қимматбаҳо манбадир, чунки унда Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси бўлган Муҳаммад Порсо ўзи бевосита эшитган маърифатга оид ҳикматли сўзларини ёзган. Бу манба Баҳоуддин Нақшбанд айтган ҳикматли сўзлар жамланмаси бўлиб, ҳозирги кунгача комил инсон тарбияси учун муҳимдир.

2000 йилда Санкт-Петербургдаги «Азбука» ва «Петербурское востоковедение» нашриётлари «Мудрость суфиев» асарини чоп этди. Унда Шаҳобиддин ибн бинт Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол», Муҳаммад Порсо Бухорийнинг «Рисолаи Қудсия» асарлари рус тилига таржима этилган. Шунингдек, бу тўпламда шарқшунос олим Б.М.Бобожонов томонидан рус тилида таржима этилган Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи танбеҳ ас-салотин» асари бор.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида бухоролик олим Бобир Намозов тадқиқотлар олиб бормоқда. Тадқиқотчи томонидан 2015 йил «Мумтоз» нашриёти

томонидан «Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти» деган монографияси нашр этилди. Унда муаллиф Муҳаммад Порсонинг «Фаслул хитоб», «Таҳқиқот», «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор», «Рисолаи кашфия», «Рисолаи маҳбубия» ва бошқа асарлари таржима ва таҳлили асосида Муҳаммад Порсонинг нақшбандиёна ғояларини фалсафий таҳлил этган.

Мавлоно Яъқуб Чархий ҳақида 2013 йилда Мавжуда Раззоқованинг монографиялари чиқди[8]. Унда Яъқуб Чархийнинг илмий мероси таҳлил этилган. Муаллифнинг шу мавзуга доир мақолалари илмий журналларда ҳам нашр этилган.

Истиқлол даврида Нақшбандияни жаҳоншумул тариқатга айланишига хизмат қилган Хожа Аҳрор таълимотини ўрганиш яхши йўлга қўйилди. Бу соҳада қилинган энг катта хизматлардан бири Хожа Аҳрор ҳаёти ва таълимотига оид манбаларнинг таржима қилиб нашр этилганлигидир.

Хожа Аҳрор ҳаётига доир нашр этилган қимматбаҳо манбалардан бири Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнул ҳаёт» асаридир. Бу асар 2003 йили Маҳмуд Ҳасаний таржимасида чоп этилди. Бу асар 535-бетдан иборат катта ҳажмли жуда қимматбаҳо манбадир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Рисолаи волидия» асари Заҳириддин Муҳаммад Бобир таржимасида 1991 йили ва Маҳмуд Ҳасаний билан Дилора Ражабова таржимасида 2004 йилда нашр этилди. Шунингдек, Мирзо Кенжабек «Дунёнинг муршиди» номи билан «Фан» нашриётидан рисола тайёрлаб, унда ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Рисолаи волидия» асарини назмий таржима этиб, қисқа шарҳлар билан чоп этди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таваллудларининг 600 йиллиги 2004 йилда жуда кенг нишонланди. Шу санага бағишлаб Тошкентдаги «Адолат» нашриётидан 2004 йил «Табаррук рисолалар» деган китоб чиқди. Бу тўпламни нашрга тайёрлаган Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Аминлар Хожа Аҳрор Валийнинг «Рисолаи ҳавроия», «Рисолаи волидия», «Рисолаи анфоси нафийса», «Фиқроти Аҳрория» ва «Жавомиъ ул-калим»ни таржима этиб киритганлар. Шунингдек, бу тўпламда Хожа Аҳрор ҳаёт фаолиятини ёритадиган «Силсилат ул Орифийн», «Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор», «Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор»лар киритилган. Юқоридаги манбалар асосида Ботурхон Валихўжаев «Хожа Аҳрори Вали» номли монографияларини 1993 йилда Самарқанддаги «Зарафшон» нашриётида чоп этдилар.

Элёр Каримов Марказий Осиёда XII-XV асрларда сўфийлик тариқатларини махсус тадқиқ этиб, тарих фанлари доктори даражасини олди. Унинг Хожа Аҳрор ҳаёти ва «Рашаҳот» асари ҳақида махсус тадқиқотлари илмий жамоатчилик диққатига ҳавола этилган. Бухоролик олима Холидахон Рах-

[8] Раззоқова М. Мавлоно Яъқуб Чархий. Т.: «Muharrir», 2013. 111-б.

матова «Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари» мавзуида номзодлик диссертацияларини ёқлади ва шу ном билан 2014 йилда Тошкентдаги «Адиб» нашриётидан монографияларини нашр этди.

Нақшбандия таълимотини назарий ривожлантирган буюк инсонлардан бири Махдуми Аъзамдир. Мустақиллик йилларида унинг илмий мероси чуқур ўрганилиб, асарлари таржима этилди. Маҳдуми Аъзамнинг «Зубдат ус-соликин» ва «Танбият ус-салотин» асарларини Ботурхон Валихўжаев ва Комилхон Каттаевлар таржима этиб, 1994 йил Самарқанддаги «Суғдиёна» нашриётидан чоп этганлар. Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи чаҳор калима» асарини А.Зоҳидий, «Рисолаи илмия» асарини М.Қодиров, «Рисолаи вужудия» асарини Э.Зоиров, «Асрорул никоҳ» асарини Хуршид Самадов таржима этдилар. Эркин Зоиров ҳамда Хуршид Самадовлар Махдуми Аъзам таълимотини ўрганиб, шу мавзуда диссертацияларни ҳимоя этиб, илмий унвонлар олишга муяссар бўлдилар. Махдуми Аъзам бўйича Бахтиёр Тўраев ва Н.Жабборовларнинг тадқиқотлари эълон қилинган. 2015 йилда Эркин Зоировнинг «Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари» монографияси чоп этилди.

Нақшбандия таълимотини ўрганишда 2002 йилда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан нашр этилган ва форс тилидан Абдуллохўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шуҳрат Сирожидиновлар таржима этган «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби» асарининг ўрни каттадир.

Хожа Аҳрор Валий ва Махдуми Аъзам таълимотларини ўрганишда Комилхон Каттаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. 2017 йили Тошкентдаги «Гафур Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйидан Комилхон Каттаевнинг «Тасаввуф алломалари» деган асарлари нашрдан чиқди. Бу китобнинг катта қисми Хожа Аҳрор Валий ва Махдуми Аъзам тарихларига бағишланган.

Нақшбандияни кейинги ривожлантирган валийлар Жўйбор шайхлари номи билан машҳур. Булар ҳақида бухоролик олим, тарих фанлари доктори, профессор Ҳалим Тўраев махсус тадқиқот олиб бориб манбаларни таржима этган.

Нақшбандия ғояларини Баҳоуддин Нақшбандан кейин давом эттирган Алоуддин Аттор, Хожа Ҳасан Аттор, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид, Сўфий Аллоҳёр, Миён Бўритош Нақшбандий, Ҳазрат Шайх Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий ҳақида манбалар асосида Мирзо Кенжабек 2017 йил Тошкентдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти»да чоп этилган «Буюк Термизийлар» асарида ёритган.

Сайфиддин Рафиъдинов ва Нодирхон Ҳасан 1994 йилда «Тасаввуф тарихи» номли Усмон Турарнинг асарини туркий тилдан таржима этдилар. Бу асарда барча тариқатлар қатори Нақшбандияга оид қимматли маълу-

мотлар бор. Бу икки муаллиф Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишлаб 2003 йилда нашр этилган асарларида ҳам Нақшбандиянинг пиру муршидлари ҳақида маълумот берганлар. Улар Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» номли рисолаларида «Хожагон-Нақшбандия машойихлари» номи билан махсус бўлим ажратганлар. Унда Баҳоуддин Нақшбанд, Аллоуддин Аттор, Убайдуллоҳ Аҳрор, Дарвеш Муҳаммад, Хожагий Муҳаммад Эмканагий ҳақида маълумотлар бор. Сайфиддин Сайфуллоҳ ҳазрат Нақшбанд рубоийларини топиб, уни таржима этиб нашр қилишга муваффақ бўлдилар. Нодирхон Ҳасан ҳам шу йўналишга фаолият кўрсатмоқдалар.

XIX ва XX аср бошларидаги Хожагон-Нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири Хожа Валихон Ургутий фаолияти ва шу шажарага бағишлаб Сайид Аҳмад Васлийнинг «Назм ус-силсила» асарининг асл нусхаси ва таржимаси 2001 йилда Бадиа Нуриддинова томонидан тайёрлаб чоп этилди.

«Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар» асари 2014 йилда нашрдан чиқди. Бу тўпламда Султонмурод Олимнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти» номли мақолалари киритилган. Бу мақолада Нақшбандиянинг ислом оламида ёйилиши таҳлил этилган. Мақолада Нақшбандиянинг Марказий Осиё, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси ва Ғарбий Европада, Доғистон, Қозоғистон, Шарқий Туркистон ва Курдистонда тарқалиб жаҳоний тариқат сифатида ёйилиши инглиз тилидаги манбалар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, бу тўпламда Нажмиддин Низомиддиновнинг «Ҳинд тасаввуфи тарихига назар» мақоласида Нақшбандия сулуки ҳақида маълумотлар бор.

Нақшбандиянинг амалий томонларини Ҳожи Абдулғаффор Раззоқ Бухорийнинг 2003 йилда чиққан «Тариқатга йўлланма» (Нақшбандия таълимотидан ибтидо маълумот) ва 2018 йилда нашр этилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Нақшбандия: вазифалар, зикрлар» асарларида ўз аксини топди. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Тасаввуф ҳақида тасаввур» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ва ундан кейинги силсиладаги шайхлар то Мавлоно Холид Зиёуддингача маълумот берилган. Тасаввуф илми ғояси ва мақсадлари Нақшбандия тариқати мисолида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари билан таниқли исломшунос олим ҳожи Абдулқаҳҳор Шоший қаламига мансуб «Авлиёлар китоби (Нақшбандия тариқатининг ғоя ва мақсади)» асари Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйидан 2018 йилда нашр этилган ёритилган.

2017 йил «Наврўз» нашриётидан Давронбек Қодиров ва Ўғилой Мавлонованинг «Нақшбандия тариқати силсиласи ва тасаввуф аломаларининг

маънавий хислатлари» асари чиқди. Унда силсиладаги шайхлар ҳаёти ва маънавий мероси то Убайдуллоҳ Аҳроргача ёритилган.

Манбашунос, тарихчи филолог олимлар билан бирга фаннинг бошқа соҳаларида ҳам нақшбандшунослик йўналишидаги тадқиқотлар амалга оширила бошланди.

Нақшбандия таълимотини педагогик жиҳатларини бухоролик олима Гулбаҳор Зарипова ўрганди ва номзодлик илмий ишини ҳимоя этди. Зарипова Гулбаҳорнинг 2008 йили «Фан» нашриётидан «Нақшбандия тариқатида таълим-тарбиянинг ўзига хос педагогик усуллари», 2014 йили «Дурдона» нашриётидан «Нақшбандия таълимотининг инсон камолотига ижобий таъсирининг ўзига хос педагогик усуллари ва ҳозирги замон» номли монографиялари чоп этилди.

2018 йили Тошкентдаги «Фан ва технология» нашриётидан профессор Н.Авлиёқуловнинг «Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида» номли рисолалари нашр этилди. Унда Нақшбандия таълимотининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси баён этилган. Рисолада Нақшбандия таълимотидаги тарбия услубларининг жаҳон миқёсида қўллаш зарурлиги масаласи муҳокама этилган.

Нақшбандия таълимотининг психологик жиҳатларини Матлуба Холназарова тадқиқ этди ва шу мавзуда диссертациясини ёқлаб психология фанлари номзоди илмий даражасини олди. М.Холназарова илмий тадқиқотлари натижаси асосида 2014 йилда «Фан ва технология» нашриётидан «Нақшбандия тариқатида комил инсон муаммосининг психологик хусусиятлари» номли монографиясини нашр этди.

Нақшбандиянинг фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишда самарқандлик олим Рустам Шодиевнинг хизматлари катта. Рустам Шодиев биринчилардан бўлиб Ўрта Осиёдаги тасаввуф ҳақида фалсафий нуқтаи назар билан тадқиқот ўтказиб, фалсафа фанлари доктори илмий даржасини олишга муяссар бўлди. Собиржон Исмоилов ҳам Нақшбандия таълимотини фалсафий жиҳатларини ўрганиб, шу мавзуда номзодлик илмий ишини ёқлади. 2016 йилда Тошкентнинг «Мумтоз сўз» нашриётидан С.Исмоиловнинг «Нақшбандийлик жаҳоншумул тариқат» номли монографияси чоп этилди. Монографияда муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, маънавий мероси ва Нақшбандия таълимотини таҳлил этиб, уни жаҳоншумул тариқатга айланиши масалаларини маълум даражада ёритган.

2003 йилда Абдулхолиқ Ғиждувоний тавалудининг 900 йиллиги муносабати билан Нақшбандияга оид бўлган кўп мақолалар эълон қилинди. 2003 йилда Бухоро муҳандислик-технология институтида Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган «Хожаи Жаҳон тасаввуфий таълимоти: ворисийлик ва маънавий тараққиёт» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб, унинг материаллари нашр этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига бағишлаб, ижтимоий тармоқларда «Нақшбандия» ва Хожа Исмат жомеъ масжиди имоми Салоҳиддин Гадоев томонидан «Орифон» каналлари ташкил этилиб, уларда Нақшбандияга оид жуда кўп материаллар киритилмоқда ва тасаввуфий ғоялар ёритиб борилмоқда.

Нақшбандия таълимотини ўрганишда лойиҳа муаллифи ва муҳаррири Қаҳрамон Ражабов ташаббуси билан 2011 йилда «Тарих ва тақдир» рукни остида чоп этилган 30 рисоланинг ўрни катта. Бу рисолаларнинг учтаси – «Баҳоуддин Нақшбанд», «Махдуми Аъзам», «Машраб» Нақшбандияга бағишланган.

2017 йил «Мумтоз сўз» нашриёти «Ўзбекистон фалсафаси тарихи» китобининг иккинчи томини чоп этди. Бу асар А-1-149 рақамли «Ўзбекистон фалсафаси тарихи (уч томлик, ўзбек тилида)» мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида тайёрланган. Бу китобнинг 34-62-б. «Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти» ҳақидаги илмий мақола жойлашган. Асардаги «Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари», «Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» асари ва унинг тасаввуфий-фалсафий мазмуни», «Бобораҳим Машраб ва унинг ижтимоий қарашлари», «Сўфий Оллоҳёрнинг маърифий ва ижтимоий қарашлари», «Махдуми Аъзамнинг тасаввуфий-ахлоқий қарашлари» номли мақолалари Нақшбандия таълимотига бағишланган.

Мустақиллик йилларида таржима қилинган манбалар асосида 2015 йилда Тошкентдаги «Сано-стандарт» нашриётида Суюндик Мустафо Нуротоий ва Муҳиддин Аблаевнинг «Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси» китоби чоп этилди. Унинг биринчи томида Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятидаги 770 дан ортиқ азиз авлиё ва уламолар ҳақида маълумотлар берилган. Китоб катта ҳажмда бўлиб, 671-бетдан иборат. Асар Имом Бухорий халқаро маркази ташаббуси билан нашр этилган. Асарда Бухоро вилоятида яшаган ва қадамжолари бўлган Нақшбандия таълимотида азиз авлиёлари ҳақида яшаган мавзесига қараб маълумотлар берилган. Бухоро шаҳрида яшаб ўтган азиз авлиёлар рўйхатига Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Алоуддин Ғиждувоний, Ҳазрати Махдуми Аъзам, Хожа Ислом Жўйборий, Хожаи Калон, Хожа Тожиддин Ҳасан, Шайх Ҳабибуллоҳ Жўйбори, Эшони Имло, Нақшбандхон ибн Султонхон, Ҳожи Теша Бобо ҳақида маълумотлар берилган. Когон туманида яшаган Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Амин Зоҳид, Сайид Ҳоди Нақшбандий ҳақида маълумот берилган. Самарқанд вилоятида яшаб ўтган нақшбандлардан Сўфи Оллоёр, Махдуми Аъзам Ҳазрати Мусохонхожа, Халифа Муҳаммад Сиддиқ, Каттахол Хожа Даҳбедий, Хожа Валий, Хожа Исҳоқи Вали, Эшони Валихон Ургутий, Домло Камолиддин Охун ҳақида маълумот берилган.

2005 йил «Мовароуннаҳр» нашриёти Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим Ал-Бурсавий (қуддуса сирраҳу)нинг «Авроди Қуръоний» асарларини Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий таржима этган. Бу асарнинг ягона ва нодир нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Р.2177 рақами билан, ягона босма нусхаси Л.23240 рақами остида сақланган. Асар бошида Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг аҳли суннат ва жамоат эътиқоди, Имом Мотуридий (р.а.)нинг эътиқод хусусидаги изоҳоти берилган. Ундан кейин Ҳожи Аҳмадхон Махдум ал-Ҳанафий ан-Нақшбандий (р.а.) нинг «Рисолаи сужуди саҳв» асари келтирилган. Асарнинг иккинчи бўлимида Мавлоно Холид Бағдодий(қ.а.)нинг «Рисолаи Холидия»ва «Ҳаддиятул ихвон фи одобил зикрил-Маннон» ва «Нафс тарбияси ва мартабалари» деган Нақшбандияга хос манбалар киритилган. Шунингдек, бу асарда нақшбандлар ўтказадиган «Хатми Хожагон» ҳақида маълумот бор.

Мустақиллик давридаги ютуқларидан яна бири «Ислом энциклопедияси» нашрларининг чоп этилишидир. Уларда Нақшбандия вакиллари ҳақида маълумотлар берилган.

Мустақиллик неъматларидан бири Нақшбандия йўлида бўлган ва шўро зулми остида жафо кўрган нақшбандийлар ҳақида 2016 йилда Тошкентдаги «Ҳилол» нашриётидан Азизхожа Иноятов ва Музайям Солиеванинг «Зулматдаги зиёкорлар» асари чоп этилди. Асарда Нақшбандия тариқатининг пиру муршидлари бўлган қуйидагилар ҳақида маълумотлар берилган: Аспанд Махсум, Домло Икром, Эшон Муҳиддинхўжа, Эшони Нақшбандхон, Эшони Сулаймонхўжа Орифий, Эшони Ўроқ, Ҳожи Теша Бобо Нақшбанд.

Мустақиллик йилларида Нақшбандия тариқатининг жаҳонга ёйилган тармоқлари ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Нақшбандиянинг Холидия тармоғи, Кумушхонавий шахобчаси силсиласининг 40 – бўғин шайхи муршиди комил саналган Маҳмуд Асъад Жўшоннинг жуда кўп асарлари ўзбек тилида олимларимиз томонидан таржима этилди.

Мустақиллик йилларида Нақшбандия шайхларидан Шайх Нозим, Малайзиядан Шайх Жонид ва Покистонлик Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийлар, Туркия президентлари ва йирик дин арбоблари Ўзбекистонга келиб, Баҳоуддин Нақшбандни зиёрат қилиб, жуда кўп манбаларни ҳам халқимизга етказдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига бағишлаб, Бухоро, Навоий ва Гулистонда республика миқёсидаги анжуманлар бўлиб ўтди. 2018 йил 21 апрель куни Бухоро давлат университетида «Хожагон – Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни», Навоий давлат педагогика институтида 2018 йил 15 майда «Маданий цивилизация контекстида Хожагон, Нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маъ-

навий меросининг умумбашарий аҳамияти», 2018 йил 12-13 октябрь кунлари Гулистон давлат университетида «Нақшбандия-барча замонлар учун зарур таълимот» мавзусида республика илмий-назарий конференцияси бўлиб, унинг материаллари тўплам сифатида чоп этилди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд санасига бағишлаб 2019 йил 27-28 май кунлари Навоий давлат педагогика институтида «Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида Хожагон, Нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти» мавзусидаги Халқаро илмий конференцияси бўлди. Унда жаҳон нақшбандшунос олимлари қатнашдилар. Анжуман материаллари 2 томдан иборат тўплам сифатида нашр этилди.

Республикада нашр этилаётган илмий, маърифий журнал ва газеталарда Нақшбандия мавзуидаги мақолалар чоп этилмоқда.

Халқаро миқёсида ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Парижда нашр этилган «Stvdia Islamica» тўпламнинг XLIV қисмида Hamid Algarнинг «The Naqshbandi order: a preliminary survey of its history and significance» – «Нақшбандия тариқати: тарихи ва аҳамияти ҳақида дастлабки шарҳ» мақоласи 123-152-бетлардан жой олган.

1990 йил Истанбул-Парижда «Naqshbandis. Historical Developments and Present Situation of a Muslim Mystical Order» – «Нақшбанди. Мусулмон мистик тариқатининг тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати» номли 1985 йил 2-майда бўлган давра столи аъзоларининг мақолалари нашр этилган. Унда Ҳамид Алгарнинг «Нақшбандия тариқатининг қисқача тарихи», «Нақшбандия таълимотининг ҳозирги ҳолати», «Нақшбандия тарихининг сиёсий қирралари» каби мақолалари жой олган. Шунингдек, тўпламда Джо Энн Гросснинг «Multiple roles and perceptions of a sufi shaikh: symbolic statements of political and religious authory» – «Сўфи шайхларининг кўп қиррали роли ва қарашлари: сиёсий ва диний таъсирнинг рамзий тасдиқланиши» мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда Хожа Аҳрорга оид масалалар ёритилган.

1994 йилда «Confluence of cultures» тўпламида Терри Зарконнинг «Turkish Sufism in India: The case of the Yassawiya» – «Ҳиндистонда турк суфизми: Яссавия ҳақида тасаввур» номли мақоласида Нақшбандия билан Яссавиянинг муносабатлари ҳақида янги ғоялар ёзилган.

1998 йилда Берлиндаги KLAUS SCHVARZ VERLAG нашриётидан «Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries» – «Россия ва Марказий Осиёда XVIII асрдан то XX аср бошларигача мусулмон маданияти» асарининг 2-томида минтақалараро ва этник гуруҳлараро алоқалар ёритилган. Унда Анке фон Кюгельгеннинг Нақшбандия-Мужаддидияга оид тадқиқотларининг натижаси эълон қилинган. Тўплам охирида форс тилидаги қўлёзмалар илова этилган.

Берлин шаҳридаги KLAUS SCHVARZ VERLAG нашриёти томонидан 2000 йилда немис тилида «Muslim Culture in Russia and Central Asia». Vol.3: Arabic, Persian and Turkic Manuscripts (15th-19th Centuries) edited by Anke von Kugelgen, Asirbek Muminov, Michael Kemper – «Россия ва Марказий Осиёда мусулмон маданияти». 3-том: араб, форс ва турк қўлёзмалари (XV-XIX асрлар) Анке фон Кюгельген, Аширбек Мўминов, Михаил Кемпер таҳрири остида нашр этилди. Китобда Юрген Паульнинг Муҳаммад Порсонинг Оллоҳни зикр этиш хусусидаги қарашлари қиёсий таҳлил этилган. Асарда Хожа Муҳаммад Порсонинг форс тилидаги «Рисола дар баёни зикри жаҳри» – «Жаҳрия зикр баёни ҳақидаги рисола»си илова этилган.

Чет эл тадқиқотчиларининг Марказий Осиёда сўфийлик таълимоти ҳақидаги мақолаларини А.А.Хисматулин тўплаб 2001 йилда нашр этиши Нақшбандияни ўрганиш учун ва ғояларни қиёсий таққослаш учун катта имконият яратди. «Суфизм в Центральной Азии» (зарубежные исследования) – «Марказий Осиёда сўфизм» (чет эл тадқиқотлари) номи билан Фритц Майер хотирасига бағишланган мақолалар тўплами Санкт-Петербург давлат университетининг Филология факультети нашриётидан 394-бетли китоб сифатида нашр этилди. Тўпламда швейцариялик олим Фритц Майернинг «Учитель и ученик в ордене Накшбандийа» – «Нақшбандия тариқатида устоз ва шогирдлик» мақоласи тўпламнинг 94-113-бетларда жойлашган. Тўпламдаги Нақшбандия учун энг қимматли мақолалардан бири немис олими Юрген Пауль томонидан ёзилган «Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха’ад-дина» – «Баҳо’ад-диндан кейинги биринчи авлод даврида Хожагон-Нақшбандия таълимоти ва ташкилоти» мақоласи бўлиб, у китобнинг 115-199-бетларда берилган. Мақоланинг биринчи бўлимида манбалар, иккинчисида амалиёт, учинчисида доктрина – таълимот, назария, тўртинчисида ташкилот, бешинчисида назария ва ташкилот масалалари ёритилган. Мақола жуда кўп манба ва адабиётлар таҳлили асосида ёзилган. Шунингдек, тўпламда Юрген Пауль томонидан ёзилган «Маслак ал-‘арифин: один документ в ранней истории Хваджаган – Нақшбандия» мақоласи 200-209-бетларда жойлашган. АҚШдаги Индиана университетининг олими Девин Ди Уиснинг тўпламда «Маша’-их-и турк и Хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа» – «Турк машойихлари ва Хожагон: Яссавия ва Нақшбандия сўфийлик анъаналари орасидаги алоқаларни қайта англаш» номли мақолалари жойлашган. Шунингдек, бу олимнинг «Истоки Хваджаган и критика суфизма: риторика по поводу общинной уникальности в «Манакиб хваджи ‘Али ‘Азизана Рамитани» – «Хожагон сарчашмаси ва суфизм танқиди: «Маноқиби хожа Али Азизон Ромитаний»даги жамоанинг ўзига хослиги ҳақида риторика» номли мақоласи

жойлашган. Нақшбандиянинг кейинги тараққиёти масалаларини Швейцариядан бўлган олима Анке фон Кюгельген тадқиқ этган ва тўпламда унинг қуйидаги мақоласи жой олган: «Расцвет Накшбандийа – Муджаддидийа в Средней Трансоксании с XVIII до начала XIX вв.: опыт детективного расследования» – «Нақшбандийа-Мужаддидийанинг Ўрта Трансоксанияда XVIII асрдан–то XIX асрнинг бошларигача тараққиёти: детектив тадқиқот тажрибаси». Тўпламда иқтидорли ўзбек олими Бахтиёр Бобожоновнинг «Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане» – «Ўзбекистонда сўфий гуруҳлар фаолиятининг қайта туғилиши» номли мақоласи жой олган. Бу тўпламдаги мақолаларини ўзбек тилига таржима ва таҳлил этиш Нақшбандияни чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон беради.

Мустақиллик йилларида тожик олимлари томонидан ҳам Нақшбандия таълимотига оид манбалар таржима қилиниб нашр этилган. 2017 йил Душанбе шаҳрида «Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия» – «Нақшбандия тариқатининг пирлари ва издошларининг рисолалари» номи билан тожик тилида 456-бетли асар чоп этилди. Бу тўпламда Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия», Мавлоно Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия», Хожа Аҳрорнинг «Рисолаи анфоси нафийса» Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи шароити зикр» ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандга оид назмий асарлар форс тилидан таржима этилиб жамланган. Бу манба Нақшбандия таълимотига оид қимматли тўпламдир. Шунингдек, Душанбе шаҳридаги «Истеъдод» нашриётидан 2018 йилда «Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири Нақшбандия» – «Мавлоно Яъқуби Чархий ва Нақшбандиянинг етти пири» асари нашр этилган. Икки асарни ҳам Иброҳими Наққош таржима қилиб тўплаган. Тожик тилидаги бу икки манба Нақшбандияни манбалар асосида ўрганишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбандга доир бадиий адабиётда ҳам янги асарлар нашр этилди. Эшқобил Шукур «Нақшбанд» достонида назмий кўринишда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётини ёритган бўлса, Тўлқин Ҳайит ўзининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёхуд Бурок водийси қиссаси» ва «Олам нақши жаҳон кафтида, ёхуд Баҳоуддин Нақшбанд қарашларида комил инсон тарбияси» асарларида насрий услубда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларини бадиий услуб асосида ёритган. Озод Мўмин Амир Кулолга бағишлаган асарида Баҳоуддин Нақшбандга оид қимматли фикрларни баён этган.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида нақшбандшунослик фаннинг бир тармоғи сифатида шаклланди. Уни дарахтга қиёс этсак, илдиз отиб, янги-янги шохалари ҳам мустақил тармоқ бўлиб ривожлана бошланган.

# I. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТ ЙЎЛИ

## 1. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАВСИФИ

### 1.1. Муҳаммад исми ила туғилган валий

Бундан етти аср олдин, гўзал ва тароватли баҳор фаслида бутун оламга ўз ифорини таратиб, Муҳаммад Бухорий ва Биби Орифанинг хонадонларида ўғил фарзанд дунёга келди. У улғайиб, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан етти иқлимга машҳур бўлди.

Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида шундай ёзилган: «Билгилки, ҳазрати хожаи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари етти юз ўн саккизинчи йилнинг муҳаррам ойида юз берган. Бу Азизон яшаган асрдир»[9]. Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот айнал-ҳаёт» асарида «Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат хожа Бахоул Ҳақ вад-дин Муҳаммад (қ.с) зикри» баёнида шундай ёзилган: «Оларнинг валодатлари муҳаррам ойида сана етти юз ўн саккизда (1318) эрди. Мавлиду мадфанлари Қасри Орифон турурким, деҳае дур, шаҳри Бухородин бир фарсах ерда»[10]. Манбалардаги бу далиллардан маълум бўладики, бу улуғ зот дунёга келган шарофатли вақт ҳижрий 718 йил мусулмонлар тақвими бўйича биринчи ва жуда фазилатли бўлган Муҳаррам ойи экан. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини форс тилидаги манбалар асосида ўрганган академик А.А.Семёнов Вюстенфельд жадвали асосида ҳисоблаб, бу муборак сана милодий 1318 йил 5 мартидан то 3 апрелгача бўлган вақтга тўғри келишини ёзган. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд илк баҳор айёми кунларида ўлкамизда туғилиб, эзгулик нурларини тарата бошлаган. Баҳор фаслида ерга экилган ҳар бир уруғ қандай ҳосил берса, бу улуғ зот ҳам эккан уруғлари, яъни у киши яратган Нақшбандия таълимотларидан униб чиққан ҳосиллар мевасидан ҳозиргача бутун жаҳон баҳраманд бўлмоқда.

Сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзадилар: «Аларнинг оти Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдур»[11].

[9] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 28-б.

[10] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот ( Оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 78-б.

[11] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 261-б.

Маълум бўладики, баҳор фаслида туғилган бу шарофатли гўдакка Муҳаммад деб исм қўйган эканлар. «Муҳаммад» араб тилидан олинган сўз бўлиб, мақтовга муносиб деган маънони англатади. Бу муборак исм Муҳаммад с.а.в. пайғамбаримизнинг исмларига уйғун.

Баҳоуддин Нақшбандга Муҳаммад исмининг берилиши ҳақида Тожиддин Ёлчуғлининг «Рисолаи азиза» асарида шундай ривоят келтирилган: «Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. Меърож тунида кўрдиларким, бир руҳ 70 минг пардадан ўтиб, Тангри билан сирдош бўлиб, Арш кунгирасида қўниб ўтирибди. Пайғамбар бу сирнинг моҳиятини сўраганларида, Тангридан жавоб келди: «Ё Муҳаммад! Огоҳ бўл ва англа! Сендан кейин бир валий келадики, унинг исми сенинг исминг каби Муҳаммад бўлур. Унинг лақаби Баҳоуддиндур. Сенинг умматингдан 70 минг кишига жаннатдан хабар берар. Шунинг учун унинг номи бизнинг даргоҳимизга етишгандур»[12]. Пайғамбар с.а.в. буни эшитиб хурсанд бўлдиларким, менинг умматларимдан шундай улуғ зот чиқар экан. Демак, Муҳаммад исмини Тангри даргоҳига етишганининг сабаби бу улуғ зотнинг шарофатларидан 70 минг кишининг охирати обод бўлиши экан.

Муҳаммад исмини олган улуғ зот, яъни Баҳоуддин Нақшбанд Бухорога яқин ҳозирги Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон деб аталадиган жойда дунёга келганлар. Бу киши шундай ибратли ҳаёт йўлини яшаб ўтганлар ва шундай гўзал эзгуликка тўла бўлган таълимотни яратганларким, атрофларида энг сара, ҳақиқий инсонлар тўпланган. Бу инсонлар Баҳоуддин Нақшбанддан таълим олиб, асл ҳақиқат моҳиятини билганлар. Ҳақни таниган ва билганларни тасаввуфда орифлар деб атайдилар. Натижада бу табаррук зот шарофатларидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон, яъни орифлар қасри деб атала бошланган. Ҳозирги кунгача бу манзил Қасри Орифон номи билан машҳур ва халқ бу манзилу маконни эъзозлаб зиёрат қилишади.

Баҳоуддин Нақшбанд шамоили: узун бўйли, буғдойранг, қалин соқоллик, очиқ юзли эди. Бўйни нурдек порлар, ҳаммани тўғри йўлга бошлардилар. Зоҳиран халқ, ботинан Ҳақ билан эди.

Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Хазинат ул-асфиё» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилишига доир қуйидаги тарихий мазмундаги назмий парча келтирилган.

Нақшбанд Нақши Наққоши Азал,
Он Баҳоуддин Шоҳи ҳар ду жаҳон.
Зоҳиди Мушкулкушо таваллуди ўст,
Қутби Оли Нақшбанд омад аён.[13]

---

[12] Асрор Самад. Тангри Каломи// Қалб кўзи. 1994 май № 5. Бу ҳақда батафсил қаранг Наврўзова Г. Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академяси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 176-б.

[13] Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинат ал-асфиё. Канпур: Новал Кишор, 1894 – Т. 2. – Б 551.

Мазмуни:
Нақшбанд Азал Наққошининг Нақши,
У Баҳоуддин икки жаҳоннинг Шоҳи.
Зоҳиди Мушкулкушо таваллудидир,
Олий Қутб бўлган Нақшбанд бўлди аён.

Ғулом Сарвар Лоҳурий томонидан 1864-65 йилларда ёзилган «Хазинат ал-асфиё» (Мусаффо кишилар хазинаси) – асарида ҳам Баҳоуддин таваллуди ҳақида маълумот берилади. Бу манбада Шоҳ Нақшбанд ҳижрий 728 йилда туғилган деб таъкидлаб, буни тасдиқловчи юқоридаги тарихий шеър келтирилган.Бу мисрада «Зоҳиди Мушкулкушо» абжад ҳисоби билан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилган йилини кўрсатади. Муаллиф бу сўзлар устида араб сонлари билан 728 деб ёзиб қўйган. Бу сўзларнинг абжад ҳисоби ҳам 728 ни беради. Демак, бу манбада муаллиф аниқ қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд туғилган йилни 728 деб кўрсатган. Лекин шу билан биргаликда муаллиф Баҳоуддинни 73 йил умр кўрган, деб ҳам таъкидлайди. Агар муаллиф келтирган яшаш йилларини қиёсласак, унда Нақшбандни 63 йил яшагани маълум бўлади. Демак, манбадаги Баҳоуддиннинг туғилган йилини 728 деб кўрсатилиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Бизнинг фикримизча, XV-XVI асрлардаги манбалар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир асосий ва муҳим манбалардир, уларга таяниб илмий иш олиб бориш таъбирга жоиздир. «Хазинат ал-асфиё»да ёзилган ҳижрий 728 йилни илмий факт дейиш мумкин эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд насаби ҳақида Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Хазинат-ул-асфиё» асарида Шарофиддин Муҳаммад Нақшбандийнинг «Равзат-ус-сафо» асари асосида маълумот берилган. Асарда Нақшбанд насаби бир неча восита билан Ҳазрат Имом Жаъфари Содиққа бориб етади, дейилади.

Ғулом Сарвар Лоҳурий ўз асарида Баҳоуддин Нақшбанд насабини қуйидагича баён этган: Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд бин Сайид Муҳаммад Бухорий бин Сайид Жалолиддин бин Сайид Бурхониддин бин Сайид Абдуллоҳ бин Сайид Зайналобидин бин Сайид Қосим бин Сайид Шаъбон бин Сайид Маҳмуд бин Сайид Белоқ бин Сайид Тақи бин Суфий Хилвати бин Сайид Фахриддин бин Сайид Акбар бин Имом Ҳасани Аскари бин Имом Али Тақи бин Мусо Ризо бин Имом Мусоий Козим бин Имом Жаъфари Содиқ.

Ғулом Сарвар Лоҳурий бу улуғ зот камолот даражаларини қуйидагича тавсифлаганлар: «Баҳоуддин Нақшбанд... узамои авлиё ва кибриёи хулафои Сайид Кулол аст, имоми тариқат, пири ҳақиқат, муқтадои шариат, пешвои аҳли суннат ва жамоат, кароматы валоят ва хавориқи одот дар туфулият аз вай сар зад».[14] Мазмуни: валийларнинг энг азими, Амир Кулол хулафоси-

[14] Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинат ал-асфиё. Канпур: Новал Кишор, 1894 – Т. 2. – Б 548.

нинг буюги, тариқат имоми, ҳақиқат пири, шариатнинг муқтадоси, суннат ва жамоат аҳлининг пешвоси, болаликдан ундан ғайри оддий воқеалар ва валийлик кароматлари содир бўларди.

Муҳаммад исмли бу зотни халқ бунча севиб ардоқлашига сабаб нима? Бунга сабаб шуки, бу табаррук инсон гўдаклик ва болалик давридан бошлаб Муҳаммад номига муносиб мақтовга лойиқ амалларни бажарганлар ва пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в суннатларига тўла амал қилганлар. Муҳаммад жуда камтарин, ҳалол, меҳнатсевар, ҳар нафас ва ҳатто нафаслари орасидаги вақтни ҳам эзгулик йўлига, бировни оғирини енгиллаштириш, мушкулини осон қилишга сафарбар этадиган, мукаммал ҳаракатда бўлган, яъни қўллари ишда ва айни вақтда жисму руҳлари холислик, миннатдорлик ҳамда шукроналикда бўлган, ватанпарвар, инсонпарвар, бутун борлиққа муҳаббатли зот бўлганлар. У киши яратган камолот йўли ҳам шу фазилатларга уйғундир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг оталари Сайид Муҳаммад Бухорий ибн Сайид Жалолиддин бўлиб, кимхоб тўқувчи ҳунарманд бўлганлар. Оналари Биби Орифа Хожаи Хизр авлодидан бўлганлар. Ота-оналари ва насл-насаби жуда пок эканлиги манбаларда кўрсатилган.

## 1.2. Баҳоуддин – халқ эътирофи

Инсоният манфаати йўлида эзгу хизмат қилган улуғ инсонларни халқ эъзозлаб, турли номлар билан шарафлаган. Масалан, Абдулхолиқ Ғиждувонийни Хожаи Жаҳон, Муҳаммад Ревгарийни Ориф Моҳитобон, Хожа Али Ромитанийни Ҳазрати Азизон деб улуғлашган. Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийни ҳам хизматларини халқ эътироф этиб, Баҳоуддин деган. Бу ном билан у жаҳонга машҳурдир.

Баҳоуддин сўзининг мазмуни нима? Қайси фазилат ва амаллари билан Муҳаммад исмли оддий инсон Баҳоуддин деган шарафли номга муяссар бўлди?! «Баҳоуддин» – «баҳо» ва «дин» деган иккита араб сўзларидан таркиб топган. «Баҳо» қиймат, ҳусн, жамол, гўзаллик ва равшанлик маъноларини англатадиган сўздир. «Дин» сўзи инсонга икки дунё саодатига эриштириш йўлини кўрсатувчи илоҳий ҳукмларни англатади. Демак, Баҳоуддин дегани диннинг қиймати, ҳусни, жамоли, гўзаллиги, равшанлигидир. Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий шунчалик мақтовга лойиқ ҳаёт йўлини босиб ўтган эканларки, у кишини кўрганлар диннинг қадру қиймати, ҳусну жамоли, гўзаллигию равшанлигини кўргандай бўлиб, уни Баҳоуддин деб эътироф қилганлар.

Манбалар таҳлилидан маълум бўладики, бу табаррук зот аввало ўз нафсини жиловлаган ва нафс истаги бўлган кибру ҳаво, ман-манлик, тама, риё,

худпараслик, ўзгаларга нафрату ғазаб ва кина каби иллатлардан қалбини тўла поклаган. Яъқуби Чархий «Рисолаи унсия» асарида Баҳоуддин шундай деганларини ёзган:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилватсаро будан[15].

Мазмуни: ғайрат қилиб, Аллоҳ ҳукмига қарши бўлган барча иллатлардан қалб уйимни бўшатдим. Чунки қалб каби улуғ хилват саройида фақат асл ва пок зот муносибдир.

Натижада Муҳаммад ҳақиқий инсон бўлиб, камолга етадилар. У киши бутун борлиқдаги мавжудотларни кўрганда Аллоҳ жамолу жалолини кўрардилар ва шунинг учун уларга муҳаббат назари билан қараб, меҳр-мурувват билан муомалада бўлганлар.

Бу улуғ зот жуда камтарин, тавозели, ниёзманд бир инсон бўлганлар. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқма истеъмолига жуда катта эътибор берганлар. Доимо ҳар бир нафасда одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, йўллар, сувлар ва бутун борлиққа эзгу иш қилишга шошилганлар. Айниқса, муҳтож, мискин, бемор, мушкул вазиятда қолган ва ҳеч ким эътибор қилмайдиган одамларга ёрдам қўлини чўзганлар. Касал ҳайвонларни яраларига малҳам суртиб, меҳр-мурувват билан нигоҳбонлик қилганлар. Йўллардан одамлар юришига халақит берадиган нарсаларни олиб ташлаб, доимо ерларни тоза тутишга ҳаракат қилганлар.

Баҳоуддин бу хизматларни розилик, шукроналик, ниёзмандлик ҳолатида бажарганлар. Одамлар, ҳайвонлар, ўсимлик ва жонсиз борлиқ манфаати у киши учун ўзларининг манфаатидек бўлган. Бировнинг шодлигини ўз шодликларидек қабул қилганлар. Барча эзгу ишларни холис, пок ният билан, Аллоҳ ризолиги учун, завқу шавқ, миннатдорлик ҳиссиёти билан бажарганлар. Шунинг учун севимли шогирдлари бухоролик Муҳаммад Порсо ўзининг «Рисолаи қудсия» асарида у кишини шундай тавсифлаган:

Гашт бе кибру риёю кина,
Нури қудсийро рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкул аз ў ҳал шавад бе қилу қол[16].
Мазмуни:
Кибру, риёю, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий, яъни илоҳий нурнинг кўзгуси бўлди.

[15] Мавлоно Яъқуби Чархий. Рисолаи унсия/ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 183-б.

[16] Порсо Ҳожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327/1909. 36-б. Бухоро музейи, № 125 45.

Унинг кўриниши, чеҳраси барча саволларга жавоб,
Мушкуллар сўзсиз ундан ҳал бўлди.

Манбаларда ёзилишича, Баҳоуддиндан бир кун сўрабдилар:

- Сиз қисқа муддатда бу улуғ даражаларга қандай эришдингиз?

У киши жавоб бердилар:

- Аз резачини, яъни ушоқ теришдан.

Баҳоуддиннинг бу жавобларидан маълум бўладики, у киши ҳар қандай эзгу ишларни кичик бўлсада бажаришни ҳам ўзлари учун шараф деб билганлар. Ерга тушган ҳар бир зарра ушоқ, дон ва бирор пўчоқ бўлса ҳам олиб уни зарурий жойга қўйиб, исроф қилмаганлар. Одам, ҳайвон, тупроқ, сув, ҳашарот, ўсимликларга нима зарур бўлса ҳожатини чиқарганлар. Супуриб сув сепилган тупроқ, хас-хашакдан тозаланган ҳамда йўллари очилган сувлар, равон йўллар, соғайган ҳайвону қушлар, қалби шод инсонлар томонидан қилинган зарра-зарра дуолар йиғилиб, улкан нуру зиёга айланган. Бу дуолар Тангрига етиб, Тангри ҳам у кишидан рози бўлиб, раҳмати, нуру файзини ёғдирган.

Баҳоуддин шогирдларига тез-тез ушбу байтни такрорлаб турганлар:

Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён[17].

Мазмуни:

Яхшиларни жаҳондаги барча кишилар дўст тутади, Агар сен ёмонларни ҳам яхши кўрсанг, яъни уларни тузатишга ҳаракат қилсанг, улар ҳақида дуолар қилиб тавфиқ тиласанг, шунда Аллоҳнинг назари сенга тушади.

Баҳоуддин адашган, хато қилган, нафс қули ва ғафлатда қолган инсонларни тўғри йўл топишига, огоҳлик мақомига етишига ва инсониятни камолот йўли, ғафлатдан уйғонишига ёрдам берувчи таълимотни яратганлар. Ҳаётда ўз йўли топган инсонлар бахти учун ҳам бутун борлиқ у кишига раҳмат нурларини ёғдирган. Бухорои Шарифнинг нурини Аршу Курсийга етишига сабабчи бўлган инсонлардан бири Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари ҳозирги кунда ҳам ҳаммамиз учун ибрат тимсолидир.

### 1.3. Нақшбанд номи ила аржуманд

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий Баҳоуддин Нақшбанд номи билан тарих зарварақларида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган табаррук зотлар-

[17] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O’zbekiston» НМИУ, 2019 94-б.

дан биридир. Нақшбанд тахаллусига бу зоти шариф қандай улуғ хизматлари билан мушарраф бўлганлар?!

«Нақшбанд» – «нақш» ва «банд», яъни боғлаш сўзларидан олинган бўлиб, нақш боғловчи маъносини англатади. Бошда бу ном Муҳаммаднинг касбу корларига мувофиқ берилган. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида Баҳоуддин оталари билан бирга ўша даврда Бухородан чиқадиган энг сара мато кимхобга нақш боғлаш ҳунари билан машғул бўлганликлари ёзилган. Бу ҳақда манбада ҳазрати Хожанинг айтган қуйидаги сўзлари келтирилади: «Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик»[18]. «Рисолаи бофандаги» асарида ёзилишича, тўқувчи ва нақш боғлаш билан шуғулланувчи ҳунармандлар Баҳоуддин Нақшбандни ўзларининг пирлари сифатида эъзозлаганлар[19].

Баҳоуддин улғайиб, камол топиб, мудом қалбида Аллоҳни нақшлаб, холис меҳнат қилиш даражасига етгандан кейин уни Нақшбанд, яъни қалбида Тангри нақшланган инсон сифатида ҳурмат қила бошлайдилар. Баҳоуддин кимхобга нақш босиш учун энг чиройли нақшни излаб, бу энг Гўзал Нақш Аллоҳ эканлигини англаган. Бу Нақшни абадий нақшлаш лозим деб, мато, металл ва бошқа жисмларни йўқ бўлишини кўриб, уни нақшлаш лозим бўлган энг муносиб жой қалб деган хулосага келган. Бошида Баҳоуддин Аллоҳни қалбда нақшлашга қийналди. Кейин аста-секинлик билан унда малака ҳосил бўлган.

«Маноқиби Қодирия» асарида Баҳоуддинни Нақшбанд бўлишлари билан боғлиқ шундай ривоят келтирилган: Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номи билан машҳур Абдулқодир Гийлоний (1077-1166) Бағдоддан Бухорога қараб шундай башорат берганлар: «157 йилдан кейин Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд отлиқ бир зот зуҳурга келади ва бизнинг файз-хосиятимиз бирла мумтоз бўлади».... Баҳоуддинга устозлари зикр талқинини ўргатган бўлсаларда, у киши «Исми Зот»ни қалбда нақшлай олмадилар. Бу ҳолдан ғамгин ва маҳзун бўлганларида Хизр а.с. деди: «Эй Баҳоуддин, менга «Исми Зот»ни ҳазрати Абдулқодир Гийлоний таълим бермишлар. Сиз ҳам у кишига таважжуҳ қилсангиз, яъни юзлансангиз мақсадингизга етасиз». Баҳоуддин қ.с. ўша кеча Ғавсул Аъзамга таважжуҳ қилдилар. Тушларида Абдулқодир Гийлонийни кўрдилар. Ул ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларидан «Исми Зот»нинг нақшини Баҳоуддин тарафига кўрсатдилар. Шу бир кўргазмаклик билан Баҳоуддиннинг зоҳир ва ботинларида «Исми Зот» нақш боғлади. То шу мартабага етдиларки, кимхоб тўқилган маҳалда «Исми Зот» гуллар ўр-

18 Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 35-б.

19 Қаранг: Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академяси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174-б.

нига нақш бўлмиш эди. Баҳоуддин: «Бу файз бизга Ҳазрат Ғавсул Аъзамнинг файзларидан бўлмишдир», – деганлар.

Баҳоуддин ўз қалбларида Аллоҳни нақшлаб, «Даст ба кор» билан «Дил ба ёрлик»ни уйғун амалга оширадиган даражага етгандан кейин, аста-секин шогирдларига ҳам бу гўзал равишни ўргата бошладилар. У киши: «Нақш банд, ба дил банд», яъни «Аллоҳ нақшинигина боғла, уни фақатгина қалбингда боғла» деб уларни ҳам нақшбанд бўлишига ёрдам бера бошладилар. Бу улуғ зот туфайли кўп киши ғафлат ботқоғидан қутилди. Натижада Баҳоуддин шундай таълимот яратдиларким, унинг издошларини нақшбандийлар деб улуғладилар. Бу таълимот ва тариқат Нақшбандия номи билан машҳур бўлиб жаҳонга тарқалди.

Баҳоуддинга берилган Нақшбанд номининг моҳиятини энг гўзал услубда шеър мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий тавсиф эта олганлар. Буюк шоир ўзининг машҳур «Хамса» асарининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»нинг 21-бобини Баҳоуддинга бағишлаган. 30 мисрадан иборат бу тавсифда 31 маротаба нақш ибораси турли мазмун-моҳиятда ишлатилиб, Нақшбанд деган улуғ ном маҳобатини жуда гўзал равишда кўрсатган[20].

Навоий тавсифича, Наққош, яъни Тангри Ер юзида бир чиройли, гўзал нақш боғламоқчи бўлиб, «дилкаш», «дилнавоз Нақш» сифатида Баҳоуддин Нақшбандни яратди.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Маҳв бўлиб, ул сафҳада нақши вужуд[21].

Алишер Навоий Баҳоуддин қалбида жуд, яъни инъом, эҳсон қилиш, сахийлик, очиқлик фазилатлари нақш сифатида собит эканлигини ва нафс ҳою ҳавасини туғдирувчи вужуд нақши умуман йўқ бўлганлигини ёзади. Бу билан Навоий Баҳоуддин қалбида инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳру мурувват, маънавият ва маърифат, асл ватанпарварлик нақшланганлигини баён этади. Баҳоуддин қалбидаги Тангри нақши ва у яратган Нақшбандия таълимоти шарофатидан куфр аҳли қалбидаги нақшлар умуман йўқолади. Шунинг учун Алишер Навоий шундай ҳукм чиқарган:

Бунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд[22].

---

20 Қаранг: Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Н. Наврўзова. Тошкент: «Sano- standart» нашриёти 2019. 175-188-б.

21 Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр/ Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 82-б.

22 Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр/ Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 83-б.

Ажаб нақш, яъни Нақшбандия таълимоти туфайли Баҳоуддин Шоҳи Нақшбанд номи билан аржуманд, яъни азиз, иззатли, қадру қимматли, ҳурматли, шарафли, мўътабар ва табаррук зот бўлди.

Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбандни фано ва бақони вужудида нақшлаганини ва Аллоҳ нақшини абадий муҳрлаганини қуйидагича тавсифлайди:

Жони чу ул нақш макони бўлиб,
Нақшдан ўзга бари фоний ўлиб.

Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр[23].

«Мақомот»да нақшбандларнинг қалбидаги нақшининг моҳияти қуйидагича баён этилган:

Ту нақши нақшбандонро чи дони,
Ту шаклу пайкари жонро чи дони?
Дарахти сабз донад қадри борон,
Ту хушки, қадри боронро чи дони?[24]
Мазмуни:

Сен нақшбандлар қалбида нақшланган нақш моҳиятини қаердан ҳам билардинг. Сен жонимиз пайкарининг шакли бўлган Аллоҳ нақшини қаердан ҳам билардинг. Ям-яшил дарахт ёмғир қадрини билади, чунки унинг илдизи бу сувдан уни баҳраманд этади. Сен қуриган дарахт қаби бўлганинг учун аслингдан узилгансан, шу сабаб ёмғир қадрини қайдан биласан.

Бу мисралардан маълум бўладики, нақшбандлар инсонни асли билан боғланишга, ундан нуру файз олишга, куч-қувватли ва қудратли бўлишига ёрдам берганлар.

Демак, Баҳоуддинга Нақшбанд тахаллуси касбу корига мувофиқ берилган бўлсада, аста-секин у янгича мазмун касб этиб, қалбида Тангрини мудом нақшлаб олган сифатида қўлланилган. Кейинчалик Баҳоуддин ўзгаларни ҳам нақшбанд бўлишига ёрдам бериб, Нақшбандия таълимотини асослагани учун Шоҳи Нақшбанд номи билан улуғланганлар.

---

[23] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр/ Тўла асарлар тўплами. Олтинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 83-б.

[24] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 166-б.

## 1.4. Балогардонлик – илоҳий сифат

Бухорои шарифни жаҳонга машҳур этган Баҳоуддин Нақшбанд Балогардон номи билан ҳам маълум ва машҳурдир. Балогардонлик асли Тангри таолога хосдир. Бандаларга ҳам балогардонлик хусусияти бўлиши мумкинми? Тангри таоло изни билан илоҳий сифатли ҳақиқий инсонда илоҳий куч-қувват тажаллий этиши, намоён бўлиши мумкин. Бунга пайғамбарлар ва азиз – авлиёлар ҳаёт йўли мисол бўла олади.

Баҳоуддинни Балогардон, яъни балоларни қайтарувчи эканликларини биринчи бор у кишининг ифорлари тароватини ҳис этиб, туғилишларини башорат этган Муҳаммад Бобойи Самосий айтганлар. Бобойи Самосий Қасри Ҳиндувондан ўтаётганларида бу ифор таровати кўпайганини ва бу бола туғилганини айтадилар. Бу вақтда Баҳоуддин Нақшбанд туғилганига уч кун бўлган эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг боболари Бобойи Самосий каби табаррук зот назар этсинлар, дуои хайрларини олай деб, у киши ҳузурига чақалоқни келтиради. Бобойи Самосий чақалоқни нур тўла бағирларига босиб, «фарзандим» дедилар ва унга қараб, «Сен туфайли осмондан тушаётган балолар қайтади» деб башорат қилганлар.

Бухоро авлиёлари ҳақида асарлар ёзган Нарзулло Йўлдошевнинг Баҳоуддин Нақшбандга оид рисолаларида у кишини устозлари Амир Кулол Балогардон бўлдинг, деб айтганлари ёзилган. Ғавсул Аъзам номи билан машҳур Абдулқодир Гийлонийга оид манбаларда у киши Баҳоуддин Нақшбандга Балогардон номини берганликлари ҳақида ривоят келтирилган.

Тожиддин Ёлчуғлининг «Рисолаи азиза» асарида ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбандни валийлик даражаларини ҳали халқ билмаган бир вақтда у киши кўрадиларки, бир нонвой боши устига осмондан бало тушаётир. Баҳоуддин нонвойдан: «Менга Аллоҳ розилиги учун бирта нон бер» деб сўрайдилар. Нонвой бермайди. Баҳоуддин бу балони яқинлашаётганлигини кўриб, яна нон сўрайдилар. Нонвой инкор этади. Учинчи бор сўраганда нонвой яримта нон беради. Баҳоуддин Нақшбанд нонни олиб, осмонга томон ташлайдилар ва айтадилар: «Эй нонвой, бу нонни ўзим учун эмас, балки ўзинг учун тиладим. Осмонга қара». Нонвой қарайдики, бир қора булут каби нарса ерга тушмоқчи, аммо яримта нон уни туширмасдан турибди. Баҳоуддин нонвойга пайғамбаримиз с.а.в.нинг «Садақа радди бало» деган ҳадиси шарифларини айтади[25]. Муаллифнинг ёзишича, бу воқеадан кейин халқ Баҳоуддинни Балогардон сифатида тан ола бошлайди.

«Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асаридаги нақлларда Баҳоуддиннинг Бухоро халқини ташқи душман ҳужумлари, ҳокимлар зулми, табиат офатлари, ҳайвонлар ҳужуми, Қарши аҳолисини қурғоқчилик офати



[25] Маҳмудов. М. Аҳли дил: (Маънавий олам сирлари). – .: Ўқитувчи, 1997 128-129-б.

ва балолардан асраганлари ёзилган. Энг асосийси Баҳоуддин Нақшбанд халқни нафси аммора балосидан қутилиб, тинч-тотув ва бахтли яшашларига ёрдам берганлар.

Баҳоуддин балогардонлик даражасига қандай эришганлар? Баҳоуддин ўз вужудларини мукаммал ўрганиб, уни асл илоҳий сифати ила сақлашга жидду жаҳд қилган. Чунки инсонни Тангри жуда гўзал ва мукаммал қилиб яратган. Инсон вужудини Баҳоуддин илоҳий хазина деб, шундай таъкид этган:

Зери девори вужуди ту бувад ганжи гуҳар,
Ганж зоҳир шавад гар зи миён бархези[26].
Мазмуни:
Сенинг вужудинг девори остида гавҳар хазинаси бор,
Сен ўртадан кетсанг хазина кўринади.

Юқоридаги мисралар билан Баҳоуддин инсонга берилган вужуд, илоҳий мўъжизалар билан тўла хазина эканлигини таъкидламоқда. Чунки инсонга берилган вужуд, илоҳий хилқат асли пок, шаффоф ва латифдир. Нафси аммора истаклари ва ҳою ҳавасларига берилиш натижасида бу соф вужудни башарий иллатлар эгаллайди. Нафсига қул бўлиш билан инсон ундан-да тубанлашади. Агар инсон нафси амморасини жиловлаб, у туғдираётган кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат ва кина каби иллатларни йўқотса, гўзал ахлоқни эгаллай олади. Бундай инсон илоҳий сифатлар билан безанади. У зоҳиран кичик олам бўлсада, ботини илоҳий нуру файзга тўлади ва Улуғ оламга айланади. Шунинг учун Баҳоуддин «Сен ўртадан кетсанг», яъни нафс истакларидан воз кечсанг, вужудингдаги хазиналар ошкор бўлади демоқдалар.

Дарҳақиқат, илму фан ҳам исбот этмоқдаки, инсон вужуди бутун борлиқнинг кичрайтирилган нусхасидир ва унда барча борлиқнинг кўринишлари жамланган. Уни олами асғар–кичик олам деб айтадилар. Аммо ким вужудини, яъни бу кичик оламни асл яратилган ҳолатидек соф, пок, мусаффо сақлай олса унинг ботини ҳам пок бўлиб, Улуғ олам-олами кабирга айланади.

Бу фикрлардан маълум бўладики, Тангри таоло инсон жисму жасади ва руҳи равонида унинг камолоти учун зарур бўлган барча нарсаларни жойлаштирган. Инсонга илоҳий қувватларни имконият қилиб берган. Фақат инсон ўзлигини, яъни ўз нафси ва вужудини мукаммал ўрганиб, англаб эзгу ният ила мукаммал ҳаракат этса баракот топиб, илоҳий сифатларни эгаллай олади. Илоҳий сифатли инсоннинг дуолари Аршу Курсийга етади. Бутун

[26] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 152-б.

борлиқ унинг хизматида бўлади. Ана шундай инсон балоларни Аллоҳ изни билан даф қила олади ва соҳибкаромат бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари шуни кўрсатадики, у киши пок, илоҳий мўъжиза бўлган вужудларини ҳаром ва ифлос нарсалардан асраганлар. Мудом ҳалол луқмага эътибор берганлар. У киши билганларки, Аллоҳ Маҳз Хайрдир, яъни у фақат хайр ишни қилади. У яратган нарсалар ҳаммаси эзгуликка хизмат қилишини истайди. Халқимизда шундай мақол бор:

Ҳар киро аз баҳри коре сохтанд,
Меҳри онро бар дилаш андохтанд.
Мазмуни:
Ҳар кимни маълум иш учун Аллоҳ яратди,
Шу ишни меҳрини унинг кўнглига солди.

Аллоҳ ҳар бир инсонни яратар экан, унинг фитратида инсоният ва жамият учун фойда келтирадиган касбу кор истеъдоди ва меҳрини солади. Агар инсон ўз вужудини англаб имкониятларига муносиб ҳаракат қилса у жамиятда ўз ўрнини топади ва керакли инсон бўлади. Энг асосийси инсон вужуди ва имкониятларини ёмонлик учун ишлатмаслиги лозим.

Баҳоуддин Нақшбанд «Илоҳо, мақсуди ман ту ва ризоги ту мебошад», яъни «Тангрим, менинг мақсудим Сен ва Сенинг ризолигингни тилайман» деб, Тангрини қалбида нақшлаб, ботини ва қалбини поклаб, илоҳий сифатларни эгаллаб, бутун борлиққа муҳаббат билан муносабатда бўлганликларидан ва кучли ҳиммат, азму қатъият билан мукаммал ҳаракат қилганлари учун Комил инсон даражасига юксалганлар ва дуолари ижобат бўлган.

Манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрлари келтирилган:

Агар табоҳ шавад мамлакат аз шоҳ наранж,
Ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвешон аст[27].
Мазмуни:
Мамлакат хароб бўлса шоҳдан ранжима,
Ҳақиқат аҳли наздида дарвешлар гунаҳкордир.

Бу мисралар орқали Баҳоуддин Нақшбанд мамлакат ва халқ бошига офат, бало келса дарвешлар уни олдиндан кўра олиши ва бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим деб таъкидламоқдалар. Бунинг учун инсон ботини пок, қалби кўзгу каби шаффоф бўлиши лозим. Шунда ёғаётган балою офатлар, келаётган ёмонликлар қалб кўзгусида инъикос этади ва у уларни бартараф этиш йўлларини излаб топади.

[27] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 173-б.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд ўз вужуд, қалб ва руҳларини илоҳий сифатда сақлаганликлари, уларни илоҳий неъмат сифатида омонат билиб, биллурдек соф асрашга интилганлари учун Улуғ инсон бўлиб, камолга етганлар ва Ватан эл-юрт ва халқ бошига келган моддий ва маънавий балою офатларни Аллоҳ изни билан даф эта олганлар. Ҳар бир инсон Баҳоуддин Нақшбанддан ибрат олиб, эзгу ният билан жидду жаҳд қилиб, вужудини ҳалолу пок сақласа, нафсини тарбия этса, илоҳий сифатларини олиши ва ҳақиқий инсон бўлиши мумкин. Шунда у ўзини, оиласини, маҳалласи, шаҳри ва Ватанини ёмонликлардан сақлаши мумкин.

Баҳоуддинни зиёрат этаётганларнинг баъзиси Нақшбанддан «Балоларни қайтаринг» деб сўрайдилар. Фақат Тангригина балоларни қайтара олади. Зиёратга келган инсон Баҳоуддин каби илоҳий сифатли бўлишга интилиши лозим.

## 2. ТАРБИЯ ҚИЛГАН УСТОЗЛАР

### 2.1. Баҳоуддинни маънавий фарзандим деган Улуғ Зот

Баҳоуддин Нақшбанд камол топишларида устозларининг ўрни каттадир. Нақшбандга илк сабоқ бериб, зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор этган муборак зот Муҳаммад Бобойи Самосийдир (вафоти 1336). Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи шогирдлари Хожа Алоуддин Аттор нақл қиладики, Баҳоуддин Нақшбанд шундай айтганлар: «Ҳазрат Ҳақ Субҳанаҳу таолонинг бу фақирга нисбатан қилган меҳрибонликларидан бири шу эдики, болалик чоғларимдан бузругвор шайх Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий қуддиса сирриҳунинг назари муборакларига мушарраф бўлдим ва улар мени фарзандликка қабул қилдилар»[28].

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумот бериб шундай ёзган: «Аларга қабул назари фарзандликка Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдандур»[29].

Баҳоуддин Нақшбанд нақл қиладиларки: «Туғулишимдан бир неча вақтлар илгари (Муҳаммад Бобойи Самосий) Қасри Ҳиндувондан кўп ўтган эканлар ва ҳар гал: « Бу ердан бир эрнинг ҳиди келмоқда, тез фурсат-

[28] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 31-б.

[29] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 261-б.

да Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланади», дер эканлар. Бир куни ўз халифаларидан бўлган. Ҳазрати Саййид Амир Кулолнинг манзилларидан Қасри Орифонга кетаётиб айтибдиларки: «Ўша ҳид зиёда бўлибди, ўшал эр туғилганга ўхшайди»[30].

Бу воқеани жуда гўзал равишда бадиий чизгилар билан Эшқобил Шукур «Нақшбанд» достонида қуйидагича тавсифлаган:

Бобойи Самосий, самовий Бобо,
Қасри Ҳиндувондан қайта ўтар чоқ,
Оқ чанглар тўзғиган сомон йўлида
Қадим ҳаёт билан сирлашди узоқ.
Бир зум тин олдида, сўнгра дедилар:
«Димоғимиз сезган ўшал эр ҳиди бу гал
бу тупроқдан келди ортиқроқ»[31]

Баҳоуддин Нақшбанд бу вақтда уч кунлик чақалоқ бўлган. Бобоси Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг мухлисларидан эканлар. У кишининг кўнгилларидан, бу фарзандни уларнинг муборак назарларига олиб борай, деган хаёл ўтибди. Бу хаёл билан қаттиқ ниёзмандлик кўрсатиб, Муҳаммад Бобойи Самосийнинг олдиларига олиб борибдилар. Эшқобил Шукур бу воқеани қуйидагича тасвирлаганлар: «Уч кундан сўнг Бобойи Самосийнинг осмоннинг ўнгири этакларига манглайида ой порлаган гўдакни қуёш боласидай обкеб солдилар. Этаклари нурга чўлғанган Бобо уни фарзандликка қабул қилдилар». Муҳаммад Бобойи Самосий барча дўстларга юзланиб: «Биз ифорини сезган киши шудир, умид қиламанки, у даврнинг пешвоси бўлажак», деб башорат қилганлар.

Шундан кейин Муҳаммад Бобойи Самосий Саййид Амир Кулолга қараб айтибдиларки: «Фарзандим Баҳоуддинга шафқатингни дариғ тутмагайсан, агар нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман!» «Нақшбанд» достонида бу воқеа қуйидаги мисраларда тавсифланган:

Бобойи Самосий, муборак Бобо,
Оятни омонат топширган каби,
Ҳаётни омонат топширган каби
Гўдакни топширди Амир Кулолга[32].

[30] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 31-б.

[31] Эшқобил Шукур. Нақшбанд (достон) / Ҳамал айвони. Шеърлар. – Т.: «Шарқ», 2002. 232-б.

[32] Эшқобил Шукур. Нақшбанд (достон) / Ҳамал айвони. Шеърлар. – Т.: «Шарқ», 2002. 233-б.

«Мақомот»да ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий сўзларидан бирида шундай айтилади: «Талқини зикр, яъни зикр айтиш қоидасини комилу мукаммал пирдан таълим олиш керак. То таъсири билинсин ва натижа ҳосил бўлсин. Ўқни Султон ўқдонидан олмоқ керак, токи ҳимоя қилишга арзисин. Биз талқини зикрни бузругвор шайх Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдан олганмиз, Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин»[33]. Баҳоуддининг бу сўзларидан маълум бўладики, у киши Муҳаммад Бобойи Самосийни комилу мукаммал пир ва бузругвор шайх, деб эътироф этганлар ва илк хуфия зикр талқинини у кишидан ўрганганлар. Шунингдек манбада Баҳоуддиннинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Ҳазрати Азизондан икки хил зикр нақл қилинади (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин). Бири – жаҳр ва бири – хуфия. Хуфя зикри кучли ва авло бўлгани учун биз уни ихтиёр қилдик»[34].

Манбада таъкидланишича, Баҳоуддин 18 ёшга етганларида у кишини уйлантирмоқчи бўлганлар. Боболари бориб Бобойи Самосийни олиб келиш ва бу хайрли иш уларнинг муборак назарлари остида амалга ошишини истаганлар. Баҳоуддин Бобойи Самосийни уйларига борганларида унинг ҳолатида ўзгариш ҳосил бўлиб, масжидга кириб икки ракат намоз ўқийди. Бошини саждага қўйиб, илтижо билан «Илоҳо, бало ва кулфатнинг юкини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут», деди. Тонг отгач Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурларига кирганларида у киши Баҳоуддин Нақшбандга шундай дедилар: «Эй фарзанд, дуода: «Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса бу бандани ўша ишга мубтало эт», демоқ лозимки, Ҳақ Субҳанаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз иноятии билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади. Бунинг ҳикматини эса унга аён қилади. Ўз ихтиёри билан бало талаб қилмоқ душворким, бу борада густоҳлик қилмаслик керак!»[35]. Баҳоуддин Нақшбанднинг доимо холис, Аллоҳ ризолиги учун меҳнат қилиши ва «Илоҳо, менинг мақсадим Сенсан ва Сенинг ризолигингни тилайман» деб гўзал амал қилиши Муҳаммад Бобойи Самосийнинг шу ўгитлари натижаси экан.

Манбада ёзилишича, Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбанднинг уйларига келаётганларида Нақшбанд у кишининг орқаларидан

---

[33] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 129-б.

[34] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 129-б.

[35] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 33-б.

зору ниёз билан борардилар. Агар Баҳоуддиннинг кўнглида паришон хаёллар пайдо бўлса, Бобойи Самосий у кишига назар қилиб: «Дилни тиймоқ лозим» дер эдилар. Бундан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанднинг доимо қалбидан огоҳ бўлиб юришлари ва кейинчалик «Вуқуфи қалби» рашҳасини яратилишига биринчи асос Муҳаммад Бобойи Самосийнинг нафаси мубораклари туфайли вужудга келган[36].

Қасри Орифонга Баҳоддин Нақшбанд ва Бобойи Самосий етиб келганларида боболари уйлантириш масаласи ҳақида гапириб берадилар. Муҳаммад Бобойи Самосий: «Бу хайр ишини адо қилиш керак», дедилар. Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, бобом бу ишни уларнинг ҳузурида адо бўлишини хоҳладилар. Аммо отам расму одат бўйича бу ишнинг тантанавор ўтишини истар эдилар. Бобойи Самосий айтдилар: «Вақт ғанимат, тантанага ҳожат йўқ, кечиктириш керакмас». Отам ул маҳаллани танимас эдилар. Хожанинг истакларига қарши турдилар. Хожа бориб совчилик қилдилар ва одамлар уларнинг истакларини қабул қилдилар. Бу ҳолдан отам бир онда ўзгардилар ва тантана қилишга қувватлари қолмади. Демак, Муҳаммад Бобойи Самосийнинг муборак назарлари остида ортиқча харажат ва тантаналарсиз Аллоҳ ризо бўладиган даражада Баҳоуддин Нақшбанднинг уйланиш маросимлари амалга ошган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳалолу пок оила қуришлари ва муборак фарзандлар кўришларида ҳам Муҳаммад Бобойи Самосийнинг хизматлари катта бўлган.

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари Аллоҳ изни билан, Муҳаммад Бобойи Самосий вафотларидан кейин Баҳоуддин Нақшбандга руҳий устозлик қилганлар. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд увайсийлик услуби билан Хожаи Жаҳондан таълим олиш вақтларида ўтганлар руҳи қаторида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий руҳи ҳам бўлган. Ўтганлар руҳини таништираётганда Хожа Муҳаммад Бобога қарата: «Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк берибдурлар ва каромат қилибдурларики, нозил бўлган бало сенинг баракотингдин дафъ бўлгай» – деган эдилар[37]. Бу далил шуни кўрсатадики, Баҳоуддинни балогардон бўлишини ҳам Муҳаммад Бобойи Самосий башорат қилган. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳолатини ўзгартирган Ҳазрат Азизон, яъни Хожа Али Ромитанийнинг кулоҳини ҳам Хожа Бобойи Самосий берган эканлар.

Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбанд ифорларини сезган пайтларидаёқ, бу муборак зот туфайли Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланади, деган башоратни айтган эдилар. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақш-

[36] Наврўзова Г. Н. Муҳаммад Бобойи Самосий / Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг Нақшбандия тариқатидаги ўрни. Бухоро: 2008. 22-27-б.

[37] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 261-б.

банд маърифатли шахс бўлиб камол топгандан кейин у кишидан илму урфон ўрганиш мақсадида дунёнинг тўрт томонидан кишилар кела бошлайди. Бу муқаддас макон орифларнинг макони сифатида машҳур бўлиб, Қасри Орифон дея аталди. Муҳаммад Бобойи Самосий айтган башоратлари тўғри чиқиб, ҳозирги кунгача бу табаррук замин Қасри Орифон номи билан машҳурдир[38].

Баҳоуддин Нақшбандга таълим бериб уни камолга етказган устозларининг қилган хизматларини қиёсий таҳлил этсак, энг узоқ муддат тарбия берган устоз Муҳаммад Бобойи Самосий эканлиги аниқланади. Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбандга туғилганидан 18 ёшга киргунга қадар тарбия берган ва бу улуғ зотни жисман, руҳан покланиб, тасаввуфий илмларни тўла олишга тайёрлаган. Баҳоуддин Нақшбандга Халил Ота 12, Амир Кулол 7, Ориф Деггароний 7 йил ва Қусам Шайх 3 ой устозлик қилганлар. Бу рақамларни таққосласак Муҳаммад Бобойи Самосийнинг, бир томондан Баҳоуддинга илк сабоқни берганликлари, иккинчи томондан 18 йил энг узоқ муддат устозлик қилганликлари аён бўлади.

Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга Муҳаммад Бобойи Самосийнинг васиятлари асосида у кишидан олган илмларини беради. Кейинчалик Амир Кулол Муҳаммад Бобойи Самосийдан олган барча илмларимни Сизга бердим, лекин Сизнинг ҳимматингиз баландпарвоз экан деб, Баҳоуддин Нақшбандни бошқа устозлардан илм олишларига рухсат берадилар. Бундан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолдан олган илмлари ҳам Муҳаммад Бобойи Самосийнинг васиятлари асосида бўлиб, аслида у кишининг хизматлари бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз Баҳоуддин Нақшбанд камолотида Муҳаммад Бобойи Самосийнинг ўринлари беқиёс деб айтишни лозим кўрдик.

Туркияда нашр этилган «Тасаввуфий ахлоқ» асарида Муҳаммад Бобойи Самосийга қуйидагича таъриф берилган:

Шамси Ҳақ Бобо Самосий ул Муҳаммад Хожадир[39].

Дарҳақиқат, Ҳақнинг Шамси, яъни Ҳақ, Аллоҳнинг хуршиди, қуёши бўлган Муҳаммад Бобойи Самосий Оллоҳдан олган нурларнинг нурини Баҳоуддин Нақшбанднинг вужуди, қалби, руҳига илоҳий нур, файз, барака қилиб жойлаштирдилар. Бу табаррук зот Шамси Ҳақ, яъни Ҳақ Қуёши сифатида илоҳий нурларда Баҳоуддин Нақшбандни тоблантириб, поклантириб камол топишига ёрдам бердилар. «Ёшликда олган билим тошга ўйилган нақш» дейилади. Баҳоуддин Нақшбандни қалбида илк Оллоҳнинг нақшини нақшлаган ва уни Шох Нақшбанд сифатида камолга етиб бутун

[38] Қаранг: Раҳимов К. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг ҳаёти ва фаолияти. / «Buxoroda Islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari». Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. 24-fevral 2020. Buxoro.2020. 86-90 bet.

[39] Муҳаммад Зоҳид Қутки. Тасаввуфий аҳлоқ. Том 2. Анқара: Цена нашриёти, 1992. 186-б.

оламга аржуманд этган устозлари ва маънавий отаси Муҳаммад Бобойи Самосийдир.

Юқоридаги фактлардан маълум бўладики, Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбандга унинг чақалоқлик давридан бошлаб то вафотларига қадар, яъни 1336 йилгача 18 йил маънавий ота ҳам илк устоз сифатида тарбия бериб, назари мубораклари, ҳаётбахш нафаслари, хайрли дуолари орқали вужудларини нуру файзга тўлдириш билан бирга, зоҳирий ва ботиний илмлардан сабоқ берганлар. Бизнинг фикримизча, Баҳоуддин Нақшбанд араб, турк, форс, тожик тилларини, Қуръони Карим ва ҳадиси шариф ҳақидаги илк сабоқларни Муҳаммад Бобойи Самоийдан ўрганганлар. Айнан Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбандни зоҳиран ва ботинан тариқат илмини ўрганишига тайёрлаганлар.

Демак, умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, жаҳоншумул Нақшбандия таълимотининг асосчиси, Шоҳ Нақшбанд, Баҳоуддин Балогардон номлари билан бутун оламга машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийнинг камол топишида Муҳаммад Бобойи Самосийнинг хизматлари беқиёс экан. Хожагон тасаввуфий таълимоти ҳақидаги илк сабоқларни Бобойи Самосийдан олиб, шу дастлабки мустаҳкам асосдан улуғвор таълимот яратилган.

### 2.2. Баҳоуддинга илк руҳий таълим берган устоз

Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосийдан илк сабоқлар олаётган бир вақтда Аллоҳ томонидан юборилган бир азиз устознинг таълимини ҳам олиб, ниёзмандлик йўлини тутганлари ҳақида манбаларда маълумот берилган. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари айтган эканлар: «Жазаба ҳолатнинг бошларида Ҳақ Жалла Жалолаҳунинг дўстларидан бири билан учрашув юз берди. У менга қараб: «Ошнолардан кўринасан?» деди. Мен унга: «Дўстлар назарининг баракотидан ошно бўлишга умидворман», дедим. Ул азиз мендан: «Муомалада қандай йўл тутасан?», деб сўради. Мен унга: «Агар топсам, шукур қиламан, агар топмасам, сабр қиламан», дедим. Ул азиз табассум қилди ва деди: «Сен тутадиган бу йўл жуда енгил, аслида иш бундай: нафсингни бир чангалзорга киритки, нону ош тополмасин ва қайсарликни ташласин!»

Мен ёлвориб ул азиздан мадад талаб қилдим. У менга деди: «Бир биёбонга киргинки, умидинг халқдан бутунлай узилсин», шу тариқа уч кун йўл юриб тўртинчи куни нон берганларида ҳам илтифот қилмагин»[40]. Баҳо-

[40] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 50-б.

уддин Нақшбанд ул азиз айтганларига тўла риоя қилади. Маълум бўладики, Тангри инояти билан юборилган бу азиз устоз инсон камолоти учун биринчи шарт бўлган нафсни идора қилиш ва Аллоҳ хазинаси бўлган вужудни пок сақлаш лозимлигини таъкидлаган ва Баҳоуддин Нақшбандга ўргатган.

Баҳоуддин Нақшбанд ул азиз устоз ўгитига тўла амал қилиб, ўз нафсини таниб, уни бошқаришни ўргангандан кейин у Баҳоуддин Нақшбандга шундай деб тайинлади: «Одамлар кўнглини топ, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўл, ҳожатмандлик ва бечоралик билан муомала қил»[41]. Бахоуддин Нақшбанд айтадиларки, ул азизни ишорати билан бу йўлга машғул бўлдим ва бир қанча муддат шу сифат билан юрдим. Шу даврда Баҳоуддинда барча инсонлар зотига нисбатан меҳру мурувват билан муносабатда бўлиш, холис, риёсиз, таъмасиз эзгу ишларни амалга ошириш ва бу хизматларни шоду мамнунлик билан Оллоҳ ризолиги учунгина бажариш сифати шаклланади.

Бу вазифани шараф билан бажаргандан кейин ул азиз Баҳоуддин Нақшбандга шундай деди: «Ҳайвонлар тарбиятига барқарор тур ва ниёзмандлик йўлида бўлгинки, улар ҳам худонинг махлуқларидир ва улар ҳам Парвардигорнинг назарида бўлади. Агар уларнинг орқаю ёнларида яра ва жароҳат бўлса, даволаш тадбирига машғул бўл»[42]. Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, «Етти йил бу ишга машғул бўлдим»[43]. Агар йўлимдан бир ҳайвон чиқса уни аввал ўтказардим, юзимни кечалари хачирлар оёғи теккан жойларга суртар эдим. Бу даврда Баҳоуддин ҳайвонот олами билан яқиндан танишиб, уларнинг ҳар бирининг яралиш ҳикматини англаб, уларнинг инсоният учун қанчалар фойдали эканлигини кўриб, у кишида ҳайвонот оламига нисбатан меҳру мурувватли бўлиш ва эзгулик қилиш сифатлари шаклланган.

Баҳоуддин айтадиларки, яна ул азиз шундай деди: «Бу даргоҳнинг итларига бечоралик билан хизматда бўл, мақсадингни талаб қил. Бу йўлда бир итга дуч келасанки, у билан саодатга эришасан»[44]. Баҳоуддин ул азизнинг ишорати билан хизматни ғанимат деб билиб, итларнинг мулозаматида бўлиб, бир итнинг дуосини олишга мушарраф бўладилар. Яна бир жазирама кунда офтобпараст деган бир жониворнинг ҳам дуоларини оладилар. Де-

[41] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 50-б.

[42] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 50-51-б.

[43] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 51-б.

[44] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 51-б.

мак, инсон камолоти йўлларидан яна бири Оллоҳнинг махлуқоти бўлган ҳайвонот оламига меҳр-мурувват билан муносабатда бўлиш ва уларнинг дуоларини олиш экан. Чунки Аллоҳ барча мавжудот ва махлуқотнинг дуосини қабул қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, ул азиз менга яна шундай деди: «Энди йўл хизматига кириш, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, одамларнинг назаридан пинҳон қил, токи улар зиён топмасинлар»[45]. Баҳоуддин Нақшбанд ул азиз устоз ўгитига етти йил тўла амал қилдилар. У киши айтардилар: «Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло бўшамас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай амални буюрса садоқат билан бажо келтирар эдим. Ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезар эдим»[46].

Манбада ул азиз устознинг исми ёзилмаган. Бизнинг фикримизча, Баҳоуддин Нақшбандга таълим берган ул Аллоҳнинг азизи Хожаи Хизр бўлсалар керак. Чунки барча валийларни тарбиялаш учун Аллоҳ изни билан Хожаи Хизр келганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг бу даврида камтарин, ниёзманд бўлишни ўрганганлар.

Хожаи Хизр увайсийлик йўли билан тарбият берган ниёзмандлик даврида Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсини идора этишни ўрганиб, бутун инсоният, ҳайвонот, набoтот ва тўрт унсур дуосини олишга мушарраф бўлиб, бутун борлиққа нисбатан меҳру мурувватли бўлиш ва эзгулик қилиш сифатлари туфайли тўла камолот даражасига томон тараққий этганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг бу даври ҳам бизлар учун ибратдир.

### 2.3. Яссавия таълимотидан олинган илк сабоқлар

Муҳаммад Бобойи Самосий вафот этганларидан кейин, ҳазрат Сайид Амир Кулол Қасри Ҳиндувондаги Баҳоуддин Нақшбанд яшаган уйга ташриф буюриб шундай дейдилар: «Менга Хожа Муҳаммад Бобо васият қилиб, фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни аяма, агар бу ишда нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман, дедилар. Агар хазрати Хожа Муҳаммад Бобо васиятига нуқсонга йўл қўйсам мард эмасман». Шундан кейин Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга тарбия бера бошладилар. Аммо бу узоқ муддатга чўзилмади.

Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида ёзиладики, Амир Кулолдан кейин Баҳоуддин Ориф Деггароний, Қусам Шайх ва Ха-

[45] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 52-б.

[46] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 52-б.

лил отага хизмат қилдилар[47]. Аммо «Маноқиб» ва «Мақомот»нинг илмий таҳлили ва мантиқий қиёслаш услуби шуни кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд Халил Отага олдинроқ хизматда бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолдан энди сабоқ олаётган тунларнинг бирида тушларида Яссавия тариқати пирларидан бўлган Ҳаким Ота номи билан машҳур Сулаймон Боқирғоний (ваф.1186 йил, Хоразм)ни кўрадилар. Ҳаким Ота Баҳоуддинни бир турк дарвешига топширадилар. Баҳоуддин уйғонганларида унинг кўриниши эсларида қолади. Бувиларига бу кўрган тушни айтганларида, у киши: «Турк машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади», дедилар. Баҳоуддин бу шайхни кўриш орзусида юрган вақтларида у киши билан Бухорода учрашади. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида бу воқеа қуйидагича баён этилган:

«Мен отам билан кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар одатига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди. Бир куни кечаси турк машойихларининг улуғларидан бўлган Ҳаким Ато қуддиса сирруҳини тушимда кўрдим. Улар мени бир дарвешга топширар эдилар. Уйғонган пайтимда дарвешнинг афту ангори эсимда қолган эди. Солиҳа бувим бор эдилар, бу тушни уларга айтдим. «Турк машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади», – дедилар. Мен доимо ўша дарвешни кўриш орзусида юрардим.

Бир куни Дарвозаи Оҳангарондан чиқаётиб, ўша дарвешга дуч келиб қолдим. Сочлари мулоҳ шаклида, бошида минг баҳяли кулоҳ, қўлида ўн бадли уд дарахтидан қилинган ҳасса бор эди. Орқасидан равона бўлдим. У менга қайрилиб боқмасди, мен эса қолмасдан кетавердим. Мурғкуши кўчасига етиб, бир уйга кирди. Мен эса орқага қайтдим.

Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. «Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлаяпти», – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бироз ҳадя олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвеш хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркчалаб: «Улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?», деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим, подшолар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим. Хилватда унинг хос маҳрами мен эдим.

[47] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масуъл муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 79-б.

Шундай қилиб мен авлиёуллоҳнинг хизматини қилардим. Баъзан қаттиқ гапириб, баъзан лутфи билан менга кўп шафқатлар қиларди. Шундан сўнг уларга қарши душман пайдо бўлди. У енгилди. Бир онда унинг тамоми салтанати ҳавога совурилди. Шунда дунёнинг барча кору боридан менинг кўнглим совуди. Бухорога қайтиб келдим ва Ревартунда яшай бошладим»[48].

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида 449-валий сифатида Халил Ота қ.р. ҳақида маълумот берадилар[49]. «Рашаҳот» асарида эса биз бундай маълумотни учратмадик. Навоий Баҳоуддин Нақшбанд камолот йўлларининг бошида Халил Ота билан учрашганликларини қайд этганлар.

Сўфийлик тариқатларини манбалар асосида чуқур таҳлил этган инглиз олими Дж.С.Тримингэм Яссавия тариқати ҳақида маълумот бериб, тариқатнинг силсиласини чизма тарзида ўз асарида келтиради. Бу силсиладан маълум бўладики, Халил ота (ваф.1347) Яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавийнинг шогирди Мансур б. Арслон-Бобо (ваф. 1197)нинг шогирди Абдулмалик Тодж-Хожа (ваф.1218)нинг шохасини давом эттирган. Тримингэм асарида келтирилган Аҳмад Яссавийнинг силсиласида Халил Отадан кейин Баҳоуддин Нақшбандни ёзиб қўйган[50]. Нақшбандшунос олим Ориф Усмон «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» асарида «Ваҳдат шаробин ичдим» (Яссавия тариқати) номли мақоласида Тодж-Хожа Абдулмалик Отанинг ўғли бўлиб, бу зот бутун Тошкент вилояти аҳолисининг мўътабар пири бузруквори Занги Бобонинг отаси ҳисобланишини қайд этган[51]. Ориф Усмон ҳам мақоласида Яссавия тариқати силсиласини чизма тарзида келтирган. Шу силсилада ҳам Халил Ота ва Қусам Шайхлардан кейин Баҳоуддин Нақшбанд номи қайд этилган ва у томонидан алоҳида тариқат ташкил этилганлиги кўрсатилган.

Юқоридаги далиллардан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосийдан кейин ўн икки йил Яссавия тариқатининг шайхи Халил Отанинг хизматида бўлганлар. Хожагонлар тариқатидан бўлган Муҳаммад Бобойи Самосий қандай у кишига илм бериб ва ўз тариқатларининг одоблари бўйича тарбия берган бўлсалар, Халил Ота ҳам ўн икки йил Яссавия тариқати одобларини Баҳоуддинга ўргатганлар. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Хожагонлар тариқатидан қай миқдорда баҳраманд бўл-

[48] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O’zbekiston» НМИУ, 2019 35-37-б.

[49] Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. / Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 250-251-б.

[50] Тримингэм. Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Пер. С Англ. А А Ставиской, под редакцие и с предисл.О. Ф. Акимушкина. М.: Наука. Главная редакция восточной литературы 1989. С 58.

[51] Ориф Усмон. «Ваҳдат шаробин ичдим» (Яссавия тариқати) / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар: / Тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 1994 134-147-б.

ган бўлсалар, Яссавия таълимотидан ҳам шу миқдорда баҳраманд бўлиб, унинг одобларини ўрганиб, ундаги дуру маржонларини ўзлари ташкил этган Нақшбандия таълимотига сингдирганлар. Шунинг учун бўлса керак, Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактабининг барча эзгу томонларини ўзига сингдириб, тариқатларнинг афзали сифатида машҳур бўлди.

Манбаларнинг таҳлили кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд 1336-41 йилларда Яссавия тариқатининг шайхи дарвеш Халил Отага хизмат қилган. Дж.С.Тримингэм Халил Ота ҳақида ёзган фактлар бунга далолат беради[52]. Тасаввуфшунос олим А. Д. Кныш Халил Отани Чиғатой хони Яссавурнинг ўғли деб ёзади. Манбаларда Халил Ота 1341-47 йилларда султон бўлганлиги қайд этилган. Халил Ота 1341 йилдан бошлаб Халил Султон бўлади ва у Ғозонхон номи билан машҳур бўлади[53].

Халил ота ҳақида Дж.С. Тримингэмнинг «Суфийские ордены в исламе» асарида маълумот келтирилган. Асарда ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд турк дарвешларидан бўлган ва тушида кўрган Халил номли киши билан дўст бўлган. Халил 1340 йилда мамлакат султони бўлади. Муаллиф бу фактни асослашда Ибн Баттута келтирган даллилларига таянади. Ибн Баттута Халил Отани «Аллоҳ Ғазан» номи билан тилга олади ва уни Чиғатой хони Яссавурнинг ўғли деб қайд этади. Тримингэм ўз асарида ёзадики, Баҳоуддин Халил Отага олти йил хизмат қилган. Султон Халил ҳижрий 747 миллодий 1347 йилда ҳалокатга учраган, султонлиги таназзулга юз тутган ва Баҳоуддин шундан кейин тўла дарвешлик йўлинин танлаган. Асардаги келтирилган далиллардан маълум бўладики, Халил Ота 1340 йилдан то 1347 йилгача Султон Халил сифатида мамлакатни бошқарган ва шу даврда Баҳоуддин Нақшбанд у кишининг хизматида бўлганлар.

Тасаввуф илмини чуқур ўрганган олим А.Д.Кныш 2004 йилда нашр этилган «Мусульманский мистицизм» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия ҳақида маълумот бериб, Халил Ота ҳақидаги фикрларида Ибн Баттута келтирган далилларга таянади.

2016 йил Тошкентдан Собиржон Исмоиловнинг «Нақшбандийлик – жаҳоншумул тариқат» номли монографиялари нашрдан чиқди. Бу асарда муаллиф Халил Ота ҳақида махсус тўхталган. Асарда Халил Отани Шайх Халил Ота, Султон Халил ёки Халилуллоҳ номлари билан тилга олган. Муаллифнинг фикрича, Халил Ота Ғазон Султон, Ғазонхон номлари билан ҳам маълум бўлган[54].

---

[52] Тримингэм. Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Пер. С Англ. А А Ставиской, под редакцие и с предисл.О. Ф. Акимушкина. М.: Наука. Главная редакция восточной литературы 1989. С 61.

[53] Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история / Пер. с англ. М. Г. Романов. – С П-б.: «Издательство» «Диля», 2004. – С 250-251.

[54] Исмоилов С. Нақшбандийлик – жаҳоншумул тариқат. Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2016. 43-47-б.

Халил Ота ҳақида «Фан ва турмуш» журналининг 1995 йил 3-сонида Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг «Ғозонхон Халил ва Баҳоуддин Нақшбанд» номли мақоласи чоп қилинган. Аҳмад Закий Валидий Тўғон манбаларга таяниб, Халил Ота ҳақида маълумот берган[55]. Шайх Халил Ота ҳақида Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида Қазонхон Султон Яссовур Чингизхон авлодларидаги Чиғатойдан бошланадиган Чиғатой хонларининг 24-бўғини эди, деб ёзилган[56]. Бу рўйхат шарқшунос олим К.Босвортнинг «Мусулмон сулолалари» асаридаги «Чиғатой авлодлари» (1227-1370) тўғрисида берилган маълумотга ҳам мос келади.

Сайёҳ Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома» асарида Халил Отани султонлик даврида адолатли иш юритганини қайд этган. Бу асарда Халил Ота Халил Султон бўлган даврларида у кишини Ғазонхон номи билан эъзозлаб атаганликлари ёзилган. «Ғазон» мўғулча исм бўлиб, «Қут-баракот соҳиби», кенгроқ маънода «Бахт келтирувчи» деганидир. Халил Султонни, шунингдек, Ғазоноллоҳ номи билан ҳам улуғлаганлар. «Ғазоноллоҳ» деган сўз «Аллоҳнинг барокоти» ва «Аллоҳдан бахт сўраб келтирувчи» деган маънони англатади. Халил Султон, шунингдек, Халилуллоҳ, яъни ислом дини учун курашувчи деган ном билан ҳам эъзозланган. Халил Султон Туркистонда ҳам дин, ҳам салтанат пешвоси бўлиб, мамлакатнинг ободонлиги ва адолатнинг барқарорлиги учун курашаётганида хиёнаткор Амир Қазоғон томондан ўлдирилганлигини Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида қайд этган[57].

Ғазонхон ёки Шайх Халил Султон ҳукмронлиги даврида мамлакат пойтахтини Туркистонга Қарши шаҳрига яқин Занжирсарой деган жойга кўчирган. Баҳоуддин Нақшбанд Шайх Халил Отага 1335 йилнинг охиридан у тахтга ўтирганга қадар, яъни 1340 йилгача олти йил, тахтга ўтиргандан сўнг яна олти йил жами бўлиб ўн икки йил хос мурид бўлиб хизмат қилган.

Якубовский А.Ю. «Переход от рабовладелъческого к феодалъному строю» асарида Халил Султон даврида Чиғатой улусида нисбий барқарорлик асоси бўлган марказлашган давлат қарор топа бошлаганлиги, илм–фан, маданият шу жумладан тасаввуф жуда тараққий этганлигини қайд этган.

Шоҳ ва дарвеш бўлган Халил Султоннинг салтанати 1347 йилда таназзулга учрайди[58]. Маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўн саккиз ёшларидан то йигирма тўққиз ёшга тўлгунга қадар Султон Халил хизматида бўлганлар. Султон Халил салтанати таназзулини кўргач, Баҳоуддин тўла дунёвий боғланишлардан узилиб, сўфийлик ҳаётига қайтадилар ва Бухоронинг Ревартун қишлоғига келиб яшай бошлайдилар. Шу билан Баҳоуддин қолган қирқ икки йиллик умрларини тўла сўфийлик йўлига бағишлаганлар.

---

[55] Қаранг: Аҳмад Закий Валадий Тўғон. Ғозонхон Ҳалил ва Баҳоуддин Нақшбанд / / Фан ва турмуш-1995- №3.

[56] Қаранг: Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: 1994.

[57] Қаранг: Иброҳимов Н. ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т.: 1993.

[58] Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: «Movorounnahr« – «O’zbekiston», 2009. 161-181-б.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1.Баҳоуддин Нақшбанд Яссавия тариқати ва таълимоти ҳақидаги илк сабоқларни шу тариқат шайхи Халил Отадан олган.

2. Халил Ота кейинчалик Халил Султон, Ғазохондан 12 йил муддатда Яссавия таълимотини ўрганиш Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий дунёқарашини шаклланишида кучли таъсир этган.

## 2.4. Увайсийлик – Хожаи Жаҳон руҳий устоз

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги манбаларда у кишининг увайсий эканлиги ёзилган.[59] Чунки у кишига руҳий олам воситаси ила тарбия берилган. Илк увайсийлик йўлидаги тарбияни юқорида кўрсатганимиздек, Хожаи Хизр берганлар. Аммо, манбаларда у кишини увайсий деганда Хожаи Жаҳондан олган тарбиялари назарга олинади. Чунки у кишини илоҳий иноят билан ўзларидан 98 йил олдин вафот этган Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари тарбият этган.

Увайсий – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, хос кишиларга Аллоҳ изни билан берилади. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд увайсий эканликлари ва руҳий тарбияни ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийдан олганликлари таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир энг муҳим манбалардан бири бўлган Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида: «Ҳазрат Хожамизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир»[60], деб ёзилади. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ёзадики, «Ҳар кишинингки бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар»[61]. Демак, увайсийлик-ботиний, руҳлари воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, хос кишиларга бериладиган зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир. Баҳоуддин Хожаи Жаҳон – Абдулхолиқ Ғиждувоний, Увайс Қараний, Ҳаким Термизийлардан маънавий-руҳий таълим олган.[62]

---

[59] Бу ҳақда қаранг: Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996. 14-24-б.

[60] Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия. – Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ. й. 58-б.

[61] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т 17. Т.: «ФАН», 2001. 24-б.

[62] Бу ҳақда қаранг: Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири нақшбандия. – Душанбе: «Истеъдод», 2018. 3-24-б., Наврўзова Г. Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: «ФАН», 2005. 63-83-б., Наврўзова Г. Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд / Нақшбандия камолот йўли. Т.: «ФАН», 44-47-б., Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд – увайсий зот. // Баҳоуддин Нақшбанд (рисола) / Г. Н. Наврўзова., лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ. Қ. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT- KONSALT » нашриёти, 2011.10-12-б., Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти / Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. Т.:» MUMTOZ SO'Z», 2017. 34-62-б., Наврўзова Г. Н. Баҳоуддин Нақшбанд жаҳоншумул таълимот асосчиси / Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г. Н. Наврўзова. Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 5-57-б.

Халил Ота-Халил Султон давлати таназзулга учрагандан кейин Баҳоуддин Нақшбандга Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳонияти таълим бера бошлади. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда таваллуд топганликлари ва Абдулхолиқ Ғиждувоний 1220 йилда вафот этганлари ҳақида маълумот берилган. Ораликда 98 йил ўтган бўлса-да, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳий даражалари шунчалик юксак бўлганки, вафотларидан кейин ҳам Баҳоуддин Нақшбандни тарбия қила олган. Хожаи Жаҳон Баҳоуддин Нақшбандга Хожагон тариқатининг бошланиши, ўртаси ва охири ҳақида таълим берганлар[63]. Манбаларда бу ҳақда яна қуйидаги маълумот келтирилган: «Ҳақиқатда у киши (Баҳоуддин Нақшбанд) увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳиятидан тарбия топганлар»[64].

Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд (қуддуса сирруҳу) дейдиларки: «Бир кеча, ҳол даражасига тушишимнинг дастлабки пайтларида, жазабот ғалаба қилганида Бухоронинг табаррук зотлари ётган мозорлардан бирига етдим. Ҳар бир мозорда чироқ кўрдим. Чироқлар ёндирилган, ичида ёғи тўла ва пиликлар ёғ ичинда. Пиликлар ёғдан чиқиб, равшанроқ ёниши учун уларни озгина ҳаракатга келтириш керак эди. Охирги мозорда қибла томонга мутаважжиҳ бўлиб (юзланиб) ўтирдим. Шунда ғойибдан бир ҳол зоҳир бўлди. Мушоҳада қилдим ва кўрдимки, қибла девори очилиб, буюк тахт пайдо бўлди. Тахт олдига яшил парда тортилган, атрофида жамоат ўтирибди. Уларнинг орасидан Хожа Муҳаммад Бобони танидим ва билдимки, улар марҳумлар эканлар. Жамоат ичидан бири менга деди:

- Тахтда Хожа Абдулхолиқдирлар ва бу жамоат у кишининг хулафолари (ўринбосарлари).

Кейин у жамоатнинг ҳар бирига ишорат қилиб деди:

- Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний (қадасаллоҳу таоло арвоҳаҳум).

Шу пайт жамоат деди:

- Қулоқ тутиб, тугал тинглагин, улуғ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний сенга сўзлайдилар. Ҳақ таоло сулуки йўлида улардан сенга ўзга чора йўқдир.

Жамоатдан ўтиниб дедим:

- Ҳазрат Хожага салом берсам, у зотнинг муборак жамолларига мушарраф бўлсам.

---

[63] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 39-45-б.

[64] Абдураҳмон Жомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ( қ. с.) Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул қудс. / Баҳоуддин Нақшбанд ( манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Н. Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 105-б., Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ. т. с. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 261-б.

Пардани менинг олдимдан олдилар. Нуроний Пирни кўрдим. Салом бердим, жавоб бердилар. Шу вақт Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (сулук) ҳақиқат йўлининг боши, ўртаси ва охирига тааллуқли сўзларни баён этдилар:

- Бунда сенга кўринган чироқлар сендаги истеъдод ва қобилиятга ишорат, башоратидир. Аммо пиликлар равшанроқ ёниши ва сирлар намоён қилиши учун бу истеъдод пиликларини ҳаракатга келтириш керакдир.

Яна Абдулхолиқ Ғиждувоний айтдилар ва муболаға қилдилар:

- Барча аҳволда қадамни амру наҳйи кўчасида қўйгил, азимат бирла амал қил, суннатни бажо келтиргил, рухсат ва бидъатлардан йироқ бўлгин. Муҳаммад Мустафо (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларини ўзингга пешво қил ва у кишининг муқаддас асҳобларининг (розиаллоҳу анҳум) хабар ва асарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!»[65]

Манбада келтирилган юқоридаги нақлнинг таҳлилидан маълум бўладики, Абдулхолиқ Ғиждувоний жуда юксак камолот даражасига етган табаррук зот бўлганликлари туфайли Баҳоуддин Нақшбандга берилган истеъдод ва қобилиятни кўриб, унга уларнинг борлигини айтганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтган эдилар: «Аҳволимни аввлида жазаба ғалабаси ва беқарорликда Бухорода тунлари кезиб юрардим. Тунларнинг бирида табаррук мозорларнинг бирининг бошига бордим. Қайси мозорга бормай, ўша мозорда ёниб турган бир чироқни кўрардим. Чироғдонда ёғ ва пилик тайёр ва муҳайё бўларди. Бироқ пиликни бироз ҳаракатга келтириш лозим бўлиб, у ёғдан чиқар ва янгидан ёна бошларди»[66]. Ана шу тунда Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга ўгит берганлар ва шундай айтганлар: «Сенга чироқларнинг юқоридаги кайфиятда кўрсатилиши сенинг бу йўлдаги истеъдод ва қобилятингга ишорат ва башоратдур, аммо истеъдод пилигини ҳаракатга келтирмоқ лозим, токи равшан бўлсин ва сирлар зуҳурга келсин»[67] Абдулҳолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга Аллоҳ томонидан берилган муборак фитратларидаги истеъдод ва қобилиятни ривожлантириш учун нима қилиш лозимлигини ҳам айтдилар ва у кишига буюрдилар: «Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру нахий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо (с.а.в.) нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг

[65] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 39-45-б.

[66] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 39-б.

[67] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 41-б.

улуғ саҳобалари ризвонолоҳи алайҳим ажмаъин асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!»[68]

Абдулхолиқ Ғиждувонийни Баҳоуддин Нақшбандга берган биринчи ўгитлари: «Барча ҳолатда қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин.» Бу билан Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга мудом яхшилик ва эзгулик йўлида, яъни Ҳақ кўрсатган йўлга собитқадам бўлишни ва Аллоҳ томонидан ман этилган, тақиқланган, ҳаром қилинган нарсалардан узоқ бўлишни буюрганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган ўгитларини Муҳаммад Порсо «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз тилларидан келтиради. Унда ёзилишича, Хожаи Жаҳон таъкидлаганларки, «Азимат билан амал қил!» «Азимат» – араб тилидаги сўз бўлиб, бирор ишга қасд қилиш, ният этиш, интилиш, йўналиш маъноларини билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир эзгу амал қилаётганда яхши ният билан, бутун куч – қувватларини йиғиб интилишлари лозимлигини Абдулхолиқ Ғиждувоний таъкид этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд камолоти учун зарур деб, Хожаи Жаҳон томонидан буюрилган ўгит: «Суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил!» Суннат Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалари тутган йўл ва пайғамбарнинг буйруқларидир. Баҳоуддин истеъдод ва қобилиятларининг очилиб ва равшан ёнишига ёрдам берувчи асосий восита суннатга амал қилиш экан.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган асосий ўгитлардан яна бири:«Рухсатлар ва бидъатлардан узоқ бўл!» «Бидъат» – араб тилидан олинган сўз бўлиб, динга кейин қўшилган урф-одат маъносини англатади.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Баҳоуддин Нақшбандга буюрган яни бир ўгитлари: «Мустафо (с.а.в.)нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол!» Бу билан пайғамбар (с.а.в.) айтган сўзлари, қилиб ўтган амаллари ва гўзал ахлоқларини ўзингга ибрат қилиб, уларни пешво, яъни йўлбошчи, раҳбар қилиб ол, деб айтганлар. Ҳадислар Қуръони Каримдан кейин турадиган диннинг асосий манбаларидир. Баҳоуддин Нақшбанд ўз истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш учун ҳадисларни ўрганишлари ва уларга мукаммал амал қилишлари лозимлиги таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбандга Хожаи Жаҳон кўрсатган асосий йўллардан яна бири: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг улуғ саҳобалари ахбору асарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!» Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг саҳобаларидан қолган ўгитлар, хабарлар ва асарларини излаб топиб, уни ўрганиб, уларга амал қилиши лозим эканлигини Хожаи Жаҳон таъкидлаганлар.

[68] Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 41-б.

Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд айтган эканлар: «Ҳар бир нарса ўз ўрнида таъсир кўрсатади ва унинг натижаси зоҳир бўлиб боради. Расул алайҳиссалоту васаллам ҳадисларини ўрганиш ва саҳобаи киром (разияллоҳу анҳум) ишларига амал қилишга буюрилганим учун уламоларга мулозамат қилар ва ҳадис ўқир эдим. Саҳобаларнинг йўл-йўриқларини ўрганардим ва ҳар бирига амал қилардим. Буларнинг натижасини илоҳий иноятлар туфайли ўзимда мушоҳада қилар эдим»[69].

Муҳаммад Порсо ўзининг «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид биринчи муқаддас каломларини изоҳлаб, шундай таъкидлаганлар: «Баҳоуддин Нақшбанд сулукда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бу амрларига (юқоридаги буйруқларига) қиёмда бўлиб, яъни қойим туриб амал қилардилар. Ҳақ таоло инояти билан ҳар бир васият амали натижасини ўзларида мутолаа қилардилар. Алония, яъни очиқ зикрига амал қилмадилар. Натижада ўз ботин аҳволларида тараққий – юксалишни мушоҳада қилардилар. Шунинг учун қуйидаги муқаддас сўзни Ҳақ йўли толибларига айтганлар». «Рисолаи қудсия»даги Муҳаммад Порсо таъкидлаган Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи муқаддас каломида шундай дейилган: «Мусулмончилик – ҳукмларга бўйсуниш, тақвога риоя қилиш, амални азимат билан маҳкам тутиш, рухсатли нарсалардан иложи борича узоқ бўлиш. Бунинг ҳаммаси нур, поклик ва раҳматдир. Булар, валоят даражаларига етиш воситасидир. Авлиёуллоҳлар улуғ манзил ва мақомларга мана шу сифатларни парвариш қилиш орқали етишдилар»[70]. Маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг амрларига тўла амал қилиб шу даражаларга етишганлар. Шунинг учун ўз ҳаётий тажрибаларига таяниб, бу амрларни нур, поклик, раҳмат ва валоят даражасига етиш воситаси деб юксак баҳо бермоқдалар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбанддаги истеъдод ва қобилиятни ривожлантириш мақсадида берган ўгитлардан кейин, Баҳоуддин Нақшбанга Насаф шаҳрига томон юзланиб, Амир Сайид Кулол хизматида бўлишни амр этдилар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожаи Жаҳон амрларига бўйсуниб, Амир Кулол хизматига борганлар. Баҳоуддин айтадиларки, Амир Кулол менга кўп илтифотлар қилдилар, лутфлар кўрсатдилар, зикр талқинини қилдилар ва нафйу исбот тариқи билан зикрга машғул қилдилар. Баҳоуддин таъкидлайдиларки, Абдулхолиқ Ғиждувоний менга амр қилганларидек, мен азимат билан амал қилдим. Амир Кулол ва шогирдларининг зикрлари алония, яъни очиқ, баланд овозда бўлган. Мен Абдулхолиқ Ғиждувоний ўгитларига амал қилиб, алония зикрига амал қилмадим. Баҳоуд-

[69] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 45-б.

[70] Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия. – Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ. й. 59-б.

дин Нақшбанднинг зикрлари хуфия бўлган. Маълум бўладики, хуфия зикр ҳам Баҳоуддин Нақшбандга Абдулхолиқ Ғиждувонийдан қолган. У киши Амир Кулолдан илмни Хожаи Жаҳон ишорат ва амрлари ила олганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддинни фитратида мавжуд бўлган илоҳий истеъдод ва қобилият билан таништириб, уларни камол топтиришнинг асосий йўлларини кўрсатиб берганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожаи Жаҳон амрлари асосида Амир Кулол ёнларига бориб, таълим олган ва ҳазрат Азизоннинг кулоҳини олиб кийиш бахтига муяссар бўлиб, илоҳий жазабага етишганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожаи Жаҳон амрларига бўйсуниб, хуфия зикрга амал қилганлар. Буларнинг натижасида Баҳоуддин Нақшбанд юксак мақомга эришиб, жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асослаганлар. Муҳаммад ибн Муҳаммадни Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон, Хожаи Бузург даражасига етишида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг хизматлари жуда улкандир.

Манбаларда ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?» У киши шундай жавоб берадилар: «Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига тўлиқ амал қилиш билан»[71]. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари асослаган камолот йўли Нақшбандияни шундай таърифлаганлар: «Бизнинг тариқамиз урвату-л-вусқо (кучли тутқич)нинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ва тобелари (ас-с-салоту ва- с- салом) суннатининг тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар (уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин) изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқада гарчи озгина амалда бўлса ҳам файзу футуҳ кўпдир, аммо суннатга риоя қилиш улуғ ишдир»[72]. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу эътирофларидан маълум бўладики, у киши ўз устозлари Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ўгитларига амал қилиб, жаҳоншумул Нақшбандия камолот йўлига асос солганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман» ўгитларини ўзи асослаган хожагон таълимотининг асосий тамойиллари сифатида киритган. Хожаи Жаҳоннинг «Рисолаи соҳибия» асарида маъмулот берилишича, Юсуф Ҳамадоний садоқатли шогирдига «Эй Абдулхолиқ, хавотир-

---

[71] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 121-б.

[72] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржима, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019. 120-б.

ни билиш иши сенга ҳавола қилинди» деб, хотирани ўрганиш масаласини унга вазифа қилиб топширган. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний устози берган вазифага садоқат билан жиддий ёндошиб, хотира масалаларини чуқур ўрганди ва хотира билан боғлиқ янги тўрт тамойил: «Ёдкард» – хотирага келтириш, «Бозгашт» – қайтиш, хотирани поклаш, «Нигоҳдошт» – нигоҳ яъни хотира, зеҳнни сақлаш ва «Ёддошт» – хотирани узоқ муддат пок ҳолда сақлаш тамойилларини кашф этди ҳамда уларни Хожагон таълимотининг асосий тамойиллари қаторига қўшди. Натижада Хожагон таълимоти асоси саккиз рашҳа – ҳаётбахш ўгитлардан иборат бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд устозлари Хожаи Жаҳон асослаган йўлни тўла қабул қилиб, саккиз тамойилга янги учта: «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи ададий» ва «Вуқуфи қалбий» рашҳа – ҳаётбахш ҳикматларни қўшиб, ўн бир тамойилга асосланган янги Нақшбандия камолот йўлини кашф этдилар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний барча муридларга қарата: «Халқнинг оғирини енгил қилмоқ лозим. Қўл ишда ва қалб Аллоҳ билан бўлиши керак» – деб айтар эди. Нақшбандия таълимотини жаҳонга танитган Хожа Аҳрор Валийнинг рашҳа – ҳаётбахш ҳикматли сўзлари «Рашаҳот» асарида жамланган. Уларнинг 23-рашҳаларида шундай деганлари манбада ёзилган: «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруҳу айтибдурларким, халқдин оғирлик кўтармоқ керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб била, «Даст ба кор, дил ба Ёр», деган сўз Хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқларида амри муқаррар турур»[73]. Бу билан Хожаи Жаҳон халқни Аллоҳ ризолиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлиги учун ҳаракат қилишга чақирган. Абдухолиқ Ғиждувоний томонидан илгари сурилган «Даст ба кору дил ба ёр» шиори Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг асосий шиорига айланди ва ҳозирги кунгача асосий шиори бўлиб қолмоқда.

Баҳоуддин Нақшбандга руҳий таълим берган устозлари Бухорои Шарифнинг биринчи пири Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз шогирдлари Авлиёи Кабирга ёзган «Васиятнома» асарида «ҳалоллик» масаласига махсус эътибор берганлар. Бу асар «Одоби тариқат», «Рисолаи васоё» номлари билан ҳам маълум. Хожаи Жаҳон ўз асарларида шогирдларига ўгит бериб, ҳалол ризқ топишга ва меҳнатсевар бўлишга ундайди. Рисолада бу маънида қуйидаги ўгит ёзилган: «Ҳалол егинки, ҳалол яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан қочгинки, Ҳақ таолодан узоқ тушмагайсан», «Эртага дўзах олови куйдирмайдиган ишни қил ва ибодатдан ҳаловат топиш учун ҳололдан кийин». Абдулхолиқ Ғиждувоний...

[73] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: ( Оби ҳаёт томчилари ): Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М.Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 346-б.

вонийнинг бу рисоласини Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон Исфахоний 1509 йилда ёзган «Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» асарида шарҳлаган. Юқоридаги ўгитларни шарҳ этиб, Ибн Рўзбехон қуйидаги рубоийни келтиради:

Зинҳор, ки дур бош аз ризқи ҳаром,
То ту дур наафти зи Худованди жаҳон.
Рўзии ҳалол қулфи дил бикушояд,
Мифтоҳи ҳамае чиз ҳалол аст мудом.[74]
Мазмуни:
Албатта, ҳаром ризқдан узоқда бўл,
Шунда Худодан узоқлашмайсан.
Ҳалол ризқ қалб қулфини очади,
Чунки доимо барча нарсаларнинг калити ҳалолдир.

Баҳоуддин Нақшбанд устозлари Хожаи Жаҳоннинг айтганлари, ўгитлари билан бирга асарлари билан чуқур таниш бўлганлар. Баҳоуддин ҳам устозлари ўгитига асосланиб ҳалол луқмага махсус эътибор берганлар. Манбада шундай нақл келтириладики, Баҳоуддин Нақшбанд бир куни Ғадиютга борганлар. Бир дарвеш таом келтиради Баҳоуддин: «Бу таомни ейиш бизга тўғри келмайди, негаки у ғазаб устида пиширилибди, унни элашда ва хамир қоришда кимдир ғазабда экан», дедилар. Баҳоуддин кимки капкирни қозонга қаттиқ урса ўша қазондаги овқатни емас эдилар ва айтар эдиларки: «Ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру барака бўлмайди, унга шайтон ва нафси аммора йўл топган бўлади. Демак, ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин?!. Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносининг юзага келиши ҳалол таомга боғлиқдир. Агар у таом воқиф ҳолда ейилса, барча ишларда, хусусан, намозда яхши натижа ҳосил бўлади».[75]

Манбада келтирилган юқоридаги маълумотлар гувоҳлик берадики, Муҳаммад исми билан туғилган бу инсоннинг Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон номлари билан танилишига асосий сабаб унинг вужуди, қалби ва руҳининг илоҳий шаффоф ва мусаффолигидир. Бу даражага етишувнинг асоси эса ҳалол луқмага эътибор берганликларидир. У киши ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан пиширилган таомни ўзлари ҳам емас, шогирдларига ҳам ейишни таъқиқлаб қўйган эдилар. Баҳоуддин Нақшбанд

[74] Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний./ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Сўз боши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент.: «Ўзбекистон», 2003 33-б.

[75] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент : «O’zbekiston» НМИУ, 2019 87-б.

ҳақида шогирдлари Алоуддин Аттор маълумот бериб айтадики, Ҳазрати Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочиши, айниқса ҳалол луқмага эътибор берардилар. Баҳоуддин шогирдларига мудом: «Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлардир»[76], деган ҳадисни такрорлаб, унга амал қилиш зарурлигини уқтирар эдилар.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози сифатида унинг камолотида асосий ўринни эгаллаган ва қуйидаги тарихий хизматларини амалга оширган:

1. Баҳоуддин Нақшбанд фитратидаги истеъдод ва қобилятни кўра олган.

2. Баҳоудинни ўзидаги истеъдод ва қобилятни англашига ёрдам бериб, уларни ривожлантириш учун зарурий ўгитларни берган.

3. Нақшбанд камолотида устози Амир Кулолнинг тарбиялари зарурлигини англаб, уни Амир Кулол хизматига сафарбар этган.

4. Баҳоуддин Нақшбанд камолоти учун зарур бўлган хуфия зикрни таълим берган. Хуфия зикр кейинчалик Нақшбандия тариқатининг асосий зикрига айланган ва тариқат аҳлини «Хилватни анжуманда» қилиб меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик тарзида ҳаёт кечиришларига имкон берган.

5. Баҳоуддинга камолот йўлининг боши, ўртаси ва охирини ўргатган маънавий устоздир.

6. Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган Хожагон йўли ва шу таълимотга хос саккиз рашҳа Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг тамал тошидир. Баҳоуддин Нақшбанд унга янги учта рашхани қўшиб, жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини яратган.

7. «Даст ба кору дил ба Ёр» Абдухолиқ Ғиждувоний асослаган шиор, ҳалол меҳнат ва ҳалол луқма ҳақидаги ғоялар Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асоси бўлиб қолмоқда.

## 2.5. Амир Кулол тарбияси

Бухорони 2020-йилда «Ислом маданияти пойтахти сифатида эътироф этилиши тарихий воқеадир. Бухорои Шарифнинг ислом дунёсида машҳур бўлишига тасаввуф таълимоти, хусусан Хожагон ва Нақшбандия тариқати ва унинг намоёндаларининг салмоқли ўрни бор. Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асослаган табаррук зот Баҳоуддин Нақшбанднинг камолотга етиши учун устозлари, айниқса Саййид Амир Кулолнинг хизматлари кат-

[76] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент : «O'zbekiston» НМИУ, 2019 83-б.

тадир. Манбалар асосида улуғ инсон Амир Кулолнинг ибратли ҳаёт йўли, устозлари Муҳаммад Бобои Самосийга садоқати ва Баҳоуддин Нақшбанд тарбиясига муносабатларини тарихийлик ва мантиқийлик услуби асосида таҳлил этишни мақсад қилдик.

Хожагон ва Нақшбандия тариқатларини бир-бирига боғлаб турган улуғ зот, Силсилаи Шарифнинг 15-ҳалқа пири[77] ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчиси[78] Амир Кулолдир. Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Кулол ҳақидаги маълумотлар «Мақомоти Амир Кулол»[79] ва «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» да батафсил ёритилган.[80] Шунингдек Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахруддин Али Сафий ва Носириддин Тўралар томонидан ёзилган тазкираларида бу ҳақда маълумотлар сақланган.[81]

Биз Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб Нигора Сафарова билан ҳаммуаллифликда ёзган ва 1996 йилда нашр этилган «Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари» номли монографиямиз[82] ва 3 марта нашр этилган устозимиз Х.Ҳасанов билан биргаликда тайёрланган «Ҳазрат Саййид Амир Кулол» номли рисоламиз[83]да ман-

---

[77] Силсилаи олийя. Алматы: «Түркістан медениет қоры», 2014. 50-52-б.

[78] Наврўзова Г., Зоиров Э. Саййид Мир Кулол – Бухорои Шарифнинг олтинчи пири./ Бухорои Шарифнинг Етти Пири. Тошкент: «Muharrir nashriyoti», 2018. 51-59-б.

[79] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма, Шихаб ад-дин б.бинт амир Хамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О. М. Ястребовой. / Мудрость суфиев. СПБ.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. С. 27-270. Мир Кулол Мақомотларидан. / Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд Мақомотларидан. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993. 7-33-б.

[80] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 335-б. Абул Ҳасан Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Али. Баҳоуддин Нақшбанд Мақомотларидан (Мақомоти Шоҳи Нақшбанд). / Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд Мақомотларидан. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1993. 37-71-б.

[81] Абдураҳмон Жомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) /Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул қудс. // Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 105-112-б. Алишер Навоий. Саййид Амир Кулол р.т. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 258-259-б.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 62-64-б. Носир ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар Ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муредлари. Илмий-оммабоп тўплам. Тўпламни тузувчи, таржимон, кириш сўзи, муқаддима ва изоҳлар муаллифи В. Қазоқов. Бухоро: – 1993 йил. 13-14-б.

[82] Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996. 100-б.

[83] Ҳасанов Х., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол (учинчи нашр). Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003. 40-б.

балар асосида бу масалани ёритган эдик. Бу масалага доир янги рисола[84] мақола[85] ва бадиий асар[86] ҳам нашр этилди. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги маълумотларни янги илмий таҳлил асосида диққатингизга ҳавола этяпмиз.

«Мақомоти Амир Кулол» асарида ҳазратнинг дунёга келиши ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади: Ҳазрат Амир Кулолнинг отаси Яссавий тариқатининг йирик намояндаларидан Саййид Ота билан дўст бўлган. Манбаларда Саййид Ота турк шайхушшуюхи ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг шогирди бўлган Занги Отанинг издоши эканлиги кўрсатилади. Манбада ёзилишича, «Кунлардан бир кун Саййид Ота Афшонага келади ва Саййид Амир Кулолнинг отасига айтади: «Эй бародар, сизга Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло бир фарзанд каромат қиладики, унинг файзи жаҳоннинг бошидан охиригача етади. Албатта, унинг исмини Амир Калон қўйинг».[87]

Дарҳақиқат, оз фурсат ўтганидан сўнг Ҳазрат Саййид Отанинг айтган башорати амалга ошган ва Амир Кулол муҳтарама онасининг ботиний вужудларида пайдо бўлган ва тезда ўзига хос бўлган сифатларни намоён этган. «Мақомот»да Саййид Амир Кулолнинг оналарининг тилларидан қуйидагича баён этилади: «Менинг ботиний вужудимда Аллоҳ Таборака ва Таоло у кишини вужудга келтирганда, мабодо билмасдан бирор шубҳали луқмани есам, ичимда шундай ҳайбатли оғриқ кирар эдики, ҳеч нимани билмай ҳушимдан кетар эдим. Бундай воқеалар кўп бўлиб турар эди. Кейин англадимки, бу бизда фарзандимиз қадамларининг баракотидан экан».[88]

Саййид Амир Кулол онаси тилидан келтирилган воқеа шуни кўрсатадики, Ҳазрат ҳали онасининг ботиний вужудида энди дунёга келганидан бошлаб фақатгина ҳалол луқмани истеъмол этган. Ҳаром ва шубҳали луқмани у кишининг пок вужуди умуман қабул қилмаган. Поклик улуғ зотга берилган илоҳий файз бўлган. Манбада бу воқеа баёнидан сўнг қуйидаги байтлар келтирилади:

Нишони он, ки ман фарзанди покам,
Падар ҳам пок, модар ҳам афифа.

---

[84] Наврўзова Г., Зоиров э. Саййид Мир Кулол – Бухорои Шарифнинг олтинчи пири./ Бухорои Шарифнинг Етти Пири. Тошкент: «Muharrir nashriyoti», 2018. 51-59-б.

[85] Рахимов К. Саййид Амир Кулол. // Moziydan sado. 2019. – №2 18-22-б., Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Сайид Амир Кулол. (1287- 1370) // Бухоро мавжлари – 2007. №1 34-35-б.

[86] Озод Мўъмин Хўжа. Ҳазрат Сайид Амир Кулол ( Тарихий воқеаномалар). – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт – матбаа бирлашмаси, 2012. – 176-б.

[87] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 4б варақ. , Шихаб аддин б.бинт амир Хамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О. М. Ястребовой. / Мудрость суфиев. СПБ.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. С. 38.

[88] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 5а варақ.

Дилам пок асту, доман пок дорам,
Тариқи рост роҳ бўи ҳақиқа.[89]

Мазмуни: Отам ва онамнинг покликлари бу менинг поклигимнинг белгисидир. Менинг юрагиму этагим ҳам пок, шунинг учун тариқатим – йўлим пок бўлиб, ундан ҳақиқатнинг ҳиди келмоқда.

Назмий парча кўрсатадики, Ҳазрат Саййид Амир Кулол дунёга келиши билан поклик ва ҳақиқит у кишига ҳамроҳ бўлган. Бу далил ҳақиқатга етишишнинг асосий воситаси поклик эканлигини кўрсатади.

Манбаларда Амир Кулолнинг туғилиш йиллари кўрсатилмаган. Лекин «Мақомоти Амир Кулол» да уч-тўрт яшар бўлган чоғларида Саййид Ота билан учрашганлиги қайд этилиб, шундай таъкидланган: «Ин назар дар шашсаду ҳаштоду се будааст».[90] Мазмуни: Бу воқеа ҳижрий 683, яъни милодий 1284 йилда бўлган. Шу санага асослансак Саййид Амир Кулолнинг таваллуд саналари ҳижрий 680 милодий 1281 йил деб айтиш мумкин. Шундай фикрни К.Рахимов ҳам айтиб ўтган.[91]

Амир Кулолнинг туғилиш жойи Бухорога яқин бўлган Сухор қишлоғида эканлиги ёзилган. Шаҳобиддин ибн бинти Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол» асарида ҳазратнинг номи Саййид Амир Калон ас-Сухорий[92] деб ёзилиши у кишининг Сухорда туғилганлигини кўрсатади. Чунки ўша даврларда буюк кишиларнинг номига туғилган жойини қўшиб аташ одат бўлган. Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асарида ҳам Амир Кулолнинг туғилган жойлари Сухор эканлиги аниқ ёзилган.[93]

Саййид Амир Кулолнинг отаси Пайғамбар (с.а.в) авлодидан бўлгани учун уларни саййидлардан деб айтганлар. Оталарининг исми Амир Ҳамза бўлиб, у Ҳижоздан Бухорога келиб Афшона қишлоғида яшаган.[94] Амир Кулолнинг насаби ҳақида «Канз ал-ансоб» манбаси асосида «Туҳфат уз-зоирин» асарида қуйидаги маълумотлар берилган. Саййид Амир Кулол ибн Амир Ҳамза ибн Амир Иброҳим ибн Саййид Муҳаммад Қусурий ибн Саййид Муҳаммад Ҳасан Мақбул ибн Саййид Абд-Оллоҳ Каҳид ибн Саййид Жаъфар ибн Саййид Ҳусайн ибн Саййид Али ибн Саййид Ҳасан ибн Саййид Муҳаммад Ҳусайн ибн Саййид Аҳмад ибн Саййид Муҳаммад Аъло ибн

[89] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 5а варақ.

[90] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 5а варақ. , Шихаб ад-дин б.бинт амир Хамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О. М. Ястребовой. / Мудрость суфиев. СПБ.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. С. 39.

[91] Рахимов К. Саййид Амир Кулол. // Moziydan sado. 2019. – №2. 19-б.

[92] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 2б варақ.

[93] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масуъл муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 43-б.

[94] Шихаб Ад-дин б.бинт амир Хамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О. М. Ястребовой. / Мудрость суфиев. СПБ.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. С. 29.

Саййид Шариф Мусо ибн Саййид Иброҳим Муртазойи Соний ибн Ҳазрат имом Мусо Козим.[95]

Амир Кулол ёшлигидан зиёли оилада тарбия топган Ҳазрат Амир Кулолнинг биринчи устози Яссавия тариқатининг вакили, турк машойихи Саййид Отадирлар. У киши ҳазратнинг туғилишини башорат қилиш билан бирга, қандай шахс бўлиб вояга етишини айтиб, номини ҳам қўйган. Кейинчалик бу шайх Амир Кулолни тарбияси билан шуғулланган. Саййид Ота шундай дейдилар: «Пок арвоҳлардан менга маълум бўлдики, Ҳазрат Амир Кулолнинг мартабаси жуда олий бўлади ва мендан ҳам ўзади». Манбада таъкидланишича, бу воқеа ҳижрий 683 йилда бўлган.

Ҳазратнинг иккинчи устозлари Хожагон тариқатининг йирик мутасаввифларидан, Ҳазрат Хожайи Азизон номи билан машҳур Хожа Али Ромитаний хулафосидан бўлган Муҳаммад Бобойи Самосий (ваф. 1336) эди. Амир Кулол Муҳаммад Бобойи Самосий билан учрашгунга қадар кураш тутиш билан машҳур бўлганлар. Манбада келтирилишича, кураш майдонида Муҳаммад Бобойи Самосий ва Амир Кулол бир-бирларини кўриш билан ўзаро боғланганлар. Муҳаммад Бобойи Самосий Амир Кулолнинг юксак даражада руҳий қувватга эга эканлигини кўриб, у кишини шогирликка танлаганлар. Бу икки улуғ инсон орасида устоз шогирдлик муносабати кучли муҳаббат ва садоқатга асосланган бўлган. Манбада бу шундай таърифланади: «Ҳазрати Амир бист сол пайваста намози шоми душанбе ва одинаро дар Сухор мегузаронданд ва намози хуфтанро дар Самосий адо мекарданд».[96] Демак, Ҳазрат Амир Кулол 20 йил узлуксиз душанба ва жума кунларининг шом намозини Сухорда ўқиб, хуфтон намозини Самосда адо этганлар. Бу қишлоқлар орасидаги ўттиз чақиримча масофани пиёда кечиб, устозларини зиёратига келганлар. Бу Амир Кулолнинг Муҳаммад Бобога бўлган кучли муҳаббатидан далолат беради.

Муҳаммад Бобойи Самосий Саййид Амир Кулолни тарбия қилиш билан бирга Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга ўзлари томонидан берилган барча билимларни беришни васият қилганлар. Ўз навбатида Амир Кулол ҳам устози талабларини тўла адо этган.

Муҳаммад Бобойи Самосий вафот қилганларидан кейин, ҳазрат Саййид Амир Кулол Қасри Ҳиндувондаги Баҳоуддин Нақшбанд яшаган уйга ташриф буюриб шундай дейдилар: «Менга Хожа Муҳаммад Бобо васият қилиб, фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни аяма, агар бу ишда нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман», дедилар. Агар хазрати Хожа Муҳаммад

[95] Носир ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар Ал- Ҳанафий Ал – Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муредлари. Илмий-оммабоп тўплам. Тўпламни тузувчи, таржимон, кириш сўзи, муқаддима ва изоҳлар муаллифи В. Қазоқов. Бухоро: – 1993 йил. 14-б.

[96] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 5а варақ.

Бобо васиятига нуқсонга йўл қўйсам мард эмасман».[97] Шундан кейин Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга тарбия бера бошладилар. Аммо бу узоқ муддатга чўзилмади.

Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида ёзиладики, Амир Кулолдан кейин Баҳоуддин Ориф Деггароний, Қусам Шайх ва Халил отага хизмат қилдилар.[98] Аммо «Маноқиб» ва «Мақомот»нинг илмий таҳлили ҳамда тарихийлик ва мантиқийлик услуби асосида қиёслаш шуни кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд Халил Отага олдинроқ хизматда бўлганлар. Манбалар таҳлилидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосийдан кейин қисқа муддатда Амир Кулолдан таълим олиб, ўн икки – 1336 йилдан 1347 йилгача Яссавия тариқатининг шайхи Халил Отанинг хизматида бўлганлар.[99]

Манбада ёзилишича, Халил Ота вафотидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд Бухоронинг Ревартун қишлоғига келиб яшаётган вақтда увайсийлик йўли билан маънавий сабоқ берган Хожагон таълимотининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ишоратлари билан Саййид Амир Кулолдан таълим ола бошладилар. Абдураҳмон Жомий «Нафоҳат ул-унс» асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга қарата қуйидаги сўзларни айтганларини ёзган: «Сўнг Насафга юз тутгин, Амир Кулол хизматларида бўлгин».[100]

Баҳоуддин Нақшбанд айтдиларки, Насафга, Амир Кулол хизматларига етдим. Амир Кулол илтифотлар қилдилар ва лутфлар кўргуздилар. Менга зикр талқин қилдилар, йўқлик ва исбот тариқати ила хуфия йўли билан машғул этдилар. Мен ҳақиқатда маъмур бўлганлигим учун амал ва азиматда алония зикри билан шуғулланмадим.[101]

---

[97] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019 35-б.

[98] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 79-б.

[99] Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история / Пер. с англ. М. Г. Романов. – СПБ.: «Издательство» «Диля», 2004. – С. 250-251., Тримингэм. Дж.С.Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под редакцие и с предисл. О.Ф.Акимушкина. М.: Наука. Главная редакция восточной литературы 1989. С. 61. Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// Islom tafakkuri. 2020. Maxsus son 6- p.

[100] Абдураҳмон Жомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул қудс. / Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 107-б., Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 262-б.

[101] Абдураҳмон Жомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул қудс. / Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 107-б., Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент: «ФАН», 2001. 262-б.

Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот айн-ал ҳаёт» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ва Амир Кулол муносабатлари ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган:«Маълум бўлсинки, Хожагон силсиласида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий замонидан то Амир Кулол давригача хуфия зикрини алония зикри билан қўшиб олиб борардилар. Уларнинг шариф силсилаларини алонияхонон-алония тарзида зикр этувчилар деб атардилар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с.) зуҳур этиш вақтларидан бошлаб ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан (қ.с.) маъмур бўлганларидан сўнг, хуфия зикрни ихтиёр этганлар ва алониядан узоқда бўлганлар.

Амир Кулол ўз асҳоблари билан алония зикрига машғул бўлган вақтда, Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) туриб у ердан кетганлар. Бу (ҳаракат) асҳобнинг хотирига оғир ботса-да, Хожа парво қилмас, бу мақомда уларга тақлид қилмас эканлар. Аммо Амир Кулол хизмат ва мулозиматларидан бирор дақиқа ҳам қолмас, ҳамиша у кишининг ирода остоналарида таслим бошини эгиб, у зотдек бўлишга ҳаракат қилар эканлар».[102]

Манбада келтирилган бу маълумотдан маълум бўладики, Амир Кулол жамоасида алония тарзида зикр этилган. Тасаввуфда алония, яъни очиқ зикр этиш ва хуфия, яъни яширин зикр этиш мавжуд. Алония ва хуфия зикрни қўшиб олиб бориш Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий давридан то Саййид Амир Кулол давригача давом этган. Баҳоуддин Нақшбанд Саййид Амир Кулол асҳобларидан ҳисобланарсаларда Хожаи Жаҳон – Абдулҳолиқ ўгитларига асосан хуфия зикр биларн машғул бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Саййид Амир Кулолдан фарқли хуфия зикр билан шуғулланганига қарамай, бошқа ҳамма жиҳатдан пирига тўла итоат қилганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва камолотида Амир Кулолни Баҳоуддиннинг Амир Кулолга бўлган ҳурмати ва муҳаббати ҳақида «Мақомот»да жуда кўп ривоят ва нақллар келтирилган. Нақллардан бирида айтишича, Амир Кулол синов мақсадида Баҳоуддин Нақшбандни даргоҳларидан ҳайдайдилар. Баҳоуддин кетаётганларида йўллари қиморхонага тушади ва кўрадики, бир киши қимор учун жонини тикмоқда. Баҳоуддин кўнглида шундай фикрни келтиради: «Эй Баҳоуддин бу йўлда қиморбоздан кам бўлмоқликка уял!» Шу пайт Тангри инояти менга ёр бўлди. Ўзимга дедим: «Бу хорлик ҳазрати Иззат ризоси учун, сенинг ҳожатинг шу эшикдан ҳосил бўлади, бу эшикдан қочишу қутилиш йўқ!» Шундай деб Баҳоуддин ҳожатмандлик билан келиб Амир Кулолнинг остоналарига бош қўядилар. Амир Кулол манзилларидан чиқиб, муборак қадамларини Баҳоуддиннинг бошига қўйдилар. Кейин Баҳоудинни бошини остонадан кўтариб, уйга ки-

[102] Фахриддин Али Сафий. Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат Ҳожа Баҳоул Ҳақ вад-Дин Муҳаммад (қ.с) зикри / Рашаҳот айн-ал ҳаёт // Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 191-193-б.

ритдилар ва шундай башорат қилдилар: «Эй фарзанд, бу саодат либоси бу қадду қоматингга мувофиқ ва муносибдур» Амир Кулол муборак қўллари билан Баҳоуддин Нақшбанд оёқларидан тикон ва хашакларни олдилар ва жароҳатларини тозалаб узоқ тикилиб, шундай дедилар:

Бикўш, ба каф ори калиди ганжи вужуд,
Ки бе талаб натавон ёфт гавҳари мақсуд.
Бар остонаи саодат ки сар ниҳод шабе,
Ки лутфи дўст бар рўяш дарича бикушуд.[103]
Мазмуни:
Ҳаракат қил ва вужуд хазинаси калитини қўлга ол,
Чунки талаб қилмасдан мақсадинг гавҳарини топа олмайсан.
Ким саодат остонасида бир тун бош қўйса,
Дўст (Аллоҳ) лутфи унинг юзига эшигин очгай.

Манбада қуйидаги нақл келтирилган: Баҳоуддин Нақшбанд Бухорода бўлганларида устозлари Саййид Амир Кулолнинг суҳбатларига майл туғилади. Насафга йўл оладилар. Етиб келганларида устозлари шундай дейди: «Эй ризожўй фарзанд, айни вақтда келдинг, хумдонни тахт қилиб қўйганман, аммо ўтин йиққани одам йўқ». Баҳоуддин айтадиларки, мен бу ишоратга шукр қилдим ва ўтинни орқамга кўтариб хумдонни олдига олиб келдим. Манбада Баҳоуддинни бутун вужудлари билан шукроналик ҳолатида бўлганлигини тавсиф этувчи қуйидаги байт келтирилган:

Жамоли Каъба чунон медавондам ба нишот,
Ки хорҳои муғилон ҳарир меояд.[104]
Мазмуни:
Каъбани жамолини кўришга шодлик билан шундай чопдимки,
Ҳатто муғилон тиконлари ҳам, ипакдек юмшоқ кўринди.

Манбадаги Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ҳолатларини таҳлил қилганимизда маълум бўладики, устозларига зарур вақтга келиб, керакли хизматни қилиб, кўнгилларини шод этаётгани учун Каъбани кўраётгандек завқу шавқ билан бутун вужудларининг ҳар бир зарраси шукрона қилиб шундай хурсандлик билан ўтинларни жамлаганларки, озор берувчи тиканлар ҳам ипак матосидай юмшоқ кўринган. Бу нақл Баҳоуддин Нақшбандни Амир

[103] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O’zbekiston» НМИУ, 2019 58-б.

[104] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд./ Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O’ZBEKISTON», 2019. 159-б.

Кулолга бўлган муҳаббати ва шу муҳаббат туфайли шаклланган гўзал шукроналик фазилатини кўрсатади.

Баҳоуддин Нақшбандда камтаринлик фазилатларини шаклланишида Амир Кулолни ўгитларини ўрни борлигини қуйидаги воқеа кўрсатади. Кунларнинг бирида Баҳоуддин Хожа Муборак қишлоғида Саййид Амир Кулол хизматларида бўлганларида кўнгилларидан «Ҳазрати Амирнинг назарида мендан улуғроқ киши борми?» деган фикр ўтди. Шу вақт бир киши қўй олиб келди. Баҳоуддин кўнглидан: «Қани бу қўйни пиширганларида Мавлоно Ориф Деггароний бўлардилар», деган фикр ўтди. Амир Кулол фаросат илми билан Баҳоуддин кўнглидан ўтган фикрни англади: «Эй Баҳоуддин, тур, Мавлоно Орифни чақир, келсин!» – деди. Баҳоуддин ташқарига чиқиб уйни бурчагига ўтиб уч марта оҳиста чақирадилар, қайтиб кириб ҳали ўтирмаган эдиларки, Мавлоно Ориф келадилар. Ориф Деггароний ҳозирги Навоий вилоятининг Деггарон мавзеидан Насафда жойлашган Хожа Муборак қишлоғига бир нафасга етиб келадилар. Шунда Ҳазрат Амир Кулол Баҳоуддинга қараб шундай дедилар: «Эй Баҳоуддин, кўрдингми, бизга сиздан ҳам яқинроқ кишилар бор. Зинҳор-базинҳор худбинлик қилмангки, одам учун худбинликдан ёмонроқ нарса йўқ.

Бардор зи пеш пардаи худбини,
Бошад ки бад инсон, ки туи худбини.
Иблис сазойи худ зи худбини дид,
Ту низ макун дигар куни худбини.[105]
Мазмуни:
Худбинлик пардасини олдингдан кўтаргин,
Худбин инсон, ёмон инсондир.
Иблис худбинлик қилгани учун ўз сазойини топди, (яъни Шайтони рожийм – қувилган лаънатланган шайтонга айланди).
Сен ҳеч қачон бошқа худбинлик қилмагин.

Устозларини бу ўгитига амал қилган Баҳоуддин Нақшбанд кибр, манманлик, худбинлик каби шайтоний иллатларга қарши курашиб, нафсларини тарбиялаб камтарин улуғ инсон бўлиб, камол топдилар.

Юқоридаги манбалардан келтирилган далилларни қиёсий таҳлил қилганда, Амир Кулолнинг юксак фазилатли инсон эканликлари маълум бўлади. Амир Кулол ўз устозлари Муҳаммад Бобойи Самосийнинг ўгитларига тўла амал қилиб ўзлари бориб Баҳоуддинга илм берганликлари билан садоқатли шогирд сифатида намоён бўладилар. Амир Кулолнинг жамоала-

[105] Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд./ Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'ZBEKISTON», 2019. 71-72-б.

рида алония, очиқ баланд овоз билан зикр қилиш амалда бўлсада, аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг хуфия зикр қилишга амр этилганликларини билиб илоҳий амрга бўйсинган ҳолда бағрикенглик билан муносабатда бўлганлар. Амир Кулолнинг Баҳоуддиндаги илоҳий қобилиятни англаб бошқа Пирлардан илм олишга рухсат беришлари ҳам у кишининг бағрикенглик сифатини эгаллаган улуғ инсон эканликларидан далолат беради.

Манбаларда Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг тасаввуф илмини эгаллаган даражаларига мувофиқ берилган фахрий унвонлар ҳам келтирилган. Бу муборак даража ва унвонлар Ҳазратнинг шахсиятларини тўла, мукаммал билишга имкон беради. Булар қуйидагилардир: Саййид, шайхул шуюх, раиси арбобил тасаввуф, султонил тариқа, бурҳонил ҳақиқат, муршид ус-соликин, саййидал орифин, шарафул мустаффаввин, зайнул ворисин вал муҳаққиқин, ҳазрати борифъат, валий ва кароматлар соҳиби.[106]

Ҳазрат Саййид Амир Кулол таълимотларида тасаввуфнинг Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асос солинган Хожагон ва Аҳмад Яссавий асос солган яссавия тариқати ғояларининг таъсири мавжуддир. Ҳазрат таълимотларининг моҳиятини таҳлили шуни кўрсатадики, у киши тасаввуфдаги мўътадил оқим ғояларининг тарафдори бўлган. Чунки у кишининг ғоялари тўла ислом дини талабларига мос келади, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланади. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида ҳам шу мўътадиллик намоён бўлади.

Ўз издошларига ҳазрат доимо ҳаром ва ҳалол, савоб ва гуноҳни билиш ва шунга асосан ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирган. Ҳазрат Амир Кулолдан қуйидаги ҳикматли сўз сақланган:

Маёзор мўру, маёзор кас,
Раҳи роскори ҳамин асту бас.[107]
Мазмуни:
Чумолига ҳам, бирор кишига ҳам озор бермагин,
Тўғри йўл аслида мана шудир.

Амир Кулол юқоридаги назмий парчалар орқали оламда яратилган барча нарсалар, хоҳ у чумоли бўлсин, яъни кичик ҳашарот бўлса ҳам, хоҳ инсон, Аллоҳ томонидан яратилган неъматлар эканлигини таъкидлаб ва уларга озор бермасликка ҳаммани ундайди. Рост, тўғри йўл бировга озор бермасликда эканлигини таъкидлаган ва ўзи ҳам бунга тўла риоя этган.

«Мақомот»да Амир Кулолнинг фазилатларига оид қуйидаги нақл келтирилади: «Кунлардан бир кун Амир Кулол доимий иш жараёнида бир

[106] Ҳасанов Х., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол ( учинчи нашр). Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003. 40-б.
[107] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 43 а варақ.

жамоа билан тўнларини ювишга аҳд қилган. Ромитан боғларининг бирида тўнларини ювдилар ва энди қуришга жазм етганда, Амир Кулол айтадилар: »Эй ёрон, тўнингизни асло деворга османг, то тиканлари синмасин, уни дарахтга османг то унинг шохлари эгилмасин, уни ерга ҳам ёйманг токи тўрт оёқлиларнинг ўтлари хароб бўлмасин». Дўстлар айтди: »Эй Амир, сиз унда тўнингизни қандай қуритасиз»? Амир жавоб беради: »Мен тўнимни елкамга ёйиб қўяман ва қуёшга томон қилиб тураман, шу ҳолатда қуригунча сақлайман».

- Амир Кулол таълимотидаги ҳалолга риоя қилиш ва озор бермаслик ғояларини Баҳоуддин Нақшбанд тўла қалбларига сингдириб унга амал қилиб ўз шогирдларига ҳам бу ғояларни сингдирганлар.

Ҳазрат Амир Кулол таълимотларининг муҳим қисми илм олиш ва билишнинг аҳамияти масаладир. Илм олиш ҳақида гапириб, шогирдларига пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) томонидан айтилган: «Илмга толиблик муслим ва муслималарнинг ҳаммаси учун фарздир» деган ҳадиси шарифни ҳамиша такрорлаб турган.

Амир Кулол илмни эгаллаб олиш лозимлигини уқтириб, илмсиз одамни ҳайвондан ҳам тубан деб, қуйидагича баҳо беради:

Агар фарзанди султонию хони,
Чу дониш нест бадтар аз сагони.[108]
Мазмуни:
Султон ва хоннинг фарзанди бўлсангда, лекин билиминг бўлмаса сен итдан ҳам тубансан.

Амир Кулол билиш жараёнида инсонга Аллоҳ томонидан берилган қобилиятни муҳим ва асосий ҳисоблаб, усиз шахс ҳеч нарсага эриша олмайди деган фикрда туради. Ҳазрат – Аллоҳ томонидан берилган илмни ҳар бир инсон ўзи эришган билимдан кўра устун қўяди:

Илме, ки муаллимаш дар сина бувад,
Дарси набувад ҳар он чи дар сина бувад,
Сад хона китоб хони суде накунад,
Онро, ки китобхона дар сина бувад.[109]
Мазмуни:
Қалбда Аллоҳ томонидан жойлаштирилган илмни дарс олиш билан ўрганиб бўлмайди. Юзта уйда жойлашган китобларни ўқисанг ҳам, олган билимларинг қалбда кутбхонаси бўлган билимлар билан тенглаша олмайди.

---

[108] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33а варақ.
[109] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варақ.

Бу мисралар Амир Кулолнинг Аллоҳ томонидан берилган илм орқали ҳақиқатга эришиш мумкин деган ғояда турганликларини кўрсатади. Ҳазрат илоҳий илм жойлашадиган макон қалб эканлигини таъкидлайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи қалбий» тамойилини яратишда бу фикрларнинг ўрни катта.

Амир Кулол билим олиш жараёнида ақлли, доно кишилар билан суҳбатнинг аҳамиятини уқтириб, нодонлардан узоқда бўлишга чақиради. Чунки нодонлар билан бўлиш уларнинг таъсирига тушишга олиб келиши мумкин.

Бо бад маншину, бош бегонаи ў,
Бар дом афти гар хўри донаи ў,
Тир аз паи ростй камонро каж дид,
Диди, ки чи гуна жаст аз хонаи ў.[110]

Мазмуни: Ёмон билан ўтирмагин, ундан узоқроқ юргин, чунки унинг таъсирига тушиб қолишинг мумкин. Тир камоннинг эгрилигини кўрганидан кейин ундан қандай қочиб кетганини кўрдингми, сен ҳам ана шундай ёмондан қочгин.

Чи хуш гуфт он хирадманди сухандон,
Ки рўй аз сўхбати нодон бигардон,
Дарахти нафси нодон бар наёрад,
Ҳузураш жуз ба дардисар наёрад.[111]

Мазмуни: Ақлли сўз эгаси нодон киши суҳбатидан юз ўгириши керак деб жуда тўғри айтилган. Нодон одам нафсининг дарахти чегарани билмайди, шунинг учун ҳам у билан бўлиш бош оғриғидан ташқари ҳеч нимани келтирмайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир» ҳикматли сўзидаги хос кишилар сухбатини ихтиёр этиш зарурлиги ғоясини шаклланиши негизида Амир Кулолнинг ҳамсуҳбатга эътиборли бўлиш ўгитларидир.

Баҳоуддин Нақшбанд яратган камолот йўли ҳалоликга асослангандир у киши ҳалоликка оид устозларининг ўгитларига тўла амал қилганлар. Амир Кулолнинг қуйидаги ўгитлари мавжуд: «Билгинким, қалб ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Чунки инсон меъдасини пок сув мавжуд бўлган ҳовуз каби тасаввур этинг. Бу пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар гул ва мева, албатта, пок ва фойдали бўлур. Ҳазрат Расул (с.а.в.) айтганларким, 40 кун кимки, ҳалол луқманигина истеъмол қилса, унинг қалб кўзи очилиб, у илм ва ҳикмат булоқларидан баҳраманд бўлади. Бунга фақатгина тақвони ўзларига шиор қилиб олганлар муяссар бўлади», «Ризқу рўзингизни касбу

[110] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варақ.
[111] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варақ.

ҳунар билан топинг. Ҳалол касб билан ризқингизни топинг ва исроф қилманг», «Кўзингизни ҳаромни кўришдан, қулоғингизни ҳаромни эшитишдан, қўлингизни ҳаром ишдан ва оёғингизни ҳаромга юришдан сақланг».[112]

«Амир (Саййид Амир Кулол)нинг ҳазрат Хожага (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) бўлган илтифотлари кундан кунга ошиб борган. Бир кун Амирнинг асҳоблари хилватда ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанднинг қ.с.) қусур ва нуқсонларини очдилар. Амир Кулол бу хилватдан то бутун асҳоб – каттадан кичигигача беш юздан ортиқ киши Сухорий масжидига йиғилмагунча ҳеч нарса демадилар. Ҳар ким (масжид қурилишида) бир иш билан шуғулланарди. Лой ишини тугатгандан сўнг, асҳоб Амирнинг (Саййид Амир Кулолнинг) олдига келдилар. Шу вақтда Амир уларга юзланиб деди:

- Сизлар фарзандим Баҳоуддин ҳақида ёмон гумонлар қилиб, хато қилгансизлар. Унинг баъзи ҳолатларини қусурли амал деб, билгансизлар. Ҳақ субҳонаҳу назари унинг бутун борлиғини қамраб олгандир. Ҳақ таоло бандаларининг назари Ҳақ субҳонаҳу назарига тобеъдир ва назар қилиш даражасида ундан мақбули ва ихтиёрлиси йўқдир.

Кейин ғишт ташиш билан банд бўлган ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)ни талаб этиб, йиғилганлар олдида у кишига юзланиб дедилар:

- Фарзандим Баҳоуддин, сизнинг нафасингиз ўрнига Хожа Муҳаммад Бобо нафасларини қўйдим. У киши айтган эдиларки, «Тарбиятда сенинг ҳаққингга ниманики ўрнига келтирган бўлсам, сен ҳаммасини хато қилмасдан фарзандим Баҳоуддин ҳаққига қўй». Мен шундай қилдим.

(Амир Кулол) ўзларининг муборак кўкракларига ишорат қилиб айтдилар:

- Сиз учун бўстонни қуритдик. Сизнинг руҳингиз қуши башарият байзасидан оламга чиқди. Аммо сизнинг ҳиммат қушингиз баландга парвоз этгувсидир. Энди сизга ижозат. Ҳар ердаки машомингизга бир бўй етса, туркданми, тожикданми, уни талаб этинг. Талабгорликда ҳимматингизга йўл очинг.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) айтдиларки, ҳазрат Амир Кулолдан бу нафас зоҳир бўлганидан сўнг, бизнинг ибтидомиз бошланди. Билдикки, агар шу тарзда тобеълик қилсак балолардан йироқ ва саломатликка яқинроқ бўлурмиз».[113]

Ҳазрат Баҳоуддин шу кундан бошлаб Саййид Амир Кулолнинг нафаслари бўйича янгидан талаб йўлига кириб ҳол тили билан бу рубоийни айтган экан:

---

[112] Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 33б варақ.

[113] Фахриддин Али Сафий. Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат Ҳожа Баҳоул Ҳақ вад-Дин Муҳаммад (қ.с) зикри / Рашаҳот айн-ал ҳаёт // Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 191-193-б.

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб.
Дар ғам агараш наёби, дар шоди жуй,
Саргардони гузин ҳар жош талаб.[114]
Мазмуни:
Талаб йўлидаги, эй шўрида ошиқ.
Ваъда қилинганни ҳар ерда талаб қил.
Ғамда топа олмасанг шодликда изла,
Саргардон бўл ҳар жойда талаб қил.

Баҳоуддин Нақшбандда бўлган кучли ирода, кучли талаб ва собит қадамлик фазилатлари Амир Кулол сабоқларининг самарасидир.

Манбаларда Баҳоуддин етти йил Саййид Амир Кулолдан таълим олганлиги ёзилган. Бизнинг фикримизча, 1347 йилдан, яъни Халил Султон таназзулидан кейин Ревартунда яшай бошлаган вақтдан то 1354 йилгача Баҳоуддин Амир Кулолдан илм олганлар.[115]

Ҳазрати Саййид Амир Кулол тарбиялаган фозил фарзандлари ва пок шогирдлари билан тарихда тириклардан тирик сифатида сақланган. У кишининг муридлари бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратнинг номини жаҳонга танитган.

Манбада кўрсатилишича, Амир Кулолнинг тўрт ўғли ва тўрт халифаси бўлган. Тўрт ўғилларини тўрт халифалари тарбиясига берганлар. Ўғиллари ота йўлидан борганлар. Оталари улар учун, ҳам падари бузруквор, ҳам сўфийлик йўлини кўрсатувчи муршид бўлган. Тўнғич ўғиллари Амир Бурҳонни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, иккинчиси Амиршоҳни шайх Ёдгор, учинчиси Амир Ҳамзани Мавлоно Ориф Деггароний ва тўртинчиси Амир Умарни Жамолиддин Осиёвий тарбиялаганлар.

Ҳазрат Амир Кулол асҳобларининг жами 114 кишидан иборат бўлган. Улар орасида Хожа Муҳаммад Баҳоуддин, шайх Муҳаммад Халифа, Амир Кулол Доши, Алоуддин Ғиждувоний, Хожа Шайх Дорзуний, Шамсуддин Кулол, Жалолиддин Кеший машҳур бўлганлар.

«Рашаҳот» асарида қуйидаги маълумот келтирилган:

Ҳазрат Амир Кулол сўнгги-бетоблик чоғларида асҳобларини Ҳожага (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) итоатга чақирдилар. Асҳоб Амир Кулолга савол берди:

- Ҳазрат, Хожа Баҳоуддин алония зикрида сизга тобеълик қилмадику?

[114] Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 75-б.

[115] Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// Islom tafakkuri. 2020. Maxsus son 6- p.

Амир буюрдилар:

- У кишидан ўтган ҳар бир амал қандай тарзда бўлса илоҳий ҳикмат билан бўлур ва у кишининг ихтиёри орада йўқдир.

Амир Кулол (қ.с.) ушбу фардни айтдилар:

Сендаги бор нарсаларнинг олдида мен кимман?

Хожагон хулафосининг сўзлари будир:

Сени сенсиз ўзингдан чиқарсалар қўрқмагил.

Агар сен ўзингдан ўзинг чиқсанг қўрқгил.[116]

Ҳазрат Амир Кулол охирги дамларда қуйидаги сўзларни айтганлар:

- Мен уч кечаю кундуздан бери тафаккурда эдимки, биз ва бизнинг дўстларимизнинг аҳволи нима кечади? Ғойибдан бир овоз келиб, шундай деди: – «Эй, Амир Кулол, биз сенга ва сенинг ёрларингга, дўстларингга, сенга итоат қиладиганларнинг ҳаммасига раҳмат қилдик».

Шодамки, ки зи ман бар дили кас боре нест,
Касро зи ману, Кори ман озоре нест.
Гар нек шуморанду, гар бад гўянд,
Бо неку бади ҳеч кас коре нест[117].

Мазмуни: – Мен жуда хурсандманки, мен туфайли бирор кишининг қалбида оғирлик йўқ. Мен ва менинг ишларимдан ҳеч ким озор чекмаган мени ёмон ёки яхши десаларда, мен уларнинг яхши ва ёмонлари билан ҳеч ишим йўқ.

Бу назмий парча ҳазратнинг ҳалол ва поклиги туфайли беозор ҳаёт йўлини босиб ўтганлигидан гувоҳлик беради.

Юқоридаги сўзларни айтган кунлари руҳлари бу фоний оламни тарк этиб боқийликка томон сайр этган. Хазрат Саййид Амир Кулолнинг васиятларига кўра Мавлоно Ориф Деггароний билан Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд у кишининг муборак жасадларини тупроққа топширганлар.[118] Бу воқеа пайшанба куни эрталаб жумодил аввалнинг саккизинчи куни, ҳижрий 772, милодий 1370 йил 28 ноябрда содир бўлган.[119] Манбалардан маълум бўляптики, ҳазрат Амир Кулолнинг қабрлари Сухорда экан. Бу ҳақида «Мақомоти Амир Кулол» билан бирга «Рашаҳот» асарида ҳам бу фикр келтирилган.[120] Амир Кулолнинг мақбаралари ҳозирги кунда обод зиёратгоҳдир.

---

116 Фахриддин Али Сафий. Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат Ҳожа Баҳоул Ҳақ вад-Дин Муҳаммад (қ.с) зикри / Рашаҳот айн-ал ҳаёт // Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 194-б.

117 Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 40а варақ.

118 Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 40а варақ.

119 Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма. 40а варақ.

120 Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 43-б.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳазрат Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбанд устози сифатида Хожагон ва Нақшбандия таълимотини узвий боғлаб турган улуғ зотдир.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ҳазрат Саййид Амир Кулол Бухорода вужудга келган ва Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асосланган Хожагон тасаввуфий таълимотининг йирик намоёндасидир.

2. Саййид Амир Кулол устози Муҳаммад Самосийга муҳаббати жуда баланд ва садоқатли шогирд бўлиб, у кишининг васиятларига асосан бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга берган улуғ инсондир.

3. Амир Кулол жуда бағрикенг инсон бўлиб, Баҳоуддин Нақшбандга илоҳий амр сифатида етказилган хуфия зикрга амал қилишларини қўллаган. Натижада Нақшбандия таълимотига хос хуфия зикр амалда бўлган.

4. Амир Кулол ўгитлари ва моҳирона таълим ва тарбия услублари асосида Баҳоуддин Нақшбанд фитратида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, бутун борлиққа муҳаббат ва озор бермаслик ҳиссиёти камтаринлик, шукроналик сифатлари шаклланиб, комилу мукаммал бўлиб улғайишларига жонкуярлик қилган.

5. Амир Кулол илм олиш ва илм олиш йўлида кучли талабда бўлиш тавсиялари асосида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий илм ва Хожагон ва Яссавия таълимотига хос ижобий томонларини мукаммал ўрганиб, Шоҳ Нақшбанд даражасига етган.

6. Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбанднинг фитратидаги иқтидор ва қобилятнинг баландлигини кўриб бошқа устозларидан илм олишларига ижозат бериб шогирдларини тўла камолга етишларига имкон яратган.

7. Амир Кулол вафотидан олдин шогирди Баҳоуддин Нақшбанднинг муршид сифатида шаклланганини кўриб, барча шогирдларига Нақшбанд изидан боришни васият қиладилар. Баҳоуддин устозлари вафотидан кейин мустаққил Нақшбандия камолот йўлини асослади.

8. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг устоз шогирд сифатидаги пок, ҳалол холисона муносабатлари ҳозирги кун учун ҳам ибрат бўлиб ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев коррупцияни олдини олиш учун «Ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш» ғояларини сингдиришда Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг ҳаёт йўли ва таълимотлари асос бўла олади.

## 2.6. Ориф Деггаронийдан олган сабоқлар

Баҳоуддин Нақшбанд Сайид Амир Кулолнинг рухсатларидан кейин янги талаб йўлига кирдилар ва Ориф Деггаронийнинг хизматларида етти йил бўлдилар.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Мавлоно Ориф Деггароний Амир Кулолнинг тўрт халифаларидан иккинчиси бўлганлар. Ул зоти шариф Деггарон даҳасида туғилганлар. Бу ҳудуд Бухородан тўққиз фарсаҳ узоқда жойлаш-

ган. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний буюк авлиё, улкан аллома, атоқли тарбиячи, Хожагон-Нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибкаромат зот эдилар. Бу зоти шариф тахминан 1312 йил Навоий вилояти, Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида туғилганлар. Деггароний ҳақларида «Рашаҳот айнул ҳаёт», «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд», «Мақомоти Амир Кулол», «Туҳфат аз зоирин» каби китобларда маълумотлар бор. «Рашаҳот»да келтирилишича, ҳазрати Амир Кулол айтар эканларки: «Манинг асҳобим аросида ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва хизмати жанобин Мавлоно Ориф, бу икки тан янглиғ бошқа киши йўқтур ва олар ҳаммадин гўй элтибдурлар». Бундан маълумки, Амир Кулол муридларидан (манбаларда кўрсатилишича, 114 нафар шогирдлари бўлган) Мавлоно Ориф Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан юксак ишонч билан қараганлар. Шундай юксак ишонч самараси сифатида Ҳазрати Сайид Амир Кулол иккинчи фарзандлари Амир Ҳамзанинг тарбияларини Мавлоно Ориф Деггаронийга ҳавола қилган эканлар. Амир Ҳамза Ориф Деггаронийнинг қуйидаги сўзларини доимо ёдга олар эдилар:

«Агар ёре талаб қилсангизким, сизнинг юкингизни тортғай, бу душворлиқ била муяссар бўлур. Ва агар ёре талаб қилсангизким, сиз онинг юкини тортғайсиз, ҳамайи аҳли жаҳон сизнинг ёрингиз турур». Амир Ҳамза ўз пирлари Мавлоно Орифнинг бу сўзларига умрлари давомида амал қилганлар ва халқнинг оғирини енгил қилиш, инсонпарварлик, эл дардига малҳам бўлишни асосий қоида деб билганлар.

«Рашаҳот» муаллифининг гувоҳлик беришича, Баҳоуддин Нақшбанд ўз устозлари Амир Кулолдан мустақил иш тутишга рухсат олган маҳалларида шу васиятга мувофиқ, шайх Мавлоно Орифдан дарак топиб, у кишининг ҳузурларига борганлар. Баҳоуддин Нақшбанд бутун имону ихтиёр ила етти йил Мавлоно Ориф Деггаронийнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ул зоти шарифга таъзим билан муносабатда бўлганлар. Бу муносабат маҳсулида Мавлоно Орифга шунчалик ҳурматлари баланд бўлганки, у киши ариқ бўйида Мавлоно Ориф Деггаронийдан баландда туриб таҳорат олмас, агар йўлда Мавлоно Орифга ҳамроҳ бўлсалар, эътирозсиз тобелик билан суҳбатдош бўлар эканлар, улар билан сафарга чиқсалар «аларнинг қадами устига қадам қўймас эрдилар ва мутобаат сувратида оларға мусоҳабат қилур эрдилар».

«Рашаҳот» асарида келтиришича, Ориф Деггароний Мавлоно Дарвеш исмли зот жаҳрия, яъни баланд овоз билан зикрга машғул бўлмаслик керак деганлар ва буни изоҳлашда қуйидаги байтни келтирганлар:

Коре нодон кўтаҳ андеш аст,
Ёд гирад касеки дарвеш аст.

Мазмуни:
Нодон киши қисқа андишаликдир,
Ибрат оладиган киши дарвешдир.

Манбадаги бу нақлдан маълум бўладики, Ориф Деггароний хуфия зикрини афзал билганлар ва буни Баҳоуддин Нақшбандга ҳам ўргатганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг эҳтиромига жавобан, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳам ул зоти шарифга эътиқоди баланд бўлган. «Рашаҳот»да келтирилишича, Баҳоуддин Нақшбанд Ҳаж сафаридан қайтиб, маълум муддат Марвда ислом аҳли билан улуғлар суҳбатида юрганлар. Шу вақтда Мавлоно Ориф Баҳоуддин Нақшбандга элчи юборадилар ва у кишини ўз ҳузурларига чақирадилар. Баҳоуддин Нақшбанд ўз асҳобларини Марвга қолдириб, Деггарон даҳасига Мавлоно Орифнинг ёнларига келганларида Мавлоно Ориф бемор ётган бўладилар. Мавлоно Ориф ҳозир бўлганларга қарата: «Хожага сир гапим бор, ё биз икковимиз бошқа хонага кирайлик, ёки сизлар бошқа хонага ўтинглар», деб буюрадилар. Турганлар: «Сиз беморсиз, қувватингиз йўқ, биз бошқа хонага кирамиз», дейишибди. Мавлоно Ориф хилватда Баҳоуддин Нақшбандга шундай деган эканлар: «Сиз билан менинг орамда тўлиқ ҳамжиҳатлик бор, шунча ҳамкорлик орадан ўтган бўлиб, энди вақт охирига етди. Ўз ёронларимга ва сизнинг ёронларингизга диққат қилдим. Бу йўлнинг қобилияти ва йўқлик сифатини бошқаларга нисбатан Хожа Муҳаммад Порсода кўпроқ кўрдим. Бу йўлда топган ҳар қандай назаримни ва бу соҳада касб этган ҳар қандай маънони унга нисор қилдим ва топширдим. Ёронларни унга эргашишга буюрдим. Сиз ҳам унинг борасида нуқсонга йўл қўймагайсизки, у сизнинг ёронларингиздан». Шундан сўнг яна икки-уч кун умрлари қолганлиги ва Баҳоуддин Нақшбанд олов ёқиб, сув иситиб у кишини ўз қўллари билан ювишларини, уч кун ўтгандан сўнг уйларига қайтишларини васият қилган эканлар. Хожа Баҳоуддин Мавлоно Орифнинг васиятларини бекаму кўст бажо келтирганлар. Манбаларда Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний тахминан 1375 йил вафот этганликлари қайд этилган. У кишининг дафнларидан уч кун ўтгандан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд Марвга қайтган эканлар.

Манбалардаги нақллар билан танишар эканмиз, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг юксак маънавий хислатлар соҳиби эканлиги, адолат, инсоф, диёнат тарафдори бўлганликлари, шухратпарастлик, манманликни қоралаганликларининг гувоҳи бўламиз. Айтар эдиларки, «Таом истеъмол қилаётган пайтда ҳар бир аъзо бир иш билан банд бўлур. Дил ҳам бу пайтда зикр билан машғул бўлур. Лекин бу вақтда дил «Аллоҳ» ёки «Ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини эмас, балки дастурхондаги неъматни берувчи Аллоҳ таолони мушоҳада этур. Дил сабабдан мусаббибга келур. Аллоҳнинг Раззоқлигини

мушоҳада этур. Мана шу ҳолат зикр ҳисобланади. Шундайлар ҳам борки, ўнг қўли билан таом ейди, чап қўли билан тасбеҳ ўгиради. Бу иш манманлик, кибр, шуҳратпарастлик, фирибгарлик ҳисобланади». Ориф Деггароний инсон таом тановул қилар экан, берган ризқи учун Аллоҳга шукрона айтишга чақирадилар. У киши инсонларни ҳалол меҳнат билан ризқ топишга ундаганлар ва ўзлари ҳам зироатчилик билан шуғулланганлар.

Баҳоуддин Амир Кулолдан кейин етти йил унинг тўртинчи халифаси бўлган Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлди. Бу мулозаматда хилма-хил риёзату жидду жаҳдни ўз бўйинларига олди. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилдилар.

Мавлоно Ориф Деггаронийнинг қабрлари Навоий вилояти, Кармана туманидаги Ҳазора қасабаси, Деггарон қишлоғидадир. Ҳозирги кунда бу мавзе жуда обод зиёратгоҳдир.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон тариқати шайхларидан Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Ҳазрат Азизон руҳидан, Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Ориф Деггаронийнинг ўзларидан илм олганлар.

## 2.7. Қусам Шайхдан олинган сабоқлар

Қусам Шайх – Яссавия тариқати шайхларидан бири. Мавлоно Орифдан сўнг Баҳоуддин икки-уч ой Қусам Шайхга мулозамат ва мутобаатда бўлди.

Тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорийнинг асарларида Қусам Шайх ҳақида маълумот берилган. У кишининг 2015 йил Тошкентда нашр этилган «Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари» асарида келтирилган маълумотлар асосида биз қуйида Ҳазрат Қусам Шайх ҳақида маълумотларни ёздик. Ҳазрат Қусам буюк авлиё, Яссавия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибкаромат зот ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида жуда кўп манбаларда, жумладан, «Нафаҳотул унс», «Насойим ул-муҳаббат», «Туҳфат аз зоирин» каби китобларда маълумот берилгандир. Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан ижозат олганларидан сўнг Қарши шаҳри яқинидаги Косоннинг Пудина қишлоғига келадилар ва Ҳазрат Қусам Шайх уйларига кирадилар. «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да ёзилишича, Ҳазрат Қусам Шайх қовун еб пўчоғини Баҳоуддин томон отибдилар. Ҳазрат Баҳоуддин қовун қолдиғини пўчоғи билан бирга ихлос билан тановул қилган. Бу ҳол икки-уч маротаба такрорланибди. Бир вақт Шайхнинг ходимларидан бири кириб, уч туя ва тўртта отнинг йўқолганлигини билдирган. Шайх дарҳол: «Мана шу йигитни қаттиқ тутинглар!» – деб ишорат қилибдилар. Муридлар Хожа Баҳоуддинни тутиб, анча қийнабдилар. Баҳоуддин дуолари барокатидан шом намозидан сўнг йўқолган туялар ва отлар топилибди.

«Туҳфат аз зоирин»да айтиладики, Ҳазрат Баҳоуддин уч ой ихлос ила Қусам Шайхга хизмат этадилар, ул зотдан сабоқ оладилар. Қусам Шайх Ҳазрат Баҳоуддинга: «Менинг тўққиз ўғлим бор, сен эса ўнинчи ўғлим ҳисобланасан. Лекин ҳамма фарзандларимдан сен аълороқ!» – дедилар ва ижозат бердилар.

Қусам Шайх йиллаб Нахшаб туманларидан Бухорога келиб юрди. Ҳазрати Хожа уларни иззат-икром қиларди. Қусам Шайх айтарди: «Сенда мавжуд бўлган бундай сифат ва қатъий талабни толиблардан бирортасида кўрмаганман!»

Нақл этилишича, бир куни Қусам Шайх ўғиллари ва муридлари билан бирга Бухоро шаҳрига келиб, Тими Саррофондан кеpакли нарсаларни олдилар ва дўконча супасида ўтириб дедилар: «Бизнинг кетар вақтимиз яқинлашди!» Тавҳид калимасини улар билан бирга айтиб, жонни ҳаққа таслим этдилар.

Ҳазратнинг қабрлари Қаршига қарашли Косондаги Пудина қишлоғида жойлашган бўлиб Пудина Мадин деб аталади. У ерда обод зиёратгоҳ бор. Масжид намозхонлар ихтиёрларига берилган.

Садриддин Салим Бухорий Ҳазрат Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ижозат бергандан кейин Қарши шаҳридаги Пудина қишлоғига келиб Қусам Шайхдан таълим олганликларини ёзганлар. Манбаларнинг мантиқий таҳлил этилиши бу воқеани бошқача амалга ошганлигини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, Амир Кулолдан кейин Баҳоуддин Ориф Деггаронийдан етти йил таълим олиб, ундан сўнг Қусам Шайхдан уч ой илм ўрганганлар.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон тариқати ҳақида Муҳаммад Бобойи Самосий, Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳонияти, Амир Кулол ва Ориф Деггаронийлардан таълим олган бўлса, Яссавия тариқати илму амалиётини 12 йил Халил ота ва 3 ой Қусам Шайхдан ўрганган эканлар. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд яратган Нақшбандия таълимоти ва у асослаган Нақшбандия тариқатида Хожагонлар таълимотининг таъсири қай микдорда бўлса, Яссавия тариқатининг ҳам шу миқдорда таъсири бор. Натижада Нақшбандия таълимоти Хожагон ва Яссавия тариқатларидаги энг эзгу ва яхши томонларини олиб, уларни таҳлил этиб янги ғоялар асосида бойитгани учун тасаввуф оламида ўзига хос янги камолот йўли сифатида тан олинган.

## 2.8. Таважжуҳ

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид манбаларнинг қиёсий таҳлили кўрсатадики, бу табаррук инсоннинг камолотларида увайсайлик даври билан бирга таважжуҳ даврини ҳам махсус ажратиш мумкин. «Таважжуҳ» араб

тилидан олинган сўз бўлиб, юзланиш, юзни бир кишига ёки бир томонга қаратиш, хайрихоҳона қараш маъноларини англатади. «Таважжуҳ этмак» юзланмоқ, қарамоқ, бурилмоқ хайрихоҳлик кўрсатмоқдир. Тасаввуфий манбаларда таважжуҳ тўла юзланиш маъносини англатади.

Маноқиб мақомот ва тазкираларда ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳолатларининг аввалида Увайс Қараний р.а.га таважжуҳ асари зоҳир бўлар эди. Зоҳир ва ботин томонидан халойиқдан батамом узилиш ва бутунлай ажралиш мавжуд эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай сўзлари манбада ёзилган: «Саккиз ойдирки, биз таважжуҳимизни Увайси Қараний р.а.нинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб, сайр қилардик, бугун уларнинг сифатидан чиқдик».

Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввиф Мансур Ҳаллож (ваф.858) руҳониятидан ҳам таълим олган. Нақл қилинишича, у айтган: «Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: «Жойинг мана шу дордир!». Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим».

Нақшбанд буюк сўфийлар Боязид Бастомий (ваф.875), Жунайд Бағдодий (ваф.910), Шиблий (ваф.861) руҳоний оламидан баҳра олган. Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар: «Султон Абу Язид қ.с.нинг мақомларига сайр қилдим, у қаерга етган бўлса мен ҳам шу ерга етдим. Шайх Жунайд, Шайх Шиблий ва Шайх Мансур қаерга етган бўлсалар мен ҳам ўша ерга етдим».

Лекин у доимо ҳушёрлик мақомида турган. Манбада унинг қуйидаги сўзи келтирилади: «Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди, билдимки, бу Муҳаммад боргоҳи эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим». Демак, Нақшбанд беҳушлик – сукр йўлидан бормасдан, Жунайд Бағдодий каби огоҳлик, ҳушёрлик мақомида турган.

Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳаким Термизий (ваф.831) эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: «Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ат Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман». Бу тарихий далил кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд 1365-1387 йилларда Хаким Термизий руҳига таважжуҳ этиб, соф бесифатлик ҳолида бўлган эканлар.

Нақшбанд шунингдек, Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан Қушайрий (ваф.986) ва Фаридуддин Аттор (ваф.1220) руҳониятидан тарбия олган. Мақомотда ёзиладики, у айтар эди: «Бизнинг сулукимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади». Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан ал Қушайрий – хуросонлик диндор ва сўфий,

«Рисала фи илм-ат-тасаввуф»нинг муаллифи. Бу асар сўфийлар учун қўлланма сифатида хизмат қилар эди ва ҳанузгача шундай бўлиб турибди. Асарда машҳур сўфийларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг мусулмон қоидаларига муносабатлари, сўфиёна тушунчаларга изоҳ ва шарҳлар берилган. Қушайрийнинг 1983 йилда Мисрда нашр этилган «Латоиф ал-ишорат», 1969 йилда чоп этилган «Арбаа расаъил фит-т-тасаввуф», 1968 йилда Бағдодда чиққан «Тартиб ас-сулук» асарлари машҳур. 1964 йилда Қорачида нашр этилган «Рисаъил ал-қушайрия» асарида унинг таълимоти тўла ёритилган.

Буюк мутасаввиф Фаридуддин Атторнинг «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Мантиқ уттайр» ва бошқа асарларидан Баҳоуддин Нақшбанд баҳраманд бўлганлиги маълум бўлади.

Манбадан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандга Абу Али ал Ҳорис Муҳосибий (ваф.781), Абу Сайид Абулхайр (ваф.967), Абдуллоҳ Ансорий (ваф.1006) ва Абдулқодир Ғилоний (1077-1166)лар руҳий таъсир этган.

Хулоса қилиб айтганда тасаввуф оламига хос бўлган рухий олам сирларини яхши ўрганган Баҳоуддин Нақшбанд ўзидан олдинги ўтган мутасаввифларнинг илмларидан баҳра олган.

## БАХОУДДИН НАҚШБАНД ВА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Нақшбандия таълимотига доир асосий манбалар «Маноқиб», «Мақомот», «Тазкира» ва рисолалардир. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимоти ҳақида асосий ёзма манбаларнинг энг муҳимларидан бири Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорийнинг «Анис ат-толибин ва уддат ус-соликин» асаридир. Бухоро давлат музейи қўриқхонаси фондида бу асарнинг қўлёзма нусхаси 27772/11 тартиб рақами билан сақланмоқда. «Анис ат-толибин»нинг Бухоро музейи нусхаси муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Асарнинг биринчи қисми валий ва валоятга бағишланган бўлиб, Нақшбандиянинг Ҳаким Термизий ғояларидан баҳраманд бўлганлиги масаласи асосланган. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг Ҳаким Термизийдан 22 йил таълим олганлиги ёзилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи шогирди Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган ҳикматли сўзлари жамланган ва шарҳланган. Бу манба Нақшбандия ва Ҳакимия таълимотидаги ворисийлик ҳамда умумий ва хусусий томонларни аниқлашга хизмат қилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи шогирдлари Яъқуби Чархийнинг «Рисолайи унсия» асари ҳам қимматли манбадир. Бу манбалар асосида ёзилган. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул муҳаббат» тазкираларнинг ўрни каттадир. Бу манбалар жамланган ҳолда нашрдан чиққан[121].

[121] Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. –Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 256-б.

Мустақиллик йилларида Нақшбандия таълимотига доир монография ва мақолалар эълон қилинди[122]. Баҳоуддин Нақшбанд билан биргаликда уни ишини давом эттирган тасаввуф намоёндалари ҳақида ҳам илмий мақолалар нашр эттирилди. Рахматова Холидахон Нақшбандияни жаҳонга танитган Хожа Ахрори Валий[123], Зоиров Эркин[124] ва Саматов Хуршид[125] ҳамда ёш тадқиқодчи Ғафуров Дониёр[126] Нақшбандияни назарий ривожлантирган Махдуми Аъзам ҳақида монография ва мақолалари эълон қилдилар. Валийлик ғоялари Кумушхонавий асарларида борлиги ҳам асосланмоқда[127].

---

[122] Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. –Тошкент: «Фан», 2005. 233-б. Наврўзова Г. Н Нақшбандия – камолот йўли. –Тошкент: «Фан», 2007. 189-б.Navruzova G.N. Khojagon education and the cpecifics of this way. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol.11, Issue1, January 2021 Impact Factor: SJIF 2021=7.492 1131-1137.Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174-б.Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд (Рисола)/Г.Н. Наврўзова; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.Қ. Ражабов.-Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011.-24-б. Наврўзова Г. Н. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. Т.: «Mumtoz so'z», 2017. 34-62-б. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти Яъқуби Чархий тавсифида. Тафаккур зиёси-илмий услубий журнал. 2020. 2- сон. 80-81-б. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband-the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son) 2020. B. 5-8.Navruzova G.N., Ubaidova V.E. Pharaoh of the weavers of Bahauddin Naqshband. Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10 issue 5, May 2020. Impact Factor: SJIF 2020=7.13. 922-926 pages.Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои Шарифнинг етти пири. Тошкент: Muharrir, 2018. 80.

[123] Рахматова Х. Хожа Ахрор Валийнинг ижтимоий –фалсафий қарашлари. Тошкент:»Adib» 2014. 119-б.

[124] Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. Т.: Дурдона, 2015.-144-б. Zoirov E.X., Gafurov D.O. Analysis of the teachings of Maxdumi Azam and classification of pamphlets. INTERNATIONAL ENGINEERING JOURNAL FOR RESEARCH & DEVELOPMENT IJRD E-ISSN – 2349-0721 impact factor SJIF 2020=6.549, p.p. 464-467.Зоиров Э. Махдуми Аъзам. (рисола). Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011. –28-б.Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи вужудия» асари. Сино. 2008. № 29. 71-76-б.

[125] Саматов Х. Махдуми Аъзам маънавий мероси ва ҳозирги замон. Монография. Т.:«Tafakkur» нашриёти, 2019. ISBN 978-9943-24-266-1 8,4 б.т.Саматов Х. Махдуми Аъзам Косоний таълимотида оила ва никоҳ масалалари. Илмий рисола. Т.:«Наврўз» ДУК нашриёти, 2020. ISBN 978-9943-6015-5-0 2.2 б.т. Саматов Х. Роль Махдуми Аъзам Касани в тарикате Накшбандиййа и системы социальной защиты населения «Химоят». Ученый XXI века. Международный научный журнал. Россия. №5-1(64), май 2020 г. 40 с.

[126] Gafurov D. O. The issue of respect for the elderly in the spiritual heritage of Makhdumi Azam. EPRA International journal of multidisciplinary research (IJMR)-Monthly, Peer Reviewed (Refereed) & indexed International Journal Volume-6 Issue-9 September 2020. SJIF Impact Factor: 7.032, p.p. 370-372. Ғафуров Д.О. Махдуми Аъзам «Рисолаи шайбийя» (Кексалик ҳақида рисола) рисоласида кексаларни эъзозлаш масаласи. «UzAcademia» scientific-methodical journal. 09.2020. 226-232-б. Ғафуров Д.О. Шарҳи ал валади сирру абийҳи («Фарзанд отасининг сиридир» деган ҳадис шарҳи) рисоласида фарзанд тарбиясининг фалсафий-ахлоқий таҳлили. Materials of the International scientific-online conference in «INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2020» мавзусидаги 1-сонли халқаро илмий-онлайн конференцияси материаллари тўплами. Фарғона-2020, p.p. 342-349.Gafurov D.O. The issue of respect for the elderly in the spiritual heritage of Mahdumi Azam. MONOGRAFIA POKONFERECYJNA, Science.

[127] Гуламова М. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси – Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий. Имом Бухорий сабоқлари. 2020. 2-сон 28-29-б.

Нақшбандия таълимоти генезисига оид махсус монография эълон қилинди[128] ва унда Ҳужвирийнинг «Кашф ал-маҳжуб» асари асосида барча тариқатлар қаторида Нақшбандия ва Ҳакимия тариқатларининг ўзаро алоқадорлиги қисқача ёритилди. Мустақиллик йилларида Ҳаким Термизийнинг «Хатм ул-авлиё», «Манозил ул-ибод мин ал ибода», «Адоватун-нафс» ва «Баён ул-касб» асарлари таржима қилиниб нашр эттирилди. Ёш тадқиқотчи Ҳайитов Лазизбек Ҳаким Термизийнинг маънавий меросини фалсафий таҳлил этиб, қатор мақолаларни эълон қилди[129]. У Ҳаким Термизийни нафс тушунчасининг назариётчиси эканлиги, соғлом қалб ҳақидаги ғояларини асослаш билан биргаликда Ҳаким Термизийнинг «Баён ул касб» асари ғоялари таҳлилида Нақшбандия таълимотидаги «Даст ба кор дил ба Ёр» шиорига таъсири борлигини асослаб берган. Янги таржима этилган манбалар ва тадқиқотлар асосида Нақшбандияга Ҳакимия тариқатининг таъсирини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш зарур.

### 1. Ҳаким Термизий Ҳакимия тариқати асосчиси

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ўзбекистондан етишиб чиққан забардаст олим, мутафаккир ва тариқат пешволаридан биридир. У киши Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлиб, Термизда туғилган ва шу ерда вафот этган. Вафот тарихини эса олимлар асосан 235-ҳижрий қамарий (мелодий 898) ва 269-ҳижрий қамарий (мелодий 909) йил деб кўрсатишган. Ҳужвирий ёзадики, «Мени шайхим айтардики, «Муҳаммад (Термизий Г.Н.) – ҳақиқий тоза дурдир. Ундай дурни бутун оламда тенги йўқ».[130]

Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ҳақида муфассал, аниқ маълумот берадиган манба йўқ. Термизийнинг ўз асарлари ва бошқа манбалардан у кишининг ҳаёт йўли ҳақида баъзи тасаввурларга эга бўламиз. Хусусан, унинг «Будувв-уш-шаъни Аби Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким Термизий» номли кичик бир рисоласи орқали муаллиф ҳаёти, жумладан, отасидан илм ўрганганлиги, ёшлик чоғида Куфа ва Басра орқали Маккага сафар қилганлиги, Куфада ҳадис таълимини олганлиги, Термизга қайтаётиб, йўлда Қуръони Каримни ёдлаганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиш мумкин. Лекин бу рисоладаги диққатга молик асосий масала илҳомнинг турлари, унга туш ва бедорликда зоҳир бўлган рўёлар тасвиридир».

---

[128] Наврўзова Г.Н., Рахматова Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. Бухоро: «Бухоро, 2010. 150-б.

[129] Хаитов Лазизбек. Ҳаким Термизий – нафс илмининг назариётчиси. Islom tafakkuri. 2020. 4-сон. 59-64-б.Хаитов Лазизбек. Ҳаким Термизий асарларида соғлом қалб масаласи. Islom tafakkuri. 2021. 1- сон. 42-47-б.

[130] Али ибн Усман алъ-Джубали алъ-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф алъ-махжуб ли арбаб алъ кулуб). /Перевод с английского А.Орлова, Изд. Перв.- Москва:Единсвто, 2004. 140-б.

Ҳаким Термизий ўз асарлари орқали Аҳмад ибн Осим Антокийнинг тасаввуфга оид бир асарини завқ билан ўқиганлиги ва ҳолатида ўзгаришлар бўлганлиги, тушида ҳазрат пайғамбаримизни (Аллоҳдан у зотга салоту саломлар бўлсин) кўриб файз ва таскин топганлиги, унга илҳомлар бўлганлиги ва бошқа воқеалардан хабар беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ҳаким Термизийнинг ҳақиқат ва маърифатга оид сўзларини ҳамма ҳам тушунавермаган. Шу тушунмовчиликлар сабаб, бир муддат у киши ҳақида фитна ва иғволар пайдо бўлган. Баъзи олимлар Ҳаким Термизийнинг бир неча йил юртидан ҳижрат қилишига мана шундай фитналар сабаб бўлган дейишади. «Ҳақ сийлаган – сийланар» деганларидек, халқ оқибат у зотнинг улуғ авлиёлардан ва Ҳақ йўлда собит эканларидан огоҳ бўлган, умрларининг охирига қадар ҳурматларини бажо келтиришган. Қабрлари бугунги кунда ҳам машҳур зиёратгоҳдир.

Хатиби Боғдодийнинг ёзишича, Термизийнинг отаси – Али ибн ал-Ҳасан ҳадис илмининг билимдон олимларидан бўлган. У араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдодда ҳадис илми тўғрисидаги баҳсу мунозараларда фаол иштирок этган. Ҳаким Термизий «Ар-радду алал-муаттила» китобида таъкидлашича, унинг онаси ва бобоси ҳам ҳадис илмида етук олимлардан бўлишган. Демак, Ҳаким Термизий илм ўчоғи бўлган хонадонда дунёга келган ва тарбияланган. Аллоҳ каломию ҳазрат пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларига асосланган илмий муҳит ва тарбия маскани Термизийнинг истиқболини белгилаш ва тафаккурини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Илмий ва эътиборли тасаввуфий манбаларда бу олим ва ориф зотнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Жумладан, Абу Абдурраҳмон Сулламий (ваф. 1021) «Табақотус-суфия»»да у кишидан бир қанча ҳикмат ва маърифатга оид сўзлар нақл қилса[131], Фаридиддин Аттор (1148/51-1219/21) «Тазкиратул-авлиё»да Ҳаким Термизийни: «шариат ва тариқатда мужтаҳид», «ҳадис, ривоят ва хабар бобида ишончли зот», «риёзат ва каромоти кўп», «хулқи улуғ» каби сифатлар билан эслаб, «бағоят ҳикмат соҳиби» бўлганлигидан «ҳакимул-авлиё» (валийлар ҳакими) деб аталганига диққатни қаратади[132].

Алишер Навоий ҳам «Насойимул-маҳаббат» тазкирасида, ёзади: «Муҳаммад бин Ҳаким Термизий қаддасалло руҳаҳу иккинчи табақадиндур. Куняти Абу Абдуллоҳдур-улуғ машойихлардандур. У Абу Туроб Нахшабий, Аҳм Хизравайҳ ва ибн Жалоллар билан суҳбат қилган, кўп ҳикматли сўзлари, зоҳир кароматлари ва машҳур асарлари бор. Жумладан, «Хатмул-валоят», «Наҳаж», «Наводирул усул» ва бошқалар. Зоҳир илмида ҳам

[131] Абу Абдурраҳмон Сулламий. Табақотус-суфия. Миср, 1406 ҳ. (1974), 217—220-б.
[132] Фаридиддин Аттор. Тазкиратул авлиё. Теҳрон, 1373 ҳ. 514-523-б.

асарлари бор. Бир тафсир ёзишга киришган, лекин тугатишга умри вафо қилмаган. Унинг шогирди Абу Бакр Варроқ Ҳаким Термизий ҳар якшанба Хизр алайҳиссалом билан мулоқот қилиб турганини ривоят қилган[133].

Ҳаким Термизий нафақат ҳадис ва шариат илмлари билимдони, балки тасаввуф тариқати асосчиси ҳамдир. У аҳли суннат вал жамоат эътиқодига мувофиқ «Ҳакимия» тариқатига асос солган ва мухлислари кўп бўлган. Ҳужвирий (ваф. 1072-1077) «Кашфул-маҳжуб» асарида ҳақ тариқатлардан еттинчиси «Ҳакимия» эканлиги, унинг мансублари Ҳаким Термизийни муршид, пешво деб билишларини таъкидлайди.

Ҳаким Термизий тафсир, тасаввуф, машойих тарихи, ҳадис, фиқҳ, калом, ахлоқ ва нафс масалаларига доир бир қанча асарлар ёзган. Уларнинг сони манбаларда 30 дан 126 гача китоб ва рисолалардан иборат, деб қайд этилади.

Филология фанлари доктори Абул Ҳусайн Зарринкўбнинг аниқлашича, Ҳаким Термизийнинг қуйидаги асарлари нашр этилган:

1. «Наводирул-усул фи маърифати ахборир-расул», Димишқий шарҳи, Истанбул, 1293 ҳ.қ. (мел.1876 й).

2. «Хатмул-авлиё», Усмон Яҳё нашрга тайёрлаган. Байрут, 1925й.

3. «Рисолату баёнил-фарқ байнас-садр вал-қалб вал-Фуод, вал-лубоб». Никелос Ҳир. Қоҳира, 1958 й.

4. «Рисолату аршил-муваҳҳидин», Paul Sdath, Қоҳира (Миср), 1946 й.

5. «Китобур-риёза», «Адабун-нафс». Орбери, Али Ҳаса Абдулқодир. Қоҳира (Миср), 1946.

6. «Ҳақиқатул-адлия» Абдулмуҳсин ал-Ҳусайний, Искандария (Миср), 1946.

7. «Масоилут-таъбир», Орбери. Италиядаги «Мутолаъоти шарқий» журнали, инглизча таржимаси билан, 1940.

8. «Ар-радду алар-рофиза вал-ақя вал-ҳаво». Истанбул, «Шарқиёт мажмуаси», 1966.

9. «Рисолаи Будувв-уш-шаън». Карачи, Покистон. «Мутолаъоти исломий» журнали[134].

Мазкур китоблардан ташқари «Илал-убудия», «Ал-акёс вал муғтаррин», «Баён ул-касб», «Ал-макнун ва исолату мокона ва мо якун», «Азобул-қабр», «Ат-тавҳид», «Тарих ул-машойих», «Одоб ул-муридин» каби асарлар ёзганлиги ҳам манбаларда қайд этилади.

Олимларнинг аниқлашича, Ҳаким Термизий асарлари Муҳиддин ибн Арабий, Ҳужвирий, Субкий, Заҳабий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Абдураҳмон

[133] Алишер Навоий. Насойимул-маҳаббат. 20 томлик, 17-том, Т. Фан, 2001, 84-б.

[134] Абдулҳусайний Зарринкўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе: «Ирфон», 1992. 43-49-б.

Жомий, Ибн Таймия, Ҳожи Халифа, Имом Шаъроний ва бошқа олимларнинг ижодига у ёки бу даражада таъсир этган.

Ҳаким Термизий ўзидаги илму маърифатни ўзидан кейинги наслларга етказишда ҳам фаол бўлган. У кўплаб ориф ва фозил инсонларни етиштирган. Шулардан иккитасини эслаш кифоя. Бири «Авлиёлар муаллими» сифатини олган Абу Бакр Варроқ Термизий, иккинчиси «Қалблар жосуси» лақабига сазовор бўлган Ҳасан ибн Али Журжонийдир. Бироқ, Термизийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ воқеалар, унинг таълимоти, кўрган тушлари, каромати ва Хизр алайҳиссалом билан бўлган мулоқотлари асосан, Абу Бакр Варроқ Термизий орқали халқ орасида кенг тарқалган.

## 2. Баҳоуддин Нақшбанд камолотида Ҳаким Термизий ўрни

2500 йиллик тарихга эга Термиз шаҳри обрўйини жаҳонга танитган алломалардан бири Ал-Ҳаким Абу Абдулло Муҳаммад бин Али Ҳакими Термизийдир. У Ўрта Осиёда тасаввуфнинг энг йирик намояндаларидан бири бўлган ва Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотига салмоқли таъсир ўтказган.

Алишер Навоийнинг «Насойимул-маҳаббат» ва Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти шоҳ Нақшбанд» асарларида келтирилишича, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йигирма икки йил Ҳаким Термизий тариқатига эргашганлар ва у кишининг руҳониятидан файз олганлар.

«Мақомот»да яна нақл қилинишича, жазба теккан орифлардан бири Шайх Абдуллоҳ Хўжандий шундай дейди: «... ногоҳ Термизга бориб қолдим. Хожа Ҳаким Термизийнинг мунаввар марқадларига таважжуҳ қилдим. Мени уйқу элитди. Тушимда менга дедилар: «Мен Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизийман...» Ёнларида нуроний бир пир бор эди. «Улар Хизр алайҳиссаломдирлар. Аммо сен ҳозир ўзингга ташвиш берма ва изтиробга тушма, сен қидираётган нарса ўн икки йилдан сўнг Бухорода, ўша даврнинг қутби замони бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳузурида ҳосил бўлади», – дедилар. Демак, Термизийнинг таълимоти Нақшбандиядек ҳаётбахш тариқатга асос солган Баҳоуддин Нақшбанд таъсир этган ва Аллоҳнинг изни билан икки буюк валий орасида руҳоний алоқа ва иртибот бўлган.

Баҳоуддин Нақшбанд 22 йил Ҳакимия тариқати асосчиси Ҳаким Термизий руҳига таважжуҳ этиб, ундан тарбия олган. Ҳакимия тариқатнинг валийлик ва каромат ҳақидаги ғояларини Нақшбандия қабул этган. Салоҳиддин ибн Муборак ўзининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлига оид «Анис ат-толибин ва уддат-ас соликин» маноқибининг 1- бобини валий ва валоятга бағишлаган. Нақшбандиянинг валийликка нисбатан қарашлари «Сирли олам» (1993 йил №7) журналидаги ва Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига

бағишланган халқаро анжумани тўпламидаги «Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳаким Термизий» мақоламизда очиб берганмиз.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимоти ҳақида асосий ёзма манбаларнинг энг муҳимларидан бири Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ат-толибин» асаридир. Бухоро давлат музейи қўриқхонаси фондида бу асарнинг қўлёзма нусхаси 27772/11 тартиб рақами билан сақланмоқда. «Анис ат-толибин»нинг Бухоро музейи нусхаси муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Бу қимматли манба орқали биз Ҳаким Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотларига оид қуйидаги уч фикрга келишимиз мумкин:

1.Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотида Ҳаким Термизийнинг муносиб ўрни бор. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбандга руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳакими Термизий эканлиги кўрсатилган. Унда таъкидланишича, ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: «Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ат- Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман».[135]

2. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотида Ҳаким Термизийнинг таъсири орқали «бесифатлик» ва «бенишонлик» деган тушунчалар вужудга келган. Ҳазрат Хожа айтардики, «Авлиёлар пешвоси Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг руҳониятига таважжуҳ қилсам, бунинг таъсири тўлиқ бесифатлик тарзида зуҳур қиларди. Бу таважжуҳда қанча сайр қилсам ҳам, ҳеч қандай таъсир ва сифат аён бўлмас эди».[136]

3. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатни руҳониятда бўлишини кўрсатади ва айтади: «Руҳоният вужуди ҳақиқатнинг чегарасиз нурлари ичида маҳв бўлгач, одам қанчалик ўзида мавжудлик қидирмасин ва идрок сармоясини ўзида изламасин, бесифатлик ва бениҳояликдан ўзга нарсани кўрмайди».[137]

## 3. Ҳакимия ва Нақшбандияда валийлик тушунчаси

Ҳаким Термизийнинг тасаввуф тарихидаги энг буюк хизматлари бу таълимотга валий тушунчасини киритганларидир. Валийликни инкор этувчи иккита оқим – мўътазилийлар ва антропоморфистлар мавжуд.[138] Мўътазилийлар бир мусулмонни иккинчисидан фарқини инкор этади. Антропоморфистлар эса алоҳида қобилиятли инсонлар аввал бўлганлар, ҳозир улар йўқ дейдилар.

[135] Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин. 15-б.
[136] Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. 64-б.
[137] Рисолаи қудсия. 78-б.
[138] Кашф ал-маҳжуб. 212-б.

Ҳужвирий 4000 рижолул ғайб – яширин, бир-бирини танимайдиган валийлар, 300 аҳёр, 40 абдол, 7 аброр, 4 автод, 3 нукаба, битта қутб ёки ғавс бор, булар бир-бирини биладилар,[139] дейди.

Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб «валий»лар муаммосини махсус тадқиқ этди. Манбалар таҳлили кўрсатадики, бу назарий масалани ҳал этишда Хожа Муҳаммад бин Ҳаким Али Термизий асарлари ғоявий манба сифатида хизмат этган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган. Бу масалани ёритишда Салоҳиддин ибн Мубораканинг «Анис ат-толибин» асаридаги «Валий ва валоят таърифида» деб номланадиган биринчи қисми муҳим манбадир. Бу асар Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд» асаридан шу биринчи қисми борлиги билан фарқ қилади.[140]

Ҳаким Термизийнинг валийлик масалаларига бағишланган «Хатм ул-авлиё» асари жуда машҳур бўлган. Асарда у авлиё ва пайғамбарларни таққослайди, улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни баён этади. Унинг фикрича, авлиёларнинг ҳам хатми ва муҳри бўлади. Муҳр авлиёнинг мукаммаллигидан далолат беради, лекин ҳамма авлиё ҳам бу даражага етган эмас. Валийларнинг ўзлари ҳам маълум пағоналарда туришлари билан фарқланадилар. Аллома уларнинг олийсини «Қутб» деган ном билан юритади. Ана шу қутб даражасига етган авлиёларнинг хатми ўтказилиши ва муҳри бўлганлиги таъкидланади.

Нақшбандия таълимотига кўра, «Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳақ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур».[141]

Муҳаммад Порсо «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида айтган эди:

Гашт бе кибру, риёю кина,
Нури қудсиро рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз ў ҳал шавад бе қилу қол.[142]
Мазмуни:
Кибр, риё, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий нур оинасидир.

[139] Кашф ал-маҳжуб. 213-б.
[140] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб. статей. – Бухара: 1994. – Вып. 3. – С. 65-69.
[141] Салоҳиддин ибн Муборак.Анис ат-толибин. 7б-б.
[142] Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма. 111-б.

Унинг юзи барча саволларга жавоб,
Сўзсиз ундан мушкул ҳал бўлади.

Бу таълимотда валийларга муносиб хусусиятлардан бири сифатида уларнинг суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил – тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни Ҳазрати Азизон таъкид этганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

Се нишон бувад валиро, ки нахуст он ба маъни,
Ки чу рўи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун сухан кунат зи маъни,
Ҳамаро зи ҳасти худ б-ҳадис мерабоят.
Севум,он буват б-маъни вали ахаси олам,
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наёяд[143].
Мазмуни:
Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси у бамаънидир,
Унинг юзини кўрган заҳотинг дилингни ром этади,
Иккинчиси, агар мажлисда маъни ҳақида сўзласа,
Бутун борлиғи ила ҳаммани ўзига мафтун этади.
Учинчиси, валий маъно жиҳатидан оламдаги махсус кишидир,
Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

Мўминлик даражасининг ниҳояси – авлиёлик даражаси деб,ундан сўнг шуҳадо, сидиқо, анбиёву расул, анбиё ул-аъзам ва охири ниҳояси бўлмаган даража мустафо, деб айтилади.

Нақшбандия таълимотига кўра, валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси – муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади. Иккинчиси – Тангрининг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. «Анис ут-толибин» асарида бундай валийлар мажзуб-жазб қилинган, яъни Ҳаққ майдонига тортилган маъносида таърифланган. Валийларнинг бу турида и л ҳ о м тариқи ила қалб ва тилларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Тангрининг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тил билан айтганимизда, ва-

[143] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомототи Ҳазрат Хожа Нақшбанд. 59-б.

лийларнинг бу даражасида латиф қувват – биоэнергия майдони бемалол олам қувват-ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

Валийлар илҳом орқали илоҳий нурни кашф этсалар, анбиё ваҳий орқали Тангри сўзларидан баҳраманд бўлади.

Муҳаммад Порсо валийлар ўз иродаларини тўла Тангри иродасига тобеъ қилганлари ва улардаги барча хусусиятлар илоҳий фазилатга эга эканлигини баён этади:

Авлиёро ҳаст қудрат аз Худо,
Тири жаста боз гардонат зи роҳ.[144]
Мазмуни:
Авлиёларнинг қудрати илоҳдандир,
Учаётган ўқни ортга қайтара оладилар.

## 4. Валийликда бесифатлик ва бенишонлик

Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид сўзлари жамланмаси ва шарҳи бўлган. «Рисолаи қудсия» асарида бесифатлик ва бенишонликни авлиё ҳолининг мукаммаллиги ва даражасининг ниҳояга етганлиги деб айтади. У: «Бесифатлик Аллоҳдан юз берувчи кашф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир. Бу ибора ва ишора мазкур мартабанинг асл моҳияти ва ҳақиқатини англатишдан ожиздир»[145], дейди. Манбада: «Сулукнинг ибтидосида бўлганлар бесифатлик ҳолатини тушунмайди», деб ёзилган. Буни ўрта мақомдагилар англашлари учун айтилган.

Манбада бесифатликни изоҳлаш учун қуйидаги назмий иборалар келтирилади:

Бартар аз илм аст, берун аз аён,
Зоташ андар ҳастии худ бенишон.
З-ў нишон жуз бенишони кас наёфт,
Чорае жуз жонфишони кас наёфт.

Гар аён жўи ниҳон он гаҳ бувад,
В-ар ниҳон жўи аён он гаҳ бувад.
В-ар баҳам жўи чу бечун аст ў,
Он замон аз ҳар ду берун аст ў.

[144] Рисолаи қудсия. 64-б.
[145] Рисолаи қудсия.78-б.

Сад ҳазорон тавр аз жон бартар аст,
Ҳар чи хоҳам гуфт ў з-он бартар аст.
Ажз аз он ҳамроҳ шуд бо маърифат,
К-ў на дар шарҳ ояду на дар сифат.[146]
Мазмуни:
У илмдан юқори ва англашдан узоқ,
Унинг зоти ўз борлиғи ичида бенишондир.
Ундан нишон қидирганлар, бенишонликдан ўзга нарсани топмади,
Унга жон фидо қилишдан ўзга чора топмади.

Агар уни аёнликда қидирсанг, ниҳон бўлади,
Агар уни ниҳонликда қидирсанг, аён бўлади.
Агар икковидан қидирсанг, қидирки у ҳеч нарсага ўхшамайди,
Қидирган пайтингда у бу икки ҳолдан ташқари бўлади.
Жонимиздан у юз минг марта олийроқдир,
Нима деб айтсам ҳам, у айтганларимдан юксакроқдир.
Уни на шарҳлаб бўлади-ю ва на сифатлаб,
Шу сабабли ожизлик билимимизга ҳамроҳ бўлади.

Бу мисралар «бесифатлик»ни илмдан юқори ва англашдан узоқ деб ақлнинг уни билишга ожизлигини кўрсатади. Бесифатлик аёнлик ва ниҳонликдан ҳам юксак, ҳеч нарсага ўхшамаслиги ва бизнинг сўз ва ибораларимиздан ҳам юксакликда туриши намоён бўлади. Уни шарҳлаб ва сифатлаб беришга билимимиз ожизлик қилади.

### 5. Ҳакимия ва Нақшбандия таълимотида талвин ва тамкин тушунчалари

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Ҳакимия тариқати каби кароматни зоҳир этишни эмас, балки яширишни, ундан кўра тамкин ва истиқоматни устун қўйиш лозим деганлар.

Тамкин аҳлида ҳам талвиноти аҳвол-ҳолат ўзгариши бўлади, аммо талвин аҳлидан фарқ қилади. Булар – тамкин аҳли ўз ботинларининг ҳоли устидан ҳокимдирлар ва уни ўз измига солиб биладилар.

Баҳоуддин тамкин аҳлининг сифати ҳақида улар ҳол тасарруфи куллигидан озоддирлар, уларнинг кўз олдиларидан ҳижоб бутунлай кўтарилган, сабаблардан бўлган ҳеч бир сабаб билан уларнинг ҳолига ҳеч қандай тойиш ва заифлик етмайди, оламдаги ҳеч бир нарса уларни Маҳбуб Мушоҳадаси (васли)дан ва у билан шуғулланишдан ажрата олмайди, халқ ичида

[146] Рисолаи кудсия. 71-б.

юриш ва уларнинг ҳолатини мушоҳада қилиш уларга таъсир қилмайди ва сифатини ўзгартира олмайди, дейди.

Шунингдек, Баҳоуддин ҳол жиҳатдан шарафли бўлишдан кўра камол жиҳатдан афзал бўлишни устун қўяди. Шунинг учун узлатдаги валийларни талвин аҳлидек надимлар билан тенглаштиради. Эл ичидаги валийни тамкин аҳли деб вазирлар билан тенг кўради[147]. Чунки «Саҳиҳ» га кирган қудсий ҳадислардан бирида ёзилганки, «Мени жамоат ичида ёд этса, мен уни у жамоатдан ҳам афзалроқ жамоат (фаришталар) ичида ёд этаман» дейилган.

Демак, Баҳоуддин фикрига кўра тамкин аҳли камол жиҳатдан афзал экан. Баҳоуддин ўзи хулоса қилиб айтадики, восил ва комиллар икки қисмдандирлар. Бир қисм Тангрига яқин бўлсаларда бошқаларни камолотга етказиш уларга буюрилмаган. Улар ҳайрат дарёсига ғарқ бўлиб, ўз вужудларидан огоҳ эмаслар. Иккинчи қисм восил ва комиллар халққа нажот берарлар. Улар комили мукаммалдирлар[148]. Улар фанодан кейин бақо ҳолатига етганлар.

Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб, «валий»лар масаласини махсус тадқиқ этди. Салоҳиддин Ибн Муборак ал Бухорийнинг «Анис ат-толибин ва уддат ус-соликин» асарининг биринчи қисми «Дар маърифати валояти валий» («Валийлик валояти маърифатига доир») да таъкидланишича, «Валоят нурдан иборатдир». Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал-яқин – аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади. Шу нур, ила тўлган қалб валий қалби бўлади. Унга Ислом ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади.

Манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларда етишда бу сулук Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

Манбалар таҳлили асосида қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Илк тасаввуфий тариқатлар ҳақида маълумот берувчи асосий манба Ҳужвирийнинг «Кашф ал-маҳжуб» асарини ўзбек тилига таржима этиб, нашр этиш ва тасаввуфшунос олимларга бу манбадан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш.

2. Марказий Осиёда вужудга келиб, кенг тарқалган ва ўзидан кейинги тариқатлар ва тасаввуфий таълимотларга кучли таъсир ўтказган Ҳаким Термизий томонидан асосланган Ҳакимия илк тасаввуфий тариқатини чуқур ўрганиб илмий тадқиқотлар ўтказиш.

3. «Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳаким Термизий» номи билан рисола яратиш ва кенг китобхонларни ундаги ғоялардан билан таништириш.

[147] Рисолаи кудсия. 101–102-б.
[148] Рисолаи кудсия. 115-б.

4. Тасаввуфда валий тушунчасининг комил инсонга хос фазилатларни ўрганиб, уни баркамол авлодни тарбиялаш жараёнига фойдаланиш услубларини аниқлаш.

5. Нафс тарбияси масаласини таълим тизимига жорий этиш.

Манбалар таҳлили асосида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

1. Илк тасаввуфий тариқат бўлган Ҳакимияни буюк мутафаккир валий Ҳаким Термизий асослаган.

2. Ҳаким Термизий 22 йил Нақшбандия таълимоти тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбандга руҳий тарбия берган. Шунинг учун ҳам Нақшбандия таълимотига Ҳакимия тариқатининг таъсири жуда катта.

3. Ҳаким Термизий «Хатм ул-авлиё» асарида валийлик тушунчасини мукаммал таҳлил этган ва тасаввуф таълимотига киритган.Валийлик ҳақидаги ғояларни Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрори Валий, Махдуми Аъзам, Зиёуддин Кумушхонавийлар ривожлантирганлар.

4. Ҳаким Термизий нафс тушунчасини назарий асослаган бўлиб, Нақшбандия намоёндалари уни ўз асарларида ривожлантирганлар.

5. Ҳаким Термизийнинг «Баён ул-касб» асаридаги касбу ҳунар ҳалол меҳнатга муносабат ғоялари асосида Нақшбандиядаги «Даст ба кору дил ба Ёр» шиори шаклланган.

6. Ҳаким Термизийга хос бўлган бесифатлик ва бенишонлик хусусиятлари Баҳоуддин Нақшбандда ҳам намоён бўлди.

7. Ҳакимия таълимотига уйғун сифатида аҳли тамкин аҳли танвинга нисбатан юксак даражада эканлиги таъкидланган.

Демак, Ҳаким Термизий Баҳоуддин Нақшбанд учун руҳий устоздир ва унинг асарлари нақшбандия таълимоти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Нақшбандия таълимотидаги аҳли тамкин, аҳли истиқомат, бесифатлик ва бенишонлик ҳамда валийлик тушунчалари ҳакимия тариқатидаги ғояларга асосланган.

## 2.9. Ғавсул Аъзам ва Баҳоуддин Нақшбанд

Икромиддин Остонақул ўғли Оққўрғоний томонидан тайёрланган ва 1995 йилда Тошкентдаги «Камалак» нашриётида чоп этилган Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Авлиёлар султони». «Туронлик валийлар» ва Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Ҳазрати Ғавсул Аъзам Муҳйиддин Саййид Абдулқодир Гийлоний» 1992 йил Тошкентдаги «Нур» нашриётида чоп этилган асарларида Ғавсул Аъзам ва Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ бўлган нақл ва ривоятлар келтирилган.

Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир, авлиёлар султони, қодирия тасаввуфий таълимотининг асосчиси Муҳйиддин Абдулқодир Гийлоний ҳижрий 561 йил роббиал охир ойининг ўн еттинчиси, милодий 1166 йил 13 феврал

куни Бағдод шаҳрида вафот этганлар. Манбаларда ёзилишича, у киши Баҳоуддинни туғилиши ҳақида башорат қилганлар. Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йил Бухорои шарифда дунёга келганлар. Ғавсул Аъзам вафоти ва Баҳоуддин Нақшбанднинг дунёга келиши ўртасидаги вақт 152 йилдир. Ғавсул Аъзам Баҳоуддиннинг туғилиши ҳақида башорат берганларида ҳаёт бўлганлар, яъни 152 йилдан ҳам кўпроқ муддатдан олдин Бағдоддан туриб Бухорода нузул этилаётган Баҳоуддин Нақшбанднинг илоҳий хусусиятдаги нурларини кўра олганлар. Баъзи манбаларда Абдулқодир Гийлоний 157 йилдан сўнг Бухоро тарафида Машрабнамо Баҳоуддин дунёга келади, деганлари ёзилган. Ғавсул Аъзам вафотларидан беш йил олдин юксак камолотга етишган вақтларида бундай башорат қилганлар. Бу муборак назар орқали шу нарса аён бўладики, бир томондан Ғавсул Аъзам қалб кўзлари билан нақадар узоқни кўра олганлар ва башорат қила олиш қувватлари нақадар юксак бўлган, бошқа томондан Баҳоуддин Нақшбанд руҳларининг нақадар порлоқ, нурли ва Аллоҳнинг қудратини ўзида мужассам этганлигидан далолат беради.

Бу муборак назардан Абдулқодир Гийлонийнинг Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийни туғилгандан кейин камолга етиб, Баҳоуддин ва Нақшбанд деган улуғ унвонларга сазовор бўладиган муборак зот бўлиб улғайишларини ҳам башорат берганликларини кўрсатади.

Абдулқодир Гийлоний ўз башоратларида Баҳоуддин Нақшбанд у кишининг файзу хосиятларидан баҳраманд бўлишларини ҳам айтганлар. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Абдулқодир Гийлоний каби валийлик рутбасига етиб, тасаввуф оламининг йирик намояндаси бўлдилар. Абдулқодир Гийлоний қодирия тариқатини асослагани каби Баҳоуддин Нақшбанд ҳам жаҳоншумул Нақшбандия тариқатига асос солдилар. Шу билан бирга Абдулқодир Гийлонийнинг Аллоҳ олдида энг юксак мартаба бўлишига сабаб, «Машғуллик ила форуғлик» шиори бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг кенг ёйилишига сабаб унга уйғун бўлган «Даст ба кору дил ба ёр» шиори бўлди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур» асарида бу икки зотнинг умумийлик томонларини кўрсатадиган қуйидаги фикрлар билдирган: «Кўп йиллик меҳнат, тақво, ҳаракат ва қурбат натижаси ўларoқ, Аллоҳ таоло хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига тўрт буюк қутблардан бири бўлиш шарафини насиб қилди. Мазкур қутблар қуйидаги зотлардир:

– Шайх Абдулқодир Жийлоний қ.с.
– Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.
– Саййид Аҳмад Рифаъий қ.с.
– Сайид Аҳмад Бадавий қ.с.

Ҳозирги кунда ҳам дунё бўйлаб энг кенг тарқалган тариқатлар худди шу тўрт зотнинг номларини олган тариқатлардир.

Абдулқодир Гийлоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг умумий томонлари шундаки, икковларининг нурларини ҳам Муҳамммад Пайғамбар с.а.в. меърожда чиқиш вақтларида кўриб, Аллоҳдан уларнинг даражалари юксак бўлиши ҳақидаги хабарни эшитганлар. «Манокиби Қодирия» асарида келтирилишича, меърож кечаси Муҳаммад с.а.в. Аллоҳ ҳузурига бориш учун, улуғ ва баланд Аршу Азимдан қандай ўтаман деган фикр хотирларидан ўтди ва шу аснода жавоне зоҳир бўлди. Забони ботин ила арз қилдики, менинг гарданимга муборак қадамларини қўйсинлар. Он ҳазрат с.а.в. икки қадамларини ул жавоннинг гарданига қўйдилар. Ул жавон гардани Аршга етди. Бу жавоннинг рутбасини кўриб, унинг кимлигини билмоқчи бўлганларида Аллоҳ тарафидан шундай нидо келди: «Эй Муҳаммад, бу жавон сенинг фарзандинг, нури дийдангдур. Оти Абдулқодирдур. Вақтеки сенинг дининг аҳли бидъатлардин ўтган мартабада бўлганда бу жавон тиргизур. Муҳйиддин хитоби бирла мухотаб бўлур». Пайғамбаримиз шод бўлиб, уларга дуои хайр қилиб, амр қилдиларки: «Эй фарзанди нури дийдам, менинг қадамим сенинг гарданингга етди, сенинг икки қадаминг жами авлиёйи Аллоҳнинг гарданига етгусидир. Ҳар кимки, сенинг икки қадамингни ўз гарданига қўймоққа таслим қилса, ул киши даражайи олий топғай». Дарҳақиқат, Пайғамбар с.а.в.нинг бу дуолари ижобат бўлиб, у киши султонал авлиё даражасига етдилар.

Ҳазрат Баҳоуддиндан сўрадилар:

– Ҳазрати Ғавсул Аъзам чиндан ҳам жами Аллоҳ валийлари гарданларига оёқларини қўйганлармиڑ?

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин жавоб бердилар:

– Ул вақтда бизнинг хожамиз Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний ҳозир эдилар. Ул ҳазратнинг муборак қадамларига гарданларини паст қилиб турдилар. Агар мен ҳам ул вақтда ҳозир бўлсам эди, муборак қадамларини кўзимга қўйдирган бўлур эдим.

Баҳоуддин Нақшбандга оид «Рисолаи Азиза» асарида ёзилишича, Муҳаммад с.а.в. меърожда Баҳоуддин Нақшбанд руҳларини ҳам кўрганлар.

Мақомотларда Абдулқодир Гийлонийнинг увайсий эканликлари ва Муҳаммад с.а.в. руҳлари у кишига тарбият берганликлари қайд этилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам увайсий бўлганлар ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари у кишини тарбият қилган.

Манбаларда маълумот берилишича, Баҳоуддиннинг Нақшбанд ва бологардон бўлишларига ҳам Абдулқодир Гийлоний руҳлари сабабчи бўлган (бу ҳақда 1.3 ва 1.4 да маълумот берганмиз).

Баҳоуддин Нақшбанднинг Ғавсул Аъзам ҳақида ёзган қуйидаги назмий кўринишдаги тавсифлари бор:

Ҳар икки оламнинг султони Шоҳ Абдулқодир,
Одам авлодининг ҳоқони Шоҳ Абдулқодир.
Аршни, Курсийни, Қаламнинг ой ҳам қуёши,
Буюк нурдан бир қалб нури, Шоҳ Абдулқодир.

Демак, Ғавсул Аъзам Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилишлари ва камолот даражалари ҳақида башорат берганлар. Ғавсул Аъзам каби улуғ зотнинг файзу хосиятларидан баҳраманд бўлиб, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий Нақшбанд ва Баҳоуддин Балогардон деган даражаларга Аллоҳ изни билан мушарраф бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ва Ғавсул Аъзам каби бу икки зотнинг руҳларини Муҳаммад с.а.в. меърожда кўриб, уларнинг юксак даражаларининг гувоҳи бўлганлар. Ғавсул Аъзам ва Баҳоуддин Нақшбанд замонанинг қутблари сифатида тан олинган ва улар асослаган тариқатлар жаҳонга энг кенг ёйилган камолот йўлларидан ҳисобланади.

## II. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Баҳоуддин Нақшбанд араб, форс, турк тилларини билганлар. Ўз даврининг қутби Шоҳ Нақшбанд Қуръон ва ҳадислардан таълим олган зиёли, нурли, табаррук зот бўлганлар. Бу улуғ зотдан бизга қуйидаги жуда қадрли бўлган қимматбаҳо маънавий мерос сақланган:

1. Жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқати.
2. «Аврод» рисоласи.
3. Қудсий – муқаддас каломлари, ҳикматли сўзлар.

Баҳоуддин Нақшбанддан сақланган Нақшбандия таълимоти ва тариқати ҳозирги кунгача жаҳон миқёсида тан олинади.

Баҳоуддин Нақшбанд тариқат йўллари ҳақида биринчи шогирдлари Алоуддин Аттор шундай айтган: «Хожамизнинг йўллари фақр, тарки дунё, тааллуқотлардан кечиши, тўлиқ ёлғиз бўлиб мосивони инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақирнинг исботи ва фақирларнинг муҳаббати ҳақида эди». Фақр тушунчаси – Аллоҳга ниёзмандлик ва ундангина мадад сўрашдир. Баҳоуддин Нақшбанд суҳбатларида доимо «Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатдир» ҳадиси такрорланарди. Шунинг учун бу таълимот шиори «Даст ба кору, дил ба ёр», «Даст ба кору, тан дар бозор», «Даст ба кор, мадад аз парвардигор» эди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларида мудом ҳалол луқмани истеъмол этганлар ва шогирдларига ҳам шуни ўгит берганлар. Баҳоуддин: «Бизнинг йўлимиз Имом Қушайрий ва Фаридуддин Аттор сўзларига мувофиқ келади» деганлар. Демак, Ҳазрат бу икки аллома ғояларидан хабардор бўлиб, уларга амал қилган эканлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфдаги энг буюк хизмати Нақшбандия таълимотини яратганлигидир. Бу таълимот ўзигача бўлган барча тасаввуфий тариқат ва йўлларнинг энг яхши томонларини олиб ривожлантирди. Бу камолот йўли меъёрдаги, ҳушёрликка асосланган мумтоз таълимотдир. Шунинг учун Нақшбандияни барча тариқатларнинг зубда ва хулосаси деб айтадилар.

Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Амир Кулол каби Бухоронинг олти пири яратган таълимотни қабул қилиб, уларнинг Хожагон тариқати асосида янги Нақшбандия таълимотини яратди. Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон таълимотидаги саккиз тамойил – «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман», «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт» ва «Ёддошт»га учта янги –

«Вуқуфи замони», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи қалби» тамойилларини киритиб, ўн бир тамойил асосида инсонни баркамол этишда аҳамиятли бўлган янги таълимотга асос солди.

Нақшбандия таълимотининг асосида «Қўл иш билан банд бўлсину, кўнгил Худода бўлсин» – «Даст ба кору, дил ба ёр» шиори ётади. Баҳоуддининг таркидунёчилик қилмай меҳнат қилиб Ҳаққа етиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Бу таълимот амалиётида хуфия – яширин қалбда зикр бўлиб, риёсиз ҳалол меҳнат билан кун кечириш асосий талабдир.

Биз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Авродˮ асарининг Санкт-Петербургдаги нусхасини топиб, уни таржима қилиш бахтига муяссар бўлдик. Шунингдек, «Аврод» асарига тўрт шарҳ борлигини аниқладик.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид муқаддас сўзлари Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асарларида ёзиб қолдирган. Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид қудсий каломлари моҳиятини англаш анча қийин бўлганлиги учун Муҳаммад Порсо «Рисолои қудсия» асарида уларни шарҳлаган. Баҳоуддин Нақшбанддан насрий ва назмий кўринишдаги ўгитлар сақланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг анфоси қудсиялари – илоҳий, муқаддас ўгитлари биринчи ёзилган маноқиб ва мақомотда сақланган ва кейинчалик улар бошқа Нақшбандияга оид тазкира ва рисолаларда келтирилган. Баҳоуддин ўгитлари тасаввуф аҳли ва хусусан Нақшбандия таълимотини ўрганаётганларга қарата айтган ҳикматли сўзлари асосан насрий кўринишдадир. Шу билан бирга ҳазратдан назмий байтлар ҳам сақланган.

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг асосий таркибий қисми бўлган Нақшбандия таълимоти, «Аврод» рисоласи ва у киши айтган ҳикматли сўзлар ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз.

## 1. Нақшбандия таълимоти асосчиси

Бухорои Шарифда вужудга келиб жаҳоний таълимотга айланган, Ислом тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган, умумбашар эътирофига сазовор бўлган маънавий-маърифий меросимизнинг бебеҳо хазиналаридан бири нақшбандия камолот йўлидир. Бу таълимотни Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожаи Бузург номлари билан машҳур Силсилаи Шарифнинг 16 ҳалқа пири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) асослаган.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон ва Яссавия тариқатларининг энг илғор, халқ камолоти учун керакли бўлган ғояларига таяниб, 1361 йилдан бошлаб янги – Нақшбандия таълимотни ярата бошлаган.[149] 1370 йил Хожагон та-

[149] Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. 63-б.

рикатининг пири Саййид Амир Кулол вафотидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд янги Нақшбандия тариқатини ташкил этди.[150] Бу тариқат Бухорои Шарифда ташкил топди ва кейинчалик жаҳоншумул таълимот сифатида дунёга кенг тарқалди.

Нақшбандия таълимоти ва тариқати Баҳоуддининг Нақшбанд номидан олинган. Нақшбандия – Нақшбанд йўлини давом этувчи, Нақшбанд таълимотига мувофиқ тариқат, яъни Ҳаққа этувчи йўл маъносини англатади. Бу таълимотнинг асосий шиори «Нақш банд, ба дил банд» – «Нақшни боғла, қалбда боғла»дир. Нақшбандия йўли инсонни барча боғланишлардан узиб, нафсини тарбиялаб Аллоҳни қалбда нақшлашни ўргатади.[151]

Нақшбандия тариқати ва таълимотнинг моҳияти ҳақида манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд айтган сўзлар келтирилган. Нақшбандия таълимотини ривожлантирган Абдураҳмон Жомий бу таълимотни жуда гўзал равишда қуйидагича таърифлаган: «Қуръони Карим – барча илоҳий китобларнинг, Муҳаммад с.а.в. – барча пайғамбарларнинг, Нақшбандия – барча тасаввуфий таълимотларнинг, Баҳоуддин Нақшбанд – барча авлиёларнинг мукаммал хулосасидир».

Нақшбандия таълимотининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тадқиқотларда олимларнинг фикрлари келтирилган. Манбадаги далиллар асосида Нақшбандия таълимотининг қуйидаги ўзига хос томонлари мавжудлигини диққатингизга ҳавола этдик:

1. Нақшбандия инсон камолотининг энг қисқа йўлидир. Манбаларда нақл қилишларича, бир куни Баҳоуддин Нақшбанднинг шариф суҳбатларида Боязид Бистомий – Султон ул – Орифиннинг қуйидаги сўзлари нақл қилинибди: «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрмасин, унинг сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади». Баҳоуддин Нақшбанд ғайрат юзасидан шундай дедилар: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ Субҳанаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» У киши яна шундай дедилар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз».[152] Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатига кирган кишининг ибтидода, яъни йўлнинг бошида бошқа тариқатлар интиҳо, яъни йўлнинг охирига етадиган ҳушёрлик, огоҳлик, воқифлик мақомига етказишини таъкидламоқдалар. Демак, Нақшбандия таълимотидаги толиб дастлабки кун-

[150] Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// Islom tafakkuri. 2020. Maxsus son 6- p.

[151] Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «ФАН» нашриёти, 2005. 233-б., Наврўзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, 2007. 189-б.

[152] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 69-70-б.

лардан бошлаб ғафлат уйқусидан уйғониб, ғофиллик ботқоғидан чиқиб, мушоҳада майдонига ҳушёрлик ва огоҳлик билан парвоз эта бошлайди.

2. Нақшбандия камолотнинг энг мақбул меъёрдаги йўлидир. Манбаларда Нақшбандия тариқатининг моҳиятини очиб берувчи қуйидаги далиллар бор: Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганларида Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: «Сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр, хилват ва самоъ борми?». Хожа «Йўқ» дедилар. Яна сўради: «Сизнинг тариқатингиз нимага асосланган?» Хожа дедилар: «Хилват дар анжуман, сафар дар ватан ва Зоҳирда халқ билан, аммо ботинда Ҳақ билан бўлиш. Ҳазрати Ҳақ Субҳанаҳу Ўзининг Қуръони Каримида: «На тижорат ва на савдо-сотиқ уларни Аллоҳнинг зикридан чалғитолмайди» дегани худди мана шу мақомга ишорадур».[153]

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу жавобларидан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотининг асоси «Хилват дар анжуман», яъни жамоат ўртасида яшаб, меҳнат қилиб, савдо-сотиқ билан шуғулланиб, лекин қалбида Аллоҳ билан хилватда бўлиш экан. Бу тамойилни тушунтираётганда манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги байти келтирилади:

Аз дарун шав ошнову аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.[154]
Мазмуни:
Ичингдан, қалбингда Аллоҳ билан ошно бўлгину,уни хуфия сақла,
Бундай гўзал равиш, яъни холис, риёсиз амал дунёда кам топилади.

3. Нақшбандия жамият манфаатига уйғун камолот йўлидир. «Хилват дар анжуман» тамойили «Даст ба кору, дил ба Ёр», яъни «Қўл ишда» ва «Қалб Аллоҳ билан» шиори асосида яшаш имконини беради. Бу шиор тариқат аҳлига Ватани, эл-юрти, маҳалла ва оиласи олдидаги бурчини адо эта туриб, шу билан бирга меҳнат қилиб, эзгу амаллар қилиш ва қалбида Аллоҳни зикр этиб, тафаккур ҳамда шукроналар қилиб яшашга имкон беради. Бу тариқат аҳли бошқа тариқатлардан хилват, чилла, узлат, дангасалик, текинхўрлик каби иллатларни инкор этиши ва ҳалол меҳнат билан кун кечириши билан халққа, айниқса ҳунармандларга марғуб ва манзур бўлган.

4. Нақшбандия ўзликни англашнинг энг мақбул йўлидир.«Сафар дар ватан» Нақшбандия таълимотидаги асосий тамойил бўлиб, инсонни ўзли-

[153] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019. «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 110-б.

[154] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-б.

гини англашга, аслини билишга ёрдам беради. Бу тамойил инсон ватани бўлган ўз вужудини чуқур ўрганиб, бу покиза Аллоҳ томонидан берилган илоҳий хазина, мўъжизани асл пок сақлаш учун ботинидаги мавжуд бўлган нафси аммора истаги асосида туғилган иллатларни йўқотиб, нафсини бошқариб, пок бўлиб, ҳамида, яъни гўзал, чиройли ахлоқ билан безаниб, зоҳиран кичик олам бўлсада, ботинан буюк оламни ўзида мужассам этган комил инсон даражасида юксалишга ёрдам беради.

5. Нақшбандия холис пок ва беозор камолот йўлидир. «Хилват дар анжуман» тамойили бу тариқатдаги хуфия зикрига ҳам имкон берган. Хуфия зикр инсонни риёдан, тама ва кибру ҳаводан сақлаган. Хуфия зикр билан суҳбат бу тариқат учун хосдир. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир». Шуҳрат нафс қутқуси асосида кибру ҳавони туғдиради. Шунинг учун Баҳоуддин айтадиларки, «Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-буровлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар бу суҳбатда хайру барокат кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий имон билан якунланади».[155] Демак, бу тариқатда яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш асосий амаллардан бири экан.

6. Нақшбандия суннатга асосланган камолот йўлидир. Нақшбандия тариқатини «урвату-л-вусқо», яъни кучли туткич деб айтадилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда шундай айтган эдилар: «Бизнинг тариқатимиз урвату-л-вусқонинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо с.а.в. суннатининг тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар, уларнинг барчасидан Аллоҳ таоло рози бўлсин, уларнинг изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқатда гарчи озгина амал бўлса ҳам файзу футуҳ кўпдир. Аммо суннатга риоя қилиш улуғ ишдир»[156]. Яна Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлайдиларки, кимки бу тариқатдан юз ўгирса динига хатар бор.

Манбада ёзиладики, Баҳоуддин Нақшбандан сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?» У киши жавоб бердилар: «Шариатни маҳкам тутиш ва Расулулоҳ с.а.в. суннатларига тўлиқ амал қилиш билан».[157]

---

[155] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-б.

[156] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 120-б.

[157] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-б.

7. Нақшбандия ҳақиқий комил инсонни тарбиялашнинг мақбул йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат моҳиятини очиб яна шундай деганлар: «Бу йўл талабида бўлганларга одобга амал қилиш шарт: «Тариқат йўли одобдан иборатдур, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор. Кимки одобни ушласа уни Аллоҳ камолот аҳлининг камолига етказади». Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Ва айтадилар: «Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ. Унинг белгиси – амалнинг қабули, туғён эса адабнинг бузуқлигидир» Адабни сақлаш – муҳаббат самараси яна муҳаббат дарахти яна муҳаббат уруғи ҳамдир».[158]

8. Нақшбандия тавҳидга этувчи йўлдир. Ҳазрат Баҳоуддин айтадилар: «Бу йўлнинг боши калимаи тавҳиддир ва охири ҳам. Калимаи тавҳид биринчи ва охирги сабоқдир ва саодат калитидир. Ҳар қандай эшик унингсиз очилмайди».[159] Калимаи тавҳид деганда тасаввуф аҳли «Ла илаҳа илаллоҳ», яъни «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деган калимани назарга тутган. Инсон фақатгина Аллоҳга боғланса, шу унинг учун биринчи ва охирги сабоқ ҳамда саодат калити экан. Инсон айнан шу калит билан файз, нур, хайр, бараканинг эшикларини очар экан.

9. Нақшбандия вужуд имкониятларидан фойдаланишнинг энг самарали йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Бу йўлда вужудни инкор қилиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан бўлиб, булар давлатга етиш ипи ва қабул воситасидир».[160] Демак, қалбда Аллоҳни нақшлаш ва нақшбандлар йўлида бўлиш учун биринчидан вужудни инкор қилиш лозим экан. Вужудни инкор қилиш дегани покиза асл вужудни сақлаш ва уни ифлослантирадиган аммора нафс истакларидан пок этишдир. Бу йўлда иккинчи зарурий талаб борини нисор этиш, яъни Аллоҳ инсонга берган куч-қувват, ақлу идрок, фаҳму фаросат ва молу давлатни Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги ва башариятни икки дунё саодати учун фидо этишдир. Бу йўлнинг учинчи талаби кам кўриш, яъни камтаринлик, хокисорлик, ниёзмандлик, тавозеликда бўлиш, бировга қилган яхшилигини кўрмаслик, яъни унутиш, уни миннат қилмаслик, қилган эҳсонларини хуфия сақлашдир. Бу йўлдаги тўртинчи талаб йўқлик, яъни фано ҳолатидир. Фано деганда инсондаги барча замима, яъни ёмон иллатларнинг тўла йўқолиши ва ҳамида, яъни гўзал фазилатларнинг барқарор бўлишидир. Бу

[158] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O'zbekiston» НМИУ, 2019. 124-б.

[159] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019. «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 148-б.

[160] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019. «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 155-б.

ҳолатда инсоннинг башарий вужуди йўқ бўлиб, у асл илоҳий сифатини олади. Нақшбандия таълимотида нафс тарбияси фидоийлик, камтаринлик ва фано улуғ ишлардан саналиб, булар Аллоҳнинг ризолиги ва қабулининг асосий воситаси экан.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай: Бу йўлнинг чақалоғини тариқат бешигига белайдилар, ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб висол чегарасига етказадилар. Сўнг бирор усул билан уларни ўзликдан қайтарадилар, аҳадият саро пардасига маҳрам қиладилар. Шундай қилиб, йўловчи воситасиз Аллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, бунинг шукрини адо қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди.

Гар бигўям шукри лутфат бардавом,
Бигзарад умру нагардад ин тамом».[161]
Мазмуни:
Сенинг лутфинг шукрини тўхтамай айтсам ҳам,
Умрим ўтса ҳам Сенга шукур айтиш ҳақини адо қилолмайман.

Нақшбандия таълимоти асосида камол топган инсон Аллоҳнинг ўзидан ҳеч қандай воситасиз унинг файзини қабул қила олиш даражасига етиб, унинг висолига мушарраф бўлади. Бундай инсон абадий барҳаёт бўлади. Шундай икки дунё саодатига эришган инсон доимо Аллоҳ шукрини айтгани билан уни адо эта олмайди, чунки унга Аллоҳ файзлари, нурлари, доимо тўкилиб туради.

10. Нақшбандия тариқатларнинг хулосаси ва энг мукаммалидир.[162] Халил Иброҳим Сорий ўғли Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид асосий маноқиб бўлган Салоҳ ибн Муборак Бухорийни «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин» (Толибларнинг дўсти ва соликларнинг яроғи) асарини чоп қилдирган олимдир. У мазкур асарнинг нашрига катта ҳажмдаги илмий мақолани илова қилиб, Абдулхолиқ Ғиждвоний Хожагон тариқатининг ҳақиқий асосчиси ва бунёдкори эканлигини таъкидлайди. Чунки у Нақшбандия тариқатидаги ўн бир усулнинг саккизтасини асослаб берган. Муаллиф фикрича, шунинг учун Абдулхолиқ Ғиждувоний Хожагонлар табақасининг сардафтари бўлиб, уни «Сар силсиласи» деб атайдилар. Муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд бу саккизта усулга ўзининг учта иборасини қўшган деб уларни «Вуқуфи замони», «Вуқуфи адади» ва «Вуқуфи қалби» эканлигини ёзади.Бундан маълум бўладики, Нақшбандия таълимоти Хожагон-

[161] Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. Тошкент: 2019.» O’zbekiston» НМИУ, 2019. 155-б.

[162] Ҳиравий Ж. Рисолаи раҳнамои уқдакушои // Моле М. Нақшбандиёт. – Теҳрон, 1952. – Б. 285-293.

лар тариқати асосида вужудга келган бўлса ҳам, ундан ўн бирта усулга асосланганлиги билан фарқ қилади. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд киритган «Вуқуфи замоний», яъни вақтдан огоҳлик, «Вуқуфи ададий», яъни сондан огоҳлик ва «Вуқуфи қалбий», яъни қалбдан огоҳлик асосий тамойиллардан ҳисобланади.[163]

11. Нақшбандия увайсийлик ва робита каби ўзига хос услубларга эга камолот йўлидир. Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонлари «Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий» асарида очиб берилган. Бу рисолани Абдураҳмон Жомий Гилон шоҳининг илтимосига асосан ёзган бўлиб, унда Нақшбандия тариқатида инсон камолоти учун ўзига хос бўлган уч йўлини кўрсатган: 1. Зикр. 2. Таважжуҳ ва муроқаба. 3. Робита.[164] Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонларини Таҳсин Ёзувчи увайсийлик ва робита каби икки асосда деб қайд этган.[165]

12. Нақшбандия ҳозиргача амалда бўлган жаҳоншумул тариқатдир. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотини унинг шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний ва Яъқуби Чархий тарғиб этдилар, ривожлантирдилар ва у ҳақида асарлар ёздилар. Хожа Аҳрор Валий Нақшбандия таълимотини жаҳоний тариқатга айлантирди.[166] Ҳозиргача Нақшбандия – Холидия ва Нақшбандия Мужаддидия тариқатлари дунёда кенг ёйилгандир.[167]

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Нақшбандия тариқати ва таълимоти Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган ва Бухорои Шарифда вужудга келган мумтоз тасаввуфий камолот йўлидир.

2. Нақшбандия тасаввуфдаги ҳушёрликка асосланган, меъёрдаги энг мақбул, энг қисқа ва энг самарали камолот йўлидир.

3. Нақшбандия суннатга асослангани ва «Даст ба кору дил ба Ёр» шиори асосида, хуфия зикр амалиёти билан ҳозирги кунгача бардавом бўлган инсон камолотининг энг мақбул энг яқин йўлидир.

4. Нақшбандия таълимоти ва тариқати ҳозиргача амалда бўлган жаҳоний тариқатга айланган камолот йўлидир.

---

163 Қаранг: Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. Тошкент: «Mumtoz so'z», 2017. 34-62-б.

164 Қаранг: Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. / Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Наврўзова. Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 120-141-б.

165 Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд. Ислом энциклопедияси. 9-том. Истанбул. 1954. 53-б.

166 Юрген Паул. Докторина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха'ад-дина/ Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912-1998)/ Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. – СПб. Филологический факультет СПбГУ, 2001. 114-203-б.

167 Султонмурод Олим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти//Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар/масъул муҳаррир: И. Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. 176-223-б.

## 1.1. Вуқуфи Замоний

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги энг асосий хизматларидан бири вақт ҳақидаги илмни инсон камолотининг асосида қўйди. Унинг тарихий хизматларидан бири «Вуқуфи замоний» – «Замон, вақтдан огоҳлик» рашҳа – ҳаётбахш ўгитларини Нақшбандия таълимотининг асосий тамойили сифатида киритди. Вуқуфи замони – инсон ўзи яшаётган давр, замон қандай кечаётганлигидан огоҳ бўлиши, умр бир бор берилиши ва инсон уни хайрли, эзгу ишларга сарф этиши лозим, ғафлатда қолмаслиги, лоқайд бўлмаслиги, огоҳ, ҳушёр, дахлдор бўлиши керак деган мазмун-моҳиятни англатади.

Ҳужвирий «Кашф ул маҳжуб» асарида вақт илми ҳақида ёзган, Муҳосибий ўтган вақтни доимо ҳисоб-китоб қилиб туриш лозим деган, Абдухолиқ Ғиждувоний «умр энг улуғ сармоя, йўқотилган вақт шу сармоянинг беҳуда сарфланиши» деб уни асраш лозимлигини васият қилганлар. Ориф Ревгарий «Орифнома» асарида «Вақт қилич каби кескирдир» деган. Умуман тасаввуф аҳли вақтни қадрлаган. Хожагон таълимотида Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган «Ҳуш дар дам» тамойилида ҳам мазкур ғоя акс этади. Аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари шундаки, «Вуқуфи замоний» рашҳасини назарий жиҳатдан асослаб, Нақшбандия тариқати амалиётида жорий этди.

Вақт фалсафий тушунчаси оламнинг атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва ҳолатлар алмашувининг изчиллигини характерлайди. Вақт тушунчаси муҳим фалсафий категориялардан бири сифатида классик фанда ўзига хос ва ноклассик фанда ўзгача талқин этилган. Вақт тушунчаси тасаввуфий таълимотда ҳам муҳим саналган.

Илк тасаввуфий ғояларни назарий таҳлил этган Ҳужвирий илмларни қуйидаги хиллари борлигини ёзган: 1.Вақт илми. 2.Асосий ва иккинчи даражали илм. 3.Ҳақиқат илми. 4.Қонун илми. Ҳужвирийнинг илмлар таснифидан маълум бўладики, тасаввуф аҳли илмлар ичида «вақт илми»ни муҳим санаганлар, вақтни илм сифатида кўриб уни ўрганганлар, тадқиқ этганлар ва уни ҳаёт учун муҳим деб билганлар. Ҳужвирий «Илми вақт» – вақт илмига оид ғояларни «Кашф-ул маҳжуб» асарида келтиради: У «Вақт илми (илми вақт)ни – вақтга таъсир этувчи барча ички ва ташқи шарт-шароитларни билиш» деб таъриф беради ва бу илмни эгаллаш ҳар бир кишининг бурчидир, деб уқтиради.

Вақт тасаввуфда, шунингдек, руҳий ҳолатнинг таърифи бўлиб, бундай ҳолатда инсон вақт устидан назорат эта олади, яъни ўз-ўзини шу вақт ичида бошқара олади. Вақт илми тушунчаси Абу Сулаймон Доронийда ҳам учрайди. У вақтни руҳий ҳолатни ҳимоя этувчи сифатида тилга олади. Саҳл

ибн Абдуллоҳ Тустари вақтни ҳол ҳақидаги илмни излаш сифатида таъриф беради.

Ҳужвирий «Кашф ул-маҳжуб» асарининг 24-бобида асосий тасаввуфий тушунчаларни изоҳлашни «ҳол» ва «вақт»нинг талқинидан бошлаган. Вақт – сўфиёна истилоҳ бўлиб, шайхлар уни жуда кўп муҳокама қиладилар. «Вақт ўтмиш ва келажакдан қатъи назар инсон ҳозир амалга оширадиган иши», дейди Ҳужвирий. Сўфий ўтмишни эслаш, қўмсаш, келажакни орзу қилиш билан эмас, вақт ичида – андар вақт бўлиши ва ҳушёр, огоҳ бўлиши керак. Сўфийлар учун «ўтмиш» ва «келажак» билан банд бўлиш камолотларига ҳижоб, яъни тўсиқ деб таъриф қиладилар. Чунки инсон фақат ўтмиш билан яшаса ва ёки келажак орзусида вақтини ўтказса фаол бўлмайди, унга берилган вақтни беҳуда ўтказади. Келажакни билмаймиз ва билмаган нарса ҳақида ўйлаш хато иш. Энг қимматли нарса ўтмиш ва келажак орасида сенга берилган вақтдир. Уни беҳудага ўтказмаслик керак, дейдилар сўфийлар.

Сўфийларда вақт икки хил бўлади: 1. Факд – вақтни йўқотмоқ ҳолати. 2. Важд – вақтни ичида бўлиш, уни эгаллаш ҳоли. Тасаввуф аҳли дейдики, вақт – реаллик, у бизни ихтиёримиздан ташқарида, уни танлаш эркинлиги йўқ. Истасак, ёки истамасак ҳам вақт бор. Вақтни бозордан сотиб ололмаймиз, уни бирор нарса билан алмаштириб бўлмайди, ҳатто ҳаётимизни бериб ҳам вақтни қайтара олмаймиз. Инсон вақтни ўзига яқинлаштириб ҳам, узоқлаштириб ҳам билмайди.

Тасаввуфда вақт макон тушунчаси билан бирга ишлатилган. Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Андоқий сўфийларнинг яшаши учун ихвон, макон, замонни муҳим деб билган. Яссавий дарвешсифат инсонларнинг етишишини замон, макон ва ихвон унсурларига боғлаб бундай дейди: «Мубтадийлар мурури, мутасаввифлар судури ва мунтаҳийлар зуҳури шу тўрт асосга боғлиқдир: 1) Макон, 2) Замон, 3) Ихвон, 4) Рабти султон». Бу ғояларни ривожлантириб, Маҳдуми Аъзам ҳам буларга уйғун равишда тариқатнинг тўрт қоидасини кўрсатган:

1. Хон – тариқат фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш ҳукмдорларга боғлиқ ва уларнинг бош вазифасидир.

2. Ихвон – тариқат аъзолари ўз ҳатти-ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлишлари керак.

3. Макон – тариқат аҳли барча вазифаларини бажариши учун яратилган муҳит (яшаш жойи, хонақо, жоме, масжид ва б.) зарур.

4. Замон – вақт, он, имконият ҳар бир нафаснинг қадр-қиммати ва огоҳликда ўтишидир.

Илк тасаввуфий тариқатлардан бири бўлган муҳосибия тариқатининг асосчиси Ҳорис Муҳосибий муҳосаба – вақтни ҳисоб-китоб қилиш ҳола-

ти ҳақидаги тушунчани сўфийлик истилоҳига киритган. Унинг ғояларини Абдулхолиқ Ғиждувоний ривожлантирган. «Маслак ал-орифин» асарининг 13-бобида Хожагон тариқати асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тариқат мақомлари ва инсон руҳий камолотининг босқичлари ҳақидаги фикрлари ёритилган. Ушбу бобда муҳосаба тушунчасига махсус эътибор берилган: «Муҳосаба ҳар бир ўтган вақтнинг ҳисобидир». Абдулхолиқ Ғиждувонийдан сўрадиларки, «Муҳосаба нима?». У жавоб берди: «Муҳосаба нафасни сақлашдир, токи у беҳуда ўтмасин». Кўриниб турибдики, Абдулхолиқ Ғиждувоний нафас тушунчаси билан вақтни бир маънода ишлатган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг «Ҳуш дар дам» – ҳар бир дам, он, нафасни асраш огоҳ бўлиш, ҳушёр бўлиш ўгитини Хожагон тариқатига тамойил сифатида киритади ва инсон ҳаётининг асосини нафасда дейди. Худди шу нафас ичида амал бор, вақт бор, ўлим бор, ҳаёт бор. Одам энг сўнгги нафасини олаётганда, нафас қадрини тўлиқ англайди. Шунинг учун «Муҳосабадан мақсад охирги нафасдир. Муҳосаба нафасни нигоҳдошт, яъни сақлаш билан изоҳланади, токи у ғафлат билан беҳуда ўтмасин», дейди Хожаи Жаҳон. Муҳосаба ҳақидаги ғоя Баҳоуддин Нақшбандда ҳам учрайди. Нақшбандия тариқатида ҳам орифлар камолоти учун мушоҳада, муҳосаба ва муроқаба асосий шарт деб қабул этилган ва Баҳоуддин Нақшбанд шунинг таъсирида вуқуфи замони – ҳар бир ондан огоҳ бўлиш рашҳасини кашф этган.

М у ҳ о с а б а – орифлар руҳий камолининг йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу йўл – орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: «Муҳосаба – ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳ у з у р билан ўтдими ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз».

Хожагон тариқати аҳли «Икки нафас орасидаги Ҳақ хоҳишини асрай» олган. Чунки ҳар бир нафасни иноят деб билганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний «тириклик сармояси» бўлган умрнинг «ҳар нафасини эҳтиёт қилиш керак»лигини таъкидлайди. Бунинг учун ҳар нафасни эҳтиёт қилиш керак, уни қайтариб бўлмайди, ҳар бир ўтадиган оннинг қадрига етиш лозим, деб таъкидлайди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний буюрадиким, «Зое кетган вақтларни тавба билан тадорик қилиш, яъни чорасини кўриш лозим ва бўш бўлган вақтни азиз деб билиш керак. Уни муҳофаза этишга ҳаракат қилингки, барча футуҳлар вақтни сақлашга боғлиқдур. Ҳақ йўлидагилар вақтнинг риоятига жуда катта ғайрат қиладилар. Чунки тангри ҳар бир нафасни эҳтиёт қилувчиларни севади».

«Вақтни азиз деб сақланг ва унинг одобини жойига қўйинг. Вақтни азиз тутиш сўфийлар учун лозим бўлган ишлардандир».

Абдулхолиқ Ғиждувоний бирор нафасни ҳам ғафлат билан ўтказмаслик, огоҳ бўлиш ва асраш лозимлигини уқтиради: «Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармояни туну-кун, уйқу ва бедор-ликда огоҳлик билан ҳарж қилиш керак. Ҳар бир ўтадиган бир на-фасни зое кетказмаслик уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса, катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазина, беҳуда нафас хазинани ўғирлатиш билан баробардир. Шунинг учун ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиғфор билан ўтказиш лозим. Чунки заррача қилинган яхшилик ва заррача қилинган ёмонликнинг ҳам ҳисоби бор».

Хожагон тариқатининг йирик намояндалари Ҳазрат Азизон ҳам бу маънода фикр билдирган: «Бир кунда мингдан минг карра нафас оласиз. Ҳар бир нафас учун савол берилади. Нега нафас олдинг ва нега нафасни чиқардинг?»

Рубоий
Зи ҳар нафас ба қиёмат шумор ҳоҳад буд,
Гунаҳ макун, ки гунаҳкор хоҳад буд.
Басе савор, ки фардо пиёда хоҳад шуд,
Басе пиёда, ки фардо савор хоҳад шуд.
Мазмуни:
Қиёматда ҳар бир нафас саноқдадир,
Гуноҳ қилмагин, гуноҳкор бўласан.
Суворийлар эртага яёв бўладилар,
Яёв юрганлар эса суворий бўладилар.

Хожаи Жаҳон нафасни асраш, уни қадрлаш ботин иш эканлиги ва инсон камолотининг асоси дейди. У таъкидлайдики, нафасингизни эҳтиёт қилинг, нафас ботин ишдир. «Вақт қилич каби кескирдир» ҳар бандаки бир соатини ҳаётидан кесади, уни қайтиб қўлига кирита олмайди», деб ҳар он, ҳар нафасни асрашни Ғиждувоний ўгит берган. Хожа Ориф Ревгарий ҳам «Орифнома» асарида вақтни қилич билан тенглаштиради. У шундай ёзади: «Ҳушёр бўлсинки, ал вақту сайфун қотиун! Яъни – вақт шамшир каби кескирдур! Турфатул айн (дақиқа)ни ҳам ғафлат ва беҳуда ўтказмасин».

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида инсон фаол ҳаёт тарзини ўтказиш кераклиги қайд этилган. «Даст ба кору, дил ба ёр»-лик, хилватнинг анжуманда бўлиши, сафарнинг Ватанда қилиниши бунга имкон бериши билан бирга Нақшбандияда робита деган амалиёт киритилган. Нақшбандия йўлидаги инсон робита амалиёти орқали ўз-ўзини таҳлил этиб туради.»Робитаи ҳузур» «Робитаи мавт» «Робитаи муршид», бир томондан эркин меҳнат фаолиятини олиб бориб эътиқод қилишга имкон

берса, иккинчидан инсонни ҳар бир ўтган вақт, замонини таҳлил этишга ўргатади. Нақшбандия вақтдан тўғри фойдаланиш натижасида инсон «ибн ул вақт» – вақт ўғли, «абул вақт» – вақт отаси даражасида улғайиши ва вақтни ўз измида бошқара олиши мумкин деган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «вуқуфи замони» тамойили нафсни жиловлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. «Бу қоидага асосан, банда ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришда (замонида) банданинг ҳоли қандай кечади, мавжиби шукр бўладими ёки мавжиби узрми. Бу деган гап, солик (Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани, яхшилик (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор». Демак, «вуқуфи замони»га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Оллоҳдан мағфират сўраши лозим. Мавлоно Яъқуби Чархий маълумот берадиким, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимда шукр этишга амр этардилар ва шу икки ҳолатга риоя этиш вуқуфи замони эканлигини айтар эдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замони тушунчасини бир маънода ишлатади. Муҳосаба даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини соликларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт-накддир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун соликлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан «Тасаввуфий ахлоқ» деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Накди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил.

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари – рўзадор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, меъёрида ейиш ва ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини қуруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, қулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги

тааллуқотларини узиши лозим. Дангасаликдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида унинг шундай фикри машҳур бўлган: «Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир».

Муҳосаба вақтида ориф ҳар бир нафасини назорат қилиши ва агар ғафлат билан ўтган бўлса бозгашт қилиш керак, яъни ишни қайтадан бошлаши лозим дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи замоний» рашҳасининг асосида «ҳуш дар дам» талаби туради. Баҳоуддин «ҳуш дар дам»ни Нақшбандия таълимотига асос сифатида қабул қилган. У асослаган Нақшбандия тариқатига «хуш дар дам» рашҳа сифатида кирган. Баҳоуддин Нақшбанд «ҳуш дар дам»ни изоҳлаш учун айтган қуйидаги рубоийси манбаларда сақланган:

Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.
Мазмуни:
Эй илм эгаллаш учун денгиз соҳилида очиқ кўз билан турган киши,
Денгизда фароғат бору, соҳилида ёмонлик.
Тўлқинларнинг талотупидан қарашларингни кўтаргин,
Нафасларинг орасида ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Баҳоуддин Нақшбанд бу мисралар орқали ҳар бир дам у ёкда турсин, ҳатто нафасларинг орасини ҳам ғафлат билан ўтказмагин, мудом оламнинг моҳиятидан огоҳ бўлгин деб ҳақиқат талабида бўлганларга мурожаат қилмоқда. Бу шеърда «айн» кўз, дида назар маъносида келиб, «шайн» ёмонлик, айб маъносини англатади. Бу рубоийдан шундай натижа чиқадики, сен соҳилда очиқ кўз билан туриб билишинг лозимки, олам моҳияти – денгизни англашда фароғатдир. Соҳилда эса мавжлар сени мафтун этади, аммо ёмонлик яшириндир. Шунинг учун инсон ҳар нафасда олам моҳиятидан огоҳ, ҳушёр бўлиши, вақтини зарурий нарсага сарфлаши ва шаклан чиройли, лекин ўткинчи нарсалар уни мафтун этмаслиги лозим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «ҳуш дар дам»ни шундай изоҳлаганлар: «банои кор дар ин роҳ бар нафас мебояд кард, чунонки, иштиғол ба вазифа ба ҳама замону ҳол, аз тафаккури мози ба тафаккури мустақбил машғул гардонад, нафасро нагузаронанд ва дар хуруж ва духули нафас бе хифзи мобайни нафас саъй намояд, ки бо ғафлат фуруъ нараваду бар наояд». Мазмуни: «Барча ишларнинг асоси нафасдадир. Йўл юрувчи ишида ҳаракат қилиши лозимки, замоннинг муҳим вазифаси билан шуғулланишда хаёлни

ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эхтиёт қилсинки, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин».

Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан таом ейишда риоятни шарт, деганлар. Агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егучи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: «Бир луқмани ғафлат билан ема. Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни егин демаймиз». Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадют деган жойда у киши уларга келтирган таомни емайдилар ва айтадиларки: – «Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир». Баҳоуддин мудом шогирдларига таъкидлардиларки, агар таомнинг бир капгири ғазаб ва кароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишки, ғазаб ва нафрат кароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл бўлишадир. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдадир, уни ғафлатда емаймиз.

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

- Ҳузури қалб намозда нимадан ҳозир бўлур?

Буюрдилар:

- Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл.

Юқоридаги сўзлардан бу тариқат аҳли орасида ҳалол луқма ва огоҳлик асосий талаб эканлиги маълум бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замони тушунчасини бир маънода ишлатади. Баҳоуддин Нақшбандни тасаввуф тарихидаги хизматларидан бири ҳам унинг вақт ҳақидаги ғоясидир. Чунки у Нақшбандия тариқатини асослаб, унинг асосий тамойили сифатида Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг саккизта рашҳасига учта янги ғоя қўшди ва уларнинг биртаси вуқуфи замоний – вақтдан огоҳ бўлиш, уни англаш, билишдир. «Рашаҳот» асарида Баҳоуддин Нақшбанд тариқатга киритган вуқуфи замоний шундай таърифланган: «Вуқуфи замоний» Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу ойтиб турурлар, вуқуфи замонаиким, йўл юргувчиларнинг коргузорандаси турур, ул турурким, банда ўз аҳволига воқиф бўлсунким, ҳар замонда онинг сифати ва ҳоли не турур: мужуби шукр турурму, ё мужиби узр?

Ва Ҳазрати Мавлоно Яъқуби Чархий қуддиса сирруҳу ойтиб турурларким, Ҳазрати Хожайи Бузруг, яъни Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу қабз ҳолатда мани истиғфорға амр этдилар ва баст ҳолатда шукр этмакка буюрдилар ва ойтдилар: «Бу икки ҳолнинг риояси вуқуфи замоний турур».

Ва яна Ҳазрати Хожа Бузруг ойтдиларким, бинойи қори соликни вуқуфи замонийда соатға қўйиб турурлар, то нафасни топгучи бўлсунким, ху-

зур била ўтарму ё ғафлат била? Агар нафасга бино этсалар бу икки сифатни топгучи бўлмас. Вуқуфи замоний суфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум наздида муҳосабадин иборат турур. Ва Ҳазрати Хожа Бузруг ойтиб турурлар: «Муҳосаба улдурким, ҳар соатдин онча бизларға ўтуб турур ғафлат биламу ўтубдур ва ҳузур биламу ўтубдур кўрармиз, агар барча нуқсон турур, бозгашт этармиз ва амални ёнги бошдин турармиз».

Бу тариқат аҳли ўртасида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай фикри ҳукмрон бўлган: «Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса в а қ т нинг фойдасиз, бекорга кетишидир». Баҳоуддин Нақшбанд вақт моҳиятини очиб айтадики, «Ҳар ким ўз вақтида вазифасини адо этиш билан машғул бўлса, уни «соҳибул вақт» (вақт эгаси) дейдилар. Бу даражада етишганлар бу вақтни абадиятга боғлайдилар. Бундай вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан халос бўлган, балки вақт ва нафасларни ўз тасарруфига олган бўлади. Уни «абул вақт» – «вақт отаси» дейдилар.

Маълум бўладики, тасаввуф аҳли вақт сиру асрорини билишга ҳаракат қилиб, уни ўз изнларига солганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шундай ҳадиси шарифлари бор: «Бир онлик тафаккур, бир йиллик ибодатга тенг», «Бир онлик тафаккур, етмиш йиллик ибодатга тенг», «Бир онлик тафаккур, минг йиллик ибодатга тенг». Бу ҳадисларни шарҳлаб қодирия тасаввуфий таълимот асосчиси бўлган Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гилоний (XII аср) нимани ва қандай тафаккур қилиш ибодат қувватини оширишини айтади.

Вақт тасаввуфий талқинда, бир томондан, илм сифатида таснифланган бўлса, иккинчи томондан, муҳосаба – ҳисоб китоб қилиб туриши зарур ҳодиса, учинчи томондан, ўтмиш ва келажак орасида мавжуд бўлган, реал имконият, он, нафас, тўртинчи томондан, огоҳ бўлиш зарур дамдир. Уни билиш, англаш ва ундан фойдалана олиш инсон ҳолатига таъсир этиб камолотга етишига ёрдам беради.

Тасаввуф аҳли вақтга инсонни унга бўлган муносабатига қараб таъриф берган. Вақт ичида бўлиш, вақт имкониятини англаш, шу вақт яъни ўтмиш ва келажак орасидаги муддатда инсоний ҳолатда яшаш, вақтни самарадорлигини ошириш – бир онни минг йил билан тенглаштириш. Демак, тасаввуф аҳли учун вақт абстракт бир тушунча эмас, инсон билан чамбарчас боғланган ва инсонни икки дунё саодатига етаклай оладиган тушунчадир. Вақт инсониятни абадиятга дахлдор қилгани каби, инсон ҳам вақтни ўлмас, абадий қила олади.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳужвирий вақт илми тушунчасини тасаввуфда қўллаган бўлса, Муҳосибий муҳосаба – вақтни ҳисоб-китоб қилиш тушунчасини қўллаган. Андоқий, Яссавий, Маҳдуми Аъзамлар вақтни макон билан бирга тилга олганлар, Абдулқодир Гилоний бир онни

минг йиллик самара бера олишини қайд этган, Юсуф Ҳамадоний «ҳуш дар дам», деб нафас билан вақтни уйғун ҳисоблаган, Абдулхолиқ Ғиждувоний эса вақтни – умрнинг сармояси, жавоҳир каби қимматли деган, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Ориф Рефгарий вақтни қилич-шамшир билан тенглаштирган, Хожа Али Ромитаний – Ҳазрат Азизон вақтни самарадорлигини ошириш учун тунни ҳам уйғоқ ўтказишни, Сулаймон Боқирғоний Ҳаким ота – саҳар вақтининг аҳамиятини ва ҳар кишини Хизр билиш ва ҳар кечани Қадр билишнинг аҳамиятини кўрсатган, Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи замоний тамойилини кашф этиб, вақт ичида бўлиб ўз ҳолатдан хабардор бўлишга чақиради, у вақт ўғли – ибнул вақт ва вақт отаси – абул вақт тушунчалари орқали вақтнинг соҳиби бўлган, вақтни ўз тасарруфида олган одамларни таърифлайди. Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини давом эттириб Ҳазрат Жомий ҳар нафасни асраш султонлик даражасига олиб келади деса, Ҳазрат Навоий ҳар тунни Қадр ва ҳар кунни Наврўздек қадрлашга ундайди. Бу ғояларни таҳлил этиш уларни фалсафий асосларини аниқлаш давр талабидир.

Манбалар таҳлилидан Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи замоний» тамойили мазмун –моҳияти асосида вақтни тасаввуфий тушунишни қуйидаги талқинлари мавжуд эканлиги маълум бўлади:

• Вақт бор бўлган, мавжудлик, реалликдир.

• Вақт бу ҳозирги замон. Ўтган ўтди, келадиган вақт номаълум. Шунинг учун вақт инсон учун берилган яшаш ва ижод қилиш учун имконият. Вақт умр сармоясидир.

• Вақт илмдир ва уни ўрганиш, билиш лозим. Вақт илмига амал камолот мезонидир.

• Вақтни билиш, ундан самарали фойдаланиш инсон ҳолатига таъсир этувчи асосий мезондир.

• Вақт макон билан узвий боғлиқдир.

• Вақт ҳаракат билан ўзаро боғлиқдир. Инсон қанча мукаммал ҳаракат қилса вақтни сақлаши, чўзиши, унинг устидан ҳукмрон бўлиши мумкин. «Абул вақт» – вақт отаси тушунчаси шунга ишоратдир. Бунинг учун вақтни сарҳисоб қилиб туриш муҳосаба мақомида бўлиш лозим.

• Вақтдан унумли фойдаланиш унинг самарадорлигини минглар даражада оширади. Ҳаракат тезлиги вақтни секинлаштиради.

• Вақт нақддир. У қадрият бўлиб, аксиологик аҳамиятга эга. Шунинг учун «ҳуш дар дам» бўлиб уни асраш, «вуқуфи замоний» – замон, вақтдан огоҳ бўлиб уни қадрлаш лозим.

• Инсон руҳий камолоти вақтни тўғри тасарруф этиш билан уйғун ўсади.

• Вақт шафқатсиз ва қилич каби кескирдир. У инсон ихтиёридан ташқаридадир.

• Вақт инсон ҳолати билан уйғун тушунчадир.

## 1.2. Вуқуфи адади

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги энг муҳим хизматларидан яна бири сон ҳақидаги илмни яратиб, инсон камолотига оид таълимотнинг асосида қўйди. Баҳоуддин Нақшбанд «вуқуфи адади» деган рашҳа – ҳаётбахш ўгитни кашф этиб, унга амал этиш лозим дедилар. «Вуқуфи адади»-сондан, ададдан огоҳ бўлишдир. Бу таълимот асосида икки тушунча – касрат – кўплик ва ваҳдат – ягоналик ётади. Оламга назар солганда борлиқдаги барча нарсалар ранг-баранг ва турли-туман кўринсада, уларнинг асл моҳияти биттадир. Баҳоуддин Нақшбанд бирлик, ягоналик, аҳад барча нарсаларда тажаллий этган, акс этган дейди. Абдураҳмон Жомийнинг «Шарҳи рубоиёти»да Баҳоуддинни «Вуқуфи адади» таълимоти қуйидагича изоҳланади:

Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.
Гарчи адад берун аст зи ҳад,
Лек дар сурату, дар модааш ҳаст аҳад.
Мазмуни:
Кашф аҳли ва хирад арбоби мазхабида,
Барча ададларда аҳад(бирлик) намоёндир.
Ададлар ҳаддан зиёда бўлсалар-да,
Лекин уларнинг сурати ва моддаси аҳад – ягонадир.

Демак, барча борлиқнинг асл моҳияти бирта илоҳий бирлик, яъни аҳадиятдир, демоқчи Баҳоуддин Нақшбанд. Бу мазмунда унинг шундай фикри бор:

Касрат чу нек дарнигори асли ваҳдат аст,
Маро дар ин шак нест, гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар рақам бингари аз рўи эътибор,
Гар сураташ бубини, лек модааш як аст.
Мазмуни:
Касратга эътибор билан қарасанг асли ваҳдатдир,
Менда бунга шак йўқ, гар сенда шак бўлса-да.
Ҳар бир сонга эътибор билан қарасанг,
Сурати турлича бўлса ҳам, асли биттадир.

Бутун олам ягона асосга эга деган фикр билан Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқни севиш, эъзозлаб, унга муҳаббат билан муносабатда бўлиш лозим демоқдалар. Баҳоуддин Нақшбанд бутун инсониятни – унинг дини,

ирқи, жинси, миллати, иқтисодий мавқеига қарамасдан илоҳий ҳилқат сифатида кўриш, уни асраш лозим деб, барчани аҳил, тинч, хотиржам, муросаю мадорада яшашга ундайдилар. Сонлар фалсафасига Пифагордан бери эътибор берилган бўлса-да, Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи ададийни ладуний илмнинг ибтидоси деб қарайди ва сондан огоҳ инсон ладуний илм соҳиби бўлиши мумкинлигини исбот этади.

Баҳоуддин Нақшбанд: «Вуқуфи ададди ладуний илм мартабасининг аввалидир», деб айтган. «Ладун» – арабча сўз бўлиб, олдидан, ёнидан деган маънони англатади. Қуръони Каримда бу сўз такрорланиб туради. Ладуний асосан Оллоҳнинг олдидаги, ёнидаги илм маъносини англатади. Ладуний илм деганда Оллоҳгагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишига, истаган жой ва вақтда берадиган илм тушунилади. «Фарҳанги забони тожик»да ладуний илм ҳақида шундай дейилган: «Ладуний – табиатда зеҳннинг иштирокисиз, жидду жаҳд қилмасдан, Оллоҳ томонидан ато этиладиган, Аллоҳ берган илмдир». Буни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлаган: «Ладуний илм шундай илмдурким, қурб аҳлига илоҳий таълим ва раббоний тафҳим ила маълум ва мафҳум бўлади. Бу иш ақлнинг далили ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади».

Тасаввуфга доир барча луғат, мақолаларда билиш ҳақида гап кетганда ладуний илм – яқин, тўғри билим, ҳақиқат даражасидаги билим деб, уни Аллоҳ инояти билан берилиши таъкидланади. Йирик олим Франц Роузенталь ҳам «билим-нур, сўфийлик» ҳақида гапирганда «илм» ва «яқин» тушунчаларини таққослайди ва «яқин» илоҳий томонидан берилади, деган тушунчани илгари суради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу нуқтаи назар бошқача изоҳланади. Унинг фикрича, ладуний илм билан яқин илми ўртасида фарқ мавжуддир. У шундай айтади: «Ладуний ва яқин илмларнинг орасида фарқ шудирки, яқин илми – асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдур. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва Ҳақнинг каломларини фаҳмлай олишдир».

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, яқин илми орқали сўфий Тангрини зоти ва сифатларининг нурларини идрок қилади. Ладуний илмда эса Илҳом орқали Ҳақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Баҳоуддин Нақшбанд ладуний илмни яқин илмдан кўра юқори даражада ва бутун оламдаги илмларнинг энг юксаки, деб қарамоқда. Чунки асл мақсад – бу нурларни кўриш эмас, балки Ҳақ моҳияти ва каломлари маъносини англашдир.

Нақшбандийликка оид манбаларда ладуний илм қуйидаги уч йўл билан: 1.Ваҳий орқали пайғамбарларга. 2.Илҳом орқали муқаддас шахслар – валийларга. 3.Интуиция (фаросат) орқали сўфийларга, берилиши кўрсатилган. Ладуний илм ҳол илмининг энг юксагидир. У барча ботиндаги моҳиятларнинг асл маъносига етишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи ададий» таълимоти орқали ислом фалсафасидаги энг асосий тушунча тавҳид масаласини тасаввуфий нуқтаи назар билан таҳлил этади ва бу тушунчани англашига ёрдам беради. Тавҳид бутун борлиқнинг ягоналиги, ягона моҳиятга эга эканлиги масаласидир. Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқ ва унинг кўринишлари – табиат, инсон, жамият ва уларнинг қуйидан юқоригача бўлган барча даражаларини ва ҳар бир кўринишларини касрат – кўплик тушунчаси билан ифодалайди. Баҳоуддин Нақшбанд уларни ҳар бири турли кўринишда бўлсада, моҳиятан ягона аҳад, ваҳдат тушунчаси билан ифодалаб таъкидлаб, бутун борлиқни ягона илоҳий моҳиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг барча сонларнинг асосида бир сони туриши ва барча борлиқнинг кўринишларининг асоси бир – аҳад дейиш билан барча зоҳир бўлаётган, кўринаётган нарсалар илоҳий нурнинг тажаллийси эканлигини таъкидлайди. Бу билан бутун борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсалар, ўсимлигу ҳайвонлар, бутун инсоният ягона моҳиятнинг тажаллийси эканлиги ва шунинг учун ҳам уларнинг ўзаро боғланганлиги, алоқадорликда эканлигини айтиб, бу фикр билан бутун борлиққа меҳр муҳаббат ила муносабатда бўлиш лозимлиги ғоясини илгари суради. Шунинг учун ҳам нақшбандлар борлиқдаги бутун мавжудотга меҳр муҳаббат билан, илоҳий моҳиятнинг тажаллийси сифатида назар қилиб, уларни асраганлар ва эзгу муносабатда бўлганлар. Нақшбандия таълимотининг бутун борлиққа меҳру муҳаббат билан муносабатда бўлиш ва эзгулик қилиш ғояси барча асрларда бу таълимотни коинот ва борлиқ учун мақбул ва инсоният учун фойдали бўлишини таъминлаган.

Демак, Нақшбандия таълимотидаги Баҳоуддин Нақшбанд киритган вуқуфи ададий ғояси инсонларнинг коинотга нисбатан меъёрида муносибатини таъминлаб, ҳозирги глобаллашув жараёнидаги экологик инқирозни олдини олишга кучли иммун тизими сифатида хизмат қилади. Вуқуфи ададий инсонларнинг ўзаро муносабатида меъёр бўлишини таъминлаб инсонпарварлик хусусиятга таълимот сифатида жамият тараққиётига катта хавф солаётган уруш масалаларини тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг жуда кучли воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу тамойил миллатлар аро тотувлик ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини жамиятда амалга оширишини ва халқларнинг фаровон яшашига имкон беради.

### 1.3. Вуқуфи қалбий

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфдаги тарихий хизматларидан яна бири қалб ҳақидаги илмни Нақшбандия таълимоти ва амалиёти асосига қўйди. У киши «Вуқуфи қалбий», – «қалбдан огоҳ бўлиш» рашҳаси – ҳа-

ётбахш ўгитини кашф этиб, Нақшбандия таълимоти тамойили сифатида жорий этдилар. Умуман тасаввуф аҳли қалб масаласига жуда катта эътибор беради. Бу масалада Баҳоуддин Нақшбандгача кўп фикрлар айтилган, асарлар ёзилган, лекин айнан Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи қалбий» тушунчасини инсон камолоти учун зарурий тамойил сифатида Нақшбандия тариқатига киритдилар. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласи ва у кишининг айтганлари жамланган Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида айнан қалб инсоннинг жисмоний ва руҳий оламини бир – бири билан боғлаб турган марказ эканлиги, қалбда нақшланган нарса хотирада муҳрланиши, қалб ҳолати инсоннинг бутун ҳолатини белгилаши ва шунинг учун қалбни поклаб туриш, уни ташқи таъсирлардан асраш, ёмон ҳамсуҳбатлар, ёмон ҳиссиётлардан асраш лозимлигини таъкид этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд қалбдан мудом огоҳ бўлиб, уни барча ифлосликлардан тозалаб, унда фақатгина Аллоҳнинг муҳаббатини жойлаш лозимлигини таъкидлаш билан «Дил ба Ёр»лик моҳиятини очмоқдалар. Қалб – илоҳий хилват маконида фақат илоҳий ишқ, илоҳий муҳаббат, бутун борлиққа илоҳий муҳаббат, эзгу ният, эзгуликлар мужассам бўлиши лозим. Кибр, ҳасад, ғазаб, кина, нафрат, ўзга боғланишлар – дунёпарастлик, суратпарастлик, зоҳирпарастлик, молпарастлик, мансабпарастлик каби иллатлардан қалбни тозалаб туриш керак, дейдилар.

Мустақиллик даврида файласуфлар умуман фалсафа, шунингдек инсон фалсафасини янгича ёндашув билан тадқиқ эта бошладилар. Инсонни руҳияти, қалби, ички олами, иродаси, имон-эътиқоди, виждони, менталитети каби масалалар фалсафий тадқиқот объекти бўлмоқда. Инсон онгли мавжудот сифатида анча ўрганилган бўлса-да, лекин унинг қалби масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки инсон қалбига йўл маънавий-маърифий тарғиботнинг энг асосий масаласидир. Қалб масаласи тасаввуф таълимотларнинг диққат марказида бўлган. Тасаввуфнинг Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам қалб масаласига махсус эътибор берган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг таҳлили кўрсатадики, уларда қалб икки маънода тушунилади: биринчиси – танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бўлган гўшт парчаси, яъни юрак бўлса, иккинчиси – раббоний руҳ деб аталадиган латоиф қалбдир. Қалб латиф илоҳий руҳ бўлиб, олам ҳақиқатини идрок этиши, ақллар ҳайратда қоладиган нарсаларни била олиши, жисм билолмайдиган нарсалар ва сифатларни англаши каби имконияти чексиз даражада бўлган борлиқнинг бир кўринишидир. Қалб раббоний руҳ маъносида асл ҳақиқатини билувчидир. Нақшбандия таълимотида раббоний руҳ деб аталувчи латиф қалб билан жисмоний гўштпора кўринишдаги юрак орасида махсус боғланиш борлиги таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги қарашларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

## ҚАЛБ
## РАББОНИЙ РУҲ МАНЗИЛ-МАКОНИ – АСЛ ҲАҚИҚАТНИ БИЛУВЧИ

### Танадаги гўшт парчаси юрак → ҳайвонларда ҳам мавжуд, танани қон билан таъминлайдиган марказ

Юрак жисмни ҳаракатга келтирувчи бўлган қон томирларига жон берса, қалбга олти нарса хослигини Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таъкидлайди: ҳаёт ва ўлим, соғлик ва касаллик, уйқу ва уйқусизлик. Буларнинг мазмуни қуйидагича изоҳланади: қалбнинг ҳаётлиги – уни ҳидоят қилувчи эканлигида бўлса, унинг ўлими йўлдан адашиб, залолатга ботишидир; қалбнинг соғлиги унинг поклиги, касаллиги алоқалар, боғланишлар билан ўралашиб қолишида; уйқу ҳолати – қалбнинг ғафлатда қолиши, унинг бедорлиги – ҳушёрлигидир. Нақшбандияда қалбнинг дақиқ, нозик, латифлиги таъкидланиб, уни гуноҳ, ёмон нарсалардан асраш лозимлиги уқтирилади. Арзимас гуноҳ ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилади.

Шунинг учун Нақшбандия тариқатига ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи қалбий» – қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини киритган. Бу тамойилнинг вужудга келишида биринчи сўфия аёл Робия Адавиянинг: «Ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзингга созла!» ғояларининг таъсири бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалбга оид таълимотига Пири Дастгир, Ғавсул Аъзам номи билан маълум Абдулқодир Гийлоний таълимотининг ҳам таъсири борлигини кўрамиз. У қодирия тариқатининг асосчиси бўлиб, унда «Машғуллик ила фориғлик» шиори қабул қилинган. Шу талаб асосида Нақшбандия тариқатидаги «Даст ба кору, дил ба Ёр» шиори шаклланган. «Машғуллик ила фориғлик» очкўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишдир; ўзинг яратган моддий-маънавий бойликлардан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлса, бундан фахрланиб, хурсанд бўлиб яшашдир; кўпчилик учун фидо бўлиш, жонкуярлик қилиш ва бунинг оқибатида инсонларни хурсанд қилиб, Оллоҳдан ажр-савоб, яхшилик кутишдир; «ҳаммага берсин, кўпнинг қаторида менга ҳам берсин»,-дея дуода бўлиб, меҳнат қилишдир. Ўз нафсини бахилликдан сақлай олишдир.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг маълумотларига асосан Абдулқодир Гийлоний авлиёлар ўртасида энг юксак рутбада турган. Барча авлиёлар бўйни унинг қадами остида бўлган. Султонул Орифин Абу Язид Бастомий Ҳаққа арз этдики, «Шайх Абдулқодирни мендин қайси важҳ бирла даражасини

юқори бўлмоққа ҳукм қилурсен?». Нидо келдики, Саййид Абдулқодирнинг сендин икки важҳ бирла мартабаси баланддур, бири улки, ҳабибим Муҳаммад (с.а.в.) авлодларидур, иккинчи улки, сен дунёдин фориғ ва менинг хизматимга машғулсен. Саййид Абдулқодир бовужуди «Машғуллик бирла фориғдир». Гийлонийнинг бу фазилати Баҳоуддин учун ибрат мактаби бўлган.

Юрак ва қалбнинг ўзаро узвий боғлиқлиги Нақшбандиянинг «Даст ба кору, дил ба Ёр» – «Қўл ишда ва юрак, қалб Оллоҳ билан» шиорида ўз аксини топган. Инсон фаол бўлиши, яъни қўли ишда, халқ, юрт, эл, ватан манфаати йўлида холис хизмат қилиши, жисмонан кучли бўлиши, тананинг барча қисмлари уйғун ҳаракат қилиши учун юрак соғлом бўлиши лозим. Қалб-маънавий марказда кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат бўлса гўштпора юрак ҳам қисилади, қон ҳаракатидаги уйғунлик бузилади. Булар жисмда турли хил касалликларни вужудга келтиради. Шунинг учун юрак қалбга, қалб юрак ҳолатига боғлангандир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги фикрлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бу масаладаги қарашларидан озиқланган. «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» рисоласининг тўққизинчи боби «Дилнинг саломат бўлиши ҳақида» деб номланади. Бу рисолада Хожаи Жаҳоннинг шундай сўзлари келтирилади: «Билгилки дилнинг саломатлиги Ҳақ таъоло рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлишдир. Эртага соғлом дилдан ўзга ҳеч нарса ёрдам беролмайди».

Хожаи Жаҳон шу рисолада бемор дилни саломат қилиш учун қуйидагича маслаҳат берадилар: «Унинг давоси шуким, уламолар суҳбатига интилиб, уларнинг хизматида турмоқ, уларнинг айтганини қабул қилиб, машойихлар ҳузурида бўлмоқ лозим. Шундагина дилдан дунёга бўлган муҳаббат кетади. Расулуллоҳ айтадилар: «Ўлим келмасдан аввал унга тайёргарлик кўринглар».

Хожаи Жаҳоннинг шогирди Ориф Ревгарий – Мохитобоннинг «Орифнома» асарида қалбни поклашга алоҳида эътибор берилади: «Пок эътиқодли бўл! Зероки, қора юрак, ифлос кўнгил бутун аъзойи баданни палид қилгай. Ахир Тангрини бизни қабул этиши ё этмаслиги айни шу кўнгил туфайли-ку!». Нақшбандиядаги «Вуқуфи қалбий» ҳақидаги таълимот учун бу ғоялар асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

Баҳоуддин Нақшбанд қалб тарбиясини нафсни жиловлаш, бошқариш, меъёрга солишнинг асосий йўли деб билганлар. Инсонни камолоти учун қалбдан огоҳ, воқиф бўлиши зарур деганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукаммаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: «Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман».

Баҳоуддин Нақшбанд қалбга «руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир» деб баҳо беради ва шунга асосланиб тариқатга в у қ у ф и қ а л

б и й деган тамойилни киритади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «вуқуфи қалбий» таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: «ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Буни ё д д о ш т деб айтадилар». Шу маънода яна у «Вуқуфи қалбий» қалбнинг Ҳақдан шу даражада о г о ҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди», деб айтади. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни ш у ҳ у д, в у с у л ва вуқуфи қалбий деб номлайди.

Иккинчи маъноси: «Солик ўз қалбидан воқиф бўлиши ва т а в а ж ж у ҳ қилиши яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак».

Баҳоуддин инсон камолотида нафасни сақлаш ва саноққа эътибор беришни асосий деб санамаган, лекин вуқуфи қалбийни шу икки маънода ҳам лозим деган. У бутун мақсадларнинг хулосасини вуқуфи қалбийда, яъни қалбдан воқиф, огоҳ бўлишда деб билади ва шундай байтни келтиради:

Монанди мурғе бош, к-он дар байзаи дил посбон,
К-аз байзаи дил зоядат мастиву завқу қаҳқаҳа.
Мазмуни:
Шундай товуқ каби бўлгинки, у юрак тухмига соқчидир,
Чунки дил тухмидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа туғилади.

Демак, вуқуфи қалби шундай таълимотким, инсон унга асосланиб, доимо барча ҳолат ва иш қилаётганида қалбига қараб огоҳ бўлиши, қалби бўлса фақатгина илоҳий нурларни тажаллий этиши керак. Шундагина инсон Оллоҳнинг ердаги халифаси ва бутун оламнинг гултожи вазифасини бажара олади. У шундагина кубро оламини ботинида акс эттириб, айни пайтда суғро олами бўлиб қола олади. Бу таълимотда таважжуҳ ва муроқаба амалиёти бирлашган бўлади. Муроқаба илоҳий нур, файзга интизорликдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек Баҳоуддин Нақшбанд қалбни руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир деб айтмоқдалар. Инсон борлиғи ўзида барча борлиқни кўринишларини жамлагандир. Унда ҳам жисмоний-моддий, ҳам руҳий-маънавий томон мужассамдир. Бу икки бир-бирига зид, қарама-қарши, зулмат ва нурни бирлаштира оладиган, боғлайдиган латиф қувват қалбдир. Умуман инсонга ҳам олами суғро-микроолам, ҳам олами кубро-макроолам бўла олиш қудратини қалб беради. Қалб бутун борлиқларни қувватини ўзида жамлаган инсондаги наномайдонга ўхшаш майдон, нанотехнологиялар каби қудратли воситасидир. Лекин наномайдон, нанотехнологиялар қуввати чекли бўлса, қалбнинг устунлиги унинг қувватининг чексиз, чегарасизлигидадир.

Қалб тарбияси учун аввало асосий йўл уни поклаш эканлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаганлар. Покланиши учун биринчидан тавба мақомининг ўрни катталиги кўрсатилган.

Ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақомини «тавба» ва уни қалб оламига киришнинг ибтидоси деб, тушунтирган. Тавба тушунчаси «қайтмоқ» маъносини англатиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, Ҳаққа элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

Баҳоуддин тавбани турли босқичларни ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

1. Авом тавбаси – зоҳирий гуноҳлардан қайтиш.
2. Солиҳ тавбаси – ахлоқи замимадан қайтиш.
3. Ботин тавбаси – қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳиблар тавбаси – ғафлатдан қайтиш.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир инсонга ҳар тонг қуйидаги тўртликни такрорлашни тавсия этади:

Ё раб, бикушо ба дилам аз тавба даре,
Бе миннати махлуқ расон моҳазаре.
То охири умрамон чунин дор моро,
Аз мо нарасад ба ҳеч кас ҳеч зараре.
Мазмуни:
Ё раббим, қалбимда тавба эшигини очгин,
Яратмишларинг миннат қилмайдиган бутун ризқ бергин.
Умримиз охиригача шундай сақлагин бизни,
Токим бизлардан ҳеч кимга ҳеч зарар етмасин.

Демак, қалбни поклаш учун энг аввало тавба мақомига кириш, яъни хато-камчиликни англаб, ундан қайтиш лозим экан. Тавба жисмни ёмон ҳатти-ҳаракатлар таъсирида ҳосил бўлган иллатлардан фориғ этиб, руҳни енгиллаштиради, бунинг таъсирида эса киши жисмоний касалликлардан ҳам қутулади. Чунки ҳақиқий тавба – ёмон ҳатти-ҳаракат, ҳасад, кина, гина, тама, ғийбат, кибр каби иллатлар туфайли келадиган азоб-уқубатларни олдини олиб, жисмоний ва руҳий қувватларнинг жамини тўғри сарфлаб, камолот учун йўл очади.

Тавба йўлини топган киши нафс балосидан қутулади. Демакки, беҳуда гапириш, беҳуда ухлаш, беҳуда ейишдан тийилади. Бу ҳам кишини жисмоний ва руҳий камолот сари бошлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф йўлига кирган, покланишни мақсад қилган кишилар ҳақида шундай дейди:

Андар ин уммат набошад масхи тан,
Лек масхи дил бувад, эй зулфатан.

Мазмуни:
Бу жамоа ичида танни масхи йўқ,
Қалбни масхлаш эса бор.

«Масх» араб тилидан олинган сўз бўлиб,шаклнинг суратнинг ўзгариб хунук қиёфага кириши бадшакл бадафт маъносини англатади. Масх бўлмоқ – сурати ўзгармоқ бад шакл бўлмоқ дегани. «Андар ин уммат» – Муҳаммад (с.а.в.) уммати ичида тананинг ўзгариши йўқ бўлган бўлсада аммо қалб шаклан ва мазмунан ўзгариши бу мисралар орқали баён этилмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд юқоридаги мисралар орқали сўфийларни қалбни назорат этиб, ундаги ҳар бир ҳаракатни кузатиб, ниятни поклаб, қалбдаги кина, кудурат, кибру ҳаво сингари иллатларни олиб ташлаб, уни юмшатиб, ундан ўтадиган ҳар бир томчи қонни поклаш лозимлигини уқтириб, кишиларни шайтоний йўлдан раҳмоний йўлга бошлаганлар. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд инсоният камолотига зарур бўлган ҳақиқатга етиши учун зоҳирий покланиш билан бирга ботиний покланиш шарт деб билганлар.

Қалбни тирилтирувчи восита унинг Ёр-Оллоҳни доимо эслаб, зикр этишидир. Баҳоуддин Нақшбанд тўртинчи халифалари Яъқуби Чархийга бу маънода шундай деганлари «Рисолаи унсия» асарида ёзилган.

Дил чун моҳи, зикр чун об аст,
Зиндагии дил ба зикри Ваҳҳоб аст.
Мазмуни:
Қалб балиқ ва Оллоҳни эслаш-зикр сувдир,
Қалб тириклиги Ваҳҳоб (Оллоҳ номи)ни эслаш биландир.

Бу мисралар орқали Баҳоуддин қалбни балиққа ўхшатади балиқ фақат сувда яшайди. Ва сув билан тирикдир. Балиқни яшаши керак бўлган сув бу зикр экан. Зикр – Аллоҳни эслашдир, қалб мудом Аллоҳни эслаганида балиқ сувга бўлгани каби тирик бўлишини Баҳоуддин Нақшбанд шогирдлари Яъқуби Чархийга уқтириш билан барча сўфийларга сабоқ берганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулхолиқ Ғиждувоний: «Мабодо юрагинг хотиржам тортса, маънавий қарашинг тарқалиб кетмайди», деган. Демак, киши маънан устувор бўлиши учун қалбан хотиржам яшаш ҳолатига эришмоғи керак. Зеро, Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларидан шундай ўгит қолган: «Агар тил фасод бўлса, унинг зараридан кишилар йиғлайди, агар қалб фасод бўлса, унда малоикалар кўз ёш тўкадилар». Хотиржамлик – хотиранинг тарқоқ ҳолатидан жам ҳолатига келишидир агар инсон қалби фақат Аллоҳгагина боғланса ва унга таваккул қилиб, унинг ризолиги учун ҳаракат қилса қалб хотиржам бўлади. Қалбнинг хотиржамлиги инсоннинг

бутун ҳаёт тарзини тартибга солади, борлиқ билан уйғун ҳаракат қилишига олиб келади ва маънан устувор бўлишини таъминлайди. Бу ишни амалга ошишида вуқуфи қалбий тамойилига амал қилишнинг аҳамяти катта.

Нақшбандия тариқатининг асосий тамойили бўлган «Вуқуфи қалбий» асосида вужудга келган «Даст ба кору, Дил ба Ёр», яъни «Қўлинг меҳнатда бўлсину, Қалбинг Оллоҳда» деган шиор ҳам жисмоний ва маънавий камолот йўлидир. Чунки бекорчилик инсонни тошбағир қилади. Холис меҳнат эса қалбни юмшатади ва жисмни ҳаракатга келтириш орқали уни иллатлардан қутқаради. Ҳадислардан бирида: «Тамагирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказади», дейилади. Зеро, қалб Оллоҳ назар қиладиган макон бўлиб, илоҳий нурларни қабул этиши ва камол топиши керак. Таъма эса қалбни қора булутдек қоплайди ва унга ҳикмат нурларини ўтказмайди. Шунинг учун ҳам инсон ўз қалбининг ҳар бир ниятини, ҳаракатини назорат этиши, хатоларга тавба билан, яхшиликларга шукр билан амал қилиши лозим. Бу назорат турини Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба деб атайди.

Баҳоуддин Нақшбанд сўфийларнинг адаби мукаммал бўлиши кераклигини таъкидлайди. Кишиларни бир-бирларига хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли, кечиримли бўлишга чақиради. Чунончи, «Мифтоҳ-ул-жунун» – «Жаннат калити» асарида Баҳоуддиндан қуйидаги ўгит сақлангани қайд этилган:

Ё раб, ниҳоли умри мо паст макун,
Моро зи шароби беҳуди маст макун.
Ё раб, ту жавонмардону, жавонзанонро,
Дилтангу, парешону тиҳи даст макун.
Мазмуни:
Эй парвардигор, бизнинг умримиз ниҳолини паст қилма,
Бизларни беҳудлик – ўздан кетишлик,
(яъни, такаббурлик) шароби билан маст қилма.
Эй раббим, сен ёш эркаклару, ёш аёлларни,
Тор қалбли, паришон ва қўли калта бўлишдан сақла.

Тасаввуфнинг асосий муаммоси билишдир. Орифнинг асосий мақсади олий ҳақиқатга етиш. Бунга инсон ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини камолотга етказиш орқали етади. Инсон ўз моҳиятини англаш орқали ўзидаги илоҳий томонни билиб боради ва ҳақиқатни билишнинг ягона йўли ўз-ўзини билишдир. Баҳоуддин Нақшбанд қалб бутун илоҳий моҳиятни ўзида акс эттира олиш, билиш мумкинлиги ҳақида ҳам гапирган. Унинг йўли мўътадилдир.

Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини Хожа Аҳрор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳдуми Аъзам ва бошқалар давом эттирган. Нақшбандия

таълимотини қабул этиб, ўз асарлари орқали тарғиб этган Алишер Навоий «Лисонут тайр»да ёзадики, бутун оламни яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнгли бамисоли билимлар хазинаси бўлиб ва бу тилсим ичида Тангри ўзини яширган. Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир хазинаси ўлароқ ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Чунки Тангри ўз сирининг хазинасини очмоқчи бўлганида уни на само, на ер қабул қилмади. Инсон шунинг учун барча нарсалардан мумтоз қилиб яратилган. Инсон Ерда Худонинг ўринбосари – халифаси бўлиш бахтига сарафроз бўлган. Инсон Тангри Жамолу Жалолини билиши, ўзига хос, мумтоз ва Тангрининг ердаги халифаси бўлиши бахти қалби – кўнгли туфайлидир.

Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонида кўнгилни кўзгуга қиёс этади. Достонда бу маънида шундай ёзилган:

Истади ҳусниға ошиғлиғни фош,
Кўзгу пайдо қилди андоқким, қуёш.

Токи онда жилваи ноз айлағай,
Ҳуснига ошиқлик оғоз айлагай.

Бўлди ул кўзгу кўнгул, эй аҳли дил,
Ким Ҳақ анда жилва айлар муттасил.

Ул қилибон жилваи ҳусн ошкор,
Сен кўнгул бирла анга оинадор.

Демак, Навоий инсон кўнгли Ҳақ томонига қаратилса, унда Оллоҳнинг ҳусну жамоли жилва этади, бу жараёнда инсон оинани тўғри тутиши масаласи ҳам муҳим эканлигини таъкидланмоқда. Чунки кўзгу қаерга қараса ўша нурни акс эттиради. Инсон ўз моҳияти ва кўнглини олий қадриятлигини англаса уни тўғри тутиб, оинадорлик – кўзгуни сақлаш, яъни қалбни Аллоҳга қаратиш, «Вуқуфи қалбий»ни вазифасини ижобий ҳал эта олади. Алишер Навоий инсон қалбини кўзгу деб, бу ҳақда яна шундай мисраларни ёзади:

Сен бу кўзгуни кўнгул қилғил хаёл,
Ким солур аксини онда ул Жамол.

Қасри-тан, онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда Шаҳ ҳуснини наззора қил.

Бермайин бу кўзгуга аввал жило,
Акс анда солмағай ул подшоҳ.
Онглагил ул ҳусн аксин кўзгуда,
Сен томошасиға турғон ўтруда.

Кўзгу равшанроқ неча қилса зуҳур,
Зоҳир ўлғай акс онда беқусур.

Маълум бўладики, кўнгил қанча пок ва илоҳий моҳиятни англашга равона этилган бўлса, шунча асл ҳақиқат унда акс этади. Агар инсон мияси моддий оламнигина инъикос этса ва уни англаб, таҳлил этса, қалб бутун борлиқни акс эттира олади. Мияни билиш, инъикос этишнинг чегара, чеки, меъёри бор, аммо қалбнинг билиш даражаси чексиздир. Шунинг учун ҳам қалб инъикос этишини умуман акснинг энг олий даражаси дейиш мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанд қуйидаги рубоийни такрорлаб юришни шогирдларига айтганлар:

Аз хуни дилам ду чашми пурнам беҳтар аст,
Аз айшу нишод меҳнату ғам беҳтар аст.
Як лаҳза ҳузури дил ба даргоҳи худо,
Аз салтанати тамоми олам беҳтар аст.
Мазмуни:
Юрак қонидан намли икки кўз яхшидир,
Айшу шодликдан меҳнату ғам яхшидир.
Бир он қалбнинг Худо даргоҳидаги ҳузури,
Бутун олам салтанатидан яхшидир.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

• Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз-ўзини англай билиши ва камолоти учун қалбдан воқиф, огоҳ бўлишни Нақшбандия таълимоти ва тариқатига «вуқуфи қалби» рашҳаси сифатида асосий тамойил қилиб киритган.

• Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз нафсини таниш, уни жиловлаш, меъёрга солиш учун қалб тарбиясини асосий восита сифатида тавсия этган.

• Баҳоуддин Нақшбанд қалб тарбияси учун уни поклаш зарурлиги, бунинг учун эса тавба, муҳосаба – ўз-ўзини назорат этиш, ҳисоб-китоб қилиш, муроқаба – қалбга кирадиган илоҳий нур, ладуний илмларни интизорлик билан кутиш, таважжуҳ – қалбни боғланишлардан узиб, Оллоҳга юзланишини асосий йўл ва чоралар сифатида тавсия берган.

• Баҳоуддин Нақшбанд қалбни моддий ва руҳий оламни бир-бири билан боғлайдиган, пайваст этадиган асосий марказ сифатида талқин қилган, инсонни мукаммал, уйғунлиги қалб ҳолатига боғлиқ деган.

• Бутун тасаввуф аҳли каби Баҳоуддин Нақшбанд қалбни оламни асл моҳияти, абсолют ҳақиқатни билишга қодир, асл ҳақиқатни инъикос этадиган кўзгу деб инсонларни уни поклашга чақирган.

• Қалб инсон танасидаги юрак билан чамбарчас боғлиқ деган ғоя Нақшбандия учун хос. Қалб поклиги юрак соғлиги, юрак саломатлиги қалб улғайиши учун асосдир.

• Қалб ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанд ғояси Робия Адавия, Муҳосибий, Абдулқодир Гийлоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарийлар таълимотидан озиқланган.

• Баҳоуддин Нақшбанд қалб ҳақидаги ғояларини Хўжа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳдуми Аъзамлар ривожлантирганлар.

Демак, Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, инсонлар қалбига йўл топиш маънавий таҳдидлардан асраш Ўзбекистонимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Шунинг учун ҳам бу улуғ вазифаларни бажаришда Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб тарбияси ғоялари хусусан «Вуқуфи қалбий» ҳақидаги таълимотидан фойдаланиш яхши самара беради.

## 1.4. Маърифатга оид қарашлар

Баҳоуддин Нақшбанд ўзи асослаган Нақшбандия таълимотида инсонни маърифатли бўлишига махсус эътибор берган. Тасаввуф таълимотида маърифат – инсон руҳий камолотининг шариат ва тариқатдан кейинги учинчи босқичидир. Бу илоҳий иноят билан бериладиган бир даража бўлиб, бундай мартабага юксалган шахс Тангрини танийди, яъни у, аввало, ўзлигини англайди, аслини билади ва шу орқали худосини кўради. Тасаввуфдаги «Худшуноси худошуноси аст», яъни «Ўзини, ўз нафси ва руҳини таниган киши Тангрини ҳам танийди», деган гап асл маърифатли бўлиш моҳиятини очиб беради. Ориф Ревгарийнинг «Орифнома» асарида маърифатга катта эътибор берилган. Унда ёзилган: «Маърифатнинг чегараси – нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг таъбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир. Маърифат -қалбнинг Тангри таоло ягоналигини тасдиқ этмоғидир. Унинг самараси – Тангри томон юз тутмоқдир».

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни – ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ), деб иккига ажратади. Баҳоуддиндан сўрайдилар: «Сайру сулукдан мақсад нима?». У жавоб беради: – «То ижмолий маърифат тафсилийга айлансин», яъни солик хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани, тафсил йўли билан тўла таниб олсин.

Баҳоуддин ижмолий маърифат босқичида далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Тангри инояти орқали ҳосил бўлади, дейди. Баҳоуддин Нақшбанд: «Ҳаққа етиш талабида бўлган соликларнинг асл мақсади тафсилий маърифатдир», яъни Ҳақнинг талабида бўлган инсон – бутун Куллга тўла сингиб кетиши сайру сулукнинг охирги мақсадидир, деб белгилаган.

Ҳазрат Баҳоуддин «Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён, шунинг учун унга пиру муршид раҳбарлиги орқали етишиш мумкин», дейди. Тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини идрок этишдир.

Нақшбанд Ҳаққа етиш йўлининг ўзни танишдан бошланиши, бу йўлда асосий тўсиқ, кишининг ўзи эканлигини таъкидлайди. Инсон маърифатли бўлиши, ўзини англаши, ўрганиши учун аввало ўз-ўзини бошқара олиши, барча қувватларини илоҳий йўлга сарфлаши, бутун вужудини идора этиб, уни руҳий камолот учун сафарбар этиши керак. Шунинг учун Баҳоуддин покланиш керак, деб таъкидлайди. У айтади: «Ҳақ йўлининг аввали botиндан ёмон сифатларни йўқотишни талаб этади. Билгинки, ердан яхши ҳосил олиш учун уни барча хашаку хаслардан тозалаб, кейин уруғ сепилади. Худди шундай ботинни поклаб, сўнг унга зикр уруғини сепиш керак».

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатли бўлишни фано ҳолати билан боғлайди. Фано ҳолатига етгандан сўнг кишига маърифатнинг сирлари очилади, дейди у. Бунинг учун барча ҳижоб тўсиқлар бартараф бўлиши керак. У яна таъкидлайдики, илм ва ақлнинг йўли то фано соҳилигачадир, яъни бу моддий олам билан боғланган нарсаларни ўрганишда илм ва ақл кўмаклашади. Фано ҳолатига етиб йўқлик оламига киргандан кейин ҳайрат ва бенишонлик бошланади. Яъни тафсилий билиш жараёнида далил ва исбот эмас, норационал билиш усуллари зарурлигини айтмоқчи бўлади. Бу жараённи Нақшбанд шундай таърифлайди: «Таниш шуҳуддан вужудга келади. Шуҳуд вужуддан эмас, унга зиддир». Яъни бу ирфоний жараёнда ақл эмас, руҳий билиш, қалб кўзи асосий ўринни эгаллайди. Бу «кўз» билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади. Далилу бурҳондан сўнг кашфу аён мартабасига ўтилишини таъкидлайди, у.

Бу жараёнда ҳосил бўлган илмга эса у яқин – шаку шубҳа бартараф бўлган ҳақиқий илм, деб таъриф беради. «Аврод» рисоласида Баҳоуддин «Яқинни бизга бер: у дунё ва охират мусибатларини кеткизади», дейди. Яқин, Нақшбанд фикрича, асл зотнинг нуридир, инчунин унинг илоҳий сифатларини идрок этишдан иборат.

Баҳоуддин «Аврод»ига ёзилган «Канз ал ибод» шарҳида «яқин» тушунчаси таҳлил этилиб, уни уч даражада бўлиши кўрсатилган: 1.Илм-ал яқин – бу Асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини билиш. У далиллар босқи-

чидан бошланади. Бу илмга эга бўлганларнинг ҳоли маърифат бўлади ва бу даража авлиёлар мартабасига тўғри келади. 2.Айн-ал-яқин – бу босқичдаги билиш футуҳлар билан боғлиқ кечади. Унинг ҳолати жамъдир. Бу даража хос авлиёлар мартабасидир. 3.Ҳаққ-ал-яқинда инсон муфассал билимга эга бўлади. Унинг ҳоли жамъ ул жамъдир. Бу расул ва набийлар ва ҳақиқат аҳлининг даражасидир.

Илм ал-яқин – тасаввуф маърифатининг аввалги зинаси бўлиб, у илоҳий моҳият касб қилингандан сўнг ҳосил бўлган билиш орқали амалга ошади. Бу асосан моддий олам маърифатига мансуб бўлиб, сўфий яқин, аниқ, шак-шубҳасиз тушунадики, моддий оламда кўринаётган барча нарсалар илоҳий зот исмлари ва сифатларининг равшан, яққол кўринишидир. Илм ал-яқин орқали у далил ва исботлар, ақлий муҳокама юритиш воситаси билан ҳақиқат нурининг зуҳурига ишонч ҳосил этади, яъни унда ҳеч қандай шаку шубҳа қолмайди. Бу билиш босқичидан кейин касб қилинмаган билиш йўлига ўтади ва нафсини поклаш орқали ҳақиқатга етади. Сўфийлар шунинг учун ҳам маърифатни ақлий далиллар, мушоҳада ва мукошафага ажратадилар. Илм ал-яқинда – далил, исбот, айн ал-яқинда – баён, ҳаққ ал-яқинда – аённи шарт қилиб қўядилар. Сўфийлар илм ал-яқин даражасида бўлганларни уқул – ақллар асҳоби, айн – ал яқиндагиларни улум – илмлар асҳоби ва ҳақ ал-яқиндагиларни маъориф – орифлар асҳобига мансуб, дейдилар.

Баҳоуддин «Яқинни бизга бер» деганда қалбдан шак-шубҳани кеткизмоқни назарда тутади, чунки қалбдаги бу туйғу инсон билан Тангри ўртасидаги энг катта тўсиқдир. Баҳоуддин бу ҳақда шундай айтган:

Гарчи ҳижоби ту берун аз ҳад аст,
Лек ҳеч ҳижобат чу пиндор нест.
Мазмуни:
Сенинг ҳижобларинг ҳадддан ташқари кўп бўлса-да,
Лекин бирорта ҳижоб пиндор – гумон, шак – шубҳа каби эмас.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ирфоний таълимотида вужуд билан шуҳуд тушунчаси қарама-қарши туради. Ақл ва илм вужуд билан боғланган ва далил ҳужжат босқичи, дейилса, шуҳуд кашфу аёнлик даражаси бўлиб, руҳият билан боғлангандир. «Ғиёс ул-луғот»да ёзилишича, шуҳуд соликларнинг истилоҳида «Ҳақни кўриш, билиш, таниш демакдир». Шуҳуд даражасига етган солик сурат, касрат мартабаларидан ўтиб, аёний тавҳид мақомига етади. Кўпликнинг суратига қараб туриб, шунинг жамулжамида Ҳақни мушоҳада этади. Унда Оллоҳдан ўзга нарса ва ҳодисалар мушоҳадасининг ўзи тўла йўқ бўлади ва ҳар нарсагаки кўзи тушса, унда фақатгина Ҳақни кўради.

Баҳоуддин маърифатли бўлишда руҳий камолот босқичлари, бинобарин бундаги нафсга қарши мухолифатда бўлиш ила сабр фазилатининг ўрнига алоҳида урғу беради. Баҳоуддин маърифатли бўлиш жараёнида ҳалол луқма ва ҳушёрликка алоҳида эътибор бериб, ўзи факр йўлини ихтиёр этган ва шу боис муридларига «Ҳуш дар дам» талабини шиор қилиб қўйган эди.

### 1.5. Ҳижоб ва уни бартараф этиш хусусида

Нақшбандия таълимотининг асл мақсади Аллоҳ ва банда ўртасидаги ҳижобни бартараф этишдир. «Ҳижоб» муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, ҳақиқатга етиш, Тангри жамолини кўриш, Аллоҳни асл моҳиятини билишга тўсқинлик қиладиган нарса ва ҳодисалардир. Ҳижоб парда, тўсиқ маъноларини англатади ва Тангри билан банда ўртасида мавжуд бўлади. Банда Ҳаққа етиши учун ҳижобларни бартараф этиши зарур. Ҳижоб тушунчаси ҳақида Юсуф Ҳамадоний ва Бухорои шарифнинг Етти пирларининг ғоялари мавжуд. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам ҳижобга доир фикрлари бор.

Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд» асарида ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад с.а.в.нинг қуйидаги ҳадисини келтирган: «Инналлоҳа Таоло сабъина алфа ҳижабун мин нурин ва зулматин», яъни «Аллоҳ Таолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби бор».

«Мақомот»да ёзилишича,аҳли илмдан бўлган бир дарвеш нақл қилади: «Бир куни уларнинг (Баҳоуддин Нақшбанднинг) муборак оғизларидан чиқдики, «Аллоҳдан бошқа нарсага боғланиб қолиш бу йўлда юрувчилар учун умумий ҳижоб (парда)дир».

Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили,
Аз ин бандҳо бигсели восили.
Мазмуни:
Кимгадир ёки нимагадир боғланиш ҳижобдиру ҳосилсизсан,
Бу бандлардан қутулсанг восилсан.

Аллоҳдан ўзга нарсалар: дунёга, молу мулкга, мансабга, обрў-эътиборга, уй-жой, нафс истакларига боғланиш инсоннинг ибодатларини самарасиз қилади. Бу боғланишлардан қутилган кишигина илоҳий нуру файз, қувват олади ва қудратли бўлади.

Манбада ёзилишича, дарвеш Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзларини эшитиб, кўнглидан шундай фикрни ўтказади: «Бизнинг имон ва исломга таллуқлигимиз қандай бўлади?» Ҳазрат Баҳоуддин бу фикрни фаҳмлаб, унга савол бердилар. У кўнглидан ўтказган фикрини айтди. Баҳоуддин айтдилар: «Ҳусайн ибн Мансур Ҳаллож ҳақида эшитганмидингки, у айтган эди:

Кафарту би-динниллоҳи ва-л-куфру вожибун,
Алаййя ва инда-л-муслимина қабиҳун.
Мазмуни:
Инкор этдим Аллоҳ динини куфр вожибдур манга,
Аҳли муслим наздида бул кўп қабоҳатдир анга.

Сўнг дедилар: «Бу тоифадаги авлиёлар имонни қуйидагича таъриф қиладилар. «Имон – бу қалбни Аллоҳ Азза ва Жалладан ўзга барча фойда ва зарар келтирадиган нарсаларни рад этишга берилган паймонидир». Баҳоуддин Нақшбанд соғлом (пок) қалб ҳақида мана бу икки байтни ўқидилар:

Ошиқ, ту яқин дон, ки мусулмон набувад,
Дар мазҳаби ишқ куфру имон набувад.
Дар ишқ тану ақлу дилу жон набувад,
В-он кас, ки чунин набошад ў он набувад.
Мазмуни:
Сен аниқ билгинки ошиқ мусулмон бўлмас,
Ишқ мазҳабида куфру имон бўлмас.
Ишқда тан, ақл, дил ва жон бўлмас,
Ва ҳар кимки бу даражада эрмас у ошиқ эмас.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу жавобларидан маълум бўладики, ҳақиқий ошиқ Аллоҳгагина ошиқдир. Шунинг учун Аллоҳ яратган ҳар неъмат у учун азиз ва қадрлидир. Ҳар бир инсон ўзининг тили, дини, урф-одати, миллати, эътиқоди билан фахрланиши эзгу ишдир. Аммо ўзини дини ва имонида бўлмаган ўзгаларни ҳурмат қилмаслик, камситиш, уларга паст назар билан қараш Ҳақ йўлининг ҳижобидир. Чунки Ҳақ бутун ўн саккиз минг оламни мувозанатда яратган. Яралган ҳар бир мавжудот инсоният хизматдадир. Миллатпарстлик, ақидапарстлик, кибру ҳаво инсоният ўртасида зиддият ва қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади», деб халқимиз беҳудага айтмаган. Шунинг учун динимизда бир кишини кўнглини шод этмоқликни Каъбани обод этиш билан баробар эканлиги таъкидланган. Демак Аллоҳга мақбул амаллардан бири инсонлар ўртасидаги дўстлик, аҳллик ва биродарликни мустаҳкамлашдир. Баҳоуддин Нақшбанднинг юқоридаги фикрлари у кишининг «Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем», яъни «Биз бу ишни қилмаймиз ва бу ишни инкор ҳам қилмаймиз» деган фикрларига уйғундир. Демак ҳар миллат ва элат бир-бири билан ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиши керак.

«Мақомот» асарида ёзиладики, Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Амтил-аза ани-т-тариқи», яъни азият берадиган нарсаларни йўлдан йўқотинг»-дан мурод шуки, нафсингизни Ҳақ йўлида йўқотинг».

Зеро девори вужуди ту бувад ганжи гуҳар,
Ганж зоҳир шавад аз ту гар зи миён бархези.
Мазмуни:
Вужудинг девори остида гавҳар хазинаси бор,
Сен ўртадан туриб кетсанг хазина зоҳир бўларди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу айтганларидан маълум бўладики, Ҳақ ва банда ўртасидаги энг катта ҳижоблардан бири нафс ҳижоби экан. Чунки инсоннинг аммора нафси Ҳақ йўлига бораётган кишига азият беради. Нафс тана истаклари асосида вужудга келади. Аслида тана Аллоҳ яратган мўжизаларнинг энг буюгидир. Айнан шу тана ёрдами билан инсон эзгу ишларни қилиб, дуолар олиб, Аллоҳга яқинлашади. Аммо тана инсонга эмас, балки инсон умрини фақат нафс истаклари, яъни ейиш, кийиниш, ухлашларга бағишласа ундай тана истаклари ҳижоб бўлади. Чунки инсон Аллоҳни эмас балки нафсини қулига айланади. Шунинг учун сўфийлар Аллоҳ йўлидаги ҳижобларни бартараф этиш учун «Оз егин, оз гапир ва оз ухла» ва «Эзгулик ила сабр, эзгулик ила ният, эзгулик ила амал ва эзгу дуо» да бўлгин деб таъкидлаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат, яъни адашишдан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният –касб қилиб топадиган нарса эмас балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса умид натижа бермайди».

Манбада ёзилишича Баҳоуддин Нақшбанд айтган эканлар: «Ал мажозу қантарату-л–ҳақиқати», яъни «Мажоз ҳақиқат кўпригидир». Бу шу нарсага ишоратки, барча зоҳирий ва ботиний амаллар, сўз ва феъл сен учун ҳижобдир, то бу йўлда юрувчи булардан кечиб ўтмаса ҳақиқатга етолмайди». Бу сўздан маълум бўладики, Ҳақ билан боғланиш учун инсон қалби доимо Аллоҳдан огоҳ ва у билан боғланган бўлиши керак. Шунда ҳар бир амал ва ҳаракатнинг асл маъносини илоҳий ишоратлар ила англаш мумкин. Зоҳирпарастлик, илми қол ва унга боғланиш ҳақиқат йўлига ҳижобдир.

Яъқуби Чархий ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги байтини «Рисолаи унсия» асарида келтирган:

То туи ба дийдаам, эй Шамъи Тероз,
На кор кунам, на рўза дорам на намоз.
Чун бо ту бувам, мажози ман жумла намоз,
Чун бе ту бувам намози ман жумла мажоз.
Мазмуни:
То Сен менинг дийдамда экансан, эй Нақш солувчи Шаъм,
На иш қиламан, на рўза тутаман, на ўқийман намоз.

Сен билан бўлганимда мажозим барчаси намоздир,
Сенсиз бўлганимда намозим барчаси мажоз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг яна ҳижобга доир айтган қуйидаги сўзлари манбада келтирилган: «Ўйловчи ва хайёл қилувчининг иши оғир».

Аллоҳга яқинлаштирадиган, маърифатли бўлишга ёрдам берадиган илм тасаввуфда яқин дейилади. Яқин араб тилидан олинган бўлиб, жуда аниқ шак-шубҳасиз, муқаррар деган маънони билдиради. Ҳаққа етиш учун шак-шубҳасиз, ҳеч қандай гумон қилмасдан Аллоҳнинг қудрати, Жамолу Жалолига ишониш лозим. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳижобни бартараф этиш учун мукаммал ҳаракат қилишга чақирадилар. Бу таълимотнинг шиори «Даст ба кор, дил ба Ёр, тан дар бозор, мадад аз Парвардигор» буни амалга оширишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги қудсий калималари манбаларда сақланган: «Орифнинг маърифати то у Аллоҳга ўзини топширмагунча тўғри бўлмайди» сўзи банданинг борлиғи ва сифатининг боқийлигига ишорадир».

То ту зи ҳастии худ зеру забар нагарди,
Дар нестии мутлақ мурғи дупар нагарди.
Ин пардаи ниҳодоти дарҳам шикан, ки ҳаргиз,
Дар парда раҳ наёби то пардадар нагарди.
Мазмуни:
То сен ўз борлиғингни зеру забар қилмасанг,
Мутлақ йўқлик сари икки қанотли қуш бўлиб учолмайсан.
То бир-бирига боғланган табиатинг устидан ғолиб бўлмасанг,
Пардалар ичра йўл тополмайсан, то пардадарни олиб ташловчи бўлмасанг.

Бу рубоий орқали Баҳоуддин инсонда Аллоҳ томонидан берилган жисмдаги барча нарсалар жуда ҳам узвий боғланган ва шунинг учун унинг табиати, характери, хислати, тузилиши барқарордир. У инсон ўз вужудини тўла англагандан кейин унинг сирларини билиб, бемалол илоҳий оламга икки қанотли қуш каби парвоз қила олади, деб таъкидлайдилар. Манбада Баҳоуддининг яна қуйидаги сўзлари келтирилган: «Ибодатда вужудни кидириш бор, убудият, яъни қуллик ёки бандаликда вужудни вайрон қилиш бор. То вужуд боқий экан ҳеч қандай амал натижа бермайди».

Ҳижобга доир Баҳоуддин Нақшбанднинг яна қуйидаги фикрлари келтирилган: «Бу тариқатда солик ўз йўлига парда тўсилмаслиги учун ўзининг қайси мақомда эканлгини билмаслиги керак. Ман разия би –мақомиҳи ҳижаба ан амомиҳи» (Кимки ўз мақомига рози бўлса, олдиндаги нарсалар

унга тўсилган бўлади)». Бу сўздан маълум бўладики, инсон ўзини маълум бир мақомдаман деб, ўша берилган мақомга рози бўлиб, шу мақом мен учун етарли деб ўйласа, унга боғланса бу ҳолат уни ғурур ва кибру ҳавога олиб келиши мумкин. Кибр эса инсонни илоҳий нур ва файзни олишига тўсиқ ва парда бўлади. Натижада бошқа мақомларга у инсон эриша олмайди. Демак, инсон ўзига берилган мақомни Аллоҳ томонидан берилган илоҳий неъмат ва омонат деб қабул қилиб, уни барча амаллари билан асраб, яна бошқа мақомларга эришиши учун эҳтиёт қилиши лозим.

Ҳижоблардан қутулиш учун Баҳоуддин Нақшбанд фано ҳолатига етиш лозим, дейдилар. Манбаларда Баҳоуддиннинг қуйидаги қудсий каломи келтирилган: «Фано икки хил бўлади: бири зулмоний ва табиий вужуддан фоний бўлиш, бошқаси эса нуроний ва руҳоний вужуддан фоний бўлиш». Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳ билан банда орасидаги муносабатга тўсиқ бўлган ҳижобларни зулмат ва нурдан иборат эканлигини таъкидлайди.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд илоҳий ҳақиқат йўлидаги тўсиқ парда ва ҳижобларга қуйидагиларни киритади:

1. Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишлар.
2. Вужуд истаги асосида туғилган аммора нафс.
3. Аллоҳ қудратига шак-шубҳа билан қараш ва гумон қилиш.
4. Кибру ҳаво ва ман-манлик, барча ёмон ахлоқий иллатлар.

Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳ жамолу жалолига эришиш, унинг нури, файзи, раҳмати, илмидан баҳраманд бўлиш учун банда ва Тангри орасидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳижобларни йўқотиш учун қуйидагиларни тавсия этади:

1. Инсон ўз қалбидан Аллоҳдан ўзга барча нарсаларни узиб ташлаб, фақат У билангина боғланиши ва уни нақш этиши лозим. «Нақш банд ба дил банд», яъни «Оллоҳ нақшинигина боғла, уни қалбда нақшла» бу таълимотнинг асосий шиоридир.
2. Инсон ўз вужудини мукаммал ўрганиши, ундаги барча илоҳий имкониятлардан эзгулик йўлларида фойдаланиши ва мукаммал ҳаракатда бўлиши, яъни «Даст ба кору дил ба ёр»лик талабига мувофиқ амал қилиши керак.
3. Нафс тарбияси, қалбни поклаш ва ниятни улуғлаш зарур.
4. Аллоҳнинг қудратига шак-шубҳасиз ишониш, маърифатли бўлиш ва мажоз илмидан огоҳлик.
5. Инсон камтарин, ниёзманд, яъни фақру фано ҳолатида бўлиши лозим.
6. Инсон барча ёмон иллатларни ўзидан соқит этиб, илоҳий сифатларни қиёмига етказиши керак. Инсон кўринишда у кичик олам бўлсада, моҳиятан улуғ оламга айланмоғи лозим.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд ва у яратган Нақшбандия таълимоти қалбда Оллоҳни нақшлаш ва мукаммал ҳара-

катда бўлиш орқали инсон ўзи билан Тангри орасидаги ҳижобларни бартараф этиши ва илоҳий нуру файздан баҳраманд бўлиб, камолотга етиш йўлларини ўргатади.

## 1.6. Нафс тарбияси

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий таълимотининг ўзига хослиги шундаки, у киши нафсни тарбиялашнинг энг мақбул, энг мукаммал йўлини топган эдилар. Нақшбандия таълимотидаги «Даст ба кор»лик, яъни ҳалол меҳнат қилишнинг «Дил ба ёрлик» билан уйғун бўлиши, яъни барчага холис яхшилик қилиш ғояси нафсни тарбиялашнинг энг мақбул воситаси бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир, хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офатдир», – деганлар. Бу тариқатда чилла ўтириш, хилватга чекиниш, узоқ муддат пирнинг хизматида бўлиш бўлмаган. Натижада тариқат аҳли оиласига, қон-қариндош, маҳалла ва Ватанига фойдаси теккан. Меҳнат қилиш жараёни ҳам холис, пок, риёсиз, ҳалол бўлган. Ҳалол луқма, ризолик, муросаю мадора нафс тарбиясига ёрдам берган. Кўп тариқатларда дарвешлар узлатга чекиниб, меҳнат қилмай, тиланчилик, текинхўрлик билан кун кечирганлар, тариқат аҳлини устма-уст чилла ўтириб нафсини тарбиялашга уринганлар. Нақшбандияда меҳнат, ҳиммат, ғайрат, холислик, бировнинг оғирини енгил қилиш, хуфёна яхшилик асосий турмуш тарзи бўлган. Шунинг учун бу тариқат аҳли мамлакатни иқтисодий ва маънавий тараққий этиши, ҳунармандчилик ва тижоратнинг ривожига катта хизмат қилган. Текинхўрлик, дангасалик, риёкорлик каби иллатларни йўқотиш ва нафсни тарбиялашда Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари катта бўлган.

Тасаввуф аҳли «Ҳар ким нафсини таниса, батаҳқиқ парвардигорини ҳам танийди», дейдилар. Шунинг учун бу таълимот нафсни билмоқ ва уни тарбиялашга алоҳида эътибор беради ва инсон камолотининг энг зарурий шарти нафс тарбиясидир, дейди.

«Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, «мен»лигидир. Бизнинг ботинимизга бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир». Нафснинг мавжудлиги зарурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан поклаб туриш шарт. Чунки унинг табиий истаклари бажо этилаверса, у ҳаддидан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади.

Нафс масаласига доир Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги қудсий каломлари бор: «Ҳар бир тавфиқ эгаси ўз нафсига қарши турмоғи керак ва бу ҳар қанча оз бўлса ҳам, кўп билсин ҳамда бу тавфиқнинг шукрини қил-

син», «Ҳақиқий муршид инояти орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларни ўзгартириш билан нафсга қарши курашишдир». «Бу қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавнинг нафсидан юз марта бадтар деб билмаса, демак, у бу йўлда эмас». Бу сўзлари билан Баҳоуддин инсонни ўз нафсининг кирдикорини англашга ва унинг ёмонликларини Қуръони Каримда келган энг ёмон кишилардан бири бўлган Фиръавн нафсидан юз марта бадтар билиб, ундан ҳазар қилиши лозимлигини билдирмоқдалар. Бунинг учун Баҳоуддин шундай айтар эдилар: «Киши ўзининг нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ Субҳанаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла ва найрангини англаган бўлса бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади».

Баҳоуддин Нақшбанд ўз вужудларини жуда мукаммал ўрганган ва нафсларини шу даражада билган эдиларки, «Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман», деб айтардилар.

Инсон камолотида ниятни ўрни ва уни нафсга қарши курашда жуда катта аҳамияти борлигини таъкидлаб, Баҳоуддин Нақшбанд шундай айтганлар: «Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат, яъни адашувдан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса умид натижа бермайди». Ҳазрати Баҳоуддин беморликларининг охирларида дўстлар учун бу ҳадисни ўқиган эдилар: «Ҳеч бирингиз айтган нарсаларга ўз нафсини тобеъ қилмагунча у киши мўмин бўла олмайди». Бу ҳадис орқали Баҳоуддин инсон ўз нафсига ҳоким бўлиши, уни тарбиялаши ва унинг кувватларини эзгулик томон сарфлаши лозимлигини уктирганлар.

Вужуд поклиги масаласига эътибор бериб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳалол луқма масаласига махсус тўхтаганлар. Алоуддин Аттор ўз устози Баҳоуддин Нақшбанд тутган йўллари ҳақида гапириб, шундай деганлар: «Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочишни, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирар эдилар. Суҳбатларида доимо «Ал ибодату ашарата ажзоин тисъату минҳо талабу-л-ҳалоли ва жузъун Воҳидун минҳо соиру-л-ибодоти», яъни «Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Ундан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатдир» деган ҳадис ўтар эди». Ўзлари доимо ҳалол луқмага риоя қилганлар. Ҳазрат ҳар йили бир оздан арпа ва мош экиб, ўз қўл меҳнатлари билан ерга ишлов берар эдилар. Ҳўкизларини ҳам ўзлари парвариш қилар эдилар.

Баҳоуддин таом ейишда ҳамиша воқиф бўлиб ейишни дарвешларга васият қилар ва бу борада қаттиқ таъкидлардилар. Йиғилиш қанча катта бўл-

масин орада кимдир ғафлат билан таом еса, ҳазрати Хожа шафқат юзасидан уни огоҳ қилар эдилар ва овқатни ғафлат юзасидан ейишга қўймасдилар. Бордию, овқат ғазаб билан ёки хоҳламасдан пиширилган бўлса ҳазрат бундай овқатни емасдилар. Бошқа дарвешлрга ҳам едирмас эдилар.

Нақл қилишларича, Баҳоуддин Нақшбанд бир куни Ғадиют деган манзилга борган эдилар. Бир дарвеш таом келтирди. Шунда ҳазрат дедилар: «Бу таомни ейиш бизга тўғри келмайди, негаки у ғазаб устида пиширилибди, унни элашда ва хамир қоришда кимдир ғазабда экан».

Кимки капкирни қозонга қаттиқ урса ўша қозондан таомни ҳам емас эдилар ва айтардиларки, «Ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру баракот бўлмайди, унга шайтон ва нафси аммора йўл топган бўлади. Демак ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин?! Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносининг юзага келиши ҳалол таомга боғлиқдир. Агар у таом воқиф ҳолда пиширилса, барча ишларда, хусусан намозда яхши натижа ҳосил бўлади».

Бахоуддин Нақшбанд энг ёмон нафс тури аммора нафс эканлигини таъкидлаб, унга қарши туриш лозимлигини айтганлар. Баҳоуддин нафс тарбиясида нафси лаввомадан мулҳимага, ундан мутмаъинага, ундан марзия ва розия нафсга томон инсонни тарбиялаш лозимлигини таъкидлаганлар. Нақшбандия таълимотида нафс тарбиясининг асосий мақсади нафси розия яъни Аллоҳ берган ризқ ва тақдирдан рози бўлиш ва нафси сафия яъни иолҳий пок нафс даражасига эришишдир.

### 1.7. Ҳаёт – нафаслар тизими

Ҳаёт борлиқнинг мавжудлик асосидир. Бутун борлиқнинг мавжуд шакллари ҳаёт экан яшайди ва маълум вазифани адо этади. Инсон бутун борлиқда энг азиз, энг мукаррам бўлган улуғ зотдир. Ҳаёт инсонга берилган энг улуғ неъматдир, чунки у мазмунли яшаш имкониятидир. Инсон ҳаёт бўлган даврини умр, тириклик деб номлайди. Инсон умрига ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий қуйидагича жуда гўзал таъриф берган:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз!

Ҳаёт ҳақида турли фалсафий талқинлар мавжуд. Биз ҳаёт ҳақидаги нақшбандиёна тасаввуфий – фалсафий талқинлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Нақшбандия таълимотига асослансак, ҳаёт нафаслар тизимидан иборатдир. Инсон ҳар бир нафасидан огоҳ бўлиб, уларни эзгу ишларига сафарбар этса, у тирик ҳаёт кечиряпти, умри мазмунли ўтаяпти. Аммо инсон ғафлатда қолиб умрини, ҳар бир нафасини мазмунсиз ўтказса ундай кишини ўлик деганлар. Нафасни йўқотиш умр деган қимматбаҳо жавоҳирларни ўғирлатиш билан баробар ҳисобланган. Инсон яшаши, ҳақиқий, комил инсон деган номга муносиб бўлиши учун ҳар бир нафасини асраши, авайлаши, уни онгли ўтказиши керак, деб ҳисобланган. Шунинг учун Нақшбандия таълимоти ҳушёрлик йўли сифатида маълум, машҳур ва ҳозиргача барҳаётдир.

Нақшбандия таълимотидаги ҳаёт ҳақидаги тушунчанинг асосини «Ҳуш дар дам» тамойили ташкил этади. «Ҳуш дар дам» – ҳар дамдан огоҳ бўлиш тамойили манбаларда рашҳа – ҳаётбахш сув томчиси, ёки қудсий – пок, илоҳий калом, сўз деб таърифланган. «Ҳуш дар дам» тамойилини Бухорои Шарифнинг Етти пирини табаррук устози Юсуф Ҳамадоний Хожагон таълимотининг асосчиси Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга таълим берганлар. Бу ўгитни Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия таълимотига 11 тамойилининг биринчиси ва асосийси сифатида киритган.

Нақшбандия таълимоти инсон ҳаётини «дам» тушунчаси билан уйғунлаштиради. «Дам» – нақшбандийлар талқинида инсонни нафас олиш, нафасни сақлаш, нафасни чиқариш ва янги нафас олишгача бўлган муддатидир. Инсон шу дамни асраши, йўқотмаслиги, ақлу ҳуши, фаҳму фаросати назорати остида шукроналик билан ўтказиши лозим. Инсон бутун коинот ва олам билан нафас олиш жараёни туфайли боғланади. Борлиқдаги бутун мавжудотлар нафас оладилар ва нафас чиқарадилар. Инсон ҳам улар билан уйғун нафас олиш жараёнида умумий бутун олам тебранишини ҳосил қилади ва ўзаро қувват ва ахборот алмашинади. Айнан шу жараён инсон ҳаётининг асоси бўлиб ҳисобланади. Чунки нафас олиш жараёнида инсонни ҳам жисми, ҳам онгу шуури, ҳам қалбу руҳи қувват олади. Ҳар дамни онгли ўтказган инсон вужудидан, ақлу шууридан, қалбу руҳидан чиққан қувватлар, таралган нуру зиёлар бутун оламга ҳаёт бағишлаб уни мунаввар этади. Айнан бундай улуғ инсонларга қарата башарият мутафаккири Жалолиддин Румий шундай ёзган эди:

Гар ба сурат олами асғар туи,
Лек ба ботин олами акбар туи.
Зоҳиран он ахтарон қаввоми мо,
Ботини мо гашта қаввоми само.
Мазмуни:
Шаклан сен кичик олам бўлсангда,
Ботинан сен буюк оламсан.

Зоҳирда юлдузлар сенга қувват бераётгандай,
Аслида сенинг ботининг бутун самонинг қувватидир.

Инсонни тирик бўлиши, тўлақонли ҳаёт кечириши, умрининг мазмунли ўтиши ҳар бир нафаснинг қандай кечишига боғлиқ. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт моҳиятини айни шу дамни қандай ўтказишга боғлиқлигини таъкидлайди: «Киши ўз фикри ва ҳаёлини ўтмишга ҳам, келажакка ҳам боғламасдан айни шу дам учун зарурий иш билан машғул бўлиши лозим». Бу ҳақда унинг қуйидаги назмий фикри мавжуд:

Эй монда зи баҳри илм дар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.
Мазмуни:
Эй илм олиш мақсадида соҳилда кўзи очиқ турган киши,
Денгизда фароғатдиру соҳилда ёмонлик.
Икки дунё мавжларидан қарашларингни олгину,
Нафасларинг орасидаги вақтда ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Бу назмий парча мазмунидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд инсон ҳаёт бўлиши учун ҳар бир дам қадрини билиши, асл моҳиятдан, боқий нарсалардан ҳар бир нафасдагина эмас, балки нафаслар орасидаги вақтда ҳам огоҳ бўлиши зарур деб уқтирмокда. Маълум бўладики, ҳар бир дамнинг ҳаёт саҳифасига кириши учун нақшбандийлар қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаганлар:

1. Нафас олиш жараёни онгли бўлиши керак. Инсон чуқур, бутун ўпкасини тўлдириб нафас олиши зарур. Нафас олаётганда инсон коинотда унинг жисми учун зарурий тоза ҳаво мавжудлигини англаб шукроналик билан нафас олиши лозим. Чуқур нафас олиш жараёнида вужудга зарурий кислород, мия учун керакли ахборот, қалб ва руҳ учун озуқа – нур, файз, барака, раҳмат ва илоҳий илм киради. Шу жараённи инсон ҳис этиши, ақлу шуури билан бошқариши ва қалбида неъматларга шукроналик муҳаббати жўш уриши лозим.

2. Нафасни ичда сақлаш. Олган нафас орқали кирган кислород ўпка альвеолалари, юрак ва артерия қон томирлари орқали бутун вужудга тарқалиб вужудни поклайди, қувват беради ва инсон умрини узайтиради. Мия бир томондан нафасни сақлашни бошқаради ва иккинчи томондан онг остида қабул қилинган ахборотни таҳлил этади. Қалбга кираётган илоҳий нурлар, файзу баракот, раҳмат ва ладуний илмни қабул қилиб покланади ва руҳ юксалади. Нафасни сақлаш жараёни нафас олиш вақтидан кўра 3, 5, 7... маротаба кўп бўлиши керак. Нафасни сақлаш жараёни инсонни ҳар

бир нафасини ҳаётбахш, Исо нафас, дуолари ижобат бўладиган, қалб кўзи очиқ, ботини олами кабир бўлиб ундан тараладиган нурлар бутун оламни ёритадиган даражада камол топишига олиб келади.

3. Нафас чиқариш жараёни натижасида вужудга кирган кислород билан оксидланиш таъсирида ҳосил бўлган карбонат ангидрид вена қон томирлари ва альвеолалар ёрдамида ўпка орқали танадан чиқиб кетади. Унинг натижасида вужуд дам олади, роҳатланади, фарраҳ топади. Мия бу жараённи бошқаради ва ақлий фаолият ўткирлашади. Кина, ғазаб, ҳасад, кибр каби ёмон иллатлар учун қалбда жой қолмайди ва улар вужуддан чиқиб кетадилар. Руҳ бақувват бўлганлиги сабабли инсон танасига кирган барча иллатларни хусусан ёмон кўз, суқ ва ёмон руҳлар таъсиридан вужудни қутқаради.

4. Янги нафас олишга таёргарлик муддати. Чуқур тўла нафас олиш учун қувватларни жамлаш.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотида ҳаётнинг бир дами нафас олиш билан боғлиқ бўлган тўрт босқични ўз ичига олади. Инсондаги ҳаётбахш жараён борлиқнинг бошқа кўринишларининг нафас олишидан тубдан фарқ қилади. Анорганик ва органик дунёдаги барча нарсалар: тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонлар нафас оладилар ва тирик бўлиб яшайдилар. Аммо уларнинг нафас олиш жараёни онгли эмас. Инсон нафас олиш жараёнини ақлу ҳуши, фаҳму фаросати билан бошқаради. Инсон унга берилган ҳаёт, умр, ҳар бир дам мақсад-моҳиятини англаб, унинг қадрини билиб, ўзлигини англайди ва жамиятда ўзига муносиб жой топади. У ўз ўрнини билиб, ўзига белгиланган вазифани адо этади. Ҳар бир олинган онгли нафас одамни Ҳазрати Инсон номига муносиб бўлишга ёрдам беради.

Нақшбандиянинг Ҳирот жамоасини пиру устози, йирик мутафаккир, Ҳазрат Алишер Навоий устози Абдураҳмон Жомий «Ҳуш дар дам» тамойилини махсус ўрганиб алоҳида рисола ёзган. Унинг «Рисола дар маънии ҳуш дар дам» – «Ҳуш дар дам маъноси ҳақида рисола» асарида шундай фикр мавжуд:

Туро як панд бас аст дар ду олам,
Ки аз жонат наояд бе Худо дам.
Агар ту пос дори поси анфос,
Ба султони расонандат аз он пос.
Мазмуни:
Сенга икки олам учун бир ўгит етарлидир,
Жонингдан Тангрисиз бир дам ҳам чиқмасин
Агар сен нафасларингни қўриқлай олсанг,
Бу қўриқлаш сени султонлик даражасига етказади.

Бу назмий парчадан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотида икки олам саодатига етиш учун инсоннинг ҳар бир дами, яъни нафас олиш ти-

зими Оллоҳдан огоҳлик билан ўтиши лозим. Инсон ақлу ҳушини сафарбар этиб тор доирадаги боғланишлар – дунё, мол-мулк, мансаб ва шу каби нафс истакларидан узилиб, Оллоҳга боғланиши, яъни бутун борлиқ миқёсида кенг мушоҳада этиши лозим. Чунки тор доирадаги боғланишлар инсонни ғафлатга туширади. Натижада одам инсон сифатида ўлади ва одамбашара ҳайвонга айланади. Аслида инсон ҳар дамда бутун олам, бутун коинот томонидан унга берилаётган неъматларни англаб, унинг шукронасини бажо келтириши лозим. Агар инсон ҳар бир дамини ҳифзу ҳимояга олиб, уни ғафлатдан сақласа, баркамол инсон даражасига етади ва тўлақонли ҳаёт кечиради.

Абдураҳмон Жомий инсон ўз умрининг ҳар бир нафасини огоҳлик билин ўтказиши лозимлигини кўп маротаба таъкидлаган. «Рисолаи Мавлави Жомий» – «Мавлави Жомий рисоласи» асарининг бошида қуйидаги ўгит мавжуд:

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,
Ин умри гироми ба хасорат магузор.
Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,
Медор нуҳуфта чашми дил жониби Ёр.
Мазмуни:
Эй биродар, давлатнинг бош ипини қўлга ол,
Бу қимматли умрингни ёмонликка қўймагин.
Доим, ҳамма ерда, ҳамма билан, ҳар ҳолатда,
Қалб кўзингни Ёрга томон яширин сақлагин.

Абдураҳмон Жомий давлатнинг бош ипи ва асоси инсон ўз умрини қадрини билишида ва уни эзгулик билан ўтказишида деб таъкидлаяпти. Бунинг учун эса инсон умрини мудом, барча ҳолатда огоҳлик билан ўтказиши керак. Нақшбандия таълимотининг «Даст ба кору, дил ба Ёр», ёки «Даст ба кору, тан дар бозор, дил ба Ёр, мадад аз Парвардигор» шиори ҳам шу мазмунни акс этади.

Нақшбандиянинг муҳим манбаларидан бўлган «Рисолаи ҳазрати Азизон» асарида нафасни сақлаш инсон умрининг ҳар дамини мазмунли ўтказишга ёрдам бериши қуйидаги мисраларда баён этилган:

Нафас мурғи муқайяд дар дарун аст,
Нигаҳ дораш, ки хуш мурғест дамсоз.
Зи пояш банд максил то напаррат,
Ки натавони гирифтан баъди парвоз.
Мазмуни:
Нафас ичга кирган бир қуш каби,
У хуш дам ясовчидир, уни асра.
Унинг оёғидан боғла, то ки учиб кетмасин,
Учиб кетганидан кейин уни ушлай олмайсан.

Мисралар мазмунидан маълум бўладики, умрнинг ҳар бир дамини мазмун-моҳиятли бўлиши, абадиятга боғланиши учун ичга кирган нафасни онгу шуур, фаҳму фаросат билан сақлаш лозим экан. Буюк мутафаккир Алишер Навоий онгли ҳар бир нафас, дам инсон ҳаётини турли офатлардан сақлашини ўзининг «Қаноат накшининг ифшоси ва Нақшбандия тариқатининг адоси» қитъасида шундай тавсиф этган:

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.

Онгли нафас, бобокалонимиз Алишер Навоий таъкидлаганидек, камолотга ёрдам бериб, инсон ҳаётини турли офатлар: бемаҳал ўлим, ёмон касалликлар, гиёҳвандлик, оммавий ахборот, турли диний экстремистик ва террористик гуруҳларнинг тазйиқидан ҳимоя этувчи кучли иммун тизим экан. Шунинг учун ҳар бир нафасни асраш лозим деб Алишер Навоий шундай ёзган:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам -бу дамдир, дам – бу дамдир, дам бу дам.

Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаси Маҳдуми Аҳзам «Тўрт калима ҳақида рисола» асарида «Ҳуш дар дам» тамойилининг зоҳирий ва ботиний мазмун-моҳиятини очиб берган. Унинг фикрича, зоҳиран «Ҳуш дар дам» дегани замондан хабардорлик, нафасни ҳибс қилиш ва у билан бошқа нафаслар ўртасидаги талаб-истакларини кўра билиш, токи улар дилга кириб жойлашиб олмасин. «Ҳуш дар дам»нинг ботиний маъноси эса оддий ҳозирлик ва огоҳ бўлиш эмас, одамнинг нафасидирки, у доимо тирик умр кечиришидан иборатдир. Ҳозирлик ва огоҳликни ўз нафасинг билан бир қилиб юборишдир. Бу ҳолат, Маҳдуми Аъзам фикрича, инсон қалбини дурга айлантириб вужудини илоҳий даражага поклайди.

Нақшбандийларнинг ҳаётга оид фикрларидан маълум бўладики, асосий эътибор нафасни сақлаш, нафаслар орасидаги вақтни ҳимоя этиш экан. Нафасларни ичда сақлаш пайтида инсон ботиний ҳаракат қилади. Бу вақтда у онгу шуури, ақлу идроки, фаҳму фаросатини сафарбар этиб, оламнинг асл моҳияти, ҳақиқатни мушоҳада, муроқаба қилиб ҳаққа томон юзланади, таважжуҳ этади. Бу вақтда ботинидаги ҳолатни муҳосаба этиб, ёмон иллатлардан қутулиб, покланади. Натижада инсон вужуди ва руҳи илоҳий сифатларни олиб, уларни тажаллий этади.

Умумий хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

• Нақшбандия таълимотида ҳаёт нафаслар тизимидан иборатдир.

• Бир нафас олиш тизими инсон ҳаётининг бир дамини ташкил этади. Бир дам нафас олиш, нафасни сақлаш, нафасни чиқариш ва янги нафас олишга тайёрланиш лаҳзаларини ўз ичига олади.

• Нафас олиш бутун тирик мавжудотлар учун хосдир. Инсоннинг нафас олиш жараёни нақшбандийлар фикрича, ақлу ҳуш назорати остида шукроналик билан ўтиши лозим.

• Нақшбандийлар фикрича, нафас олиш ва нафас чиқариш орасидаги вақтда нафасларни ичда сақлаш ҳаётни бардавомийлиги учун энг муҳим лаҳзалардир.

• Онгли нафас олиш ва нафасларни ҳимоя этиш инсон вужуди, ақлий жараёни ва руҳиятига таъсир этиб, уни ҳақиқий инсон бўлишига ёрдам беради.

• Онгли нафаслардан тузилган дам инсон ҳаётини барча иллатлардан сақловчи кучли иммун тизимдир.

## 2. «Аврод» рисоласи

Нақшбандга оид маълумотларда: «Ҳазрат Хожанинг «Ҳаётнома» манзумаси ва «Далил ул ошиқийн» унвонила тасаввуфга доир бир китоби бордир»[168] деб ёзилган. Шунингдек: «Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»идан (таъкид бизники Г.Н.) ва халифаси Порсо тарафидан ёзилган «Рисолаи қудсия» ва бошқа таржимаи ҳол билан боғлиқ манбалардан ташқари ҳеч қандай асарлари учрамаяпти»[169] деган маълумот мавжуд.

Тадқиқотларимиз давомида Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган «Аврод» номли рисола мавжудлигини аниқладик[170]. 1959 йилда Истанбулда нашр этилган «Ислом энциклопедияси»нинг 9 жилдида Таҳсин Ёзувчининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги моқоласи берилган. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари борлиги ёзилган.

Москвадаги «Наука» нашриёти собиқ шўролар иттифоқи Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги қисқа каталогини Холидов А.Б. редакторлиги остида икки қисмда 1986 йил «Арабские рукописи института Востоковедения Академии Наук СССР» номи билан нашр этган. Бу асарнинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В 3829 ва А 1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорийнинг (вафоти 791/1389) «Аврод» номли асари сақланаётганлиги кўрсатилган[171]. Асар номи зикр этилгандан кейин А.Б.Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, Баҳоуддин Нақшбанд исмини ёзган. Бу билан «Аврод»нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» асарининг В3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 75б-89а варақларида сақланган. Бу нусха ҳижрий

---

[168] Шамсуддин Сомий.Қомус- ал-аълам. – Истанбул:1312ҳ.й.Т. 2.412-б.

[169] Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд/Ислом энциклопедияси. Истанбул: 1954.9-жилд.53-б.

[170] Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019.112-б.

[171] Арабские рукописи института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог/ Под ред. А.Б. Холидов. -Москва: Наука,1986. -Ч.1.С.174.

1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйида кўчирилган. Авроднинг А1539 шифрли нусхаси 25б-44а варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда. Библиографик каталогда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» номли асари ҳақидаги қайд мавжуд.

Тадқиқотлар натижасида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» номли рисоласига ёзилган шарҳлар борлигини аниқладик. Баҳоуддин Нақшбанд асарининг тўла мазмун ва моҳиятини очишга ёрдам берадиган биринчи ёзилган шарҳ XV асрда яшаган Али ибн Аҳмад ал-Ғурийнинг «Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод» («Ал-Аврод» шарҳи-ибодат аҳли учун хазина») асаридир[172]. Ғурий ўз даврининг машҳур шарҳловчи олими бўлган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»и билан бирга Суҳравардия тариқатининг асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас-Суҳравардий (ваф.632/1234)нинг «Аврод»ига ҳам шарҳ ёзган. Бу манбадан маълум бўладики, Муҳаммад Ғаззолий, Абдулқодир Гийлоний, Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, Муҳйиддин ибн Арабий, Али Ҳамадоний каби машҳур шайхларнинг ҳам «Аврод» асарлари бўлган ва уларнинг нусхалари ҳозирги кунгача сақланган.

Али ибн Аҳмад ал-Ғурийнинг «Аврод» асарига ёзган шарҳининг қўлёзма нусхасини Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 2393/1 шифри остида сақланаётган нусхасини аниқлаб, уни таҳлил этиш бахтига мушарраф бўлдик. Бу нусха зулқаъда ойининг 18 кунида 864 ҳижрий йил, 4 сентябр 1460 милодий йилда ёзилган. Баҳоуддин Нақшбанд 1389 йилда вафот этганлигини инобатга олсак, у кишининг вафотларидан 71 йил ўтгандан кейин Абул Кабир ибн Носир... Ибн Абу Бакр Рофеъи томонидан шарҳнинг қўлёзмаси кўчирилган. Демак, асарнинг қўлёзмасини кўчирган йили 1460 йил санасига тўғри келса, шарҳни ўзи олдинроқ ёзилган экан. Бу шуни кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари Нақшбандия шайхлари орасида анча машҳур бўлиб, уни шарҳлашга талаб вужудга келган.

Али ибн Аҳмад ал-Ғурийнинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал-Аврод» асари Баҳоуддин Нақшбанд қаламига мансуб «Аврод» рисоласига ёзилган биринчи шарҳ бўлганлиги ва қўлёзманинг фақатгина бир нусхаси қолганлиги сабабли уни нодир асарлар рўйхатига киритиш мумкин. Бу қўлёзма 389 варақдан иборат. Бу манбани тўла таржима этиб шарҳлаш Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини моҳиятини очишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» асарига ёзилган шарҳлардан яна бирини бизларга Бухоро шаҳридаги Пири Дастгир масжидининг имом -хатиби

[172] Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод:Қўлёзма.ЎзФАШИ,инв.№2393 /1.464 ҳ.й.386 в.

Жонмуҳаммад Гулов лутф қилиб ўқиш учун бердилар. Бу шарҳ «Ал-ижобатул Раббония ли шарҳи ва манофиъ ул Вирди Нақшбанди ли Шайх ал-Акбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал-Увайсий ал-Бухорий ан-Нақшбанд» («Шайхи Акбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Ҳусайний Ҳасаний Увайсий Бухорий Нақшбанднинг «Вирди Нақшбанд»и фойдалари ва шарҳига Парвардигорнинг ижобати») деб номланади[173]. Рисоланинг 4-19-бетларида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вирди Кабир»и ёзилган бўлиб, бу асар ҳақида ва ундаги асосий тушунчалар шарҳини фозил аллома, ҳақиқатда комиллик даражасига етган, қудватул орифийн, муршидус соликин, суннат осорларини яқин нурлари билан тирилтирувчи Мавлоно Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилий (ваф.ҳижр.1332 йилнинг раббиул аввал ойининг ўн иккинчиси) томонидан ёзилган. Бу асар Қоҳирадаги «Саодат» матбаасида нашр этилган.

Рисоланинг биринчи фасли «Фасл ли фазоили дуо» деб номланган бўлиб, унда Муҳаммад Амин бу шарҳни ёзишдан мақсадини баён этган. Муаллифнинг ёзишича, бу шарҳ Мисрдаги Нақшбандия тариқати аҳли учун ёзилган. Рисолада Баҳоуддин Нақшбанд вирди ҳақида: «Сақловчиларнинг аъзами бўлган, маърифатнинг банду басти, шариф ҳасаб насабнинг соҳиби Саййид Шайх Муҳаммад Баҳоуддин муридлар учун вирдлар таълиф қилдилар»[174], деб таъкидланган. Бу сўздан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд муридлар учун бир эмас, балки кўп вирдлар ёзган экан. Таълиф этган деб таъкидланиши вирдларнинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини кўрсатади.

Шарҳнинг биринчи фаслида бу вирдларни ёзишдан Баҳоуддин Нақшбанднинг мақсади қуйидагича эканлиги кўрсатилган: «Бу вирдларни муридларга шунинг учун ёздиларки, то уларнинг қалблари Аллоҳга жазм бўлсин, то уларни бошқа ишлар билан бўлишдан сақласинлар». Муҳаммад Амин ёзадики, Баҳоуддин Нақшбанд «Таълиф этганларнинг энг яхшиси бу «Вирди Кабир» бўлиб, уни «Вирди Нақшбанд» деб номлаганлар».

Муҳаммад Аминнинг Баҳоуддин Нақшбанд «Вирди Кабир»ига ёзган шарҳлар қисқа ва аниқдир. Шарҳлар «Вирди Кабир»нинг ҳар бир бети пастида берилган. Жами 188 сўз ва сўзлар бирикмасига шарҳлар ёзилган. Булар вирднинг моҳиятини очишга ёрдам беради.

Ислом энциклопедиясида Таҳсин Ёзувчи Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»ига Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим ал-Турнавий ва Муҳаммад

[173] Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал -ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо – уд – дин ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал-Увайсий ал-Бухори Нақшбанд. Қоҳира:«Саодат»,1322.ҳ.й.25-б.

[174] Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал -ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо – уд – дин ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал-Увайсий ал-Бухори Нақшбанд. Қоҳира:«Саодат»,1322.ҳ.й.3-б.

бин Мустафо ал-Ходимий тарафларидан ёзилган иккита шарҳ борлигини айтган. «Авроди»га тўртта шарҳ ёзилганлигининг ўзи бу асарнинг Нақшбандия тариқати аҳли учун нақадар керакли ва катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Авроди» асарини нашр этишига ҳам имконлар туғилди. 2018 йил «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси Жалолиддин Нуриддинов томонидан тайёрланган «Авроди Нақшбандия» 28 бетли рисоласини нашр этди[175]. Жалолиддин Нуриддинов берган маълумотларга асослансак, «Авроди Нақшбандия»нинг асл нусхаси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги нақшбандлар жамоасидан олинган. Рисоланинг 12-27-бетларида «Авроди Нақшбандия» араб тилида берилган. У Туркиядаги нашр этилган нусха асосида чоп этилган. Истанбулдан олинган асл нусха Нуриддинов Жалолиддиннинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Унда араб тилида 28 та изоҳ ва шарҳлар ҳам берилган. Изоҳ ва луғатлар муаллифи Нуриддинов Жалолиддиннинг ўзлари. Рисоланинг сўз бошида ушбу рисолада Нақшбандия сулуки асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳнинг нафақат юртимизда, балки мусулмон оламида асрлар оша мунтазам равишда ўқиб келинган вирд (авроди)ларининг кенг тарқалган матни тақдим этилмоқда, деб ёзилган. Шунингдек сўз бошида вирдлар асосан нафл ибодатлар қаторидан ўрин олганлиги, улар сўфийлар ва умуман мусулмонларнинг руҳларини поклашга, маънавий юксалишларига хизмат қилганликлари қайд этилган. Рисоланинг сўз бошида таъкидланишича, бизнинг давримизда ҳам бой диний меросимизни тиклаш ва ҳозирги авлодга етказишда «Авроди Нақшбандия» рисоласи муҳим ўрин тутади.

Интернетда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Авроди» рисоласини турк ва араб нусхаларини хам топиш бизга насиб этди. «Evrad-i Bahaiyye» номи билан турк тилида «Авроди» чиққан. Шунингдек «Evrad-i Bahaiyye arapcha yazilisi» 9 бетлик араб тилидаги матн ҳам берилган. Бу ҳақида интернетдаги https://www.kerimusta.com/evrad-i -bahaiyye/ сайтида маълумот берилган[176].

Баҳоуддин Нақшбанднинг рисолаларининг номи «Авроди», яъни вирдлар маъносини англатувчи асардир. «Вирд» арабча сўз бўлиб, «Тарк этмай доим бажариб турадиган вазифа» деган маънони англатади[177]. Айни замонда «Вирд»нинг тасаввуфий маъноси ҳам бор: шайх ва муридларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, салавот каби мажбуриятларни ўз ичига олган. «Вирд» тушунчаси «дуо» тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Тангри ризолиги

[175] Нуриддинов.Ж. Авроди Нақшбандия.Т.: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. 29-б.

[176] «Evrad-i Bahaiyye arapcha yazilisi» https://www.kerimusta.com/evrad-i -bahaiyye/

[177] Тримингэм.Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М.: Наука,1989.С.287.

учун юклатилган вазифаларни бажаришдан иборат. Шунинг учун библиографик мазмунидаги асарларда дуолар ва вирдларни алоҳида гуруҳларга бўлиб тартибга келтирганлар. «Арабча – русча қомус»да вирд сўзи «манба, сарчашма деб таржима қилинган. Ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар.

Жалолиддин Нуриддинов «Авроди Нақшбандия» рисоласининг муқаддимасида «аврод» тушунчасига шундай таъриф берган: «Аврод»- раббоний илмга эришиш, ҳақиқатга етишишнинг йўллари, илоҳий файзни қабул қилиш воситалари, умуман, инсон ҳақида таълим берувчи тасаввуфий қўлланмадир»[178], «Аврод» рисоласида Нақшбандия йўлини танлаган кишиларнинг узлуксиз бажариб юриши керак бўлган вазифалар хусусида сўз юритилган. Унда сўфийнинг ўз маънавий ҳолини яшириши, шуҳрат ва риёдан қочиши зарурлиги таъкидланган. Осойишта яшаш йўли, мулойим табиатли ва раҳмдил бўлиш, илм исташ ва ўрганиш, иллатлардан узоқда бўлиш ўгитлари берилган. Шунинг учун комиллик, фасоҳат, баркамол авлод тарбияси, қалб поклиги каби фазилатларни ўрганиш ва ҳаётда тадбиқ этишда бу рисоланинг аҳамияти катта.

Қўлимизда мавжуд бўлган Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласи билан бу икки нусхани қиёсий таҳлил этдик. Айрим фарқлардан ташқари умумий мазмун ўхшайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласининг қўлёзма нусхаси ҳажман ўн беш варақдан иборат, мўъжаз, лекин пурмаъно бўлган асардир. «Аврод» Аллоҳга ҳамду санолар билан бошланади. Унда Аллоҳнинг ҳар бир исми ва унинг моҳияти тавсифланиб, айниқса, Унинг поклигига урғу берилган. Инсоннинг Парвардигор томондан яратилганлигини ва Унинг буюк қудрат соҳиби эканлигини ҳис этиши лозимлиги таъкидланиб, қуйидагича ниёзмандлик билан муножот қилинган:

«Ё Аллоҳ, ўз илмингдан бизларга ўргатгин! Бизларга ўзингни фаҳмлашга қобилият бер! Ўзингни эшиттир ва ёрдам қалқонинг билан бизни ўраб ол![179]» «Аврод»даги бу муножотдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳга ҳамду санолар ўқиб, Ундан ладуний илмни ўргатишини ва Уни фаҳмлаш учун қобилият беришини сўрайдилар. Маълум бўладики, тасаввуф аҳли ва нақшбандлар учун энг олий қадрият илм экан. Бу илмнинг энг юксак даражаси илоҳий, яъни ладуний илм бўлиб, уни фаҳмлаш жуда мураккаб жараён экан. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин тазарру билан Аллоҳдан унинг илмини фаҳмлашга қобилият ва унинг овозини эшитиш

[178] Нуриддинов.Ж. Авроди Нақшбандия.Т.: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. -Б. 4.

[179] Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019. -Б.53.

учун куч-қувват беришини ҳамда бу йўлда уни ёрдам қалқони билан ўраб олишни илтижо қилганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд яна шундай муножот этганлар:

«Ё Аллоҳ, бизни шукрингни адо этгувчи қил! Сени зикр этгувчилардан қил! Сенинг тақводоринг қил! Бизни сердуо ва гуноҳдан қайтадиган қил! Ўзингга итоат қилувчилардан, тоатли, мутавозеъ – камтаринлардан қил! Биз Сенга қайтувчилармиз!

Ё Аллоҳ, қабул эт тавбамизни! Гуноҳлардан бизни пок айлагин. Ижобат эт дуоларимизни! Сўзларимизни тўғри рост қил(беҳуда сўзлардан асра)![180]»

«Авров»даги бу муножотлардан маълум бўладики, инсон камолотига ёрдам берувчи ва уни илоҳий сифатларни эгаллашига олиб келувчи фазилатлар шукроналик, Аллоҳни тили ва дилида доимий такрорлаш, тақводорлик, Аллоҳга итоаткор ва камтарин ҳолатда бўлиш экан. Бунинг учун инсон тавба мақомига кириши ва гуноҳлардан пок бўлиши зарур. Шундагина дуоларнинг ижобатини Аллоҳдан сўраш жоиз.

Баҳоуддин Нақшбанд «Авров» асарининг таржима ва таҳлилидан маълум бўладики, у бутун борлиқ ягона илоҳий асосга эга бўлган икки оламдан иборат деган. Бу оламларнинг бири «Амр», иккинчиси «Халқ» деб номланади. «Амр»-Тангрининг амри билан яратилган бирламчи, абадий ва асосий олам, «Халқ» шу Амр оламининг тадрижий ривожланиши натижасида вужудга келган мавжудотлар оламидир. Иккинчи оламнинг асли Амр олами бўлиб у ўзгарувчан ва фонийдир. Шу билан бирга Баҳоуддин жами борлиқни «Ғайб» ва «Шаҳодат» оламларига ажратади. «Ғайб» бизга кўринмайдиган фариштaлар, жинлар ва бошқа илоҳий қувватлар олами. «Шаҳодат» биз гувоҳ бўлиб турган зоҳирий олам. Баҳоуддин фикрича, «Шаҳодат» оламини инсон ўз ҳиссиётлари ва ақли орқали ўрганиши мумкин. Аммо Тангри ўзи истаган кишигагина ғайб олами сир-асрорини ўрганиши учун ладуний – ўз олдидаги билимларидан бериши мумкин.

«Тангри истаганини ўз қудрати билан қилади, хоҳлаганини ўз изми билан ҳукм қилади. У шундай зотки, Халқ уникидир, Амр уникидир. У бутун оламларнинг муқаддас Парвардигори» -дейилган. Бу таълимотда Амр олами – Тангрининг Амри ила ҳар нарсани таъминлайдиган оламдир. Бу асарда бутун оламнинг икки ҳарфдан пайдо бўлиши, барча нарсаларни жуфт қилиб яратганига ҳам ишоратдир, чунки илоҳий амр барча нарсаларнинг сабабидир, шунинг учун бу икки ҳарфдан иборат бўлган амр бутун яратилганларнинг жуфтлигидан далолатдир, деб ёзилади.

Баҳоуддин Нақшбанд «Авров» асарида инсоннинг «шариф», яъни мавжудотлар ичида энг мукаммал қилиб яратилганлиги ҳақида ёзади. Асарда

[180] Баҳоуддин Нақшбанд. Авров. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019. -Б.55.

Қуръони Каримдаги Тангри Одамни яратар экан барча фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, зеро, У инсонни ўзининг ердаги халифаси, яъни ўринбосари сифатида яратгани ҳақидаги оятларининг моҳиятини очади. Демак, Баҳоуддин фикрича, инсон бу оламдаги ўз ўрни, асл моҳиятини билиши лозим. Инсон Тангрининг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат ва исмларини ўзлаштириб, куч-қудратини намойиш этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун борлиқни ўзида акс эттирган мукаммал зот эканлиги ва бу камолот даражасига етмоқ учун Тангрининг олий, пок, куч-қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади.

Баҳоуддин Нақшбанд инсонни Тангри яратганини ва у бутун борлиқдаги энг мукаммал мавжудот эканлигини тан олади. «Сен менинг парвардигоримсан, мени халқ қилгансан», деб таъкидлайди Баҳоуддин. У бу иборалар билан инсон Тангри амри билан яратилганлигини, таъкидламоқда. Бу билан инсоннинг асли, яратувчиси, парвардигори Тангри эканлигини кўрсатиб, унинг илоҳий хусусиятга эга эканлигини айтмоқда. «(Эй, Тангри) Сен ўз қўлинг билан бизни яратдинг, парвариш этдинг ва барча касрат – кўплик орасида бизни энг юксакликда қўйдинг»[181], – деб Баҳоуддин Тангри томонидан яралган нарсаларнинг барчасидан инсон мукаммал ва юксакликда турганлигини уқтирмоқда.

«... Бизни энг юксакликда қўйдинг» – ибораси билан Ҳазрат Баҳоуддин инсонни Тангри халқ қилган, яъни яратгани ва инсон бутун мавжудотлар – фаришта, ҳайвон, ўсимлик ва бошқалар ичида энг мукаммал бўлганлиги ва шунинг учун ҳам илоҳий сифатларни эгаллай олишини эътироф этади. Баҳоуддин бу ибора билан инсонни Тангрининг ердаги халифаси эканлигини айтади. У доимо шу номга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Баҳоуддиннинг фикрига кўра, инсон икки нарсадан таркиб топгандир. Биринчиси – жисм бўлиб, у Халқ оламидандир. У мавжудотнинг зоҳири-шакли, кўринишидир. У маконда мавжуд. Унинг озиғи ҳам шу Халқ оламидандир. Иккинчиси руҳ бўлиб, у Амр оламидандир. У мавжудотнинг ботинидир. Унинг ҳади йўқ ва озуқаси ҳам ўша оламдандир.

«Канз ал ибод» даги шарҳлар гувоҳлик берадики, Баҳоуддин Нақшбанд «Авродˮ асарида эътибор берган масалалардан бири руҳ ва нафс тушунчаларидир. Буларни изоҳлашда Баҳоуддин латиф ва касиф тушунчаларини қўллаган. У руҳнинг латифлиги ва нафснинг касифлигини таъкидлаб, руҳнинг Амр олами билан ва нафсни Халқ олами билан боғлиқлигини айтган.

Баҳоуддин инсон қалби, вужудини покланиши учун Аллоҳдан муножот қилиб қуйидагиларни сўрайди:

---

[181] Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019. -Б.49.

«Нафрат, ёмон кўришни юрагимиздан узоқлаштиргин, кина, фасод, ғазабни қалбимиздан арит! Улар қалб ҳижобларидир!» Ҳижоб банда ва Аллоҳ ўртасидаги тўсиқлар бўлиб, инсон камолоти йўлида унга азият берадиган иллатлардир. Баҳоуддин фикрича, нафрат, ёмон кўриш, кина, фасод ва ғазаб қалбнинг ҳижоблари экан. Чунки улар қалбни қорайтиради ва уни беҳузур қилади. Бу иллатлар инсонни Аллоҳдан узоқлаштиради. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин муножот қилиб Аллоҳдан сўрайдилар:

«Ё Аллоҳим! Сендан жуда кўп узоқлашишдан паноҳ сўрайман. Инкор этишдан ва эсдан чиқариб қўйишдан (паноҳ сўрайман). Шайтон васвасаси ва ожиз бўлишдан (паноҳ сўрайман). Ҳалок этувчи ишлардан (паноҳ ўрайман)».

Баҳоуддин бандани Аллоҳдан узоқ бўлишига олиб келувчи энг катта иллат кибр эканлигини англаб шундай муножот қилади:

«Ё Аллоҳ! Сенинг олдингда камтарин бўлиш-хушуъни бўлиб бер! Бизни гуноҳлардан ўзинг асра! Бизга Ўзингга итоатли бўлишни ато эт!» Шунингдек Баҳоуддин «Яқинни бизга бер!» деб шак-шубҳасиз, ҳеч қандай гумонсиз Аллоҳга ишониш илмини беришни сўрайди. Чунки бу илм дунё ва охират мусибатларини кеткизади. Яна Баҳоуддин: «Бизни эшитиш, кўриш ва қувват билан насибадор қил!» деб Аллоҳдан сўрайди. Шунингдек, Аллоҳдан раҳмат нурларини сўраб, «Одамларни бир-бирларига нисбатан иттифоқ этгин!», деб илтижо этади ва қуйидагича муножот қилади:

Қулоқларимизни пурнур қил!
Кўзларимизни пурнур қил!
Қабрларимизни пурнур қил!
Қалбларимизни пурнур қил!
Бутун сезги аъзоларимизни пурнур қил!
Эшитиш нурини бер!
Бизни келажагимизни пурнур қил!

Парвардигорим, бизга фойдали илм, камоли ҳалимлик ва ёруғ равшан нур бер![182]»... «Сен бизларни гўзал ахлоққа ҳидоят эт! Сендан ўзга ҳеч ким бизларни гўзалликка ҳидоят эта олмайди!».

Аллоҳни улуғлаб, Унга жуда кўп ҳамду санолар айтиб, рисоланинг охирида Баҳоуддин Нақшбанд шундай илтижо қиладилар:

«Бизга инсоний хислатларни ато қил!

Бизнинг руҳимизни фаришталаринг билан олий даражага кўтаргин!

Ё ҳол ва қувватларни ўзгартира оладиган зот! Бизнинг ҳолимизни яхшиликка томон ўзгартир![183]».

---

[182] Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019. -Б.55.

[183] Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (тўлдирилган қайта нашр).Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н.Наврўзова.Т.: «Sano-standart», 2019. -Б.65.

Бу муножотдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд бани башарни ҳақиқий инсон бўлишини жуда-жуда истаганлар ва Тангридан барчага соф инсоний хислатларни ато қилишини сўраганлар. Комил инсон, яъни илоҳий фазилатли инсоннинг руҳи олий даражада кўтарилишини англаб, инсониятнинг руҳини фаришталари билан олий мақомга кўтаришни сўраганлар. Комил инсоннинг ҳоли илоҳий сифатда бўлганлиги учун барчанинг ҳолини яхшиликга томон ўзгартиришни илтижо этганлар.

Умумий қилиб айтганда юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосалар чиқади:

1. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан «АвроД» номли рисола ёзма мерос сифатида сақланган. Бу асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд.

2. Мазкур асар «АвроД», «Ал-Аврод ал-Баҳоия», «Вирди Нақшбанд», «Вирди Кабир» ва «Авроди Нақшбандия» номлари билан манбаларда тилга олинган ва ҳозирги кунгача Нақшбандия тариқати аҳли орасида маълум ва машҳур.

3. «АвроД»га ёзилган тўртта шарҳ ҳақида маълумот бор. Бу асарга ёзилган биринчи ва энг мукаммал шарҳ Али бин Аҳмад ал-Ғурийнинг «Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод» асари бўлиб, у нодир қўлёзма сифатида сақланган. Бу манбани таржима ва таҳлил этиш тасаввуф илмини камолотига ёрдам беради.

4. Мавлоно Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилий томонидан «Вирди Нақшбанд»га ёзилган шарҳнинг мавжудлиги ҳозирги кунгача тариқат аҳли орасида «АвроД» асарини ўрганишга талаб борлигидан далолат беради.

5. «АвроД» асарининг матни ва унга ёзилган шарҳларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу манба инсонни камолотига ёрдам берувчи, уни олий илмга эришиш ва ҳақиқатга етишиш йўлларини, илоҳий файзни қабул қилиш воситалари билан таништирувчи тасаввуфий муҳим қўлланмадир.

### 3. Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли каломлари

Баҳоуддин Нақшбанддан сақланган маънавий меросининг муҳим қисми у кишининг айтган хикматли сўзларидир. Бу ҳақда Салоҳиддин ибн Муборакнинг «Анис ат-толибин ва уддат ус-соликин», Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» ва Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асарларида ёзилган. Бу асарларнинг таҳлили натижасида аниқладикки, маноқиб ва мақомотда алоҳида «Он Ҳазратнинг анфоси қудсиялари» сарлавҳаси остида Баҳоуддин Нақшбанднинг 155 тадан кўп каломлари келтирилган. Асарларнинг қолган қисмларида 45 та саволларга жавоб ёки шогирдларга қарата айтилган сўзлари бор. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида у киши

айтганлар деб, 33 та каломлари ёзилган, шарҳланган ва таҳлил этилган. Яъқуби Чархий ўзининг асарида ўндан ортиқ устозининг ўгитларини келтирган. Бу асарлардаги баъзи ғоялар такрор бўлсада умумий ҳисобда 230 дан кўп Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларини манбаларда учратдик. Кейинги даврда ёзилган мақомот, маноқиб, тазкира ва рисолаларда шу юқоридаги манбаларда учрайдиган Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрлари келтирилган.

Барча манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзлари қудсий калом сифатида тавсифланган. Қудсий дегани пок, муқаддас сўздир. Демак, Баҳоддин Нақшбанд айтган сўзлар илоҳий мазмун-моҳиятни акс эттирувчи каломлардир. Бунга сабаб Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг энг юксак даражасида камол топган улуғ зот бўлганлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Тасаввуф ҳақида тасаввур» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида шундай ёзганлар: «Кўп йиллик меҳнат, тақво, ҳаракат ва қурбат натижаси ўлароқ, Аллоҳ таоло хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига тўрт буюк қутблардан бири бўлиш шарафини насиб қилди». Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Шайх Абдулқодир Желоний, Саййид Аҳмад Рифоъий, Сайид Аҳмад Бадавийлар билан бирга бутун борлиқни асосий таянчи бўлган тўрт қутбдан бири эканлар. Ҳозирги кунда ҳам дунё бўйлаб энг кенг тарқалган тариқатлар худди шу тўрт зотнинг номларини олган тариқатлардир, дейди Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

Баҳоуддин Нақшбанд айтган ҳар бир сўзлари илоҳий калом тажаллийсининг нур сочишидан бўлиб, бу сўзларнинг таъсир қуввати, кўлами, микёсини сўз билан тавсифлаш қийин. Чунки у киши комил инсон бўлиш даражасидаги улуғворликлари туфайли Аллоҳ изни билан муборак нафаслари фалакни уйғун сақлай олган. Нақшбанднинг сўзлари толибларнинг интилишига қувват беради ва ҳимматини мустаҳкамлайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг сўзлари қол, яъни сўзлашув натижасида эмас, балки завқ ва ҳол натижасидир. Шунинг учун ҳам улар илоҳий кувватга эга.

Баҳоуддин Нақшбанд айтган ҳикматли каломларни мазмун-моҳиятига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Инсонни ўзлигини англашга ёрдам берувчи каломлар.
2. Инсонпарварлик руҳидаги каломлар.
3. Меҳнатсеварликка ва мукаммал ҳаракатга ундовчи каломлар.
4.Одам яхши ҳамсуҳбат билан одам эканлигини англатувчи каломлар.
5. Маърифатли бўлишга бошловчи каломлар.
6. Бутун борлиққа муҳаббат ва меҳр-мурувватли бўлиш руҳида тарбияловчи каломлар.

### 3.1. Инсоннинг ўзлигини англашга ёрдам берувчи каломлар

Тасаввуф инсоншунослик, нафсшунослик илмидир. Тасаввуфда «Худшуноси Худошуноси аст», яъни «Ўзини, ўз нафсини таниган киши Худони ҳам танийди» деган асосий ғоя мавжуд. Демак, ҳар бир инсон ўзлиги, ўз ҳаёт мазмуни, ўз вужуди, яшаш мақсад ва моҳиятини англаганида Аллоҳнинг нақадар улуғ зот ҳамда буюк илму ҳикмат эгаси эканлигини англайди.

Баҳоуддин Нақшбанд каломларининг илоҳий қуввати шундаки, уларда инсонга мукаммал, бутун борлиқнинг гултожи, Аллоҳнинг ердаги халифаси сифатидаги улуғ зот, Аллоҳ омонатини қалбида жойлаштириб унга мувофиқ амал қиладиган илоҳий хилқат деб баҳо берилган. Баҳоуддин инсонга Аллоҳ томонидан берилган барча нарсалар, яъни вужуди, қалби, руҳини илоҳий ҳикмат ила яратилганлигини ва улардан меъёрида илоҳий ҳукмлар асосида фойдаланиш икки дунё саодатига етказишини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд каломларида тавсиф этилишича, вужуд шунчалик мукаммал яратилганки, уни илоҳий хазина деб баҳолаш мумкин.

Девори вужуди ту бувад ганжи гуҳар,
Ганж зоҳир шавад зи ту гар зи миён бархези.
Мазмуни:
Сенинг вужудинг гавҳар хазинасидир,
Сен ўртадан кетганингда хазина намоён бўлади.

Бу мисралар билан Баҳоуддин инсон вужудини Аллоҳ жуда пок қилиб яратганини таъкид этади. Инсон нафси амморага берилиб, шу пок вужудни ҳаром луқма ва ёмон иллатлар билан булғамаса, ифлос этмаса, яъни вужудини илоҳий сифатда сақлай олса, шунда ундаги гавҳарлар хазинаси, яъни Аллоҳнинг Жамолу Жалоли тажаллий этади. Бундай ғоя Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида ҳам келтирилган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрларича, инсон покиза фитратда яратилади. Аммо бу покиза фитратни инсон табиатидаги нафс истаклари асосида туғиладиган зулматлар ва башарий сифатлар ўзгартиради.

«Рисолаи қудсия» асарида Муҳаммад Порсо Баҳоуддиннинг шундай қудсий каломларини келтиради: «Халқнинг Ҳақдан узоқ тушганининг барча иллати шуки, улар ўзларини ўзлари узоқлаштирганлар ва ўз ихтиёрлари билан ўзларини юкини ўзлари кўпайтирганлар, ваҳоланки илоҳий файз келишида ҳеч қандай нуқсон йўқ» (65-бет). Бундан маълум бўладики, инсон фитрати жуда покизадир ва у илоҳий файзларни қабул қила олади. Лекин инсон ўз фитратини ўз ихтиёри билан ифлослантириб уни шундай улуғвор файздан маҳрум этади. Шунинг учун Баҳоуддин айтадилар: «Бандада ихти-

ёр ва истак сифати қанча камроқ бўлса, ўз башарийлик вужудини рад этиш шунча кўпроқ бўлади, бу рад этишдан Ҳақ Субҳанаҳу ва таолога нисбатан яқинлик зиёда бўлаверади». Шунинг учун айтадилар:

Қурби Ҳақ дурии туст аз буди хеш,
Бе зиёни худ наёби суди хеш.
Мазмуни:
Ҳаққа яқинлашиш ўзлигингдан узоқлашиш билан бўлади,
Ўзинга зиён келтирмай туриб, фойдангни тополмайсан.

Бу мисралар орқали Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз нафсига қарши бормай туриб, унинг вужуди илоҳий файзларни қабул қила олмайди демоқда. Баҳоуддин ихтиёр деганда нафс истаклари асосида вужудга келадиган хоҳишу истакларни назарга олмоқда. Шунинг учун таъкид этмоқдаки, «Ихтиёрни рад этиш миқдорига қараб, банда учун Ҳазрати Илоҳият билан тақдир тадбири борасида келишув кўпаяди ва бу билан у ризо ва саодат мақомига яқинлашади».

Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, «Йўлнинг боши шундайки, ёмон фикр соҳиби ўз кўнглидан ёмонликни иложи борича қувиши керак, то дил замини табиатнинг тикону хасларидан холи бўлсин ва унда зикр уруғини экишга тайёр бўлсин. Агар бир хил сифатдаги замима, яъни ёмон хислатдан ўзгаси бўлмаса, албатта, уни даф этишга қаттиқ киришсин». Бошқа жойда ҳам яна шундай таъкидлайдилар: «Бу йўлда юриш учун унга нима тўсиқ бўлса, уни йўлдан олиб ташласин. Чунки озод қалбсиз бу йўлдан юриб бўлмайди».

Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, ҳар бир инсон Тангри томонидан бир ҳикмат ила яратилган. Унинг фикрича, «Ҳар бир одам бир дарахтга ўхшайди, дарахт эса фойдасиз бўлмайди: ё мева беради (гарчи мевасининг мазаси ҳар хил бўлса ҳам), ёки унинг соясида ором оладилар, ёҳуд унинг чиройи ва тароватига боқиб баҳра оладилар». Шунинг учун ҳар бир инсон ўз вужудини тўғри англаб, уни илоҳий омонат деб, илмига амал қилганида камолотга етиши мумкин. Бу ишни амалга оширишга нафс тарбиясининг аҳамияти каттадир.

### 3.2. Инсонпарварлик руҳидаги каломлар

Баҳоуддин Нақшбанднинг каломлари инсонпарварлик руҳидадир. «Мақомот»да ёзилишича Баҳоуддиндан бир киши сўрайди: «Нега хизматкор ёлламайсиз?» Баҳоуддин жавоб берадилар: «Қуллик хожалик билан мос келмайди» ва қуйидаги икки байтни айтганлар:

На маро мафрашу на мафрашкаш,
На ғуломони турки тиркашкаш.
Ҳама шаб чун сагони каҳдони,
Сар ба дум оварам бихусбам хуш.
Мазмуни:
Менда на гилам бор, на гилам тозаловчи,
На турк ғуломию, на суянадиган киши.
Тунда мен ётурман ит каби мискин,
Бошимни думимла ўраганча шод.

Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларидан маълум бўладики, у киши бутун инсониятни Аллоҳнинг бандаси ҳисоблайдилар. Банда Аллоҳнинг қулидир. Қул қандай қилиб, бошқаларга хўжайин бўла олади?! Шунинг учун Баҳоуддин бировни қул қилиш, устидан ҳукумронлик қилиш, озор беришга мутлақо қарши бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг юқоридаги каломлари шундан далолат берадики, у киши инсоният жамиятида қуллик ва зўравонлик бўлишига мутлақо қарши чиққанлар. Баҳоуддин бутун инсониятни Одам Ато наслидан бўлганлиги учун улар бир-бири билан биродар деб таъкидлаганлар. Шунингдек барчамиз Иброҳим миллатидан деб миллатчилик ва миллий камситишга ҳам қарши бўлганлар. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг қуллик билан хожалик бир-бирига мос келмайди деган қудсий каломларини Абдраҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ўз асарларида ёзиб, уни таҳлил этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанддан: «Дарвешлик нима?» деб сўраганларида, ҳазрат қуйидагича жавоб берганлар: «Дарвешлик ташдан беранг яъни, рангсиз ва ичдан бежанг яъни, қарама қаршиликсиз, муросаю мадорада бўлишдир».

То дар ин ҳирқаем аз ҳеч кас мо,
Ҳам наранжему, ҳам наранжонем.
Мазмуни:
То шу дарвешлик ҳирқасида эканмиз биз,
Ҳеч кимдан ранжимаймиз ва ҳеч кимни ранжитмаймиз.

Баҳоуддин Нақшбанд дарвеш, яъни сўфийлар барча инсонларни миллати, элати, жинси, ирқи, ижтимоий мавқеидан қатъий назар Аллоҳнинг бандаси бўлганлиги учун уни эъзозлаши лозимлигини ва шу билан бир қаторда уларга озор бермаслик кераклигини таъкидламоқдалар.

Баҳоуддин Нақшбанд барча дарвешларга бу сўзни ёд олинглар деб, қуйидаги байтни кўп такрорлар эдилар:

Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори, гўй бурди аз миён.
Мазмуни:
Дунёдаги одамлар яхши кишиларни дўст тутадилар,
Агар сен ёмонларни ҳам яхши кўра олсанг, ўртадан адоватни олган бўласан, яъни ғалаба қиласан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу каломлари ҳам жамиятда барча инсонларни бир-бирига дўсту иттифоқ бўлишга чақиради. Бу калом ёмонларга қарши кураш эмас, уларни ёмон кўриш эмас, балки у ҳам инсон эканлигини англаб, унга хатосини тушуниши ва яхши кишилар қаторидан ўрин олишига ёрдам бериш лозимлигини таъкидлаганлар. Ёмонларга яхшилик қилган инсонни чавгон ўйинида гўй, яъни айлана коптокни олган ва ғалаба қилган киши билан тентлаштиради.

Нақл қилишларича, бир донишманд киши Баҳоуддин Нақшбанддан сўраган: «Силсилангиз қаерга боради?» Ҳазрат шундай жавоб берадилар: «Киши силсиладан ҳеч қаерга боролмайди». Бу каломлари билан Баҳоуддин инсон қайсидир силсилага кирганлиги билан улуғ эмас, балки инсонийлик фазилати билан улуғлигини таъкидламоқдалар. Бу калом билан инсонларни маълум табақа, насаб ва имтиёзли гуруҳларга мансуб бўлганлиги билан кибр қилмасликка чақирадилар. Агарда уларда эзгу инсонийликка хос фазилат бўлмаса, ундай киши ҳурматга лойиқ эмаслигини ва кибру ҳаво ҳамда ман-манлик қилмаслик лозимлигини айтганлар.

### 3.3. Меҳнатсеварликка ва мукаммал ҳаракатга ундовчи каломлар

Манбаларда ёзилишича, Ҳирот Шоҳи Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизда жаҳр, хилват ва самоъ борми?» Хожа «Йўқ» дедилар. Яна сўради: «Сизнинг тариқатингиз нимага асосланган?». Баҳоуддин Нақшбанд шундай жавоб бердилар: «Хилват дар анжуман, сафар дар Ватан ва зоҳирда халқ билан, аммо ботинда Ҳақ билан бўлиш ва ҳазрати Ҳақ Субҳанаҳу Қуръони Каримда: «На тижорат ва на савдо-сотиқ уларни Аллоҳнинг зикридан чалғита олмайди» дегани худди мана шу мақомга ишорадир». Шундан кейин Нақшбанднинг қуйидаги байтни айтганлари манбаларда ёзилган:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.
Мазмуни:
Ичдан, яъни ботинан, қалбан Аллоҳ билан ошно бўлу, ташқаридан буни кўрсатма. Яъни Аллоҳ қалбингда бўлсин.

Бундай гўзал равиш жаҳонда кам топилур.

Бу «Дил ба Ёр»ликни белгисидир. Бундай гўзал равиш ҳеч ерда топилмайди, деб Баҳоуддин тариқат аҳлини жамиятда меҳнат қилиб, тижорат, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқа касбу кор билан машғул бўлиб, яъни «Даст ба кор» бўлиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Баҳоуддин хилватни инкор этадилар. У киши тарки дунё қилганлар, бошқа одамларнинг садақаси билан яшайдиган сўфийларни танқид қилиб, ўз шогирдларига оила, қон-қариндош, қўни-қўшни, маҳалла, жамият ва Ватан олдидаги бурчини бажариб туриб, жамиятда қалбида Аллоҳ билан хилватда яшаш кераклигини таъкидлайдилар. Ҳазрати Баҳоуддиндан шундай байт сақланган:

Ҳосили дарё на ҳамин дур бувад,
Як ҳунар аз одами пур бувад.
Мазмуни:
Дарёнинг ҳосили фақат дур эмас,
Бир ҳунар билан одамийлик мукаммал.

Бу байт билан Баҳоуддин меҳнат қиладиган инсонни ўша дарёдаги дуру гавҳарлардан ҳам жуда устун қўймоқда.

Биз ўз тадқиқотларимиз давомида Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган ва фақатгина у кишига хос бўлган қуйидаги каломни учратдик: «Бу йўлдаги ҳақиқий талаб мукаммал ҳаракатдан иборат бўлиб, у бандани беқарор ва беором қилади». Бу калом Нақшбандия таълимотига хос бўлган меҳнатсеварликнинг тимсолидир. Баҳоуддин ҳақиқий инсон деганда иймонли, яъни қалбида Аллоҳ бўлган ва холис хизмат қиладиган ҳамда меҳнатсевар, доимий ҳаракат қиладиган, қўли доим ишда бўлган инсонни тушунади. Баҳоуддин фикрича, инсон зотидан Аллоҳ шу пайтда рози бўладики, унинг бутун вужуди Аллоҳдан огоҳ бўлиб, эзгу ният билан ҳаракат қилса, инсоннинг қалби, руҳи ва вужудининг холис ҳаракати, Баҳоуддиннинг фикрича, мукаммал ҳаракатдир.

Баҳоуддин Нақшбанд вақт масаласига алоҳида эътибор бериб, Нашбандия тариқатига «Вуқуфи замоний» рашҳасини киритган. У кишининг шундай қудсий каломлари мавжуд: «Дарвешлар нақд аҳлларидир, уларга бериладиган нарсани насия қилиб бўлмайди».

Им рўз бубин ба дийдаи ботин жамоли дўст,
Эй бехабар, ҳавола ба фардо чи мекуни.
Мазмуни:

Бугун ботин кўзинг билан Дўст жамолини кўргин,
Эй бехабар, эртага қолдириб нима қиласан.

Баҳоуддин «Ас сўфий абу-л-вақт», яъни сўфий вақтнинг отаси деган иборани кўп қўллайди ва унинг моҳиятини очиш учун қуйидаги байтни келтиради:

Хирадмандон аз он кас табарро кунанд,
Ки ў кори имрўзаро фардо кунад.
Мазмуни:
Хирад аҳли, яъни доно кишилар шундай одамлардан узоқда турадиларки, у бугунги ишни эртага қўяди.

Халқимизда ҳар бир ишни вақтида қилиш лозимлиги ҳақида кўп мақоллар мавжуд. Масалан: «Ёшликда олган билим тошда уйилган нақшдир», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Эртанги ишга қор ёғар», «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда». Демак, ҳазрати Баҳоуддин айтган каломлари ҳам халқ мақоллари билан уйғун.

Баҳоуддин меҳнатсевар бўлиш учун ҳиммат, яъни кучли азму ирода ва қатъий ҳаракат билан ишлаш лозимлигини таъкидлайдилар. Нақл қилинишича, Нақшбанд аввалги ҳоллари ҳақида ҳикоя қилиб шундай айтганлар: «Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим». Баҳоуддин шогирдларига қарата шундай деганлар: «Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса, мен сизни кечирмайман».

Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг меҳнатсеварликка доир каломлари «Даст ба кору, дил ба Ёр», «Дил ба Ёру, тан дар бозор», «Даст ба кору, дил ба Ёру, мадад аз Парвардигор», «Ҳаракатда барокат» каби шиорлар асосида яшашга ундайди. Бу каломлар инсонни ҳам иймонли ҳам меҳнатсевар қилиб, мукаммал ҳаракат қилишга ўргатади. Бундай инсон вақтнинг қадрини билади ва кучли ҳиммат билан ҳаракатда бўлади. Имон ва меҳнат мукаммал ҳаракатнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб, инсонга хайру барокат ёғдиради.

### 3.4. Одам яхши ҳамсуҳбатлар билан одам эканлигини англатувчи каломлар

Баҳоуддин Нақшбанд: «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир. Хилватда шуҳратдир, Шуҳратда офатдир. Жамиятда хайрият бўлади. Жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан

ҳамсуҳбат бўлсалар бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса охири ҳақиқий иймон билан якунланади», – деб айтганлар. Бу фикр билан инсонни ҳақиқий инсон бўлиб шаклланишида унинг жамият орасида бўлиши ва яхши инсонлар билан суҳбат қилишини аҳамияти катталигини таъкидламоқдалар.

Яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш инсоннинг дунёқарашини кенгайишига, унинг тафаккурини бойишига ёрдам беради. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Толиб аввало бир муддат бизнинг дўстларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиши зарур, токи унда бизнинг суҳбатимизга нисбатан қобилият пайдо бўлсин». Шогирдлари таъкидлайдиларки, қуйидаги байт Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак забонларидан ўтиб турарди:

Набини, вақти суфтан марди ҳаккок,
Ба шогирдон диҳад дурри хатарнок.
Мазмуни:
Дурга шакл берувчи устони кўрмайсанми?,
Шогирдларига нозик дурни шакл бериш учун беради.

Бу байт орқали юксак даражадаги муршидлар суҳбатини қабул қилиш учун шогирдларда қобилият пайдо бўлиши лозимлиги уқтирилмоқда. Шунингдек Баҳоуддин Нақшбанд: «Суҳбат суннати муаккададир», – деб айтганлар. «Муаккада» деган сўз араб тилидан олинган бўлиб, таъкидланган, такрор қувватланган маъносини англатади. «Суннат» араб тилидан олинган сўз бўлиб, исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад с.а.в.нинг сўзлари, амаллари ва ҳатти-ҳаракатларини англатади. Демак, Муҳаммад с.а.в. яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш лозимлигини кўп айтганлар ва ўзлари ҳам бунга амал қилганлар. Исломда роҳиблик – тарки дунёчилик йўқ. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин суҳбатни суннатга мувофиқ эканлигини таъкидламоқдалар.

Баҳоуддин Нақшбанд яна суҳбатнинг аҳамиятини таъкидлаб, шундай айтган эдилар: «Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитларидан бири шуки, у Ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин». Демак, Баҳоуддин Нақшбанд айтмоқчиларки, камолот талабида бўлган киши яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзини ҳолини яхшиланаётганини ва нуқсонлардан покланаётганлигини сезса, бундай улуғ инсоннинг суҳбатида бўлиш ва унинг хизматини қилиб, қалбидан жой олишни ўзининг фарз амалларидан деб билсин.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзида ҳамсуҳбатни танлашда инсон жуда эҳтиёткор бўлиши лозимлигини таъкидлаб шундай айтганлар: «Ҳазрати Азизон қ.с. дан нақл қилишларича, ул зот айтар эдилар:

Бо ҳар ки нишасти-ю нашуд жам дилат,
В-аз ту нарамид заҳмати обу гилат.
Аз суҳбати ў агар табарро накуни,
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон биҳилат.
Мазмуни:
Ким билан ўтирсангу, қалбинг бўлмаса ҳеч жам,
Сендан кетмаса ҳеч сув ва гил заҳмати.
Ундайлар суҳбатидан қочмасанг сен гар,
Ҳаргиз Азизон руҳи сени кечирмагай.

Баҳоуддин Нақшбанд бу байт орқали ёмон ҳамсуҳбат таъсирида кишида ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлмаслиги, аксинча салбий таъсир бўлиши мумкинлигидан огоҳ этиб, бундай инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлишни Азизон руҳи кечирмаслигини таъкидламоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Авлиёлар билан бўлган доимий суҳбат охират тушунчасини зиёда қилувчи воситадир». Инсон бу дунё ўткинчи эканлиги, бу дунёда яхшилик қилиб охират учун захира тўплаш лозимлигини англаса, камол топиб боради. Охират тушунчасини зиёда бўлишига авлиёлар билан доимий суҳбатнинг ўрни катта экан.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Ҳар кимнинг қобилият тухуми ихтилофли суҳбатлар таъсири остида бузилган бўлса, бунинг тузатиш чораси қийиндир. Кибрити аҳмар ҳисобланган авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни қайта тузата олмайди» Баҳоуддин авлиёлар суҳбатини кибрити аҳмар, яъни фавқулодда таъсир кучига эга бўлган, камолга эришган улуғ зотларнинг назари таъсири туфайли қиймати паст маъдан каби бўлган инсонни олтинга айлантира оладиган қувватга эга, деб таъкидламоқдалар. Баҳоуддиннинг юқоридаги фикрларидан кейин манбада қуйидаги байт келтирилган:

Жуз суҳбати ошиқон мастон написанд,
Дил дар ҳаваси қавми фурумоя мабанд.
Ҳар тоифаат ба жониби хеш кашанд,
Чуғзат сўйи вайронаву тўти сўйи қанд.
Мазмуни:
Ҳақиқий ошиқлар суҳбатидан ўзгани танлама,
Паст одамлар суҳбатини ҳеч ҳавас этма.
Ҳар тоифа ўз томонига сени тортади,
Бойўғли вайрона томон, тўти қанд томон.

Бу байт билан Баҳоуддин яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш жуда фойдали эканлигини таъкидлайди, чунки ҳар бир ҳамсуҳбат инсоннинг қалбига ўзига хос бўлган таъсирни ўтказади. Ёмон одам бойқуш каби охири уни хонавайрон қилади. Яхши ҳамсуҳбат бўлса уни вужудини поклаб, нафсини бошқаришга ва ҳаётини лаззатли қилишга ундайди.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Аллоҳ Азза ва Жалланинг менга қилган инояти шу эдики, бул тоифанинг одоб маҳаллини топишга муваффақ бўлдим. Улардан узоқ бўлиш вақтида узоқ бўлдим. Уларнинг аҳволи ва вақтини биладиган кишигина баҳра олиши мумкин, уларнинг суҳбатидан баҳра олиш баъзан атодир, баъзан эса балодир». Ҳазрат Баҳоуддин бу сўзлари билан бундай улуғ инсонлар суҳбатини олишда ҳам меъёрни билишлик, одоб билан туришлик ва улар билан суҳбат жараёни вақтини билиб ҳамда шу билан бир қаторда беҳуда-баҳудага бориб уларни безовта қилиб ибодатларига халақит бермаслик лозимлигини уқтирмоқдалар. Демак, улуғ инсонлар суҳбатини олишликда катта фаҳм ва фаросот керак экан.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Авлиёларнинг суҳбати бағоят улуғ неъматдир».

Он кас ки биёфт давлате ёфт азим,
Он кас ки наёфт дар дунё ёфт бас аст.
Мазмуни:
Кимки(бу улуғ суҳбатни) топса азим давлатни топибди,
Кимки тополмаган бўлса, дунёда топгани етарлидир.

Бу неъматдан узоқда қолиш, бу йўл юрувчиси учун нуқсондир». Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ўгитларидан маълум бўладики, комил инсон бўлиш учун албатта улуғ инсонларнинг суҳбатига мушарраф бўлиш лозим.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий каломлар таҳлилидан маълум бўладики, инсоннинг ҳақиқий комил инсон бўлиб етишиши, илоҳий файз нурларини қабул қиладиган даражада юксалиши учун, у огоҳ, ҳалол луқмага амал қиладиган ҳамда яхши инсонлар билан суҳбатдош бўлиши лозим экан.

### 3.5. Маърифатли бўлишга бошловчи каломлар

Баҳоуддин Нақшбанд айтган сўзларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у киши маърифатли бўлишликни инсон камолоти учун энг муҳим деб санаганлар. Ҳазрат Баҳоуддиндан сўрайдилар: «Сайру сулукдан мақсад нима?» Баҳоуддин шундай жавоб берганлар: «Сайру сулукдан мақсад ижмолий

маърифат, яъни қисқа тарзда олинган билим тафсилий, яъни тўлиқ илмга айлансин учун содиқ хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани тафсил, яъни тўлиқлиқ йўли орқали таниб олсин ва далилу ҳужжат мартабаси орқали кашф ва аёнлик мартабасига ета олсин». Демак, ҳазрат Баҳоуддин Ҳақ ва ҳақиқат йўлига кирган инсоннинг мақсадини маърифатли бўлиш деб белгиламоқда.

Манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг яна қуйидаги қудсий каломи ёзилган: «Соликнинг барча ишлари яқин, яъни ишонч асосида қурилган бўлиши зарурки, то натижа яқин, яъни ишонч орқали зуҳурга келсин. Маърифати тафсилий солик ва толиблар мақсадининг сўнгги поғонаси бўлиб, бу поғона мазкур сифат орқали ҳосил бўлади. Толибда аҳлуллоҳ, яъни авлиёлар ҳақиқатига нисбатан бўлган ҳусни ақида (чиройли эътиқод) яқин ишончсиз ҳосил бўлмайди. Эътиқод эса арзимаган нарса билан ўзгаришга учрайди». Демак, маърифати тафсилий даражасига етиш учун авлиёлар ҳақиқатига нисбатан инсонда чиройли эътиқод ва тўла ишонч ҳосили бўлиши кераклиги уқтирилади.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Орифнинг маърифати, то у ўзини Аллоҳга топширмагунча тўғри бўлмайди» сўзи банданинг борлиғи ва сифатини боқийлигига ишорадир».

То ту зи ҳастии худ зеру забар нагарди,
Дар нестии мутлақ мурғи дупар нагарди.
Ин пардаи ниҳодот дарҳам шикан, ки ҳаргиз,
Дар парда раҳ наёби то пардадар нагарди.
Мазмуни:
Токи сен ўз борлиғингни тўла ўргана олмасанг,
Мутлақ йўқлик сари икки қанотлик қуш бўлиб уча олмайсан.
Вужудингдаги бир-бири билан боғланган табиий тузилиш сирларини ўрганмагунча,
Сенга тўсиқ бўлаётган пардаларни йўқотиб йўл топа олмайсан.

Ҳазрат Баҳоуддин айтар эдиларки, «Ибодатда вужудни қидириш бор, убудият, яъни бандалик, қулликда вужудни вайрон қилиш бор. То вужуд воқеъ экан ҳеч қандай натижа амал бермайди».

Юқоридаги Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикматларидан маълум бўладики, маърифатли бўлиш жуда қийин. Бунинг учун инсон ўз вужудини тўла мукаммал ўрганиб, уни бошқара олиши керак. Вужудни ўрганишда ибодатнинг ўрни муҳимдир. Чунки ибодат жарааёнида инсон ниятини поклаб, нафсини бошқариб Аллоҳ билан боғланиш малакасини ҳосил қила бошлайди. Бандалик мақомида у ўзини тўла Аллоҳга бағишлаб, ўзини Аллоҳнинг

қули деб ҳисоблаб, нафсининг тизгисини тўла қўлга олади. У ҳар бир эзгу ишларини фақат Аллоҳ ризолиги учун шукроналик билан бажаради.

Баҳоуддин Нақшбанд камолоти шу даражага етган бўладики, у киши айтар эдилар: «Ҳар бир машойихнинг кўзгусида икки томон бор. Бизнинг кўзгумизда эса олти томон бор. Қирқ йилдурки, биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз кўзгуси ҳеч хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамиз».

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Бизга халқнинг кўнглидаги фикрлардан, ишлардан ва аҳволларидан нимаики зоҳир бўлса, биз ўртада бўлмаймиз, ё бизга илҳом орқали билдирадилар ёки бирор киши орқали етказиб турадилар».

Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Ҳазрат Азизон «Ер бу тоифа назарида бир дастурхондир», деган эканлар. Биз айтамиз: «Ер тирноқ юзи кабидурки, уларнинг назаридан ҳеч нарса пинҳон эмас. Улар, яъни Ҳазрати Азизон нимаики айтган бўлсалар валоят доирасининг кенглигига мувоффиқ айтганлар, илло Ориф дилининг асло шарҳлаб бўлмайди».

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Кимки Аллоҳни таниса ундан ҳеч нарса махфий қолмайди» Хожа Алоуддин Аттор айтар эдилар: «Уларнинг бу қудсий каломларидан мурод шуки, орифга нарсалар сирининг аён бўлиши унинг тавужжуҳ қилишига боғлиқдир». Маърифатли бўлиш учун қалб кўзгудек пок бўлиб, доимо Аллоҳга томон юзланган бўлиши лозим экан.

Баҳоуддин айтар эдилар: «Мутаваккил, яъни таваккул қилувчилардан бўлмоқ керакки, улар ўзларини биладилар ва таваккулларини касб билан пинҳона тутадилар».

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Агар вужуд бундан ҳам хароброқ бўлганда факр ганжини у ерда жойлаган бўларди». Муҳаммад с.а.в. «Фақирлик фахрим» деб айтганлар. Фақирлик Аллоҳнинг қудратини тан олиб, доимо унинг олдида ожизлигини ҳис этиб туришдир. Шунинг учун Ҳазрати Баҳоуддин қуйидаги икки байтни айтганлар:

Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,
Аз паи ҳеч ҳеч мо ғам не.
Жанда дар пушт, пушт гўристон,
Гар бимурем ҳеч мотам нест.

Мазмуни:

Биз ҳеч ким эмасмиз ва ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Ҳеч,яъни фоний нарсалар учун ҳеч ғам емасмиз.
Жанда, яъни бор нарсалар орқамизда, яъни кўнглимиз унга боғланган эмас, орқамиз қабристондир,
Ўлсак ҳам ҳеч мотам эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия йўлининг мақсади маърифатли бўлиш эканлигидир. Баҳоуддин Нақшбанд орифлар, яъни маърифатли бўлганлар учун муроқаба, мушоҳада ва муҳосабанинг ўрни катталигини кўрсатганлар.

### 3.6. Борлиққа муҳаббат ва меҳру мурувватли бўлишга ундовчи каломлар

Ҳазрат Баҳоуддин айтар эдилар: «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл». Баҳоуддин Нақшбанднинг бу каломлари ҳар бир инсондан шамдек бўлиб, бутун ўн саккиз минг оламга, ер куррамиз, тўрт унсур, ўсимлигу ҳайвонот ва бани башар, ўз қадрдон Ватани, маҳалла ва оиласига нуру зиё бағишлаб, бутун борлиқни қалб кўри, эзгу амаллари, ҳаётбахш дуолари, қутлуғ қадамлари, назарининг қуввати, нафасининг баракоти, қўл ҳаракатларининг файзи билан мунаввар этиши лозим, деганлар. Аммо бу ҳаракатларни холис, завқу шавқ билан, Аллоҳ ризолиги йўлида амалга ошириши ва ҳеч кимга кибру ҳаво қилмасдан, билдирмасдан бажариши лозим. »Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси шарифга мувофиқ Баҳоуддин ўгитларида Ватанинг, элинг, юртинг, халқинг манфаати учун Аллоҳ сенга берган барча имкониятларни сарфлаб фидойи бўлгин. «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» шиорининг илдизи Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу ўгитларидан қувват олган.

Нақшбандия тариқатининг пиру муршидларидан бири бўлган Абдураҳмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ўгитларининг мазмун-моҳиятини қуйидаги мисраларда гўзал бир тарзда ифода этган:

Шамдек бўл, шамни кўр куйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан.

Баҳоуддин Нақшбанд шамдек бўлгин деганда, инсонни шам каби юмшоқ, мулойим, муросою мадорада бўладиган, кечиримли бўлишни ҳам тавсия этганлар. У киши ўз руҳий устозлари Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «Бар жанг чу оҳанам, бар сулҳ чу мум», яъни «урушга қарши темирдай қаршилик кўрсатиб, сулҳ учун мумдай юмшоқман» деган ибораларини ҳам давом эттириб, жамият аҳлини тинчликда яшашини таъминлашда ҳам шамнинг хусусиятларини ўзингда инъикос этгин демоқдалар. Робия Адавиянинг Ҳасан Басрийга сабоқ берган уч ҳикматининг бири ҳам шаъм – мум эди.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди, кимки ўзини хоҳлабди, билсинки ўзини хоҳламабди.

В-ар зи худ бигзашти ҳама айшу хушист».

Мазмуни: Агар ўзингдан кечсанг демак, доимо шодликда бўласан.

Баҳоуддин Нақшбанд бу сўзлари билан ҳақиқий шахсий манфаат жамият манфаати орқали эришиладиган манфаат эканлигини такидламоқдалар. Дарҳақиқат, инсоннинг хоҳлаган эзгу манфатларининг барчаси фақат жамиятда амалга ошиши, юзага чиқиши мумкин. Шу боис ҳам инсон ўз нафсини жиловлаб, Ватан, эл-юрт, халқ манфаатларини бирламчи қилиб қўйса, бутун борлиқ, Аллоҳ унга раҳмат назари билан қараб нуру файз ёғдиради, барака беради. Шу билан биргаликда унинг эзгу ишларидан баҳраманд бўлган кишилар ундай инсон ҳақига дуои хайр қиладилар. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, худбин, худпараст кишиларнинг на жамият ва на эл-юрт олдида обрў-эътибори бўлмайди, уларнинг ишлари баракасиз бўлиб, охири касод бўлади. Шунинг учун ҳам ҳазрат Баҳоуддин кўпчилик манфатини кўзлаб, холис хизмат қилишнинг баракаси, файзи ўзгача эканлигини билдирганлар.

«Мақомот» асарида нақл қилишларича, Баҳоуддин Нақшбанд айтган эканлар: «Бухорода эдим, Сайид Амир Кулолнинг шариф суҳбатларига кўнглимда майл пайдо бўлди. Насафга йўл олдим. Етиб келганимда Амир Кулол менга дедилар: «Эй, ризожўй фарзанд, айни вақтда келдинг, хумдонни тайёрлаб қўйганман, аммо ўтин йиққани одам йўқ». Мен бу ишоратга шукр қилдим ва ўтинни орқамга кўтариб, хумдонни олдига олиб келдим. Байт:

Жамоли Каъба чунон медавондам ба нишод,
Ки хорхойи муғилон ҳарир меояд.
Мазмуни:
Каъба жамолини тасаввур этиб, шодлик билан шундай югурардимки,
Муғилон тиконлари мен учун ҳарир ипакка ўхшар эди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзларидан маълум бўладики, у киши устозлари уйига зарур ва керакли вақтда келганлари, устозларини хизматларини қилиш бахтига муясссар бўлганликлари учун Аллоҳга ҳамду сано ўқиб, бу хизматни шараф деб билиб, устоз қалби шодлигини Каъба зиёрати билан тенглаштириб, завқу шавқ билан меҳнат қилганликларидан муғилон тиканлари у киши учун ҳарир ипакдек ёқимли бўлган. Баҳоуддин устоз хизматини чин дилдан, холисона бажаргани учун, устозлари Амир Кулол ҳам у кишини қалбдан дуо қилади. Буни кўриб турган Аллоҳ Баҳоуддинга раҳматини, файзини, баракотини ёғдириб, уни нурли ва улуғ бандалардан бўлишига ёрдам беради.

Нақл қилишларича, Баҳоуддин Нақшбанд Қасри Орифонда масжид иморатига машғул бўлган вақтларида муборак бошларига тупроқни қўйиб

масжид томига олиб чиқар эканлар. Шу пайтларда шундай байтни ўқир эканлар:

Ба жон бикунам кори Ту, чаро накунам,
Ба сар бикашам бори Ту, чаро накашам.
Мазмуни:
Сени ишингни жоним билан қиламан, нечун қилмаймин,
Сенинг юкингни бошимда кўтараман, нечун кўтармайин.

Бу нақлдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд, жуда меҳнатсевар ва Ватанпарвар инсон бўлганлар. Жамоат, эл-юрт ишини шукроналик, шоду масрурлик билан амалга оширганларким, бу ҳам у кишини Аллоҳнинг раҳмати файзу барокотини олишга муяссар этган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари Алоуддин Аттор шундай накл қилади: «Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак нафасларидан чиққан анфоси қудсиялари факрлик ихтиёри ва фуқаро муҳаббати ҳақида бўлиб, эҳсонлари жуда юқори эди. Улар «Биз нимаики топсак, шундан топдик» деб айтар эдилар». Бу сўз шуни англатадики, у киши жуда камтарин бўлиб, факр йўлидаги одамларни севар ва уларга кўп эҳсонлар қилар эканлар.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас». Яна у кишининг шундай сўзлари бор: «Бу тоифа аҳлидан ҳар ким гуноҳ қилса, унга чора -тадбир бор, бироқ ундан юз ўгириш раво эмас». Бу сўзлардан маълум бўладики, Баҳоуддин инсонни кечиримли, бағрикенг бўлишга ундаганлар. У киши муросаю мадорада яшаш, бир-бирини тушуниш, сабрли бўлишни тавсия қилганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Бу йўл талабида бўлганларга қуйидагиларга амал қилиш шарт: «Тариқат йўли одобдан иборатдир. Ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор. Кимки одобни ушласа уни балоғат аҳлининг балоғатига етказади. Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир». Ва яна айтадилар: «Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси-амалнинг қабули, туғён эса адабнинг бузуқлигидир». Адабни сақлаш-муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир». Яна Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблик кўринади».

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, тариқат йўли тўла одобдан иборатдир. Бу эса бутун борлиққа нисбатан, жонли ва жонсиз мавжудотга, ота-она ва устозга ҳамда бани башарга нисбатан чиройли хулқли бўлиш, ўзининг сўзи ва амалининг бир-бирига уйғун келишидир. Ҳақ йўлида бўлган одам бирор инсон зотига, ўсимлик ва жониворга нисбатан ҳам беодоблик қилмаслиги керак. Чунки зарра қилинган беодоблик барча амал-

ларнинг натижасига таъсир қилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари ҳаётлари давомида ҳеч ким эътибор қилмайдиган кимсаларга, касалланган ҳайвонларга қараганлар. Йўлларни тозалаганлар. Манбаларда ёзиладики, у киши айтганлар: «Етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди». У киши бутун борлиққа муҳаббат билан қараганлари натижасида ва меҳр-мурувватли бўлиб, бутун борлиқдаги барча мавжудотларга зарурий пайтда ёрдам қўлларини чўзганликлари учун халқ у кишини эъзозлаб Баҳоуддин ва Балогардон номлари билан эъзозлаганлар.

Баҳоуддин ўз шогирдларига ҳадислар, саҳобаларнинг асарлари ва машойихларнинг ўгитларидан ҳикматли сўзларни келтирар эдилар. Манбада шундай ҳикматли байт келтрилган:

Агар биники нобинову чоҳ аст,
Агар хомуш бишини гуноҳ аст.
Мазмуни:
Кўзи ожиз истиқболида гар бўлса чоҳ,
Уни огоҳ этмасанг сендадур улуғ гуноҳ.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Бу йўлнинг ҳақиқати икки сифатда – «Вужудни инкор қилишда ва борини нисор этишда». Яъни камолотга етишни истаган инсон аввало нафси амморани йўқотиши ва Аллоҳ ризолиги йўлида Аллоҳнинг унга берган барча нарсаларини Ватан ва халқи учун нисор этиши, яъни фидо этиши лозим».

## III. БАЛАНДПАРВОЗ РУҲНИНГ РИҲЛАТИ

Табаррук зот, жаҳоншумул Нақшбандия таълимотининг асосчиси, «Баландпарвоз» деб устозлари Амир Кулол томонидан тан олинган, Меърож кечаси Муҳаммад с.а.в. Аллоҳ билан розлашаётганини кўрган руҳ Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийнинг муборак жисму жасадларини 1389 йил 2 мартда тарк этиб, асл манзилига томон интиқол этди.

Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида шундай маълумот келтирилган: »Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд буюрдиларки, «Бизнинг тобутимиз олдида мана бу байтни ўқисинлар»:

Муфлисонем омада дар кўи ту,
Шайъалиллоҳ аз жамоли рўи ту.
Даст бикушо жониби занбили мо,
Офарин бар дасту бар бозуи ту!
Мазмуни:
Фақирлармиз сенинг манзилингга келганмиз,
Сенинг юзинг жамолингда йўқ бўлганмиз
(сенинг нарсанг бўлиб қолганмиз).
Занбилимиз томон қўл очгин.
Сенинг қўл ва бозуларингга офаринлар бўлсин.

Бу мисралар Баҳоуддин Нақшбанднинг қалбида илоҳий муҳаббат ҳукмрон эканлиги, у фано мақомига етиб, бақо даражасига юксалганлигидан далолат беради.

Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) вафотлари тарихи ҳақида номаълум шоир томонидан ёзилган қуйидаги байтлар келтирилган:

Рафт Шоҳи Нақшбанд, он Хожаи дунёю дин,
Он, ки буд Шоҳи роҳи дину давлат миллаташ.
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,
Қасри Ирфон з-ин сабаб омад ҳисоб реҳлаташ.
Шеърнинг мазмуни:
Дунё ва диннинг Хожаси бўлган Шоҳ Нақшбанд кетди,
У дин, давлат ва миллатининг йўл кўрсатувчи Шоҳи эди.
Туғилган ва ўлган маскани Орифон Қасри бўлгани учун

Қасри Ирфон унинг риҳлати ҳисобига айланди.

«Қасри Ирфон» абжад ҳисоби билан Баҳоуддин Нақшбанд вафотининг ҳижрий 791, милодий 1389 йил санаси эканлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда бу мисралар Нақшбанднинг ўз миллати ва дин аҳлига ҳақиқат йўлининг йўлбошчиси эканлигидан далолат беради.

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзадиларки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 791 йил рабби ул-аввал ойининг 3-душанба кечаси оламдан ўтибдилар. Бу сана милодий йил ҳисоби билан 1389 йил 2 мартга тўғри келади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак қабрлари Бухоро вилояти Когон тумани Қасри Орифонда бўлиб, мустақиллик йилларида обод этилган файз ва нур ёғилиб турган жуда гўзал зиёратгоҳдир.

Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот айн-ал ҳаёт» асарида «Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат Хожа Баҳоул Ҳақ вад-Дин

Муҳаммад (қ.с) зикри баёнида» Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотларига доир қуйидаги маълумотларни келтирган:

«Замон акобирларидан ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Мискин айтадилар:

- Шайх Нуриддин Хилватий Бухорода вафот этганларида, унинг таъзия йиғинида ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с) ҳозир эдилар. Таъзияда заифалар ва асҳоблар баланд овоз билан наъралар тортиб, фарёд чекардилар. Бу ҳолдан ҳозир бўлганларга оғир бўлди ва улар манъ этдилар. Шу пайт Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дедилар:

- Менинг охирги дамим етганда дарвешларга қандай ўлиш лозимлигини кўрсатаман.

Ҳазрат Муҳаммад Мискин айтадилар:

- Бу сўзлар мудом менинг ёдимда эди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бетоб бўлдилар. Бу сўнггиси эди. карвонсаройдаги ҳужраларидан бирида ётардилар. Асҳоби хослари яхши мулозамат қилардилар. У киши (Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) ҳар бир кишига ўзига хос ва мос шафқат ва илтифот кўрсатардилар. Охирги нафасларида икки муборак қўлларини дуога кўтардилар, шундан сўнг оламдан ўтдилар.

Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний айтардиларки: «Мен Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) охирги касаллик лаҳзаларида ҳозир эдим. Менга дедилар:

- Ало, суфрани (дастурхонни) олдингга ол, таом егин!

Мени у зот (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) доим Ало дердилар. Мен буюрганларига амал қилдим, икки-уч луқмадан сўнг ортиқ ея олмадим. Суфрани йиғиштириб қўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) кўзларини очдилар ва кўрдиларки, мен суфрани йиғиштирганман. Дедилар:

- Ало, суфрани келтир ва таом егин!

Мен яна бир неча луқма едим ва суфрани йиғиштириб қўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) кўрдиларки, яна суфрани йиғиштириб қўйибман. Дедилар:

- Суфрани келтир ва таом егин. Таомни яхши ейиш ва ишни яхши қилиш керак! – деб тўрт марта такрорладилар.

Бу пайтда мулозим ва асҳобларининг хотирида «Ҳазрат Хожа қайсимизга иршод ижозатини берадилар ва фуқаро тарбиясини кимга топширадилар?» деган уй чарх урарди. Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бундан огоҳ бўлдилар ва дедилар:

- Мени нега шу вақтда ташвишга соласизлар? Бу амр менинг ихтиёримда эмас. Қачонки Ҳақ субҳонаҳу сизни бунга мушарраф этса, бу ҳолат ҳукм бўлади ва сизга буюрилади.

Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ходимларидан бири ҳазрат Али Домод шундай дейди:

- Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) охирги касаллик пайтларида қабрларини таъмирлашни амр қилдилар. Бу ул зотнинг муборак мозорлари эди. Ишни тугатиб, олдиларига келдим. Хотиримга келдики, «Бу кишидан кейин иршод кимга амр бўлади?». (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бирдан муборак бошларини кўтардилар-да, айтдилар:

- Ҳижоз йўлида тугатилган ўша сўзлар бўлади. Кимнинг мени кўриш орзуси бўлса Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин.

Шу сўзлардан сўнг, эртаси кун руҳлари Ҳақ субҳонаҳу сари парвоз этди.

Нақл бордирки, Алоуддин Аттор (қ.с) деганлар:

- Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) бу оламдан илоҳий оламга кўчиш вақтларида «Ёсин» сурасини ўқир эдим. Ярмига етганимда анвор – нурлар ҳосил бўла бошлади. Калима айтиш билан машғул бўлдик, шундан кейин Хожа сўнгги нафасларини олдилар.

У кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с) ёшлари етмиш учга тўлиб, етмиш тўртга томон қадам қўйган эдилар (Қамарий йил билан). Нақл қиладиларки, у кишининг вафотлари душанба кечаси робиъул аввалнинг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи йил бўлган».

Рашаҳот асарида келтирилган бу нақллардан қуйидагилар маълум бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд таъзия маросимларида баланд овозда дод-фарёд қилишни нотўғри эканлигини айтиб, шогирдларига бу маросимни қандай ўтказиш кераклигигини ибрат сифатида кўрсатганлар. Охирги касаллик вақтларида аҳволлари оғир бўлишига қарамай атрофидаги ҳар бир инсонга ўзига хос ва мос шафқат билан илтифот қилганлар. Бу эса бу улуғ зотнинг нақадар бағрикенг ва инсонпарвар эканлигини кўрсатади. Охирги дамларида ёнларида бўлган учинчи халифалари Хожа Алоуддин Ғиждувоний (1336-1428) га айтган сўзларидан маълум бўладики, охирги нафасларигача шогирдларига ғамхўр бўлганлар ва керакли ўгитларни берганлар. У ки-

шининг охирги васиятларидан яна бири Ҳаж маросимини адо этиш учун Ориф Деггароний билан ҳижоз йўлида асҳобларига ўзидан сўнг, тўғри йўлни кўрсатиш, ҳидоят қилишни иккинчи халифалари Муҳаммад Порсога берилиши ҳақидаги сўз ва у кишининг Нақшбандия тариқатига пир бўлиши масаласи бўлиб, «Кимнинг мени кўриш орзуси бўлса Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин деганлар». Бу билан ўзларидан кейин Нақшбандия йўлига раҳбарликни Муҳаммад Порсога берганлар.

2019 йил раббиул-аввалнинг учинчи куни яъни вафот кунларида «Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти – World Sufi маркази Малайзия Ўзбекистонда Зиёрат туризмининг иккинчи халқаро фестивали – «Naqshbandi Tourism Festival-2019» халқаро тадбири ташкил этилган. Фестивал доирасида Малайзия, Индонезия, Туркия, Буюк Британя, Янги Зелландия, Хитой, Ҳиндистон, Австралия, АҚШ, ЖАР ва бошқа мамлакатлардан 250 дан ортиқ Нақшбандия йўлининг издошлари Бухорога келиб, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларини зиёрат қилишлари бу улуғ зотга нисбатан кучли муҳаббат ва у киши асослаган Нақшбандия жаҳоншумул тариқати ва таълимотини эътироф этилишидир. Фестивал 2019 йил 31 октябрдан 7 ноябргача давом этади. 31 октябрь – мусулмон тақвимига асосан рабби-ул аввалнинг учинчи куни, яъни Баҳоуддин Нақшбанд бу фоний оламни тарк этиб, боқий оламга риҳлат қилган кунларида фестивал қатнашчилари Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгохида бўлиб, зикр маросимларини амалга оширишлари бутун жаҳондаги 40 миллиондан ортиқ Нақшбандия йўлининг давомчилари учун бу улуғ зотнинг хотиралари нақадар муқаддас эканлиги маълум бўлади.

Халқаро тадбир доирасида зиёрат туризми қатнашчилари Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд устозлари, Самарқандда Нақшбандияни жаҳонга танитган Хожа Ахрор Валий, Қарши ва Термиздаги шу таълимот билан боғлиқ муқаддас жойларни зиёрат қиладилар. Булар Баҳоуддин Нақшбанд хотиралари абадий эканлигидан далолат беради.

Сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий шундай ёзганлар.

Одам борки одамларнинг нақшидир,
Одам борки ҳайвон ундан яхшидир.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари кўрсатадики, ҳазрат Навоий таъриф этганларидек Одамларнинг Нақши бўлиб қалбларда абадий яшамоқдалар.

Баҳоуддин Нақшбанд таъкид этганлар:

Ту то кай гўри мардонро парасти,
Ба гирди кори мардон гарди, расти.

Мазмуни:

Сен ўтган мард-валийлар қабрларига сиғинма,

Сен улар амалга оширган ишларни қилсанг мақсадга етасан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ўгитларидан маълум бўладики, табаррук зиёратгоҳларга борганда, инсон чуқур тафаккур қилиб, мушоҳада этиши лозимки, бу улуғ зотлар қандай амаллари билан бархаёт бўлдилар, нега асрлар ўтиб халқ доим уларни эъзозлайди?! Шу масаланинг моҳиятини англаб, инсон уларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олиб, ўгитларига амал қилиб, шу зотларга муносиб авлод бўлишга жидду жаҳд этса, бундай инсон бу қабр зиёратидан илоҳий файз ва нур олиб билади.

Баҳоуддин Нақшбанд туфайли 70 минг кишининг охирати обод бўлган бўлса, ҳар бир зиёратчи бу улуғ зотдек яшаса, эзгу амаллар қилса унга айтилган дуолар, раҳматлар туфайли илоҳий файзу барокотга муяссар бўлади ва икки дунё саодатига эришади.

Баҳоуддин Нақшбанд тарихий – меъморий мажмуаси ҳақида маълумот берган устоз Нарзулло Йўлдошев ва ёш тадқиқотчи Шавкат Бобожонов ёзадиларки, XV аср охирида Баҳоуддин Нақшбанд қабри устига даҳма қурилиб, у мармар қоплама ва ўлчамлари бўйича бир-бирига мос келадиган гўзал нақшинкор мармар панжара билан безатилган. XVI аср биринчи ярмида Шайбоний ҳукмдорлардан Абдулазизхон (1540-1590) буйруғи билан Баҳоуддин Нақшбанд қабри атрофи ҳазира билан ўраб олинади.

2009 йилда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд даҳмаларига қўйилган лавҳадаги ёзув ҳаттот А. Раззоқов томонидан янгиланди ва унда шундай сўзлар ёзилган: Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). У абадий ўлмайдиган зот. Аллоҳ – пок. Аллоҳга шукр. Аллоҳ буюк. «Бу – ҳазрат буюк шайх, суннатни тирилтирувчи, бидаътни ўчирувчи, ҳақиқатларни кашф этувчи, дақиқ маъноларни изҳор этувчи ҳақнинг халқдаги хужжати Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин)нинг мунаввар қабр тоши. Ул зот бу муборак Қасри Орифон қишлоғида ҳижрий 718 йили муҳаррам (1318 йил март – апрел) ойида таваллуд топдилар. Тариқат илмини Муҳаммад Бобо Самосий ва Саййид Амир Кулолдан ўргандилар. «Ҳаётнома», «Дадил ул-ошиқин» ва «Ал – Аврод» каби бир неча китобларни таълиф этганлар. Ҳазратнинг таърифларини санаб, адосига етиб бўлмайди. Зоти бо баракот ҳижрий 791 йил 3 рабиул аввалда (1389 йил 2 март) душанба куни кечқурун вафот этдилар. Аллоҳ у пири комилнинг файз- баракотларидан барчамизни баҳраманд айласин».

Мустақиллик йилларида зиёратгоҳ обод этилиб жуда кўркам жойга айланди.

Бобораҳим Машраб Бухорога келганида Баҳоуддин Нақшбанд мозорларини зиёрат қилиб, шундай мисраларни ёзган:

Бухороро Бухоро метавон гуфт,
Баҳораш аз зимистон метавон гуфт.
Баҳоуддин Набошат дар Бухоро,
Фарангу кофириристон метавон гуфт.
Мазмуни:
Бухорони Бухоро, яъни ҳақиқий шариф шаҳар айтиш мумкин,
Унинг баҳори яаъни шу даражада камол топиши қишидандир.

Баҳоуддин (ва у киши каби улуғ зотлар) Бухорода бўлмаганида,
Уни фарангу кофиристон дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, шариф шаҳримиз Бухорони Ер куррасидаги шаҳарларнинг фахри, гавҳари, энг муқаддаси бўлишига сабаб жуда кўп олиму фозиллар, муҳаддис ва фиқҳ илмлари олимлари, азиз авлиё ва тасаввуф аҳли билан бирга Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам хизматлари улуғдир.

## ХУЛОСА

Тасаввуф жуда кенг маънога эга, назарий ва амалий соҳалардан иборат инсоншунослик, нафсшунослик, руҳиятшунослик таълимотидир. Бу таълимот моҳияти ҳақидаги масала унинг назарий жиҳатларидир.

Нақшбандия – тасаввуфий таълимот ва тариқатдир. «Тариқат» араб тилидан олинган сўз бўлиб, йўл деган маънони билдиради. Тариқат инсонни уружи, яъни юксалиши йўлидир. Тариқатлар турли номлар билан юритилган: Ҳакимия, Сайййёрия, Хожагон, Яссавия, Кубравия, Қодирия, Сухравардия ва бошқалар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган инсонни камолоти йўллари ҳақидаги таълимотларни яратганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд, Шоҳ Нақшбанд, Баҳоуддин Балогардон, Хожаи Бузург номлари билан маълум ва машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) тарихда қилган энг катта хизмати Нақшбандия таълимотини яратганидир. У XIV асрнинг иккинчи ярмида Нақшбандия тариқатини асослаган. Бу улуғ зот ўзигача ўтган барча тариқатлар тажрибасини чуқур, ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг халққа мақбул бўлган яхши томонларини танлаб олиб, янги тариқатга асос солган. Шунинг учун бу йўлни барча тариқатларнинг зубда-қаймоғи ва хулосаси деб айтадилар.

Нақшбандия йўлини Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бўлсалар, халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний, Яъқуби Чархий уни ривожлантирдилар. Хожа Аҳрор Валий бу йўлни жаҳоний тариқатга айлантирди. Нақшбандияни Махдуми Аъзам назарий ривожлантирди. Туркияда бу таълимот Нақшбандия-холидия, Ҳиндистонда Нақшбандия-мужаддидия номлари билан кенг тарқалди. Бу таълимот ҳозирги кунгача дунёнинг жуда кўп мамлакатларига тарқалган ва амал қилаётган йўлдир.

Нақшбандия таълимотининг асл моҳиятини бир сўз билан ифодаласак – инсонларни Аллоҳ ризолигига эриштиришдир. Бу тариқат аҳли: «Илоҳо анта мақсуди ва ризока матлуби» – «Илоҳо менинг мақсудим Сенсан ва Сенинг ризолигинг матлубимдир» деган зикр ҳаётларининг мазмуни. Чунки Аллоҳ бутун борлиқни жуда гўзал бир тарзда мукаммал ва уйғунликда яратган. Аллоҳ ризолиги йўлида ҳаракатда бўлган инсон ўз ўрнини англаб, ўз вазифасини бажаради ва борлиқни гўзаллаштиришга хизмат қилади. Аллоҳ ризолиги йўлида хизмат қиладиган инсон ҳақиқий бандалик мақомига етади. Шунинг учун сўфийлар таъкидлаганлар:

Зиндаги омад барои бандаги,
Зиндаги бе бандаги шармандаги.

Мазмуни:
Ҳаёт инсонга банда бўлиш учун берилган,
Банда бўлмасдан яшаш шармандаликдир.

Қуръони каримнинг «Жосия» сурасида Аллоҳнинг қуйидаги каломи келтирилган: «Биз жин ва инсонни ибодат учун яратдик». Ибодат Аллоҳ ризолиги йўлидаги қилинган барча эзгу амаллардир. Иймон мукаммал ҳаракатни тақозо этади. Нақшбандиянинг «Даст ба кору, дил ба Ёр» шиори инсонни ҳам жисман, ҳам маънан, ҳам руҳан эзгу амалда бўлишини тақозо этади ва уни мукаммал иймон ва мукаммал ҳаракатда бўлишига ундайди. Бундай инсон қўли ишда, қалби зикрда, бутун борлиғи шукурда, ақлу идроки фикрлашга қаратилган бўлади.

Нақшбандия таълимотининг асл моҳияти жамиятда тинчлик, хотиржамликни барқарор бўлиши ва халқни фаровон яшашини таъминлашга қаратилган. Нақшбандия таълимоти бунга эришиш учун зарур бўлган, инсон камолотининг сирру асрорларини татқиқ, таҳлил этиб, ўзига хос жуда гўзал ва мукаммал янги йўлни кашф этган. Нақшбандия бошқа тариқатлардан фарқли равишда инсоннинг уружи, юксалиши ва камолотининг энг мақбул, меъёрдаги, мўътадил, энг қисқа ва яқин ҳамда беозор йўлини кашф этган. Унинг асосий ўзига хослиги инсонга вужудининг имконларини, умри – нафаслар тизимидан иборатлиги ва қадрини, эзгу ният билан Аллоҳ ризолиги учун қилинган ҳар бир амалнинг хайру баракага тўла эканлигини тарғиб этиб амалда жорий этади.

Кенгроқ маънода Нақшбандиянинг асл моҳияти инсон вужудининг имкониятларини очиш, унга энг яқин, энг беозор йўл билан, қисқа муддатда аслини таниб, ўзлигини англаб, илоҳийлик сифатларни эгаллаб камолотга етишига ва уни абадий боқий ҳаётга эришиш сиру асрорларидан воқиф этиш орқали жамиятда тинчликни барқарор этиш ва халқнинг фаровон яшашини таъминлашга эришишдир.

Аллоҳ бутун борлиқга берган имкониятларини вужудимизга жойлаштирган. Бутун борлиқнинг кўринишлари бизнинг вужудимизда бор. Вужудни «жам этилган борлиқ» дейиш мумкин. Вужуд кўриниши билан «Олами сағир» – кичик олам бўлсада, моҳиятан «Олами кабир» – буюк оламдир.

Инсон вужудини имкониятларини очиш, уни Буюк оламга айлантириш учун вужуд пок бўлиши, асл илоҳийлик сифатларини сақлаши ва илоҳий амр асосида бутун борлиққа эзгу амаллар қилиши лозим. У инсон нафс эҳтиёжларини меъёрида қондириб, нафс учун эмас, вужуди билан холис эзгу хизматда бўлишини тақозо қилади. Бу таълимотдаги «Даст ба кору дил ба Ёр», «Тан дар бозору дил ба Ёр» шиорлари инсон вужуди билан доимо

ҳаракатда, хизматда, эзгу ишларда бўлишини айни дамда зикрда, шукурда ва фикрда бардавом бўлишликни тақозо этади.

Хожа Аҳрор Вали «Рисолаи Ҳавроия» асарида инсонга берилган қуйидаги таърифни келтиради:

Эй нусхаи номаи илоҳи, ки туи,
Эй оинаи жамоли шоҳи ки, туи.
Берун зи ту нест ҳар чи дар олам ҳаст,
Дар худ биталаб, ҳар он чи хохи ки, туи.
Мазмуни:
Илоҳий номанинг нусхаси сенсан,
Илоҳий жамолнинг кўзгуси сенсан.
Сендан ташқарида оламдаги бирор нарса йўқ,
Ўзингдан излагин нима истасанг.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам шундай ёзганлар:

Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзингдан истагил.

Нақшбандия таълимотига асосан инсон вужудида бутун борлиқдаги мавжудотлардан фарқли қалб жойлашган бўлиб, вужуд қалб ёрдами билан ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам руҳий олам билан боғланади. Қалбнинг поклиги вужуднинг олти томонида юз берадиган воқеликни кўзгудек акс эттира олиш имконини беради. Шунинг учун бу таълимотда қуйидаги фикрлар мавжуд:

Мақсуди вужуди инсу жон оина аст,
Манзури назар дар ду жаҳон оина аст,
Дил оинаи жамоли Шаҳаншоҳ аст,
Ва ин ҳар ду жаҳон ғилофи он оина аст.
Мазмуни:
Бутун инсоният ва жонли мавжудот вужудининг
мақсади кўзгудир,
Икки жаҳонда ҳам назар қилишга манзур жой кўзгудир.
Қалб Шаҳаншоҳ – Аллоҳ жамолининг кўзгусидир,
Ва бу икки жаҳон кўзгунинг ғилофидир.

Шеърдан маълум бўладики, вужуд камолотининг асоси қалб бўлиб, унинг бу дунё ва охиратга боғланиши, яъни дўзахдан қўрқиб жаннат учун

ҳаракат қилиши кўзгуни юзини ёпадиган ғилоф, пардадир. Инсон бутун вужуди ва қалби билан Аллоҳ дийдори, жамоли, висолига етиш ва унинг розилигига эришиш учун ҳаракат қилганидагина, унинг амаллари холис бўлади ва асл мақсадига етади. Шунинг учун ҳам Нақшбандия таълимотида «Даст ба кор»лик, «Дил ба Ёр»лик асосида амалга ошади. Шундагина инсоннинг ҳар бир саъю ҳаракати файзу барокатли бўлади. Нафси учун қилинган ҳаракатлар самарасиздир. Нақшбандлар «Нақш банд ба дил банд» деб қалбда Аллоҳни нақшлаб, холис амал қилганлар ва меҳнатлари натижасини Аллоҳга таваккул қилиб, ундангина мадад сўраганлар.

Нақшбандия таълимотида вужудда беш латоиф назарияси мавжуд. Қалб, руҳ, сир, хафи ва ахфо латоифлари билан хуфия зикр этиб, илоҳий файзни қабул этиш вужуд имкониятларини ниҳоят даражада кенгайтиради ва инсон ботини олами кабир бўлиб, дуолари ижобат этилади. Бундай инсоннинг вужудидан илоҳий нур тажаллий этади. У Абдулхолиқ Ғиждувоний каби Хожаи Жаҳон номини олиб, бир намоз вақтида Каъбага бориб кела олади, ёки Хожа Ориф Ревгарий каби Моҳитобон бўлади, яъни қоронғи тунни тўлин ойдек ёрита олади. Ундай инсон Махмуд Анжир Фағнавийдек қуш бўлиб уча олади...

Нақшбандия энг яқин йўл билан инсоннинг камолотга етказади. Баҳоуддин Нақшбанд: «Биз интиҳони ибтидога тугаллаймиз». деган эдилар. Яъни бошқа тариқатлар йўлнинг охирида етказадиган даражани Нақшбандия ибтидода – йўлнинг бошида эриштиради. Чунки бу йўл ҳушёрлик йўлидир. Илк амал қилиш керак бўлган тамойил «Ҳуш дар дам»дир. Биринчи қадамдан бу йўл инсонни ғафлат майдонидан чиқариб, ҳушёрлик даражасига етказади.

Нақшбандия йўли энг мўътадил, бирор томонга ҳам на жисм, на руҳ, на ақлу идрок, на оила ва ота-она, на атрофдаги инсонлар ва мавждудотларга озор бермайдиган йўлдир. Шунинг учун бу йўлни Баҳоуддин Нақшбанд «Урватул вусқо», яъни кучли тутқич деб айтганлар. Қуръони Каримда «Бақара» сурасининг 256 оятида ҳам «Урватул вусқо» деган тушунча келади ва Қуръони Карим йўлини тутганларни кучли тутқичдан ушлаганлар сифатида баҳолайди. Бу муштаракликдан маълум бўладики, Нақшбандия таълимоти Қуръон ва Ҳадисга асосланган. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрлари келтирилган: «Бизнинг тариқатимиз суннатга амал қилишдир. Ҳазрати Расул с.а.в.нинг суннатини тасдиқ билан исбот қилганмиз, илм ва амалда уламоларга эргашамиз, улар Он ҳазрат с.а.в.дан нимани нақл қилсалар, биз уларни амалга оширамиз, аввалдан то шу замонгача бизнинг вазифамиз шудир».

Кўп тариқатлар жаҳрия зикр, самоъ, чилла, узлат, тарки дунёчиликни тарғиб этиб, инсон вужуди эҳтиёжларини инкор этадилар, баъзилари уй-

ланмасликни тарғиб этсалар, оила қурган сўфийлик йўлини танлаганларнинг кўпи ота-онаси, оиласи, касбу корини ташлаб узлатга чекинганлар ва узоқ муддат пирларининг хизматида бўлганлар. Нақшбандия таълимотидагилар робита амалиёти ва «Хилват дар анжуман», «Сафар дар ватан» тамойиллари ҳамда хуфия зикрга амал қилиш натижасида оила, маҳалла, қўни-қўшни, қон-қариндош, ватан олдидаги бурчларини бажариб, «Даст ба кор»лик ила кун кечирганлар. Хуфия зикр натижасида атроф муҳитдаги бирон кимсага озор етмаган. «Хилватни анжуманд»да бўлиши оила аъзоларига озор етмасдан сўфийлик амалиётини бажаришга имкон берган. «Сафар дар ватан» ҳам сафар қилмасдан туриб камолотга етишига имкон берган ва бу билан ота-она, оила аъзоларининг озор чекишидан сақлаган.

Кўпгина тариқатлар пирнинг хизматини қилиш барака беради деб, муридларини узоқ муддат хизматларида бўлишликка ундаганлар. Натижада улар ота-онаси, оиласидан узоқда яшаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд эса баракани фақат Худо беради деб, уларни Ҳақ йўлига киритиб, ҳалол меҳнат қилишга чорлаганлар.

Нақшбандия камолот йўлининг энг яқинидир. Бу йўлда кирганларнинг турмуш тарзида туб бурилиш бўлмайди. Улар қандай кийиниб юрган бўлсалар ўша либосларида, қандай меҳнат қилаётган бўлсалар ўша машғулотларида, тинч ва хотиржам оилалари билан ҳаёт тарзини давом эттирганлар. Ҳолбуки, бошқа тариқатларда дарвешлар ўзига хос дарвешона махсус кийимлар кийганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқат аҳли ўртасида қуйидаги ўгитлари кенг тарқалган: «Ба зоҳир бо халқ, ба ботин бо Ҳақ бош», яъни «Ташқи томондан халқ билан, ички томондан Ҳақ билан бўл».

Кўпгина тариқатлар узлатга чекиниб, меҳнат қилмай тиламчилик билан халқ эҳсони ҳисобидан тирикчилик ўтказганлар. Баҳоуддин Нақшбанд йўлни бошида шогирдларига бу йўлда ибодатли бўлиш лозимлигини уқтириб, қуйидаги ҳадисни кўп такрорлаганлар: «Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалолликни қидиришдир, бир қисми эса бошқа ибодат». Бу тариқат аҳли ичида ҳалол меҳнат, ҳалол луқма, ҳалол либос, ҳалол манзил, ҳалол атроф муҳит, ҳалол суҳбатдошлар ва холис меҳнат жуда ҳам қадрланган. Нақшбандийлар меҳнатсевар, инсонпарвар, бутун борлиққа муҳаббатли, ҳар бир нафаслар ва нафаслар ўртасидаги вақтни эзгуликка сарфловчи бағрикенг инсонлар бўлганлар. Уларнинг бағрикенглиги шундаки, бошқа йўлларни инкор этмаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, «Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем», яъни «Биз бу ишни қилмаймиз ва уни инкор ҳам қилмаймиз». Нақшбандия шайхларигина ўз шогирдларини истаган бошқа дарвешлик сулуклардан илм олишларига ижозат берганлар. Нақшбандийлар шу сифатларга эга инсонларни иймони бутун деб ҳисоблаганлар. Демак, Нақшбандийлар мукаммал ҳаракат қилувчи Аллоҳгагина таваккал қилиб яшайдиган инсонлардирлар.

Тасаввуфда иккита йўл мавжуд. Бири Боязид Бастомий асослаган беҳудлик йўлидир. Унда фанофиллоҳ ҳолатида ҳушдан кетиб, жазабага тушиб халқдан узоқлашадилар. Иккинчи йўл Жунайд Бағдодий асослаган ҳушёрлик йўлидир. Жунайд Бағдодий фанофиллоҳдан кейин Ҳақдан халққа қайтиб, халқ ичида Ҳақ тимсоли сифатида ҳушёр яшашни ўргатганлар. Бу ҳолат бақо биллоҳ дейилган. Нақшбандия йўли ҳам шу ҳушёрлик йўлида асосланади. Шунинг учун ҳам нақшбандийлар ўз аслини таниган, ўзини англаган, ўз ўрнини биладиган, халқ ичида илоҳий нурларни таратиб юрувчи ботмас қуёш тимсолларидир. Улар абадий боқий ҳаётга муяссар бўладиган бахтли инсонлардир.

Хулоса қилиб айтганда, Нақшбандия таълимотини эгаллаган инсон миллат, элат, халқ, ирқ, жинс, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳаммага ва бутун борлиққа муҳаббат билан Аллоҳнинг Жамоли ва Жалолининг кўриниши сифатида қарайди ва уни эъзозлайди. Бундай муносабатга асосланган жамиятда тинчлик, хотиржамлик, саломатлик, фаровонлик барқарор бўлади. Демак, Нақшбандиянинг асл моҳияти ер юзида бутун инсониятни икки оламда саодатини таъминлашдир.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари ва у киши яратган таълимот энг комил инсон, буюкларнинг буюки Муҳаммад (с.а.в.) суннатларига уйғундир. Шунинг учун Абдураҳмон Жомий Баҳоуддин Нақшбандни тавсифлаб шундай ёзганлар:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,
Навбати охир ба Бухоро заданд.
Аз хати он сикка нашуд баҳраманд,
Жуз дили бенақши Шаҳи Нақшбанд.
Он гуҳари пок на ҳар жо бувад,
Маъдани ў хоки Бухоро бувад.
Мазмуни:
Ясриб-Мадина, Батҳо-Маккада урилган муқаддаслик муҳрини,
Охирги навбатда Бухорода урдилар.
Ул муқаддаслик муҳри хаттидан баҳраманд бўлмади,
Шоҳи Нақшбанднинг бенақш дилидан ўзга.
Ул пок гавҳар, яъни Баҳоуддин ҳар ерда бўлавермайди,
Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир.

Илмий тадқиқотларимиз натижасида шундай фикрга келдикки, комил инсонни тарбиялаш жараёнида ўқув – услубий, маънавий-маърифий ишларда Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросидаги энг сара теран фикрларнинг асосий ғояларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд айтган барча ҳикмат тўла сўзларини бир тизимга солиш лозим. Биз бу ҳик-

матли сўзларни тизимли таҳлил этиб, асосий тамойиллар сифатида тартибга солдик. Шу тамойиллар асосида маънавий-маърифий таълим ва тарбия ишини ташкил эта олсак, азиз-авлиёлар каби улуғ инсонларни дунёга келишлари учун зарур бўлган имкониятларни яратиш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларининг ибрати, маънавий-маърифий меросининг хулосаси бўлган қуйида келтириладиган тамойилларни комил инсонни тарбиялаш жароёнида фойдаланиш бу ишнинг самарадорлигини оширади:

Биринчи тамойил. Ҳақиқий инсон – ўз аслини биладиган, ўзини англаган, нафсини таниган, вужудидаги илоҳий имкониятлардан эзгулик йўлида фойдалана оладиган инсон.

Бу тамойилдан келиб чиқадиган биринчи ғоя шундан иборатки, Баҳоуддин Нақшбанд аввало инсон ўз аслини билиши, яъни уни Парвардигори олам бутун борлиқнинг гултожи, ўзининг ер юзидаги халифаси, жами махлуқотлар ичида энг мукаммали қилиб яратганлигини англаши ва ўзини илоҳий мавжудот сифатида ҳис этиши унинг комил инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Иккинчидан, инсон ўзини англаши, яъни нима учун яралганини, бу умр унга нима учун берилганини билиши, ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақида тафаккур қилиши, жамиятда ўз ўрнини топишига ва керакли инсон бўлишига ёрдам беради. Инсон ўз-ўзини англаганида умри давомида унга берилган илоҳий вазифанинг моҳиятини билади ва шу омонатга хиёнат қилмай нафаслари орасидаги вақтни ҳам асраб, шунга мувофиқ шукроналик билан ҳаёт кечиради.

Учинчидан, инсон камолоти учун зарурий шарт унинг тараққиётига халақит берадиган, у билан Тангри ўртасида ҳижоб бўлган, илоҳий вужудни ифлос қиладиган нафсини кирдикорларини таниши, аммора нафс ёмонликларидан қутулиши ва нафсни жиловлаб тарбиялаши ҳамда унинг қувватларидан эзгулик йўлида фойдаланиши масаласидир. Баҳоуддин Нақшбанд то инсон ўз нафси ёмонликларини танимаса у ўз аслини ҳам била олмайди, Парвардигорини ҳам таний олмайди, деб таъкидлаган.

Тўртинчидан, инсон ўзига берилган энг катта имконият бўлган вужудни илоҳий хазина эканлигини англаши лозим. У бу хазинани агар унга берилганидек пок сақлай олса, жуда кўп файзу-футуҳларга эришиши мумкинлигини билиб, ундан фақат эзгулик йўлида фойдаланиши керак. Вужудни илоҳий сифатда, аслига мувофиқ пок сақлаш учун ҳалол луқманинг ўрни жуда катта эканлигига Баҳоуддин Нақшбанд махсус эътибор берганлар. Бу улуғ зот айтганларки, ғазаб, ишёқмаслик ва ғафлат билан пиширилган таомга нафси аммора ва шайтоний қувватлар таъсир этади. Бундай таом инсон вужудини ифлос қилади. Ҳалол луқма вужуддаги барча илоҳий имкониятларни очиш калитидир. Баҳоуддин Нақшбанд мудом ҳалол луқмага эътиборда бўлганликлари натижасида вужудлари шундай даражада пок

бўлганки, қирқ йил вужудлари олти томонни ойнадек равшан ва бехато акс эттирган. Манбадаги бу далилдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанднинг вужудлари 31 ёшларидан бошлаб то умрларининг охиригача бутун борлиқни кўзгудек равшан акс эттирган.

Иккинчи тамойил. Ҳақиқий ҳур инсон – Аллоҳгагина қул бўлган инсон.

Бу тамойил инсонни нафс, молу дунё, мансаб, ҳою ҳавасларга қул бўлишдан асрайди. Инсонни илоҳий даражага юксалишига асосий ҳижоб, тўсиқ, парда Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишидир. Инсон қалбини пок бўлиши ва ўзи Тангрига қул бўлиб, унга ўзини таслим этиб, ихтиёрини топшириб, таваккал қилиб унинг розилиги йўлида ҳаракат қилиши инсонни жуда юксак даражага кўтарилиб, улуғвор бўлишига ёрдам беради. Фақат Аллоҳгагина тобеъ бўлиб, боғланган инсон бошқа инсонларни ҳам Тангрининг бандаси сифатида эъзозлаб, ҳаққини адо эта олади. Бундай инсон шаклан кичик олам бўлсада, ботинан Улуғ, Буюк оламдир.

Учинчи тамойил. Одам – яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиши натижасида одам.

Баҳоуддин Нақшбанд: «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир», деб таъкидлаб, хилват, узлат, чиллани бу йўлда йўқлигини айтганлар. «Хилватда шуҳрат, шуҳратда офат, хайрият жамиятдадир», деб уқтирганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзларидан маълум бўладики, одам одамлар билан яшаб, меҳнат қилиб, улар билан мунособатда бўлиб, уларга эзгулик қилиб одам сифатида шаклланар экан. Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлайдиларки, ҳақиқий Ҳазрати Одам номига муносиб бўлиш учун фақатгина яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш лозим. Чунки ҳамсуҳбат инсон вужуди ва қалбига жуда катта таъсирга эга. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд яхши одам билан ҳамсуҳбат бўлишни улуғ бахт деган ва агар суҳбат натижасида ўзида ижобий ўзгаришни сезса унинг суҳбатини ўзига фарз деб билиш лозим деб айтган. Баҳоуддин ёмон ҳамсуҳбатдан қочиш лозимлигини уқтирган. Комил инсонни шаклланиш жараёнида улуғ зотлар, ёши улуғ бамаъни инсонлар, ота-она ва устозларнинг суҳбатида бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуоларини олиш жуда ажойиб натижаларни беради.

Тўртинчи тамойил. Иймонли ва меҳнатсевар инсон – мукаммал ҳаракатдаги инсон.

Комил инсон даражасига камол топиш учун мукаммал ҳаракат қилишни Баҳоуддин Нақшбанд тавсия берганлар. Илмий жиҳатдан инсонни яхлит тизим деб олсак, инсон эзгу ният билан барча қувватларини тўла эзгуликка томон сафарбар этса, шунга яраша раҳмат ва нуру файз олади. Мукаммал иймонли инсон ибодат тушунчасини кенг маънода тушуниб, фарзлар билан бирга ҳалол луқма учун ҳаракат қилади. Бундай инсон меҳнатсевар бўлади. Меҳнат қилиш жараёнида инсон нафси учун елиб югурса, миннат, тама билан ишласа ундай кишида файзу баракот бўлмайди, чунки унинг қувват-

лари бўлинади. Нақшбандия таълимотидаги «Даст ба кор»лик меҳнатсеварликни англатса, «Дил ба Ёрлик» мукаммал иймонлиликни билдиради. «Қўли ишда ва қалби Аллоҳда» бўлган инсон нияти улуғ ва пок бўлиб, меҳнат қилиш жараёнида Аллоҳ ризолиги учун шоду хуррамлик, шукроналик, миннатдорлик, холислик билан амал қилади.

Бешинчи тамойил. Ўзгалар манфаатини ўйловчи ва шу мақсадда ҳаракатда бўлган инсон-энг кўп манфаат топадиган нурли, файзли ва хайру барокатли инсон.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия йўлидаги инсонлар ўзгалар манфаатини устун қўйишларини, эзгулик йўлида барча ҳаракатларини холис бажаришларини таъкидлаган. Инсон қанча кўп кишига яхшилик, эзгуликлар қилса ва бу одамлар ундан манфаат топсалар улардан, бутун коинот ва Парвардигори оламдан раҳмат, нур, файз ва баракот ёғилади. Фақат ўзини ўйлаган худбин инсон ишларининг оқибати ёмонлик билан тугайди.

Олтинчи тамойил. Маърифатли инсон – бутун борлиққа муҳаббатли, меҳр-мурувватли ҳақиқий ватанпарвар инсон.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия йўлининг асл мақсади маърифатли бўлиш эканлигини таъкидлаган. Маърифатли инсон Аллоҳни билади, танийди ва барча нарса-ҳодисаларнинг асл сабабини кўра олади. Баҳоуддин Нақшбанд: «Ер юзи биз учун тирноқ юзичадир», деб беҳудага айтмаганлар. Маърифатли инсон бутун борлиқни Аллоҳнинг Жамоли ва Жалолининг тажаллийси эканлигини кўра олади. Шунинг учун у бутун борлиқни илоҳий мўъжиза сифатида севади. Унинг ҳар бир кўринишига муҳаббат билан қарайди ва меҳру мурувват билан муносабатда бўлади. Бундай инсон ҳақиқий ватанпарвардир. Чунки у Ватанини ҳар қаричини севиб, уни гуллаб яшнаши учун ўзини фидо этади.

Еттинчи тамойил. Энг гўзал инсон -ўзи ҳам, нияти ҳам пок, хулқи гўзал, манзил-макони, атроф-муҳити ҳам пок ва гўзал бўлган инсон.

Аллоҳ Гўзалдир ва гўзалликни жуда-жуда севади. Аллоҳ Гўзалдир ва у бутун борлиқни мукаммал, уйғун, мутаносиб ва жуда гўзал қилиб яратган. Қуръони Каримдаги «Тийн» сурасида марҳамат қилганидек, Аллоҳ бутун борлиқнинг гултожи бўлган инсонни ҳам гўзал тақвимда яратган. Инсон ҳам Аллоҳ каби гўзал бўлишига интилиши лозим. Бунинг учун аввало Аллоҳ каби пок бўлиши керак. Инсон қалби, нияти, вужуди пок бўлса унинг хулқи ҳам гўзал бўлади. Инсоннинг поклигига унинг кийган либоси, яшаётган манзил-макони ва атроф-муҳитининг ҳолати ҳам таъсир қилади. Инсон жисму жасади, руҳи равони, қалб ҳолатига луқма ва ҳамсуҳбат қандай таъсир этса, худди шундай либоснинг ҳалолу поклиги, манзил-макон ва атроф муҳитнинг тоза ва гўзаллиги шунчалик таъсирга эга. Буларнинг ҳаммаси уйғунликда комил инсонни шакллантиради.

Юқоридаги Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг асосий ғоялари инъикоси бўлган етти тамойилни мазмун-моҳияти асосида комил инсонни тарбиялаш жараёнининг қуйидаги томонларига махсус эътибор бериш лозимлигини диққатингизга ҳавола этдик:

1. Инсонни ўз аслини билиши.
2. Инсонни ўз-ўзини англаши.
3. Нафс тарбиясига тизимли ёндашиш.
4. Инсон вужудини мукаммал илмий ўрганиш.
5. Ҳалол луқма,ҳалол вужуд-камолотнинг сири эканлиги.
6. Аллоҳгагина боғланиш улуғ инсон даражасига юксалиш асоси эканлиги.
7. Ҳамсуҳбатнинг инсон камолотига таъсири масаласи.
8. Мукаммал ҳаракат тушунчаси.
9. Иймонлилик ва меҳнатсеварлиликни ўзаро боғликлиги.
10. Меҳнат қилиш жараёнини тўғри ташкил этиш.
11. Дуонинг кучи ва хайру барокатнинг ўзаро боғлиқлиги.
12. Маърифатлилик ва асл Ватанпарварлиликнинг боғлиқлиги.
13. Бутун борлиққа муҳаббат илоҳий раҳмат асоси эканлиги.
14. Инсон гўзаллиги бутун борлиқ гўзаллиги билан уйғунлиги.

Юқоридаги комил инсонни тарбиялашга оид ўн тўрт масала бўйича махсус дастурлар тузиб, боғча ёшидан бошлаб то олий ўқув юртларининг ўқувчи ва талабалари орасигача укув курслари ва тарбиявий ишларни ташкил этишни йўлга қўйиб билсак Ўзбекистонимизда буюк инсонлар сони янада кўпайиб, Ватанимиз жаҳон миқёсида танҳо ва машҳур бўлади.

Умумий хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, Баҳоуддин Нақшбанд улуғ инсон ва унинг ғояларини ўрганиш ёш авлодни улуғворлик руҳида тарбияланишига ёрдам беради.

1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантанали нишонланди. 2020 йилда «Бухоро – Ислом маданияти пойтахти» эканлиги халқаро миқёсда нишонланади. Шу тантаналар вақтида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги ҳам ўтказилади.

Умумий хулоса қилганимизда:

• Баҳоуддин Нақшбанд XIV асрда яшаган, Бухорои Шарифда туғилган маърифатли, ҳақиқатни англаган улуғ зотдир. У киши Силсилаи Шарифнинг ўн олтинчи, Бухоронинг еттинчи пиридир.

• Баҳоуддин Нақшбанд жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган тасаввуф оламининг йирик намояндаси.

• Баҳоуддин Нақшбанддан «Аврод» рисоласи, маърифатга оид қудсий каломлари, насрий ва назмий кўринишдаги ўгитлари сақланган.

• Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш ва бутун борлиққа муҳаббат ғояси ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлиб, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### 1. Расмий адабиётлар

2. Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, № Ф-4988, 11 июль 2017 йил.

3. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 488-бет.

4. Каримов И.А. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи/Халқ сўзи, 1993, 15 сентябр.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 327-б.

6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.

7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон.1999.

8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.:»Ўзбекистон», 2000.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

### 2. Баҳоуддин Нақшбандга оид асосий манбалар

11. Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. Қўлёзма. Россия ФА ШИ, Санкт-Петербург филиали, инв №3464. В 3829. 75б-89а варақлар.

12. Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. Қўлёзма. Россия ФА ШИ, Санкт-Петербург филиали, инв. №3465. А 1539. 25б-44а варақлар.

13. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Авроди Баҳоия)/ Г.Наврўзова таржимаси. Бухоро: «Бухоро», 2000. 40-б.

14. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г. Н. Наврўзова. Тошкент: «Sano standart» нашриёти. – 2019. – 112-б.

15. Авроди Нақшбандия [Матн]/Ж.Нуриддинов. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.-28-б.

16. Evrad-I Bahaiyye. Турк ва араб тилларида. https://www.kerimusta.com/evrad-i-bahaiyye/

17. Али ибн Аҳмад ал-Ғурий. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ, инв. №2393. 464 ҳ.й. 386 варақ.

18. Шайх Муҳаммад Амин ал-Курди ал-Ирбили. Ал-ижобатул раббония аш-шарҳ ва манофеъ ли вирди Нақшбанди Шайх ал Акбари Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал-Увайсий ал-Бухорий. Миср

19. Салохиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1267 хижрий йилда кўчирилган. Қўлёзма. ЎзР Бухоро музейи,инв. №27772/11.

20. Салохиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1328 хижрий йилда кўчирилган. Тошбосма. Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номли Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими, инв. №445. Сулаймон Иззий томонидан турк тилига таржима қилинган. Али Каррий нашр этган.

21. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Тошбосма. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ.й. ЎзР Бухоро музейи,инв. №12545-11. 192-б.

22. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Ёзувчи, 1993. 208-б.

23. Абул Мухсин Мухаммад Бакир ибн Мухаммад Али. Макамат Ходжа Бахауддин Накшбанд. Ступени суфийского пути великого шейха Бахауддина Накшбанда/Перевод с фарси Р.Х.Чепкунова (Равиль ибн Ханафи) Уфа:«Издательство КАУСЯР», 2013. -272 с.

24. Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсийа. Тошбосма. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327/1909. ЎзР Бухоро музейи, инв. №12545, 11-37 варақлар.

25. Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Порсои Бухороий. Қудсия (Каломоти Баҳоуддин Нақшбанд. Бо муқаддима, тасбеҳ ва таълиқ аз Муҳаммад Тоҳири Ироқий). – Теҳрон, 1354.

26. Муҳаммад Порсо ал-Бухарий. Трактат о святости. Перевод и предисловие Ю.А.Иоаннесяна / Мудрость суфиев. С Пб.:Азбука, Петербургское Востоковедение, 2001. 271-372 с.

27. Муҳаммад Порсо. Рисолаи Қудсия (Каломоти Баҳоуддин Нақшбанд) Форс-тожик тилидан Иброҳим Қосимов, Гулчеҳра Наврўзова таржимаси// Бухоро ҳақиқати газетаси. 1994 йил 22-октябрь.

28. Муҳаммад Порсо. Рисолаи Қудсия (Таржима)//Г.Наврўзова «Рисолаи Қудсия» – Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид манба. Шарқшунослик. – Тошкент: «Минҳож», 1996. №7. 119-122-бетлар.

29. Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Форсийдан М.Ҳасаний таржимаси//Миллий тикланиш газетаси 1997 йил. №29-43

30. Хоча Муҳаммади Порсо. Рисолаи Қудсия/Рисолаи пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 93-156 саҳ.
31. Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. ЎзР ФА ШИ, инв. №1466
32. Мавлоно Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари хазинаси, инв.№5825/VI.
33. Мавлоно Яъқуби Чархи. Рисолаи унсия/Рисолаи пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 171-207 саҳ.
34. Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. – Тошкент: Ильин, 1328 ҳ.й.
35. Шихаб ад-дин б. бинт амир Хамза. Житие Амира Кулала. Перевод и предисловие О.М.Ястребовой. Мудрость суфиев. С Пб.: Азбука, Петербургское Востоковедение, 2001. 27-270 с.
36. Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари. Форс-тожик тилидан С.С.Бухорий ва И. Субхон таржимаси. – Т.: Шарқ, 1993.
37. Хўжа Аҳрор. Анфоси Нафиса. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ. й. 5-10-бет.
38. Хоча Убайдуллоҳи Аҳрор. Рисолаи Анфоси Нафиса. Рисолаи пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. –Душанбе:2017. 235-246 саҳ.
39. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи «Анфоси Нафийса»/Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллох Амин. – Т.:Адолат, 2004. 38-47-бетлар.
40. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. – Т.: Адолат, 2004, 385-бет.
41. Абдураҳмон Жомий. Нафахот ул-унс. Лакнау 1399.
42. Абдураҳмон Жомий. «Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул қудс» Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.). З.Қосимова ва Г.Н.Наврўзова таржимаси.//«-Мовароуннаҳр мусулмонлари» журнали-1993 – №1- 9-11-б.
43. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи тариқаи хожагон. ЎзР ФА ШИ, инв. №8825/ III
44. Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жоми. Тошбосма. – Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ. й. Ўз Р. Бухоро музейи, инв №12545-//138-158-б.
45. Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жоми. Форс-тожик тилидан И.Қосимов, Г.Наврўзова таржимаси/ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. – Т.: «Фан», 2007. 191-195-бетлар.
46. Абдураҳмон Жомий. Рисола дар маънии ҳуш дар дам. ЎФАШИ. Қулёзма,инв № 3844-В. 126а-варақ.
47. Мавлоно Абдураҳмон Жомий. Рисолаи Шароити Зикр/Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе:2017. 293-298 саҳ.
48. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР ФА ШИ, инв. №5420
49. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. – Т.: Фан, 2001.
50. Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд// Фан ва турмуш. 1993-№3-4- Б.12

51. Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.с. мадҳида/Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами. 6-жилд. – Т. :Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 82-83-бетлар.
52. Фахруддин Али Сафи. Рашаҳот айн ул-ҳаёт.ЎзР ФА ШИ, инв. №1788.
53. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилари) Нашрга тайёрловчилар:М.Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
54. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот айн-ул-ҳаёт. – Тошкент. Ғуломия матбааси, 1329/191, Бухоро вилояти Ибн Сино кутубхонаси. №1164. 13-64-б.
55. Фахриддин Али Сафий. «Рашаҳот айн-ал ҳаёт» Нақшбанд номи билан машҳур хазрат Баҳоул Ҳақ вад-дин Муҳаммад (қ.с.) зикри. Таржимонлар: З. Қосимова, Г.Наврўзова// «Мовароуннаҳр мусулмонлари» журнали. 1993 – №10-21-25-б.
56. Аҳмад Хожаги Косоний. Рисолаи чаҳор калима. ЎзР ФА ШИ, инв. №501-XVI
57. Махдуми Аъзам. Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний.//Овози тожик. 2003 йил 2 август. Файз Маҳмуд таржимаси. Ўзбек тилига Эркин Зоиров табдили.
58. Муҳаммад Дорошукуҳ. Сафинат ул-авлиё. Конпур.1900.
59. Муҳаммад Тоҳир Эшон.Тазкираи Нақшбандия. ЎзР ФА ШИ, инв. №855/II
60. Тоҳир Эшон. Тазкираи Нақшбандия. Уз Р ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №856
61. Тоҳир Эшон. Тазкираи Нақшбандия//Таржимонлар: М.Ҳасаний, М.Раззоқова ва Г. Музаффарова. – Т.:«Ўзбекистон», 2003. 73-92-б.
62. Шайх Аҳмад Бухорий. Маслак ул орифин. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв №3701.
63. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ул-авлиё (Валийлар мухри) [Матн] / Таржимон Комилжон Раҳимов. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академяси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти – Тошкент: Noshir, 2017.-308-б.
64. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро». Тарихи Муллозода (Бухоро мозорлари зикри) – Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. «Янги аср авлоди», 2009 й.
65. Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001. 119-б.
66. Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал – Ҳанафий ал-Бухорий. Хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. Илмий-оммабоп тўплам. Таржимон: Б.Қазоқов. Бухоро., 1993 й.
67. Хожаи Жаҳон-Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Таржимонлар: М.Ҳасаний, Г.Музаффарова. – Т. «Наврўз», 1994.
68. Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338. ҳ.й.

69. Аҳмад Заҳид Қудку. Тасаввуфий ахлақ. Истанбул: Сена. 1985.
70. Шарафиддин Роқимий. Тарихи Томм. – Тошкент. «Маънавият», 1998. 15-17-бет.
71. Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинат ас асфиё. Канпур: Новал Кишор, 1894 – Т. 2. – Б 548-551.
72. Саййид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Бадиа Муҳиддинова таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. 22-23, 70-71-бетлар.
73. Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд. Ислом энциклопедияси. –Т. 9. Истанбул, 1954. 53-54-бет (турк тилида).
74. Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд. Ислом энциклопедияси. –Т. 9. Истанбул, 1954. 53-54-бет (турк тилидан Абдусодиқ Ирисов таржимаси )/ Жаҳон мулкининг нигоҳбони (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва маыолалар). Бухоро: «Маърифат», 1993. 3-8-бетлар.
75. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. – Т.:1993.
76. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. //Таржимон Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. – Т.: Наврўз, 1994. 16-бет.
77. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола./ Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.:2003.
78. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) /Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. – Т.: Янги аср авлоди. 2003. 64-бет.
79. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт), Одоби тариқат, Коинот ва инсон ҳақида [Матн]: рисолалар/Хожа Юсуф Ҳамадоний; таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур;Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Тошкент: «Movarounnahr», 2018. – 224-б.
80. Ғиждувоний, Абдулхолиқ. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний (Рисолаи соҳибия)/Васиятнома[Матн]:рисолалар/А.Ғиждувоний; таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан; масъул муҳаррир: Усмонхон Алимов; Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Тошкент: «Movarounnahr», 2018.-168-б.
81. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия-Душанбе: 2017, 456 саҳ.
82. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия-Душанбе: 2017, 456 саҳ.
80. Баҳоуддин Нақшбанд ( манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 256-б.

## 4. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумот берувчи илмий тадқиқотлар натижалари

83. Абдураҳмон Чоми. Баҳористон. Душанбе. Адиб, 1987. 32-с.
84. Авлиякулов Н.Х. Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида. – Т.: «Fan va texnologiya», 2018. 60-б.

85. Акимушкин О.Ф. Накшбанд /Ислам.. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. С. 186.

86. Акимушкин О.Ф. Накшбандийя /Ислам.. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. С. 187-188.

87. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем/ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. //Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимугкина. – Москва. Наука Глав. ред.вост.лит-ры, 1989.С.3-13.

88. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). /Перевод с английского А.Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004.

89. Аликулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. 59-б.

90. Алиқулов Ҳ. Нақшбандийлик қадриятлари. – Тошкент:1994.

91. Арабские рукописи ИВ АН СССР. (краткий каталог). Под ред. А.Б. Халидова. – М.: Наука, 1986. С.171.

92. Аҳмад Заки́й Валидий Тўғон. Ғазонхон Халил ва Баҳоуддин Нақшбанд// Фан ва турмуш -1995 -№3.

93. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: 1990.

94. Бабаджанов Б. Политическая деятельность шейхов Накшбандийя в Мевареннахре (первая половина XV.) Дис. Канд. Ист. Наук. – Т.:1996.

95. Бартольд В. Туркестан в Эпоху монгольского нашествия. Том, 1, 2. С-Пб.:1900.

96. Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. (нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Йўлдош Эшбек) Қарши: «Насаф», 2010. 243-б.

97. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. – Тошкент. «Sano-standart» нашриёти. 2019. 256-бет.

98. Бахтиёр Исабек. Яссавийлик ва Нақшбандийлик// Мулоқот -1997-№3 – Б.40.

99. Бекиниёзов Н., Мардонов Ф. Мавлоно Ориф Деггароний (XIV аср)./ Кармананинг етти пири. – Т.: «Turon zamin ziyo»,2017. 22-30-бетлар.

100. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965.

101. М.Н.Болтаев. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх.//Бухоро-1994 й. 50-б.

102. Бобохонов Ш.З., Мансур А. Нақшбандийлик тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. – Т.:1993. 127-б.

103. Бўриев О. Баҳоуддин Нақшбанд ўгитлари// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.10.09.1993.

104. Бухорий С.С. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: Бухоро, 2006.

105. Бухорий С.С. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр). – Т.: «Бухоро», «O‘qituvchi» Нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т.:2007. 120-б.

106. Бухорий С.С. Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. – Тошкент: «Наврўз», 2017. 34-45-бетлар.

107. Бухорий С.С. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: «Наврўз», 2015. 193-202-бетлар.

108. Бухорий С.С. Ҳазрат Сайид Амир Кулол// Бухоро мавжлари. 2007 – №1 – 34-35-бет.

109. Бухорий С.С., Азимов С. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. Бухоро: «Бухоро», 2004. 60-б.

110. Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 127-бетлар.

111. Вамбери Арминий. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи: [Матн] / – Тошкент: Info Capital Group, 2019. 272-б.

112. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар./Масъул муҳаррир И.Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. 368-б.

113. Гордлевский А.Б. Бахоуддин Накшбанд Бухарский. Избр. Соч. Том 3. М.:1962/ 385 с.

114. Жалолиддин Румий. Маснавии Маънавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб./Таржимон Асқар Маҳкам. Шарқ муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. – Т.: Шарқ, 1999. 368-бет.

115. Жаҳон мулкининг нигоҳбони (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва маыолалар). Бухоро: «Маърифат», 1993. 121-б.

116. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: 2001. 189-б.

117. Жўшон М. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2001.

118. Зарипова Г. Нақшбандия таълимотининг инсон камолотига ижобий таъсирининг ўзига хос педагогик усуллари ва ҳозирги замон. Бухоро: «Дурдона», 2014. 155-б.

119. Зоҳидий А. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти// Дунё альманах, 1993.

120. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. – Т.:-ГФНТИ, 1993.

121. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Т.:1991.

122. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.:1993/

123. Идрис Шах. Мыслители Востока. Перевод с англ. Х.Б. Немада. Изд-во «Лориэн» Формы с.е.т. 1994.

124. Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. М. Хайруллаева. – Т.: «Фан»,1991. 146 с.

125. Имом Абу Абдураҳмон ас-Суллами. Табақоти суфиййа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2004. 91 Б.

126. Имом Исмоил ал-Бухорий. Жомеъ ас-саҳиҳ. – Т.1-4.Т.:1994.

127. Инайят-хан. Суфийское послание о свободе духа. Перевод с английского А. Балакина. Москва.: «Реверс»1914. С 46.

128. Ислам. Энциклопедический словарь. М.:Наука, 1991. 315с.

129. Ислом. Энциклопедия:. А-Ҳ / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2017. 672-б.

130. Исломий Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). – Т.: «Моварoуннаҳр», 1995. 40-б.
131. Исмоилов С. Нақшбандийлик – жаҳоншумул тариқат. – Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2016. 122-б.
132. Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: «Бухоро», 2003. 30-бет.
133. Йўлдошев Н.,Бобожонов Ш Баҳоуддин Нақшбанд тарихий – меъморий мажмуаси. – Тошкент: «Наврўз», 2019. – 115-б.
134. Каримов Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавареннахра в XV в: Афтореф. Дис. Канд. Ист. Наук. Т.: 1990.
135. Кныш А. Қалб. /Ислам энциклопедический словарь. Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. 131-бет.
136. Кныш А.Д. Баха ад-дин Накшбанд и накшбандиййа/ Мусульманский мистицизм: Краткая история. Москва – Санкт-Петербург. «Диля», 2004. С. 239-268.
137. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. Москва – Санкт-Петербург. «Диля», 2004. С. 453.
138. Комил инсон хакида тўрт рисола. Фаридиддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Хусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар. / Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. – Т.: «Маънавият». 1997.
139. Комилхон Каттаев. Тасаввуф алломалари. – Т. Ғафур Ғулом номидаги МНИУ, 2017 й.320-б.
140. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Movarounnahr». «O'zbekiston», 2009.
141. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб./Форсийдан Камол Ж. таржимаси. – Т.: Фан, 2005. 368-бет.
142. Мавлоно Яъқуби Чархи ва ҳафт пири Нақшбандия. –Душанбе: «Истеъдод», 2018. 96 с.
143. Маҳдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (Вужуд ҳақида рисола) /Таржимон, тўпловчи ва мақолалар муаллифи Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х. – Бухоро: Бухоро, 2006. 99-бет.
144. Маҳмудов М. Аҳли дил. – Т.:Ўқитувчи, 1997. 311-б.
145. Маҳмудов М. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар./ Аҳли дил. – Т.:Ўқитувчи, 1997. 115-134-б.
146. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Табдил этиб, нашрга тайёрловчи И.Остонақулов. – Т.: Камалак, 1995.
147. Маънавият юлдузлари. – Т. Халқ мероси., 1999. 396-б.
148. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти точик. – Душанбе,1989.
149. Мухлис Намангоний. Туҳфат-ул обидин. Нашрга тайёрловчи Фурқат Ниёз Шофирконий. Бухоро. 2000 й.
150. Муҳаббат тароналари: рубоийлар. Форс тилидан Эргаш Очилов таржимаси. – Т. «Шарқ», 2005. 129-134-бетлар.
151. Мухаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе: Дониш, 1993.
152. Навоий асарлари луғати. – Т.: 1972. 781-бет.
153. Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини.//Фалсафа ва ҳуқуқ – 2009. №3 – 21-23-б.

154. Наврўзова Г.Н. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005. 232-б.

155. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Т.: Фан, 2007. 189-бет.

156. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. – Бухоро: Бухоро, 2008. 40-бет.

157. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174-бет.

158. Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишишнинг ўн шарти хусусида. Бухоро: 2007.

159. Наврўзова Г.Н. Жизнь и учение Бахоуддина Накшбанда/ «Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида Хожагон, Нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти» мавзусидаги Халқаро илмий конференция 1-китоб Навоий-2019. 59-61-бет.

160. Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996. 100-б.

161. Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133-бет.

162. Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири [Матн]: / – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2018-72-б.

163. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд (рисола) – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» 2011. 23-б.

164. Наврўзова Г. Бухорода Нақшбандия – мужаддидия таълимоти. Бухоро 2017. 47-б.

165. Наврўзова Г. Нақшбандияда ваҳдада ул-вужуд таълимоти/ Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағшланган «Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро 2008. 48-52-бетлар.

166. Наврўзова Г., Каримова Л. Нақшбандияга ҳаёт бағишловчи асослар. Имом Бухорий сабоқлари манавий-марифий, илмий-адабий журнал. 2016-№4. 82-84-бетлар.

167. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбандия абадияти// YER YUZI адабий-бадиий, ижтимоий-марифий журнал. 2016-№3-30-33-бетлар.

168. Навўзова Г. «Ҳайрат ул-аброр» асарида Баҳоуддин Нақшбанд тавсифи/«Тарихий хотира-маънавият асоси» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. IX. Бухоро: Бухоро 2016. 144-146-бетлар.

169. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимот/ Ўзбекистон фалсафаси тарихи II том. – Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2017. 34-62-б.

170. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига// Имом Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 2018 -№1. 11-14-бетлар.

171. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меросига янгича илмий ёндашув/Маданий цивилизация контекстида Хожагон-Нақш-

бандия тасаввуфий таълимотлар илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти мавзуидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 1-китоб. Навоий, Бухоро: 2018. 20-29-бетлар.

172. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг имонга оид қарашлари/ «Тарихий хотира-маънавият асоси» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумауи материаллари. Х. Бухоро: Бухоро 2017. 7-10-бетлар.

173. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг табаррук устози. – Т.: «MASHHUR-PRESS», 2016. 147-б.

174. Наврўзова Г., Рахматова Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: «Бухоро», 2010. 159-б.

175. Наврўзова Г.Н., Шарипова О.Т. Абдулхолиқ Ғиждувоний комил инсон тарбияси ҳақида. – Бухоро. «Бухоро», 2000. 166-б.

176. Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг ўрни ва роли (Абдулқодир Гийлоний асарларининг фалсафий таҳлили) – Тошкент: «CHASHMA PRINT», 2013. 132-б.

177. Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб.статей.-Бухара, 1194. -Выл. 3. -с 65-69.

178. Наврўзова Г.Н, Акобирова Д.Ж.Ориф Ревгарий. – Тошкент: «Paradigma», 2018/-56-б.

179. Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои Шарифнинг Етти Пири. – Тошкент: «Muharrir nashriyoti». 2018. 72-б.

180. Накшбанд/ Суфии: собрание притч и афоризмов. М.: Изд-во ЭКСМО-Прес, 2001. С 451-474.

181. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент «Мумтоз», 2015 й.

182. Носиров Р. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти. Т.:1996. 85-б.

183. Озод Мўъмин Хўжа. Ҳазрат Сайид Амир Кулол ( Тарихий воқеаномалар). – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт – матбаа бирлашмаси 2012. – 176-б.

184. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. Т.: Ўқитувчи, 1996. 215-б.

185. Олим С. Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти//Глобаллашув шароитида тариқатлар:Таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар./Масъул муҳаррир И.Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014.176-224-б.

186. Олимов К. Хорасанский суфизм. Душанбе. 1994.

187. Ориф Усмон. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т.: «Университет», 1993. 33-б.

188. Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. Душанбе: Ирфон, 1968.

189. Раззоқова М. Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган асар.// O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar – 1999 – №9-10 – 91-95-бет.

190. Раззоқова М. Мавлоно Яъқуб Чархий (илмий мероси). – Т.: «Муҳаррир», 2013, 112-б.
191. Рахимов К. Саййид Амир Кулол.// Moziydan sado. 2019. – №2 18-22-бетлар.
192. Роузенталь Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе/Инглиз тилидан таржима. М.:Наука,1978.
193. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. 19-б.
194. Сайфиддин Сайфулло, Нодирхон Ҳасан. Хожагон-Нақшбандия машойихлари.//Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т. «Янги аср авлоди», 2003. 31-76-б.
195. Сафарова Нигора. Хожагон тариқати. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2003. 68-б.
196. СВР. Т.Ш.Тошкент. «Фан» нашриёти, 1965. №2394-98.
197. Семёнов А. Бухарский шейх Бахауддин//Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. ТВЛИВЯ. Вып. ХШ-М.:1914.
198. Семёнов А.А. Бухарский шейх Бахоуддин//Восточный сборник в честь А.Н.Веселовского. –М., 1914. – с. 294.
199. Собрание восточных рукописей АН Уз ССР.-Т.: Изд-во АН Узб., 1965,-Т.3.-№2402-2408.
200. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Т.:«Фан», 1994. 88-б.
201. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.:1989.
202. Суфизм в Центральной Азии (Зарубежные иследования). С-Пб.: С-Пб ГУ, 2001.
203. Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского государственного университета. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1962, -с. 132-134, 286-310.
204. Тиллабоев Р. К вопросу об ордене Накшбандийя./ Из истории суфизма: источники и соцсиальная практика. Под ред. М. Хайруллаева. – Т.: «Фан»,1991. С. 16-27.
205. Тиллабоев Р. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник. (Жития шейхов тариката Накшбандийя).. Дис. Док. Ист. Наук. – Т.:1994.
206. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. //Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимугкина. Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989.
207. Турар У.Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180-бет.
208. Турк машойихлари//Фан ва турмуш-1993-№2-Б.10.
209. Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.:1994.
210. Файзуллаев О. Алишер Навоий мутасаввуф-файласуфлар ҳақида// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар-1991. №11.
211. Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ. (Курон, тасаввуф ва фандаги талқинлари). – Т.: «Akademiya», 2005.
212. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004.

213. Фарҳанги забони тожики. Том 1,2. Москва: 1969.
214. Фотима Тимур. Кўнгил дўстлари. Бирнчи китоб. Йўлдош Эшбек таржимаси. – Т. «Мовароуннаҳр», 2004 й. 140-б.
215. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: «Hilol-Nashr», 2016. 295-б.
216. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд қуддисса сирруҳу/Тасаввуф ҳақида тасаввур: – Т.: «Hilol-Nashr», 2016. 112-117-б.
217. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия: Вазифалар, зикрлар. – Т.: «Hilol-Nashr», 2018. 160 б
218. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. //Таржимон ва нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004 й 263-бет.
219. Шамсиддин Сомий. Қомус ал-аълом. Истанбул. 1312 ҳ.й.
220. Шарипова О. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. – Т.: Фан, 2008. 118-бет.
221. Шариф шаҳар шоири. [Matn]: мақолалар тўплами. – Бухоро: «Sadriddin Salim Buxoriy» МЧЖ «Дурдона» нашриёти, 2016. 2064-б.
222. Шейх Муҳаммад Назим аль-Хаккани. Суфийские практики тариката накшбандия. Орел.: ИНБИ, 2005. 240 с.
223. Шодиев Р., Наврўзова Г. Таълимоти ахлоқии Нақшбандия. Т.:1993.
224. Щеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. М.Наука,.1975. Ч.1. №483. Рп.405.
225. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 235-бет.
226. Холназарова М.Х. Нақшбандия тариқатида комил инсон муаммосининг психологик хусусиятлари. Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 156-бет.
227. Юнусова Г.С. Абдулқодир Гийлоний ва қодирия таълимоти. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 168-бет.
228. Юргень Паул. Доктрина и организация Хваджаган – нақшбандия в первом поколение после Баҳауддина. /Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследованиея). Санк-Петербург: Наука, 2001. С. 160.
229. Якубовский А.Ю. Переход от рабовладельческого к феодальному строю. История народов Узбекистана. 1-2 томов. – Т.: АН Уз ССр,1950. 1-том.
230. Қаюмов Азиз. Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд. – Т.: Қўлёзмалар институти, 1993. 28-б.
231. Қодиров Д., Мавлонова Ў. Нақшбандия тариқати силсиласи ва тасаввуф алломаларининг маънавий хислатлари. Т.: «Наврўз», 2017. 279-б.
232. Қодиров Д., Мавлонова Ў. Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳи Нақшбанд хислатлари/Нақшбандия тариқати силсиласи ва тасаввуф алломаларининг маънавий хислатлари. – Т.: «Наврўз», 2017. 165-210-б.
233. Қосимов Убайдулло. Тасаввуф психологияси [Матн]/ –Тошкент: «Dizayn-print» МЧЖ нинг «IJOD-PRESS» нашриёти, 2019-192-б.

234. Қуръони карим. А.Мансур таржимаси. Т.:2001.

235. Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Иҳёу улумид-дин. Биринчи китоб. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.

236. Ғиёс ул луғот. 1-том. Душанбе: Адиб, 1987.

237. Ғиждувоний Абдухолиқ. Васиятнома. // Зикри Қалб Султони (Бадиий, тарихий тўплам) /Тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. 1-қисм. – Бухоро: «Бухоро», 2003. 151-153-бетлар.

238. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. Душанбе: Дониш, 1990.

239. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд: (Тўлдирилган ва қайта нашр) тарихий ва маърифий рисола. Сўзбоши муаллифи ва манбалар асосида нашрга тайёрловчи: М. Азим ўғли. – Т.: «Sano-Standart», 2015. 112-б.

240. Ҳайит Тўлқин. Олам нақши жаҳон кафтида: ёҳуд Баҳоуддин Нақшбанд қарашларида комил инсон тарбияси./ –Тошкент: «Адабиёт учқунлари», 2018. 164-б.

241. Ҳасанов Х., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол (учинчи нашр). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003. 40-б.,

242. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб (дўстлар ёдномаси) – Т.:1993

243. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Баҳоуддин Нақшбанд/206. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар:/Тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 1994. 168-176-б.

244. Хисматулин А. Исламский мистицизм и хваджаган-Накшбандия/ Мудрость суфиев /Пер. с персид. О.М.Ястребовой, Ю.А.Иоаннесяна, Б.М. Бабаджанова. – СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. 7-26 с.

245. Shaykh Muhammad Hisham Kabbani. The Naqshbandi Sufi way/History and Guidebook of the Saints of the Golden Chain. –Chicago: Kazi Pubi: cations, ins, 1995. 469 p.

**М У Н Д А Р И Ж А**

КИРИШ
МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ....................................3
I. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТ ЙЎЛИ..............................................21
1. Баҳоуддин Нақшбанд тавсифи...............................................................21
1.1. Муҳаммад исми ила туғилган валий ....................................................21
1.3. Нақшбанд номи ила аржуманд .............................................................26
1.4. Балогардонлик – илоҳий сифат ............................................................30
2. ТАРБИЯ ҚИЛГАН УСТОЗЛАР ............................................................33
2.1. Баҳоуддинни маънавий фарзандим деган Улуғ Зот .............................33
2.2. Баҳоуддинга илк руҳий таълим берган устоз ........................................38
2.3. Яссавия таълимотидан олинган илк сабоқлар ........................................40
2.4. Увайсийлик – Хожаи Жаҳон руҳий устоз ............................................45
2.5. Амир Кулол тарбияси ...........................................................................53
2.6. Ориф Деггаронийдан олган сабоқлар ....................................................68
2.7. Қусам Шайхдан олинган сабоқлар.........................................................71
2.8. Таважжуҳ ...........................................................................................72
2.9. Ғавсул Аъзам ва Баҳоуддин Нақшбанд..................................................86

II. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ................90
1. Нақшбандия таълимоти асосчиси .........................................................91
1.1. Вуқуфи Замоний...................................................................................98
1.2. Вуқуфи ададийи.....................................................................................107
1.3. Вуқуфи қалбий ......................................................................................109
1.4. Маърифатга оид қарашлар ...................................................................119
1.5. Ҳижоб ва уни бартараф этиш хусусида .................................................122
1.6. Нафс тарбияси .......................................................................................127
1.7. Ҳаёт – нафаслар тизими ........................................................................129
2. «Авроd» рисоласи ......................................................................................135
3. Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли каломлари ......................................143
3.1. Инсоннинг ўзлигини англашга ёрдам берувчи каломлар..................145
3.2. Инсонпарварлик руҳидаги каломлар ....................................................146
3.3. Меҳнатсеварликка ва мукаммал ҳаракатга ундовчи каломлар..........148
3.4. Одам яхши ҳамсуҳбатлар билан одам эканлигини англатувчи каломлар.................................................................................................150
3.5. Маърифатли бўлишга бошловчи каломлар .........................................153

3.6. Борлиққа муҳаббат ва меҳру мурувватли бўлишга ундовчи каломлар......156

III. БАЛАНДПАРВОЗ РУҲНИНГ РИҲЛАТИ......160
ХУЛОСА......166
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ......176

**Гулчеҳра Наврўзова**

# ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент–2021

| | |
|---|---|
| Муҳаррир | Низомжон Исломов |
| Бадиий муҳаррир | Умид Сапаев |
| Мусаҳҳиҳ | Рухшона Ашурова |
| Саҳифаловчи | Шаҳбоз Сирожиддинов |

Нашриёт лицензияси AI № AI № 266, 15.07.2015 й.
07.07.2021 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70×100 $^{1}/_{16}$. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 15,6. Адади 000 нусха.
Буюртма рақами №00. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонасида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.
Тел.: +99899 7917555, +99871 2622154
email: fan_ndk@mail.ru